Бизнинг спектрал анализ илмий-тадқиқот лабораториясида олиб борилган қатор илмий изланишлар натижасида пахта чигити ва уни қайта ишлаш саноати

маҳсулотларидаги заҳарли модда - госсипол миқдорини люминесценцияни сўндириш усули ердамида аниқлаш услуги кашф этилди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики госсипол моддаси формуласида қатор ароматик халқалар бўлишига қарамасдан у люминесценция хоссасига эга эмас экан.

Вавилов ва Галанин сингари олимларнинг таъкидлашича айрим моддалар ўзи нурланиш хусусиятига эга бўлмасда лекин ўзига ўхшаш формулага эга бўлган нурланувчи моддалар эритмасининг люминесценциясини сўндириш хусусиятини намоён қилиш мумкин. Биз ана шу фикрларга асосланиб госсипол моддаси формуласига ўхшаш формулага эга бўлган бир нечта люминофорларнинг хоссаларини ўрганиб чиқдик. Булар флюоресцеин, родамин-С, родамин-6Ж сингари люминофорлар бўлиб, улар нафақат формуласи жиҳатидан госсипол формуласига ўхшаш, балки госсипол эрийдиган эритувчиларда эриш хоссасига ҳам эга экан. Биз олдимизга мақсад қилиб госсиполни пахта ёғидан ажратмаган ҳолда аниқлаш вазифасини кўйган эдик, демак биз танлаган люминофор эритувчисида пахта ёғи ҳам эриши талаб этилар эди.

Юқорида келтирилган барча талабларга жавоб берадиган люминофор бу родамин-6Ж моддаси бўлиб чиқди. Эритувчи сифатида тоза, сувсизлантирилган ацетон моддаси танланди.

Родамин-6Ж люминофорининг спектрал хоссалари (ютилиш спектрлари) СФ-46 спектрофотометрида 200 нм дан 700 нм гача оралиқда ҳар хил миқдорли эритмалари (0,0001% дан то тўйинган эритма ҳосил бўлгунча - 0,0033 %) учун ўрганиб чиқилди. Олинган натижалар кўрсатадики родамин-6Ж люминофори биз танлаган соҳада 240 нм, 365 нм, ва 470 нм тўлқин узунликларда ҳар хил экстинкцияли ютилиш спектрларига эга экан.

Родамин-6Ж люминофорининг люминесценция хоссалари спектрал анализ лабораториясида йигилган 3 та МДР-2 монохроматоридан ташкил топган (уларнинг иккитаси 200 нм дан 700 нм гача тўлқин узунликдаги юқори даражада соф монохроматик нур дастасини ҳосил қилувчи кўзгатувчи, учинчиси эса шу тўлқин узунликлардаги нурланишларни (люминесценцияни) аниқловчи вазифасини бажарувчи) люминесцент асбобида ва ЎзФА Ядро физикаси институтидаги Hitachi фирмасининг люминесцент асбобида такрорланиб ўрганиб чиқилди.

Госсипол моддасининг ютилиш спектрлари ҳам юқорида келтирилган родамин-6Ж моддаси сингари усулда ўрганиб чиқилди ва 366 нм тўлқин узунликда максимал ютилишга эга эканлиги аниқланди.

Родамин-6Ж люминофорининг ацетонли эритмасига соф госсипол порошоги қўшилиб эритма ҳосил қилинди ва бу эритманинг барча спектрал хоссалари қайта ўрганиб чиқилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики госсипол моддаси 366 нм тўлқин узунликдаги родамин-6Ж нинг кўзватиш спектрида кучли сўндириш хусусиятига эга экан. Унинг шу хусусиятидан фойдаланиб родамин-6Ж нинг ацетонли тўйинган эритмасига (айнан тўйинган эритмасида яхши натижалар олинганлиги сабабли) госсипол моддасининг ҳар хил миқдордаги порошоги қўшилди, турли хил процентли эритмалари тайерланди (0,0001 %) ва градуировка графиги тузилди. Тузилган градусировка графиги асосида соф госсиполни аниқлаш усули яратилди.

Пахта ёғидаги госсипол миқдорини аниқлаш учун родамин-6Ж нинг ацетонли эритмасига олдиндан тайерланган пахта ёғининг ҳар хил концентрацияли госсиполи бўлган эритмаларидан маълум миқдорда аралаштирилди ва люминесценция спектрлари олинди. Олинган натижалар соф госсиполни аниқлашда қандай бўлса шундай натижаларни берди. Шу асосда яна градуировка графиги тузилди ва пахта ёғидаги госсиполни аниқлашнинг экспресс услуги таклиф этилди. Бу услубнинг қулайлиги

шундаки, биз госсипол моддасини пахта ёвдидан ажратмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнининг исталган занжирида тез ва юқори даражада аниқлаш имкониятига эга бўлдик.

Тал қўйилмалар халқаро стандартлар асосидаги ҳисобнинг объекти сифатида

С. Р. Эгамбердиева
Қарши МИИ

Бозор муносабатлари жараёнида бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаси корхона бошқарув тизимини маълумотлар билан таъминлашдир. Ҳозирги вақтда ушбу вазифани тўлиқ бажарилмаётганлиги ва бу борада ўзгартиришлар қилиш ҳамда капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисодиёти талабларига ва халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириб бориш давр талаби эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Капитал қўйилмалар ҳисобини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш ҳисоб маълумотлари доирасини, мазмунини, ҳисоб объектларини акс эттириш усулларини кенгайтириш асосида бўлмаслиги керак. Зеро ушбу ҳолат ҳисоб ишларининг ҳажми ортишига олиб келиши мумкин. Капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади. Шунингдек, корхона бўлинмалари фаолиятида капитал қўйилмалар ҳақидаги зарурий, тезкор ва аниқ маълумотларни бухгалтерия ҳисоби бериши керак.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ривожланган мамлакатлардаги каби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлган ҳолда ташкил қилиш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича қатор амалий ишлар қилинди. Навбатдаги муаммо, капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун счётлар режасини ишлаб чиқиш, капитал қўйилмалар ҳисобини ташкилий асослари ва услубиётини такомиллаштириш, харажатларининг келиб чиқиш жойи, жавобгарлик марказлари бўйича таҳлил ва назорат қилиниши ҳамда ресурслардан фойдаланишда меъёрлардан четга чиқишлар каби вазиятлар эътиборга олиниши керак.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Капитал қўйилмалар молиявий ҳисобни объектими ёки бошқарув ҳисобими? Бунинг учун аввало, молиявий ва бошқарув ҳисоби объектини ва вазифаларини аниқлаб олиш зарур. О.Бобожонов, К.Жуманиёзовларнинг фикрича, «Молиявий ҳисоб ташкилот» молиявий тарихини акс эттиради.

Бухгалтерия ўтказмалари хўжалик муомалалари содир бўлиб ўтгандан кейин берилади. Гарчи молиявий ҳисоботнинг маълумотлари режалаштириш учун асос қилиниб олинса ҳам, улар ўз табиатларига кўра тарихий хусусиятга эгадир. Бошқарув ҳисоби эса тарихий хусусиятга эга бўлган ахборот билан биргаликда келажакни баҳолаш ва режалаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Бизнингча капитал қўйилма бошқарув ҳисобини объекти сифатида ўрганилиши керак. Чунки, молиявий ҳисоб асосан қийматликларни ҳисобга олади, капитал қўйилма эса келгусида иқтисодий фойда келтирувчи қийматлик шаклига келтирилмаган активни яратиш учун сарфланган харажатлардан иборатдир. Иккинчидан капитал қўйилмал

тугалланмаган жараён эканлигини инобатга олганимизда бу харажатлар молиявий ҳисобни эмас бошқарув ҳисобининг объекти сифатида қаралишини тақозо қилади.

Капитал қўйилмалар катта ҳажмдаги харажатлар эканлиги боис, улар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Уларни синтетик ва аналитик ҳисобни тўғри ташкил этиш ҳамда улар назоратини ўз вақтида олиб бориш келгусида ушбу маълумотлардан фойдаланувчилар субъект фаолияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларига имкон яратади. 0800-«Капитал қўйилмалар» счётидаги ҳисобга олинган муомалаларни ҳисобга олиб бориш амалдаги ҳисоб тизимида молиявий ҳисобнинг объекти ҳисобланиб келмоқда. Аслида харажатларни ҳисоблаб, маҳсулот таннархини аниқлаб бориш бошқарув ҳисобини вазифасига киради. Шунинг учун бизнинг фикримизча, 0800-«Капитал қўйилмалар» счётидаги муомалаларни ҳисоби бошқарув ҳисобини объекти қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда қаердаки ҳисоб объекти тўғри белгилаб олинса, ўша жойда таҳлил ва назорат аниқ, талаб даражасида бўлади ҳамда ҳисобни таҳлилий ва назорат хусусияти ортади.

Ипакнинг физик-механик хусусиятларини ўзгаришига радиациянинг таъсири

С.С Собиров, Р. Ю. Муллажонов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти

Маҳсулот баҳосини белгилашда унга сарфланган харажатлар катта ўрин тутади. Маҳсулотнинг боҳоси аввалом бор, унинг таннархини ташкил этувчи сарф-харажатларга боғлиқ.

Трикотаж маҳсулотларининг таннархига асосан хом ашё сарфи ва трикотаж машиналарининг игна-платиналари маҳсулотлари сарфи катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришдан олинган кўрсаткичлардан маълум бўлдики, хом ашё материаллар маҳсулот таннархининг 70-80 фоизини ташкил этса, игна-платина маҳсулотлари маҳсулот таннархининг 10-30 фоизини ташкил этади.

Агарда ҳозирча игна-платина маҳсулотларини четдан олиб келинишини назарда тутсак, бу кўрсаткич божхона туловлари ва транспорт харажатлари ҳисобига янада ошиши яққол кўриниб турибди.

Шунинг учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда игна-платина маҳсулотларини сарфини камайтириш, улардан фойдаланишнинг самарали усуллари ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кам сарф-харажат талаб қиладиган янги технологияларини яратиш трикотаж саноати олдида тўрган энг долзарб масалаларидан биридир.

Ушбу долзарб масалани назарда тутиб «Трикотаж технологияси ва дизайни» кафедрасида бир қатор олимлар томонидан проф. М.М. Муқимов раҳбарлигида назорат ва амалий ишлар олиб бормоқдалар. Бу изланишларни олимларимиз т.ф.н. А.Э. Исабаев, Р.Н. Абдуллаев, Н. Хонходжаева, Б.М.Муқимовларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин. Бу изланишларга кафедра магистрантларининг жалб этилаётгани илмий ишларнинг нечоғлик долзарблигини кўрсатади.

Тажрибалар, кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, трикотаж машиналарининг игна-платина маҳсулотлари ичида энг куп сарфланган маҳсулотлар бу игналардир. Трикотаж машиналарининг 80 фоиздан кўпроги тилчали игналар билан ишлайдиган машиналарга тўғри келади. Тилчали игналарнинг энг нозик қисми бу игна тилчаси ҳисобланади. Игна оғирлигининг 2-5 фоизини ташкил этувчи

аъзонинг синиши ёки ишдан чиқиши унинг 90-95 фоизини ташкил этувчи метални ташлаб юборишга сабаб бўлади. Игналардан иккинчи бор фойдаланиш унга кетаётган сарф-харажатни икки марта қисқартиради. Бу катта бир фабрика миқёсида жуда катта самара бериб, маҳсулот таннархини 10-15 фоизга камайтиришга имкон беради.

Айлана ва ясси игнадонли оборот машиналарида икки бошли икки тилчага эга бўлган игналар қўлланилиб, тўқиш жараёнида иккита тилчадан биттаси синган ҳолда игнани ишдан чиқишига сабаб бўлади (сананинг иккинчи бошидаги тилчали яровли бўлган ҳолда ҳам). Игнанинг битта тилчаси синиш трикотаж матосида халқаларни йигилиб қолишига ва нуксонларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Оборот машиналарида тўқиш жараёнини таҳлил қилиб трикотаж машиналарида бир тилчаси синган игналари қўллаб трикотаж тўқималарни олиш технологиялари яратилди.

Бу тўқималарни олиш жараёнида тилчаси бир томонлама синган игналарни 10-100 фоизгача ишлатиш мумкинлиги исботланди.

Бу тўқималар синфига бир каватли полуфанг, фанг, икки каватли полуфанг, икки каватли фанг, икки каватли тескари трикотаж, аркокли пресс трикотаж тўқималари, пресси тукли трикотаж тўқималари киради.

Бу тўқималарни олишда трикотаж машиналарининг конструкциясига ҳеч қандай ўзгартиришлар киритилишини хождати йўқ. Олинаётган трикотаж тўқималарини ишлаб чиқаришда машиналарнинг тезлик режимлари ўзгармайди.

Айниқса, бу игналарни қўлланилиши тукли трикотаж тўқималарини тўқиб чиқаришда катта самарани беради. Бир томони синган игналардан фойдаланиб тукли трикотаж тўқималарининг 10 дан ортиқ хом ашё сарфини олдингиларидан кам бўлган, шакли сақловчанлик қобиляти тургун бўлган, юқори қалинликка, хажмга эга бўлган тўқима турлари структуралари ва олиниш усуллари яратилди.

Ҳозирда трикотаж тўқималарининг янги усулда олиниш технологияларини Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига бериш устида иш олиб борилмоқда.


Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш хом ашё ресурсларидан ва материалларидан оқилона ва самарали фойдаланишга катта хисса қўшади деган умиддамиз.

**Аррали тола ажратиш машинасида қўзғалмас колосникнинг
иш бажариш қобилятини аниқлаш.**

Х.С. Холмуратов
«Машинасозлик» кафедраси ассистенти

Ҳозирги вақтда пахта тозалаш заводларида ЗХДДМ, ДП – 130, 4ДП – 130 русумли қатор тола ажратиш машиналари қўлланилмоқда, ЗХДДМ машинасининг аррали цилиндрига пахта оқим билан тўғридан-тўғри узатма ДП – 130 ва 4 ДП – 130 машиналарида махсус кодлаш жиҳозлари ёрдамида пахта узатилади. Шу сабабли ЗХДДМ машиналарида аррали цилиндр ўрама ҳосил бўлади. Бу эса толани шикастланишига, чигитни эзилишига, аррани ейилиши-га, шунингдек электр энергиясини кўп истемол қилинишига сабачи бўлади. Ушбу камчилик ДП – 130, 4ДП – 130 машиналарида бартараф қилинган. Бу машиналарда махсус қодоқлаш – таъминлаш механизми жойлаштирилган. Шундай бўлишига қарамасдан сериялаб чиқарилаётган, юқорида келтирилган машиналарда чигитни эзилиши 12 фоиздан ошиқ, Толанинг узилиши ҳам 1,5 фоизга етади.

Юқорида кетирилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида тола ажратиш машинасига янги айланувчи колосник тавсия қилинди



Расм 1. Айланувчи колосникли жин.

1-аррали цилиндр. 2- айланувчи колосник. 3-қўзгалмас колосник.

Бу эса аррали цилиндр олдида пахтадан ҳосил қилинган цилиндр ўрами ҳосил бўлишини, чигитнинг шикастланишини олдини олади. Янги конструкциядаги аррали тола ажратиш машинасида айланувчи колосник аррали цилиндрни айланиш ўқидан ўтувчи вертикал текисликда жойлаштирилган бўлиб у аррали барабан тишларига ботириб киритилган. Айланувчи колосник ва аррали цилиндр ўртасида қўзгалмас колосник ўрнатилган.

Аррали колосник конструкциясига киритилган ўзгаришларни самарадорлигини аниқлаш мақсадида улар таққослаб синаб кўрилади. ЗХДМ маркали тола ажратиш машинаси билан янги тола ажратиш машинаси таққосланади.

Тажриба ўтказиш жараёнида бир хил миқдордаги ва сифатдаги чигитли пахта машиналарда жинланади. Тажриба натижаси шуни кўрсатдики тола ажратиш машинасига киритилган янгилик самарали бўлиб чиқди. Янги машинада чигитни шикастланиши 1фоизгача бўлди. Сериялаб ишлаб чиқиладиган ЗХДМ машинасида эса ушбу кўрсаткич 12 фоиздан юқори қийматга эришди.

Демак аррали жинлаш машиналарида қўзгалмас колосникни қўллаш чигит шикастланишини камайтиришга имкон яратар экан.

Математик моделлаштиришда янги информацион технология муаммолари

*Ш.Р. Муминов, А.А. Абдуллаев, А.Ш. Муминов
Бухоро ОО ва ЕСТИ.*

Янги информацион технологияни ўқув жараёнининг асосий босқичларига қўллаш «Математик моделлаштириш» фанини миллий иқтисодиётимизнинг шубҳасиз улкан муваффақиятларга келтирувчи асосий йўл ва замон талабадир. Лекин афсуски муҳандисларни тайёрлаш ўқув режасида бу фанга охириги вақтлар кам аҳамият берилмоқда. Бу фанни кафедралараро фан ҳисоблаб албатта ўқув режага киритишни баъзилар тан олишлари керак. Маълумки ҳозирги замон иқтисодий фан иқтисодий жараёнларни математик моделлаштиришда асосланган бўлиб, унда қўлланидиган математик тил эса, иқтисодий факт ва қонуниятларни тўлиқ ифодалай олади. Юқоридагиларни назарга олган ҳолда жараёнларни математик моделларини талабалар

ва муҳандислар туза билиб амалиётда қўллашлари зарур вазифаларидан бири деб қабул қилиш лозим. Математик моделни қуришдан олдин биз модел қайси талабларга жавоб беришини билишимиз керак. Бу талаблар қуйидагилар:

- конкрет объектнинг модели бошқа ўхшаш объектларга қўлланиши учун керакли даражада универсал бўлиши шарт;

- модел шундай қурилиши лозимки, уни деярли ўзгартиришсиз ўзидан юқори даражали моделга модел ости сифатида киритиш мумкин бўлсин;

- моделда масалани ечишга зарур факторларни ҳисобга олиш керак;

- модел ҳисобга олинishi зарур бўлган факторларга нисбатан сезгирлик даражаси паст бўлиши шарт (ҳисобга олинishi мумкин бўлган факторларни аниқ қийматини экспериментда аниқланишини мураккаблигини назарга олган ҳолда);

- модел блокли принципда қурилиши лозим, яъни ўзгарувчилар то иложи борича алоҳида блокда ҳисоблансин (автоном ҳолда), токи моделни модификацияси (ўзгартириш) қулай бўлишлиги учун.

Биринчи қўйилган талабнинг маъноси, яъни реал объектнинг математик модели керакли даражада умумий бўлиши керакки. Бундабиз уни кам ўзгартириш туфайли бошқа ўхшаш объектларга қўллаш имкониятига эга бўламиз. Мисол учун олсак иссиқлик ўтказувчанликни чизиқсиз тенграмасини нафақат иссиқлик жараёнларини ёзиш учун, балки диффузия, ер ости сувларининг ҳаракати, газнинг пўк (пористик) қаватлардаги фильтрациясидек жараёнларни ўрганишда ҳам ишлатиш мумкин. Бунда фақат моделга кирувчи катталикларни маъноси ва ўзгармас катталикларни қиймати ўзгариши мумкин. Бу ердан келиб чиқадики, бундай объектларнинг умумий ва асосий қонунлари бир хил абстракция кўринишга эга бўлиши мумкинлиги.

Иккинчи қўйилган талабда математик моделни компактлиги назарда тутилган. Моделни кўраётганда, модел керакли вақтда ўзидан юқори даражали моделнинг бир блоки сифатида ишлатилиши ҳамма вақт назарда тўтиш керакки. Мисол дарахтни математик модели ўрмон экосистемаси моделининг бир блоки сифатида, ёки фотосинтез жараёнининг математик модели дарахт математик моделини бир блоки сифатида ишлатиш мумкинлиги назарда тутилади.

Учинчи қўйилган талабни маъноси то иложи борича иккинчи, учинчи даражали факторларни математик моделлаштиришда ҳисобга олмаслик, яъни моделни мураккаблаштирмаслик. Мисол, эпидемияни тарқалишининг математик моделида шамолнинг тезлигини ҳисобга олиш моделни анча мураккаблаштиради, аммо атроф-муҳитнинг ифлосланувчи коцергенларини тарқалишни акслантирувчи, геопотенциал, атмосфера температураси математик моделга шамол йўналишини ва тезлигини ҳисобга олмаслик умуман мумкин эмас. Яна бир мисол сув қувуридаги сувнинг оқимининг математик моделини кўраётганда Ойнинг таъсирини ҳисобга олмасак ҳам бўлади, аммо денгиз ёки океандаги сув тошқинларини ҳисоблаётганда биз албатта Ойнинг тортишини ҳисобга олишимиз керак, чунки сув тошқинлари тўғридан-тўғри Ойни тортишиш натижасидир.

Тўртинчи қўйилган талабнинг маъноси шуки реал табиатдаги кўпгина факторларни ўлчашда анчагина хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда факторни аниқ қийматини ўлчаш мумкин бўлмасдан қолади. Сабаби ё ўлчашни бирор бир аниқ мукамал методикаси йўқ ёки умуман иложи йўқ. Мисол, об-хавони прогнози, ҳашаротларни пахта майдонидаги сони, Ойнинг Ер атрофида айланиш траекториясининг аниқ қонунияти ва ҳоказолар то ҳозиргача тахминий. Бундан келиб чиқадики, бизни математик моделимиз ҳар бир ҳисобга олинган факторларнинг қийматини аниқлашда жуда кичик қўйилган хатоликка сезгир бўлса, унда бизнинг моделимиз ҳеч қачон қониқарли натижа бермайди. Шу сабабли модел

ҳиссбга олинадиган факторларга нисбатан қўпол бўлиши шарт, яъни факторларнинг қийматига сезгир бўлмаслик.

Албатта, бундай талаб ҳамма вақт ҳам ўринли бўлмайди. Агар биз технологик жараёнларни математик модели ҳақида гапирмоқчи бўлсак тўртинчи талаб ўринли эмас. Бундай талаб фақат табиий жараёнларни ҳисобга олинаётганда ўринлидир

Бешинчи талаб математик моделнинг унча катта бўлмаган ўзгартиришсиз тезда мослашишга қаратилган бўлиб, моделнинг универсаллигини характерлайди.

Математик модел ёрдамида ҳар хил мантиқий, назарий ва амалий экспериментлар ўтказиш ёрдамида объект ҳақида янги маълумотларни йиғиш ҳақида, яъни илмий назарий тадқиқот ишлари олиб борилиши тушунилади.

Юқоридагилардан маълумки, математик моделлар ва уларни хоҳлаган тармоқларга қўллаб, уларнинг иқтисодий-математик моделларини, физикавий моделларини, геометрик моделларини тузиш мумкин экан. Шундай қилиб, тармоқнинг АБС-ни тузиб, параметрларини ўзгартириб бошқариш мумкин.

«Маъмун академияси» олимларининг ишларидан алгебра дарсларида фойдаланиш

А. Акмалов

Низомий номидаги ТДПУ

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга математикани ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири: математика ривожига комусий олимларимиз кушган улкан ҳиссаларидан ўқувчиларни хабардор қилиш деб таъкидланган.

«Маъмун академияси»да фаолият кўрсатган комусий олимлардан Абу Райҳон Бруний ва ибн Синоларнинг алгебрага оид ишларидан намуна келтираимиз.

Абу Райҳон Бруний алгебрадан махсус рисола ёзган бўлмаса ҳам, аммо унинг математика ва астрономияга доир асарларнинг айрим бобларида алгебрага тегишли муҳим маълумотлар баён қилинган. Брунийнинг "Астрономия" асарида "Содда тенгламалар нима?"-деган саволга жавоб бериб, бизнинг белгилашларимизда: $bх=a$; $сх^2=a$ ва $сх^2=bх$ тенгламаларни кўрсатади.

"Мураккаб тенгламаларга: $сх^2+bх=a$; $сх^2+a=bх$; $bх+a=сх^2$ кўринишдаги тенгламаларнинг ечимларини келтиради ва улардан фойдаланади."Қонуни Маъсудий"нинг учинчи мақоласида у доирага ички чизилган мунтазам ўнбурчакнинг томонини қуйидаги тенглама ёрдамида топади :

$$R^2 + \left(\frac{R}{2}\right)^2 x = \left(x + \frac{R}{2}\right)^2 \quad \text{бу ифода} \quad \frac{5R^2}{4} = x^2 + Rx + \frac{R^2}{4} \quad \text{ёки} \quad R^2 = x^2 + Rx \quad \text{квадрат}$$

тенгламага эквивалент. Бундан $x = \frac{R}{2}(\sqrt{5} - 1)$ бўлади.

Булардан ташқари "Астрономия" асарида "Чизиқли ва квадрат тенгламаларни ечиш", "Тулдириш ва қарама-қарши қўйиш нима?", "Қонуни Маъсудий"да "Кубик тенглама" ёрдамида айланага ички чизилган мунтазам туқдизбурчакнинг бир томонини топиш усулини, тўртинчи бобида бурчак трисекциясига оид масалани қарайди: $\cos 3\alpha$ тригонометрик соддалантиришлар орқали $\cos 3\alpha = 4\cos^3 \alpha - 3\cos \alpha$ ифодага келтиради. Агар номаълум $\cos \alpha$ ни x , маълум $\cos 3\alpha$ ни a билан белгиласак, $4x^3 - 3x - a = 0$ тенгламани ҳосил қиламиз.

Ибн Сино "Китоб аш-Шифо" асарида фалсафий фанларни назарий ва амалий қисмларга ажратган. Ибн Сино математик илмлар тўрт бўлимдан иборат: сонлар тўғрисидаги илм, геометрия, астрономия ва мусиқа ҳақидаги илм. Шунингдек олти шахобча: қўшиш, айриш, алжабр ва муқобила илми, ўлчаш илми, механика, астрономик жадваллар ва илми ҳамда мусиқа асбоблари тўғрисидаги илмга ажратади.

Ибн Сино натурал қатордаги ҳамма сонларни айрим-айрим квадратга кўтарсак, натижада ҳосил бўладиган сонларнинг бирлар хонаси ҳамма вақт 1,4,5,6,9 сонлардан бирига тенг деб кўрсатади.

ҳақиқатдан ҳам: $11^2=121$; $12^2=144$; $25^2=625$; $38^2=1444$; $54^2=2916$; $59^2=3481$; $75^2=5625$.

Кейин Ибн Сино сонлар квадратини 9 рақами билан хинд ҳисоби усулида текшириш масаласини қуйидаги қоидалар билан ифодалайди.

1. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 1 ёки 8 қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда 1 қолади.

Берилган сонлар M ва N бўлсин. Қоидага кўра: $M=9n+1$; $M^2=(9n+1)^2=81n^2+18n+1=9(9n^2+2n)+1$; $9(9n^2+2n)$ ифода 9 га бўлинади, қолдиқ 1. $N=9k+8$; $N^2=(9k+8)^2=81k^2+72k+64=81k^2+72k+63+1=9(9k^2+8k+7)+1$; $9(9k^2+8k+7)$ ифода 9 га бўлинади, қолдиқ 1.

2. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 2 ёки 7 қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда ҳаммаша 4 қолади.

3. Агар сонни 9 га бўлганда, қолдиқда 4 ёки 5 сонлари қолса, у ҳолда бундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда 7 қолади.

4. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 3, 6 ёки 9 қолса, у ҳолда ундай сонларнинг квадрати 9 га бўлиниб, қолдиқда 9 қолади.

Тарихий маълумотларга асосан Ибн Сино $(a\pm b)^2=a^2\pm 2ab+b^2$ формулани геометрик усул билан исботлаган. Ибн Сино сонларни кубга кўтарганда ҳам 9 рақами билан текшириш қоидаларини келтиради.

1. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 1,4 ва 7 қолса, у ҳолда бундай сонларни кубга кўтарганимизда натижаси 9 га бўлиниб, қолдиқда 1 қолади.

Исботи: $N=9k+4$ бўлсин, у ҳолда $N^3=(9k+4)^3=729k^3+ 972k^2+432k+63+1$; $729k^3+972k^2+432k+63$ ифода 9 га бўлинади, қолдиқ 1.

2. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 3,6 ёки 9 қолса, у ҳолда бундай сонларни кубга кўтарганимизда натижаси 9 га бўлиниб, қолдиқда 9 қолади.

3. Агар сон 9 га бўлиниб, қолдиқда 2,5 ва 8 қолса, у ҳолда бундай сонларни кубга кўтарганимизда натижаси 9 га бўлиниб, қолдиқда 8 қолади.

Маълумотларга кўра Абу Райҳон Беруний Хоразмга 1004 йил қайтган, 1005 йилда Ибн Сино ҳам Гўрганжга келган. «Маъмув академияси»да ал-Масхий, ал-Ҳаммар, Ибн Ироқ каби олимлар, табиблар фаолият кўрсатишган. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки Абу Райҳон Беруний 100 дан ортиқ асар ёзган бўлса, шулардан 22 таси математикага оид билимлар баён қилинган.

*Ч.Э.Мирзаев, А.Аралов, Турдибоев Д
Гулистон давлат университети*

Университет кафедраларининг бошқа олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот марказлари, мактаб, лицей ва коллежлар билан илмий педагогик ҳамкорликни ва таълим тизимидаги узлуксизликни замонавий талаблар даражасига кўтариш мақсадида кафедралар қошида кичик академиялар турига мансуб бўлган «Кичик мактаблар» ташкил этилди. Лекин «Кичик мактаблар» ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари билан «Кичик академия»лардан биров фарқ қилади. «Кичик мактаблар» олий ўқув юртлари кафедралари қошида ташкил этилиб «Устоз-шогирд» анъаналари асосида кафедрада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига мактаб, лицей, коллежларнинг педагогик жамоасини фаол ва мақсадли иштирок эттириш; кафедра билан мактаб, лицей, коллежлар орасида илмий педагогик ҳамкорликни амалга ошириш; таълим тизимидаги илмий методик муаммоларни бирга ўрганиш ва ечиш; таълим мазмунини эгаллашнинг қулай усул, метод, восита, шакл ва жараёнларни топиш; ўқувчи ва талабаларни касб танлашда ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларни чуқурлаштиришга; педагогик жамоани кафедрадаги профессор-ўқитувчилар салоҳиятига таяниб илмий педагогик савиясини оширишга имконият яратиш каби вазифаларни бажариш юклатилган. «Кичик мактаблар»нинг мактаб, лицей, коллежларда филиаллари (тармоқлари, бўлимлари) ташкил этилади. Бу филиаллар ҳам ўз моҳиятига кўра «Кичик мактаб»дир. Аниқроғи филиаллардаги «Кичик мактаблар» кичик мактаб ичидаги кичик мактабдир. Масалага ойдинлик киритиш учун филиаллардаги «Кичик мактаблар»ни «тўғарак» ёки «клуб» деб аталса ҳам бўлади. Бироқ анъанавий методикада фан тўғараги ва клублар моҳиятига кўра «Кичик мактаблар»дан фарқ қилади. Шу боисдан филиаллардаги «Кичик мактаблар»ни тўғарак, клуб ёки бошқа ном билан аталганда уларнинг кафедра йўналишида тадқиқот ишларига алоқадорлигини ва «Кичик мактаб» мақсад ва вазифаларидан келиб чиқмоқ эканлигини эслатиш мақсадга мувофиқдир. Университет ёки факультет қошида ташкил этилган «Кичик мактаб» филиалларида университет талабалари, ёш тадқиқотчи ўқитувчилар, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Жумладан «Кичик мактаблар»да факультет талабалари замонавий таълим муаммоларини ўрганишлари, эгалланаётган иқтисосликнинг келажакдаги истиқболи ва муаммолари билан шуғулланмоқлари мақсадга мувофиқ бўлса, ўқувчилар эса касб танлаш, фанлардан билимларини чуқурлаштириш, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўриш, фан мазмунини эгаллашда ижодий фикрлашни, изланиш ва тадқиқот қилиш элементларини ўрганмоғи назарда тутилади.

«Умумий математика» кафедраси қошида: элементар математика; соф математика; амалий математика; замонавий таълим муаммолари номли тўғараклар асосида «Кичик мактаб» фаолият кўрсатади. «Кичик мактаб» кафедранинг «Математиканинг назарий ва амалий муаммолари» ва «Замонавий таълим муаммолари» мавзуларидаги тадқиқотлар билан боғланган. Бу мактаблар академик лицейлар (Янгиер ва Гулистонда) ва Гулистон касб-хунар коллежи филиалларида фаолият кўрсатмоқда. «Кичик мактабда» математика тарихидаги жумладан, ал Хоразмий, ал-Беруний, ал-Фаробий, Умар Хайём ва бошқа аждодларимизнинг бой мероси ўрганилади. «Маъмун» академиясининг ташкил этилиши, ундаги таълим, математиканинг мадрасаларда ўрганилиши каби тарихий фактлардан ҳозирги таълимда педагогик технологияларга асосланган ўқувчи ва талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ва мустақил ишлари ташкил этишда фойдаланилади. «Кичик мактаб»лар кафедрадаги

ўқув фанлари ва тадқиқотлари хусусиятига кўра турлича ташкил этилиши ҳам мумкин. Агар «Кичик мактаблар»ни филология ва физика мутахассисликлари бўйича ижодкорлик йўналишида ташкил этиш қулай бўлса, математика йўналишида мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида математика мазмунининг боғланишига асосланиш самарали бўлиши мумкин. Мактабда «Соғли системалар», «Айний алмаштиришлар», лицейда «Ҳосила», коллежда «Дифференциал тенгламалар», «Лицейда интеграл тушунчасини ҳамкорликда таълим олиш методи асосида ўрганиш», «Мактабда ҳосила тушунчасини жамоавий таълим олиш методига асосланиб ўрганиш», «Ўрта қийматлар ва уларнинг тадбиқлари» каби мавзуларда битирув малакавий ишлар тайёрлаш билан талабаларни илмий тадқиқотга йўналтирилди.

Тажрибаларимизда ушбу тадқиқотлардан мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида фойдаланиш, математика мазмунини танлаш ва қайта ишлаш орқали «Кичик мактаблар» фаолиятини фаоллаштириш, таълим мазмунини эгаллашда самарадорликни таъминлаш, таълим мазмунига илмий нуқтаи назар билан қараш, математиканинг тадбиқларини кенгайтириш ва математика фанига бўлган қизиқтиришни ривожлантиришга олиб келиши кузатилмоқда.

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

М.А Пармонқулов, О.Д.Раҳимжонов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Пахта толасининг технологик жараёнида ва ишлатишда унинг физик, механик ва структуравий хусусиятларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Толаларнинг физик хусусиятларини ўрганишда бошқа реагентларнинг пахта целлюлозаси ичига кириши унинг солиштирма сиртини, структурали элементларнинг кўриниши ва жойлашиш зичлиги каби факторларни аниқлашда ёрдам беради. Толанинг солиштирма сиртини ўрганиш унинг технологик хусусиятларини яъни уларнинг йиғириш ва бўйаш хусусиятини мослаштиришга ёрдам беради. Адабиётлардан маълумки толанинг технологик хусусияти унинг олдинги механик ишланишига ва унинг таркибидаги микроэлементларнинг миқдорига қараб ўзгаради.

Тажрибаларда азотнинг пахта толасида сезиш хуеусияти асосида Ўзбекистон-3, 108-Ф, Тошкент-1 пахта толаларини N_2 солиштирма сирти БЭТ формуласи ёрдамида аниқланди, пахта толасидаги микроэлементлар Mn, Si, Mo учун ИСП-спектрографида ва комплекс эталон тузиш ёрдамида битта графикдан аниқланди.

Технологик параметрлари	Ан - Ўзбекистон-3			
	ўрганувчи		Синов	
	параметр	Mn, Si, Mo	параметр	Mn, Si, Mo
Солиштирма сирт S (m^2/g)	85,4	0,0352, 0,091, 0,0039	104,7	0,023 0,067 0,0039
Солиштирма зичлик d (g/cm^3)	1,850	0,035 0,091 0,0039	1,541	
Бўшлиқлар ўртача радиуси r (A^0)	51	0,035 0,091 0,0039	53	0,023 0,067 0,0039

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики пахта толасидаги микроэлементлар миқдорига караб солиштирма сирт ва бўшлиқлар радиуслари камайиб, солиштирма зичлик эса ортади.

Пахта толасидаги микроэлементлар миқдорининг ортиши билан тола сифат кўрсаткичларининг ўзгариши технологик жараёнга таъсир этиб тўқимачилик маҳсулотларини сифатини оширишга ёрдам беради.

БЕНТОНИТ МИНЕРАЛИДАН ФойДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙўЛИ

Ш.А. Абдикодиров
Термиз Давлат Университети

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар танқислиги руй бермоқда. Бу танқисликни маълум даражада бартараф қилиш имконини берувчи бошқа муқобил ўғит турларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан биридир. Бу танқисликни маълум даражада бартараф қилиш имконини берувчи бошқа муқобил ўғит турларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб масалалардан биридир. ЎзРҚСХВ нинг техник топшириғига асосан Қашқадарё геология-разведка бўлими ходимлари томонидан Сурхондарё вилоятининг Жарқургон туманида олиб борилган текширишлар натижасида туманнинг «Т.Шобуров» жамоа хўжалиги ҳудудида умумий миқдори 5 млн.м³ бўлган бентонит агрорудаси заҳираси мавжудлиги аниқланган.

Бентонит қорамтир-қўнғир, қорамтир-яшил, кулранг кўринишда бўлиб, тупроқсимон ҳамда зич-зич қатлам ҳолатда ернинг юза қисмида жойлашиши аниқланди. Ўз Кимё ИТИ да олиб борилган технологик-лаборатория синовлари натижасида бентонит таркибида 30 ...50% мономориллонит, 25...40% карбонатлар, 2...4% масса бирлигида магний оксиди ва 1,2...2,6% масса бирлигида калий оксидлар мавжудлиги аниқланиб, экин экиладиган майдонларда маълум миқдорда (0,3 т/га) тупроққа солинадиган бўлса, пахта ҳосилдорлиги 2,1...5,5 ц/га га ошиши аниқланган. Бундан ташқари ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва СанПиН (№ 0,0025/95) маълумотларига кўра, бентонит радиактив хусусиятга эга бўлмаган экологик тоза хом ашё эканлиги ва ундан ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Лекин афсуски, ушбу афзалликларига қарамасдан бентонит агрорудаси қишлоқ хўжалигида кенг миқёсида қўлланилмаяпти. Бунинг асосий сабаби у табиий шароитда тупроқсимон ва қаттиқ жинсли қатламлардан иборат бўлади. Бу эса ўғит сепиш машиналарида бентонитни далага бир меъёрда сочиш имконини бермайди. Шунинг учун бентонитни далага сочишда олдин майдалаб, бир хил ўлчамга келтирилса, унинг дала бўйлаб бир меъёрда, сифатли сочилишига эришиш мумкин. Мазкур мақолада бентонит агрорудасини қайта ишлаб далага сочиш технологияси ва техник воситаларини ишлаб чиқишга қаратилганлиги билан ўта долзарб ҳисобланади.

Бундай технология ва техник воситаларини яратишда қуйидагиларга эътиборимизни қаратдик:

- шу йўналишдаги илмий манбаларни таҳлил қилдик ;
- технология ва техник воситалар лаборатория шароитида чуқур ўрганилди, ҳамда улар учун энг мақбул вариантыдаги машина танланди.

Танланган вариантдаги машинанинг моделини тайёрлаш ва унинг баъзи ўлчамларини илмий асослаш юзасидан қуйидаги тадқиқот ишларини олиб бордик:

1. Рудаларни майдалашнинг мавжуд технологияси шарҳланади.
2. Бентонит агрорудасининг баъзи физик-механик хоссалари ўрганилди.
3. Таклиф қилинган машинанинг технологик тасвири ўрганилди.
4. Машинадаги шнекли ва барабанли ишчи қисмларнинг иш жараёни ўрганилди.
5. Яратилаётган янги машинанинг иш унумдорлиги ҳисоб- китоб қилинди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларида ҳозирда мавжуд бентонит агрорудасини майдалаш усулига нисбатан яратилган машинада майдаланганда унумдорлик 2,0 мартагача ортар экан.

Шундай қилиб, дастлабки олиб борилган тажриба-синов ишларимизнинг натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларга келдик:

-машинанинг яратилиши бентонит агрорудасини кам харажат сарфлаган ҳолда майдалаш имконини берар экан;

-машинанинг яратилиши қимматбоҳо технология ва техник воситаларни яратилишига хожат қолмас экан.

Математикани ўқитишда информатсион технологиядан фойдаланиш ҳақида

Б.Б. Эргашев

Гулистон давлат университети

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим бўлган энг асосий вазифалардан бири, бу ўқув жараёнига замонавий информатсион технологияларни жорий қилиш орқали таълим сифатини ошириш масаласидир.

Замонавий информатсион технология деганда электрон дарслик, мультимедия, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бир алифбодан иккинчи алифбога ўтиш, компонентларда тест назорати, скаляр технологияси, интернет, интернет электрон почта, Web технологияси, электрон виртуал кутубхона, масофадан ўқитиш ва бошқалар тушунилади. Математикани ўқитишда информатсион технологияни қўллаш – бу тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини тузиш, ўқув мақсадларини истак даражаси асосида таълим олувчиларнинг йиғма хатти-ҳаракатини кузатиш кўринишида максимал аниқлаштириб олишдан иборат. Информатсион технологиядан фойдаланилганда ўқитувчи-талаба, талаба-ўқитувчи, талаба-талаба каби муносабатлар вужудга келадик, бу муносабатлар натижасида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун максимал имкон яратилади. Бу муносабатлар таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ўқитишда, тескари боғланишда, мезонли назорат ўтказишда, таянч иборалар устида ишлашда намоён бўлади.

Информатсион технологияни математикани ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш натижасида касбий-маданий муносабатлар самарали ривожланади. Чунки талабалар ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга, назорат топшириқларига жавоб бериш учун ўқув материални пухтароқ тушуниб олишга интиладилар. Талабаларга мини-мультимедиялар яратиш топшириги берилиши натижасида, уларнинг ҳам фаоллиги, ҳам қизиқиши, ҳам билими ортади. Бу иш жуда қизиқарли бўлиб, мультимедияни яратишда янги маълумотларни излаб топиш ва уларни қўллаш, яратилган мультимедия бошқаларниқига ўхшамаслигига интилиш, ижодий салоҳиятини намоён этиши

талабалар фаоллигини оширади. Ўқитувчи эса уларнинг мавзуни қай даражада тушуниб олганликларини боқолашда хизмат қилади.

Математикани ўқитишни ташкил этишда янги информацион технологиядан фойдаланиш имкониятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Таърифлар, тушунчалар, теоремалар, формулаларни ўзлаштиришда такрорлаш ва тестлаш дастурлари асосида тренажёрлар, мультимедияли баён қилиш ва номайиш қилиш;

- Интеллектуаллаштирилган дастурлар – ўқитувчининг сунъий нейрон-турли моделлари асосида, унинг тасавуридаги, малакасидаги таснифлар, маҳоратлар, процедуралар, амалларни бажаришдаги камчиликларни аниқлаб, уларни оптимал тўлдириш, тузатиш, ривожлантириш алгоритмларини компьютерлаштириш;

- Электрон дарсликлар, қўлланмалар, тестлар тузиш тизимлари ва бошқалар.

Биз аналитик геометрия бўйича электрон дарслик яратмоқдамиз. У бакалавр йўналишлари давлат таълим стандартларига мос ҳолда олий ўқув юртлари талабалари учун янги дарслик бўлиб, қуйидаги боблар унинг асосий мавзулари ҳисобланади: векторлар алгебраси, координаталар методи, тўғри чизиқ тенгламалари, иккинчи тартибли чизиклар, текислик тенгламалари, иккинчи тартибли сиртлар. Электрон дарслик ҳар бир мавзуга оид асосий тушунчалар, уларни ўрганиш, ўрганилаётган тушунчаларнинг тадбиқини таҳлил этишни намойиш қилиш, модели дастурларни модефикациялаш ва бошқариш ҳамда эгалланган билимларни синашга йўналтирилгандир. Ишлаб чиқарилаётган электрон дарслик жонли овоз, рангли тасвир ва муסיқа билан бойитилмоқда. Бу талабаларнинг толиқмаслигига ёрдам беради.

КИМЁ - БИОЛОГИЯ ВА ЕР ҲАҚИДАГИ ФАНЛАР ЙЎНАЛИШИ

Modification of starch with phosphates for using in different industry's branches

*S.I.Nazarov, O.O.Yariev, O.I.Rajabov, Sh.D.Shirinov, M.Djumaeva
Bukhara State University*

The first synthesized phosphate of starch taken by Kerb in 1919 [1]. In operation presence of calcium carbonate was processed solution of starch by chlorine monoxide of phosphorus. The calcium salt starch phosphate dissolute in water and treating with ferment «taka-diestase" gave D-glucose phosphate. In 1922 Samec and Mayer have described cooking ethers of a phosphoric acid at interplay of an amylopectin with phosphorus oxychloride on a way, to a similar method Kerb [2]. Beyer was one of maiden, who has updated starch by heating up with phosphates salt [3]. He has received highly disrupt, water soluble product at heating up of a mixture of starch, humidifying by alcohol with acidic hexametaphosphate of sodium. Per the last years the methods of obtaining phosphates of starch which improved with applying ortho- and three polyphosphates.

Many from considered operations are introduced by academic concern, and do not give products having industrial value. Till now there are no methods monitoring phosphoresces in liquid or dry systems, favorable from the commercial point of view. The present operation is dedicated phosphates of starch, having industrial value.

We investigated the process of the chemical modification of the soft wheat starch with sodium phosphates salts. Starch of wheat is mixed with sodium salts of phosphate acid, and heated in 165 °C about 80 minute. Obtained starch phosphates melt in a warm water well and will have high viscosity of glue in 60°C. The rheological properties of obtained starch phosphate is learned with areas of applications and used in a laboratory conditions to produce of food creams for pastries.

Thus obtained starch phosphates may be used as structure forming agents in nutritional creams for cookies and other confectionery products, both as thickeners in process of printing cotton fabrics with active and cold dyes. The operation not only brings economical benefits, but also utilizes domestic raw resources, it's possible to receive competitor capable materials place of import products used both in food, and in textile industry sparing energy resources.

Estimation of quality indicates of the sizing agents based on modified and imported native starches

*O.U.Nurova, D.Ch.Muzaffarov, Q.A.Ravshanov, M.S.Sharipov
Bukhara State University*

In a domestic textile industry the carrying on place on bulk of applying in sizing process of cellulose fibrous prolongs to occupy of starch. The cooking sizing materials on the basis of starches, i.e. boiling up to an indispensable extent of cleavage, are a long-continuously process requiring considerable expenditures of a thermal energy.

Besides, starch as the sizing agent has a lot of disadvantages, because of what abroad will utilize only modified starches [1]. Obtained and proposed by us, sizing component is inserted to production in many large textile plants for process of sizing the cotton threads [2].

The indexes of quality of sizes on the basis of modified and imported native starch are reduced in the table.

The table Indexes of quality of starches sizes

Indexes		Expenditure norm of sizing material 140 kg for 2000 liters	Acting of import starch sizing material expenditure 140 kg for 2000 liters	Proposed modified i expenditure of sizing rial 140 kg for 2000		Starch materials
				120 kg	130 kg	
Viscosity, sec.	1	20-22	20-22	20	21	23-25
	2	17-19	18-19	18	18-19	20-21
Gluing, %	Visible True	7,0 4,5-5,0	6,1	4,7	6,4	7,5
			4,9	4,2	5,1	5,4
Dry residual, %	1	7,0	4,0	6,0	6,5	7,0
	2	7,0	6,0	6,0	6,5	7,5
Decomposing, %	1	70-80	83,3	83,7	85,7	85,7
	2	80-90	87,3	84,0	85,7	85,7

1-in the bow; 2- in the kid.

The datum of the table show, that the technical figure of merits sizes of modified starch better, than indexes of acting sizes on the basis of importing starch.

INFLUENCE OF WATER-SOLUBLE POLYMER ON STRUCTURAL - MECHANICAL PROPERTIES SIZING COMPOSITION OF COTTON FIBERS

G.A.Ixtiyarova

Bukhara state university

The inclusion in structure of sizes starch of synthetic polymers, results as hydrolyzed acril emulsion (HAE) and uniflok (hydrolyzed sopolimer polyakrylonitril) in essential change of structural - mechanical properties [1]. The advantage of poliakrilate composition in a quality of sizing the preparation consists of a high adhgizive property. Besides polyakrilates can be received from polymeric character, with various derivatives of (met) akril acids, that allow to combine a various ratio of monomeric parts to a polymeric circuit and to receive a wide spectrum of physical and chemical properties in the synthesized material. The solutions of polymers, including starch, are not unstructured. Structural solutions understand a mutual arrangement of molecules of the solvent and polymer, confirmation of macromoleculs, interaction between macromoleculs of polymer. It is possible to judge stability of structure till importance of a degree of its thyrotrophic restoration given in the table.

Limit of fluidity and degree of thyrotrophic restoration of solutions of 6% of starch with the various contents of HAE

Structure of a solution	The limit of fluidity, P_m , g/cm ²	The degree of thyrotrophic restoration A, %
6,0% of starch	3,89	88,57
6,0% of starch + 0,4% HAE	11,23	91,15
6,0% of starch + 0,5% HAE	14,35	92,83
6,0% of starch + 0,6% HAE	19,77	94,25

From the table it is visible, that the starch pastes containing HAE, are characterized by higher meanings (importance) of the degree of thyrotrophic restoration. However, at returning transition from the established mode of current with high speed to current with smaller speed, there is some restoration of structure and accordingly, the effective viscosity and durability of structure is increased and, the more contents HAE in system, the more expressed the effect is. Thus, the introduction in paste of starch HAE results in increasing of the factor of thyrotrophic restoration, i.e. increase of speed relaxing of processes.

RESEARCHES REOLOGICAL OF PROPERTIES SOLUTIONS OF STARCH WITH SYNTHETIC POLYMERS

G.A.Ixtiyarova, M.R.Amqupv, O.M.Yakiev
Bukhara state university

Thanking high adhesive to properties of a composition on a basis polyacrilats get all greater meaning (importance) in quality sizing of preparation cotton of fibres. The change of chemical structure of these connections allows widely to vary their properties, that is much more difficultly carried out by polymers of other groups.

Therefore in the given message the results of an experimental substantiation of influence hydrolyzed acryl emulsion (HAE), included in structure sizing of compositions, on structural - mechanical properties of solutions of starch are resulted.

Study reological of properties of %6 -s' pastes on the basis of rice starch with addition of small quantities (amounts) (0,4-0,8 %) hydrolyzed acryl emulsion has shown, that reological of property of systems considerably vary at introduction HAE.

Change of viscosity 6 % starch of paste from its contents (HAE) at
various temperatures

Temperature, K	Viscosity sizes (Pa/s) at various concentration HAE, %				
	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8
298	0,39	0,70	1,17	1,54	1,97
313	0,30	0,61	1,07	1,28	1,69
323	0,24	0,57	0,94	1,17	1,53
333	0,18	0,46	0,87	1,06	1,37
343	0,15	0,39	0,74	0,91	1,27
353	0,09	0,34	0,71	0,85	1,16

In the table the change of viscosity 6% -s' stashes of pastes (is given at $y=27 \text{ sm}''$) from the contents entered HAE at various temperatures. The table shows, that the addition of HAE in the system of starch causes increase of viscosity of system.

From the table it is visible, that for all systems at increase of temperature, the viscosity is reduced. It is possible to explain it to that with increase of temperature energy of thermal

movement of parts of polymer sharply raises and at the certain meanings (importance) this energy exceeds energy inside and intermolecular interaction.

This fact testifies to reaction complex forming HAE with starch, as in a polymeric circuit of starch (the presence гидроксильных of groups in convenient for complexes forming a rule (situation) (on distance 2,24Å° under a corner 109°) is exacter its components - amilozs and amilopectin probably. The studing of complexes is possible both inside one polymeric circuit, and between two circuits.

Сравнительная оценка методов консервации пробиотической культуры *B. bifidum*

В.Э. Кеижобаев

АО «Институт Промышленной Биотехнологии», г. Степногорск, Казахстан.

В современных условиях ведущее место в профилактике и комплексной терапии дисбактериозов кишечника отводится бифидо- и лактосодержащим пробиотическим препаратам. В качестве активного начала бифидосодержащих препаратов-пробиотиков часто используют бактериальную массу *Bifidobacterium bifidum* [1].

Цель настоящей - является подбор оптимального метода консервации пробиотической культуры *B. bifidum*.

В качестве рабочего материала использовали микробную суспензию производственного штамма *Bifidobacterium bifidum*. Нативную суспензию бифидобактерий нарабатывали на гидролизатно-молочной среде (ГМС), перед консервацией в качестве стабилизатора добавляли сахарозо-желатозо-молочную защитную среду. Часть материала разливали в пенициллиновые флаконы по 0.5 мл и лиофилизировали на установке LZ-9 фирмы "Frigera" по достижении остаточной влажности не более 6,0%. Другую часть высушивали на распылительной сушилке «Vuchi 190», после чего асептически расфасовывали во флаконы по 0,5 г (соответствует весу лиофилизированного препарата во флаконе). Высушенные образцы хранили при 4°С.

Титр жизнеспособных бифидобактерий (Т, КОЕ/мл) в исходной микробной суспензии и в высушенных образцах определяли методом последовательных десятикратных разведений в модифицированной печеночной среде Блаурокка, активность кислотообразования (К, °Т) - титрометрически по методу Тернера, остаточную влажность (W, %) – гравиметрически [2]. Отсутствие посторонней микрофлоры (ПМФ) контролировали посевами на скошенный МПА, МПБ и жидкую среду Сабуро, микроскопией.

Результаты исследований представлены в табл. 1.

Показатели препаратов культуры *B. bifidum*, полученных разными методами консервации

Метод консервации	ПМФ	W, %	К, °Т	Т, КОЕ/мл	Выживаемость, %
Исходная микробная суспензия	Отсут.	-	150.0	10.0 x 10 ⁷	100
Распылительное высушивание	Отсут.	6.47	151.0	5.0 x 10 ⁷	50
Лиофилизация	Отсут.	5.52	136.0	8.0 x 10 ⁷	80

Как видно из таблицы, оба метода дают сопоставимые результаты. Высушивание в вакууме из замороженного состояния обеспечивает высокую выживаемость бифидобактерий (80%). Несмотря на более низкий (по сравнению с лиофилизацией) процент жизнеспособных клеток, распылительное высушивание также следует признать удовлетворительным методом консервации бифидобактерий.

Однако не менее важной характеристикой метода является стабильность культуры в хранении [3]. С этой целью контролировали выживаемость бифидобактерий и активность кислотообразования в высушенных образцах через 3 и 6 мес хранения. Полученные данные отражены в табл. 2.

Таблица 2.

Влияние способов консервации на выживаемость бифидобактерий в процессе хранения (4 °С)

Метод консервации	Срок хранения, мес.	К, °Т	Т, КОЕ/мл	Выживаемость, %
Распылительное высушивание	0	151.0	5.0×10^7	50
	3	155.8	2.0×10^6	2
	6	152.8	1.0×10^6	1
Ллиофилизация	0	136.0	8.0×10^7	80
	3	159.8	8.0×10^7	80
	6	165.8	8.0×10^7	80

В ходе экспериментов установлено, что консервирование бифидобактерий методом распылительного высушивания приводит к массовому отмиранию клеток в процессе хранения и наибольшую скорость этот процесс имеет в первые 3 мес хранения (снижение титра живых бактерий в 25 раз). В то же время, хранение лиофилизированных препаратов при 4°С в течение 6 мес не влияет на титр жизнеспособных бифидобактерий (табл 2).

Таким образом, проведенные исследования показали преимущество метода лиофилизации, способствующего длительному сохранению культуры *B. bifidum* в жизнеспособном состоянии, перед методом распылительного высушивания.

Сезонная динамика зоопланктона гидросистемы р. Раздан

А.О. Айрапетян, С.А. Акопян

Институт гидроэкологии и ихтиологии НАН Республики Армения

Река Раздан, общая длина которой равняется 141 км, площадь водосборного бассейна - 2560 км², ширина в среднем - 10-20м, берет начало из оз. Севан и является притоком приграничной р. Араке. Территория, входящая в Севан-Разданскую систему поверхностных вод, является одной из самых густонаселенных районов Армении. Крупные города, в том числе столица Армении - Ереван, расположены на р. Раздан и являются причиной антропогенного загрязнения реки и водохранилищ, сооруженных на ней.

Необходимость наших исследований была продиктована тем, что качественные и количественные показатели зоопланктона могут служить надежными критериями

контроля загрязнения водоемов(1;4), интенсивности процессов самоочищения и формирования трофических условий водохранилищ. Следует отметить, что сведения о состоянии зоопланктоценозов р. Раздан, Ереванского водохранилища и водохранилища Ахпара в литературе практически отсутствуют.

Хоразм вилоятида соя ўсимлиги етиштиришнинг рационал йўллари

Д.Аннамурадова
ЎЗР ФА Хоразм Маъмун академияси

Аҳолини экологик соф, оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотлари, sanoatни сифатли хом ашё, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлаш ҳамда минтақа тупроқларининг унумдорлигини янада ошириш мақсадида Хоразм Маъмун академиясида дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган истиқболли ўсимликлар ўрганилмоқда.

Ушбу ишнинг мақсади-истиқболли, серҳосил ва тупроқ унумдорлигини оширадиган ўсимликлардан бири бўлган соянинг Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганишдир.

Маълумки, соя дон ва дуккакли дон экинлари орасида ўсимлик ёғи ва оқсилга бойлиги билан ажралиб туради. Соянинг дони таркибида 45-52 % оқсил ва 25-32% ёғ учрайди.

Шу боис Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базаси даласида соя ўсимлигининг “Ўзбекистон-6”, “Дўстлик” ва “Орзу” навлари экилиб уларнинг ўсиш ва ривожланиш жадаллиги ҳамда ҳосилдорлиги қиёсий тарзда ўрганилди. Шунингдек, соянинг “Орзу” нави такрорий экин сифатида буғдойдан кейин, июннинг 28-куни ҳам экилди.

Соя уруғини экиш ҳаво ҳарорати ўртача 20-25⁰С, тажриба даласи тупроғининг уруғ экиладиган қатламида эса ҳароратнинг 12-14⁰С гача барқарор қизишига эришилган муддатда, яъни 20 апрел куни амалга оширилди.

Тажриба дала усулида 3 такрорланишда олиб борилди. Соя ўсимлиги кенг қаторлаб, қатор оралиғи 60 см, уялар ораси 15 см олинган ҳолда, бир уяга учтадан уруғ ташланиб 6-8 см чуқурликда, “Ўзбекистон-6” навида экиш қалинлиги 550 минг/га, “Дўстлик” ва “Орзу” навларида эса 450 минг/га ҳисобида экилди.

Фенологик кузатиш натижаларига кўра дастлаб “Орзу” нави уруғи (экилгандан 5 кун ўтгач), кейин “Дўстлик” нави (7 кун ўтгач), охирида эса “Ўзбекистон-6” нави (9 кун ўтгач), майсалари ер бетига униб чиқа бошлади. Соя уруғи экилишидан 10-11 кун ўтгач барча навларида тўла униб чиқди ва майсалар яшил тусга бурканди.

Соя навларининг барчасида бошланғич ривожланиш даври секин кечди. Биринчи ҳақиқий учталик барг ҳар бир нав соя ўсимлиги уруғининг униб чиққанидан 5-7 кун ўтгач, навбатдагилари эса 9-14 кундан кейин шаклланди.

Шохланиш “Орзу” навида уруғ униб чиққанидан 16-17 кун ўтиб, “Дўстлик” навида 18-19 кун ўтиб кузатилди, “Ўзбекистон-6” навида эса 20-21 кун ўтиб кузатилди.

Соя ўсимлигининг гуллаш фазаси “Орзу” навида экилгандан 35-40 кун ўтгач, “Дўстлик” навида 45-50 кун ўтгач, “Ўзбекистон-6” навида 55-60 кун ўтгач бошланди.

Соя ўсимлиги ёппасига гуллай бошлагандан 10-15 кун ўтгач пастки ярусларда дуккаклар ҳосил бўлиб, гуллаш тартибида юқорига қараб силжий бошлади. Соя навлари ҳосилининг тўла шаклланиши “Орзу” навида 115 кунни, “Дўстлик” навида 125 кунни, “Ўзбекистон-6” навида эса 145 кунни ташкил этди.

Ўрганилаётган соя навларининг ҳосилдорлиги ҳам турлича бўлди. Энг кўп дон ҳосили соянинг “Ўзбекистон” навида кузатилди (гектарига 40,6 центнер). Соянинг эртапишар “Орзу” навининг ҳосилдорлиги энг кам-гектарига 25,4 центнерга тенг бўлди, “Дўстлик” навининг ҳосилдорлиги эса 35,4 центнерни ташкил қилди. “Ўзбекистон” нави соя донининг 1000 таси 162 г ни, “Дўстлик” навиники 154 г ни, “Орзу” нави 1000 дона уруғининг оғирлиги эса 149 г га тенг бўлди.

Ўрганилган соя навларининг биокимёвий таркиби ҳам турличадир. Соя уруғларидаги оқсилнинг миқдори 38,5 фоиздан (“Дўстлик” нави) 40,2 фоизгача (“Орзу” нави) бўлади.

Соя донида 24,0 фоиздан 25,9 фоизгача ёғ бўлиб, уларнинг энг кам миқдори “Орзу” навида, энг кўп миқдори эса “Дўстлик” навида аниқланди. Соя навлари уруғларидаги кул миқдори нисбатан юқори бўлиб, ўрганилган навларда 6,9-7,2 фоизни ташкил қилди.

Такрорий экин сифатида экилган соянинг Орзу навида ҳосилдорлик 18,5 ц/га ни ташкил қилди. Такрорий экин сифатида сояни етиштиришда ўзига хос агротехник тадбирларга (кўчатлар миқдори, суғориш ва озиқлантириш муддатлари ва меъёрлари) эътибор қилиш жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, ўрганилган соя ўсимлигининг учта нави Хоразм вилоятининг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитида яхши ўсиб, ривожланди ва юқори ҳосил бериши аниқланди.

Ноёб клатратоген модда 1,1'-бинафтил-2,2'-дикарбон кислотаси солватаморфизми

Ж. М. Ашуров, Л. Ю. Изотова, С. А. Талипов
ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

Ҳозиргача маълум бир органик модда меҳмон молекуласи билан ассоциат ҳосил қилиб псевдополиморф шаклни ёки индивидуал бирикма сифатида, яъни полиморф (носолват) шаклида чўкмага тушишини ҳали олдиндан шубҳасиз башорат қилиб бўлмайди. Молекуляр ассоциатга у ёки бу солват молекулани киритиши эҳтиёжини қуйидаги омиллардан қайси бири белгилайди; конформацион ҳаракатчанлиги, шакл, қутблилик, молекуляр компонентда функционал гуруҳлар борлиги, меҳмон молекуланинг хусусиятлари, ёки кристалланиш термодинамик шароитларими? Бундан ташқари ҳосил бўлаётган клатрат кўриниш бўшлиғи топологиясини бошқариш мумкинми? Мазкур саволларга келажакда ўтказиладиган тадқиқот ва тажрибалар маълумотларига асосланиб жавоб бериш мумкин бўлади.

Кристалланиш жараёнига юқорида келтирилган омилларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида, ноёб клатратоген модда 1,1'-бинафтил-2,2'-дикарбон кислотасининг 1,4-диоксан муҳитида турли термодинамик шароитларда кристалланишини тадқиқ қилдик. Бунинг натижасида ҳароратнинг турли қийматларида кристалл тузилиши турлича бўлган еттига псевдополиморф модификацияси мавжудлиги (1-жадвал) ва уларга «солватаморфизм» ҳодисаси хос эканлиги аниқланди. Бунда кристалланиш ҳарорати ортган сари клатратда меҳмон молекулалар улушининг камайганлиги ва уларнинг кўпроқ ёпиқ бўшлиқда жойлашиши кузатилди. Бу эса проф. Б. Т. Ибрагимов қоидасига мос келади.

<i>Бирикмалар</i>	<i>Кристалланиш ҳарорати, °С</i>	<i>ББК:диоксан:сув таркиби</i>
ББК (Р1-носолват)	50	1:0:0
ББК+1,4-диоксан (β-шакл)	30	2:2:0
ББК+1,4-диоксан (α-шакл)	25	1:2:0
ББК+1,4-диоксан+сув (γ-шакл)	20	2:0.44:0.12
ББК+1,4-диоксан+сув (β-шакл)	18	1:0.8:0.4
ББК+1,4-диоксан+сув (α-шакл)	15	1:3:1
ББК+сув (гидрат)	11-12	1:0:1.5

севдополиморфлари ҳосил бўлиш ҳароратлари ва мезбон: меҳмон молекулалари стехиометрик таркиби.

Atropa belladonna L.нинг интродукция шароитида ўстирилиши

Ф.М. Дўстмуродова, Б.Е. Тўхтаев
ЎзР ФА "Ботаника" ИИЧМ Ботаника боғи

Кейинги пайтларда аҳолининг доривор ўсимликларга бўлган талаби кун сайин ошиб бормоқда. Табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар эса табиатда камайиб, уни тиклаш ботаниклар олдидаги долзарб муммодир. Доришunosлик саноатида хом ашёси

қимматли ҳисобланган ва унинг табиий учраш ареаллари камайиб бораётган гўзал белладона (*Atropa belladonna*) ўсимлиги расмий тиббиётда жуда кенг қўлланилади.

Atropa belladonna – Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб бўлиб кўп йиллик ўт ўсимликдир, унинг бўйи 1,5-2 метргача етади, илдизпояси шохланган ва йирик. Пояси тик ўсади, тепа қисмида учта шох ҳосил бўлиб улар айри жойлашган тўп шохчалар чиқаради.

Ўсимлик табиий ҳолда МДХ давлатларининг Кавказ, Кавказ орти, Украинада ва қисман Европа давлатларида учрайди. Тиббиётда *Atropa* туркумининг асосан 2 та тури – *Atropa belladonna* L. (гўзал белладонна) ва *Atropa caucasuca* (кавказ белладонаси) кенг қўлланилади.

Ўсимлик хомашёсидан олинадиган моддалар кўпгина касалликларда ишлатиладиган дори препаратларининг таркибига киради. Унинг таркибида юқори даражада алколоид моддалари мавжуд бўлиб, улар тиббиётда жуда қимматбаҳо хомашё ҳисобланади.

Алкалоидлар специфик (маълум касалликка нисбатан) ва бошқа дорилар билан алмаштириб бўлмайдиган таъсирга эга бўлганлиги учун турли касалликларни даволашда ишлатилади. Жумладан, турли спазматик ҳолларда (ичак ва сийдик йўллари спазмида), антиспазматик ҳамда меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида, холецистит, ўт пуфагининг тош касаллигида, буйрак санчигида оғриқ қолдирувчи дори сифатида, бронхиал астма касаллигини даволашда ишлатилади.

Гўзал белладонна (*Atropa belladonna* L.)ни маҳаллий шароитда интродукция қилиш, биоэкологик, морфологик хусусиятларини ва кўпайтириш усулларини илмий томондан асослаб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Илмий тажрибаларимиз ЎзР ФА Тошкент Ботаника боғи шароитида олиб борилди. Тажрибаларда ўсимликлар соя ва қуёш экспозицияларда экилди. Соя экспозициясида экилган кўчатларнинг сақланиши 90%ни ташкил этиб, генератив аъзоларининг ривожланиши бироз кечроқ ва кам бўлганлиги кузатилди.

Қуёш экспозициясида экилган кўчатларнинг сақланиши 100% бўлиб, бу вариантда кўчатларнинг ўсиши юқори ва генератив аъзоларининг ривожланиши анча вақтли бошланиши кузатилди.

Гўзал белладонна ривожланиши давомида генератив аъзолари сонининг ўзгариши

Давр	Соя					Қуёш				
	Ойлар									
	IV	V	VI	VII	VIII	IV	V	VI	VII	VIII
Ғунчалаш	36	44	36	25	7	21	39	57	30	--
Гуллаш	12	16	12	25	--	--	27	13	55	--
Меваларнинг шаклланиши	--	24	66	55	--	--	12	78	75	--
Меваларнинг етилиши	--	--	8	30	133	--	--	45	80	144

Юқорида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкинки ўсимликлар қуёш экспозициясида ўстирилганда, ўсиш, ривожланиш ва генератив аъзоларнинг соя экспозициясида ўстирилган ўсимликларга нисбатан анча олдин ва ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги кузатилди.

Оролнинг Қозоқдарё тузли тупроқ-қумларини комплекс қўшилмалар ёрдамида кимёвий мустаҳкамлаш

Б.А. Жумабаев, А.А. Азамходжаев, Ш.А. Қулдашева
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш бутун инсоният олдидаги асосий вазифалардан биридир. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, XXI асрга кириб боришимизда хавфсизлигимизга таҳдид солувчи муаммолардан бири – экологик муаммолардир. Ушбу муаммолар қаторига Орол экологияси муаммолари ҳам киради ва алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, қуриб бораётган Орол денгизи тубидан йилига 100 млн. тоннадан зиёд учувчан тузли-тупроқ қумларни кучли шамол таъсирида кўчиши аниқланган бўлиб, улар узоқ масофаларга тарқалиб, ер унумдорлиги, инсон саломатлигига катта таъсир кўрсатмоқда. Институтнинг коллоид кимё лабораториясида бир неча йиллардан бери юқорида келтирилган муаммоларнинг олдини олишга бағишланган, яъни Оролнинг учувчан тузли тупроқ-қумларни кимёвий мустаҳкамлашда ишлатиладиган комплекс қўшилмалар яратиш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий принциплари ишлаб чиқарилди. Қўшилма компонентлари таркибини танлашни оптималлаштириш ва қўллашни рационал шароитлари ишлаб чиқилди [1-3]. Комплекс қўшилмалар яратишни илмий принциплари, уларнинг таркибига қуйидаги компонентлар киритилиши зарурлигини такидлади, яъни:

а) мустаҳкамлашда тупроқ-қум заррачаларини фасллаштирувчи компонентлар тарзида оҳак ва кальций ионларига бой бўлган кул танланган. Бу агентлар тупроқ эритмаларининг pH ни оширади, ион-алмашинув жараёни орқали тупроқни кальций ионлари билан бойитади. Булардан ташқари ҳамда мустаҳкамлаш жараёнини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалик чиқиндилари бўлган майдаланган пахта ғўзапояси ва шоли қобиғи ишлатилган;

б) тупроқ-қум тузлари билан бирикиб ҳосил бўлган структуранинг таркибига кирадиган композициялар ёки кимёвий бирикмалар ҳосил қилувчи компонентлар сифатида ишлаб чиқариш чиқиндиси сульфид-ачитқич-барда (САБ) ва К-9 препаратлари ишлатилди. Тупроқ-қум намуналарига комплекс қўшилмаларини қўшишдаги – қўшилиш тартиби ва ушбу қўшилишдаги юқори самарали таъсирга эришишнинг оптимал шароитлари ишлаб чиқилди.

Қўшилмалар ёрдамида ҳосил бўлган янги юза қатлами композицияларининг юза мустаҳкамлиги (МПа) ва гранулометрик анализ ёрдамида сувга чидамли агрегатлар (ВПА) миқдори аниқланди. Жумладан, Қозоқдарё тузли тупроқ-қум намуналарида сувга чидамли агрегатлар миқдори (ВПА) 6,28%дан 64,27-70,51%гача ошиши ва ҳосил бўлган янги қатламнинг мустаҳкамлиги 0,62 МПа дан 2,16-2,70 МПа гача ошиши аниқланди [4-6]. Қозоқдарё тупроқ-қумларини 0,1% ли К-9 полимери таъсирида ишлаганда унинг юза қатлами мустаҳкамлиги ва сувга чидамли агрегатлар (ВПА) миқдори етарли даражада оширмаганлиги сабабли, полимер миқдорини 0,5% га олиб чиқилганда қониқарли натижага, яъни юза мустаҳкамлиги 0,62 МПа дан 2,16 МПа гача ва сувга чидамли агрегатлар миқдори (ВПА) 29,9% дан 64,27% гача чиқиши аниқланди. 0,5% ли К-9 полимерига майдаланган шоли қобиғи ва пахта ғўзапояси қўшилиб комплекс таъсир этилганда эса, юза мустаҳкамлиги 2,66-2,70 МПа гача ва сувга чидамли агрегатлар миқдори (ВПА) 69,06-70,51% гача ошди.

Комплекс қўшилмалар қўшилиши билан тупроқ-қум юзасида йирик агрегатлар миқдори (> 2 мм) 35,0-38,4% гача ошади ва йирик агрегатлар ошиши ўз навбатида юза мустаҳкамлиги ва сувга чидамли агрегатлар (ВПА) миқдорини оширади, яъни сирт-

фаол реагент комплекс қўшилмаларининг қўшилиши қум заррачаларининг адгезион ҳусусиятларини оширади ва ҳосил бўлган янги структурани қуриш жараёнида заррачалар ўзаро бир-бирига ёпишиб, мустақкам агрегатлар ҳосил қилади.

Бажарилган илмий ишнинг аҳамиятига келсак, бунда қўшилмалар таркибидаги компонентлар танлашнинг оптимал шароитлари ва усуллари ўрганиб чиқилиб, уларнинг қуриган Оролнинг Қозоқдарёё бўйларида тузли тупроқ-қумларни мустақкамлашда дала тажриба-синов ишлари ўтказишга тавсия этилди.

Гельминт личинкалари билан зарарланган *Xeropicta candaharica* моллюскаси жигари ва оёқ мускуллари митохондрияларининг нафас олиш фаоллиги

А.Э.Кучбоев

ЎзР ФА Зоология институти

Xeropicta candaharica моллюскаси Марказий Осиёнинг текислик, тоғ олди ва тоғ минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, гельминтларнинг, жумладан нематода синфи протостронгилид оиласи турлари личинкалари учун оралиқ хўжайин вазифасини бажаради.

Тадқиқот ишимизда моллюскалар жигари митохондрияси нафас олиш фаоллигини турли мавсумларда солиштириб таҳлил қилдик. Физиологик нуқтаи назардан бу ҳайвонлар йилнинг иссиқ мавсумларида фаол ҳисобланади, қишда эса уйқу ҳолатида (диапауза даври). Иссиқ қонли ҳайвонларда уйқу ҳолатида организмда ва митохондрияларда метаболлик жараёнларнинг бирмунча сустлашуви рўй беради.

Олинган натижаларга мувофиқ, қишда моллюскалар жигари митохондриясида нафас олиш фаоллиги пасайиши кузатилади. Моллюскаларда умумий нафас олиш ёз ойларидагига нисбатан тахминан 2 марта кам. Бундан ташқари, бу фарқ АДФ ва “ажратгич” қўшилиши натижасида экспериментлар вариантларида кўпайиб боради. Ушбу ҳолатларда фарқ 3 мартагача кўпайгани кузатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, моллюскаларда қишки диапауза жигар митохондрияси нафас олиш фаоллигининг 2-3 марта сусайиши билан боради ва узоқ вақт давом этган ҳайвонлар диапаузаси даврида энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминлайдиган мосланиш аҳамиятга эгадир.

Навбатдаги экспериментлар протостронгилидлар личинкалари билан зарарланган моллюскалар билан олиб борилди.

Ушбу экспериментларда жигар ва оёқ мускуллари митохондрияларидан фойдаланилди. Моллюскаларнинг протостронгилид билан зарарланиши жигар митохондрияларида нафас олиш фаоллигининг сустлашуви билан боради: умумий нафас олиш ва АДФ, “ажратгич” қўшилгандаги нафас олиш 30% га сустлашганлиги кузатилади. Шу билан бирга глутаматнинг оксидланиши ҳам камайган, яъни нафас олишнинг сустлашуви турли субстратларнинг оксидланишига таъсир этади (жадвал).

Кейинги ишда зарарланган моллюскалар оёқ тўқимаси митохондриялари билан ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатилган. Ушбу ҳолатда ҳам митохондриялардаги нафас олиш фаоллигининг сустлашуви кузатилади. Аммо бунда сустлашув жигарга нисбатан яққолроқ кўринди ва 2 марта кам кўрсаткичларга эга бўлди. Маълумки, протостронгилид личинкалари учун асосий экологик яшаш муҳити моллюскалар оёғи ҳисобланади, шунинг учун ундаги метаболлик жараёнлар жигарга нисбатан яққолроқ намоён бўлади (жадвал).

Xeropicta candaharica моллюскалари жигар ва оёқ тўқимаси митохондриясидаги нафас олиш фаоллиги (фаоллик мг оксилга нисбатан нг-ат.мин. ҳисобида)

Умумий нафас олиш	АДФ қўшилганда	СССР («ажратгич») қўшилганда	Глутамат
Зарарланмаган жигар		моллюска митохондрияси	
14,4 (0,5)	13,8 (0,4)	10,6 (0,3)	11,6 (0,3)
Зарарланган жигар		моллюска митохондрияси	
10,5 (0,5)	9,3 (0,4)	7,8 (0,3)	8,2 (0,3)
Зарарланмаган оёқ тўқимаси		моллюска митохондрияси	
6,3 (0,3)	5,2 (0,2)	4,2 (0,2)	4,8 (0,2)
Зарарланган оёқ тўқимаси		Моллюска митохондрияси	
2,8 (0,1)	2,3 (0,2)	2,1 (0,2)	2,2 (0,2)

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, моллюскалар уйқу ҳолатида бўлгани каби, уларнинг протостронгилидлар личинкалари билан зарарланган ҳолатида ҳам тўқималарда нафас олиш фаоллигининг сусайиши кузатилади. Ўтказилган илмий изланишлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир организмда ноқулай шароитларга чидамлик хусусиятини оширишга қаратилаган таъсирга эга бўлган алоҳида биологик тамойиллар мавжуддир.

Соя ўсимлигининг вирус касалликлари

О.Б.Қиличева, З.Н.Қодирова

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Соя ўсимлиги бир неча вируслар билан касалланиб, Ўзбекистон ҳудудида соя мозаика вируси (СМВ), ловиянинг сариқ мозаика вируси (ЛСМВ) ва беда мозаика вируслари (БМВ) кенг тарқалганлиги аниқланган (Соболева, 1967).

СМВ (*Soja mosaic virus 1*) – потивируслар гуруҳига кириб, ипсимон шаклга эга, табиатда ширалар ва уруғ орқали тарқалади. Экспериментал усулда ўсимлик шираси инокуляцияси орқали юқтириш мумкин. Касаллик аломатлари хўжайин ўсимликда мозаика, баргнинг деформацияланиши, баъзан некрозланишдан иборат бўлиб, касалланган ўсимликнинг юқори қисми қуриб қолади, касалланган ўсимликлар ўсишдан орқада қолади ва ривожланиши 10-20 кунга кечикади. *Chenopodium amaranticolor*, *Ch. quenoa*, *Ch. album* вирусга сезгир ўсимликлар бўлиб ҳисобланади. Иситиш нуқтаси 55-60°C бўлганда, суюлтириш даражаси 1:10 000 да, инфекцияцион ўсимлик шираси хона муҳитида 3 кун давомида касаллантириш қобилиятини сақлайди.

ЛСМВ (*Phaseolus virus - 2*)- бу вируснинг 3 та штамми аниқланган бўлиб, 1 ва 2 штаммлари физик ва биологик хусусиятлари бўйича ўхшашдир, улар деярли бир хил тест ўсимликларга эга, лекин улардаги касаллик аломатлари билан фарқланади. Ушбу вирус билан касалланган сояда оч яшил чипорланиш ривожланади. Касаллик аломати ёш ўсимликларда яққол кўринади. 1 ва 2 штаммлари *in vitro*да бир хил бўлиб иситиш нуқтаси 55-60°C, суюлтириш даражаси 10 000, инфекцияцион ўсимлик шираси хона муҳитида 3 кун давомида касаллантириш қобилиятини сақлайди.

Штамм 3 нинг иситиш нуқтаси 60°C, суюлтириш даражаси 1:4 000, инфекцияцион ўсимлик шираси хона муҳитида 2 кун давомида касаллантириш қобилиятини сақлайди. Вирус механик усулда ва ширалар ёрдамида тарқалади. Тупроқ ва уруғ орқали ўтмайди. Бу вируснинг резерваторлари шўра, беда ва бошқа ўсимликлардир.

БМВ (*Medicago virus 2*) – сояда хлороз ва некротик чипорланиш ва барг пластинкасининг редуцияланиши, сўнгра ўсимлик қуриб қолиши юзага келади. Нўхат, мош, ловия, тамакининг турли навлари, шўра, томат каби ўсимликларни касаллантиради. Вирус ўсимлик шираси орқали осон юқади, лекин уруғ ва тупроқ орқали юқмайди.

Институт тажриба майдони (лизиметр) га экилган соянинг маҳаллий 4 та нави ва хориждан келтирилган 80 та нав ҳамда генетик коллекциянинг 28 та намуналарида касалланиш даражаси ўрганилди. Натижада генетик коллекция намуналарининг 11 таси да барги оч яшил ва тўқ яшил мозаика, хлороз ва некротизланиш касаллик аломатлари кузатилди, касалланган ўсимликларнинг учки томондан қуриши ва буришиш ҳоллари учради. Бундай ўсимликлар ўсишдан орқада қолиб, соя ўсимликка нисбатан бўйи 5-10 смга паст бўлди.

Касалланиш ўсимлик навиға боғлиқ бўлиб, Ген-7, Ген-12, Ген-15, Ген-16, Ген-25, Ген-1 линиялари ва Орзу навиға касаллик аломатлари кузатилмади. Бундай касаллик аломатлари вирус табиатига хослигини ўрганиш мақсадида индикатор ўсимликлар усулидан фойдаландик. Соя, *Chenopodium amaranticolor*, *Nicotiana glutinosa*, *N. tabacum* *Barley* навлари механик усулда касаллантирилди. Улардаги реакциялар типи ва пайдо бўлиш вақти ўрганилди.

Шундай қилиб, соя вирус билан касалланиши аниқланди ва касалланиш ўсимлик навиға боғлиқлиги ўрганилди.

Берунийнинг «Сайдана» асарида келтирилган Қизилқумнинг доривор ўсимликлари

М. Матвафаева
ЎЗР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Қадимдан доривор ўсимликлар инсон учун турли хасталикларни даволаш манбаи бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам улар қуририлган ҳолда, ундан тайёрланган малҳам, шарбат, чой кўринишида ёки ўсимликдан ажратиб олинган фаол моддалар ҳолида ишлатилмоқда.

Қизилқумнинг Хоразм воҳасига тегишли ҳудудда тарқалган доривор ўсимликлар бундан минг йиллар бурун Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» асарида ҳам қайд этилган бўлиб, айрим ўсимликлар ҳатто Хоразм тилида қандай номланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Сўнгги йилларда Хоразм воҳаси (Собиров, Ҳолматов 1972) ва Қорақалпоғистон (Ережепов, 1971), Шимолий-Ғарбий Ўзбекистон (Аллаяров, 1976)нинг доривор ўсимликларига бағишланган бир қатор монографияларда дори-дармон манбаи бўлган ўсимликлар тўғрисида маълумотлар эълон қилинди.

1997-2000 йиллар мобайнида Хоразм воҳасининг фойдали ўсимликлари ҳақида олиб борган илмий изланишларимиз натижасида ҳудудда 74 доривор ўсимлик тури аниқлаган бўлса, улардан 30 тури Қизилқумнинг турли эдафик шароитида (қумли, барханли, шоғол қумли ва ҳ.к) ўсишига мослашган.

Artemisia absinthium L., *scoparia* L., *Cichorium intibus* L., *Anethum graveolens* L., *Capparis spinosa* L., *Chenopodium* *alArtemisia absinthium* L., *A.scoparia* L., *Cichorium intibus* L., *Anethum graveolens* L., *Cappabum* L., *Althaea officinalis* L., *Daucus carota* L., *Ferula foetida*, (Bunge) Regel, *Elaeagnus angustifolia* L., *Melilotus officinalis* (L.) Pall., *Glycyrrhiza glabra* L., *Morus alba* L., *Peganum harmala* L., *Taraxacum officinalis* (L.)

Pall. , *Brassica juncea* (L.) Czern. , *Plantago major* L. , *Polygonum aviculare* L. , *P. hydropiper* L. , *Rosa canina* L. , *Solanum nigrum* L. , *Datura stramonium* L. , *Urtica dioica* L. , *Verbena officinalis* L. , *Tribulus terrestris* L. , *Isatis tinctoria* L. , *Hyoscyamus niger* L. , *Phragmites australis* . (Cav.) Trin.ex Steud, шулар жумласидандир. Бу ўсимликлардан айримлари «Сайдана»да ҳам келтирилган.

Куйидаги жадвалда Берунийнинг «Сайдана» асарида келтирилган, ҳозирда эса Қизилқумда учрайдиган доривор ўсимликларнинг илмий тиб ва халқ табобатида ишлатиладиган ўсимликларнинг рўйхати берилади.

№	Ўсимликларнинг номи	«Сайдана» да келтирилган ўсимликларнинг номи	Ўзбекча номи	Ишлатилиши	
				Ил мий тиббиётда	Халқ табо баотида
1.	<i>Althaea officinalis</i>	Хитми	Доривор гулхайри	+	+
2.	<i>Anetum graveolens</i>	Шибит	Шивит	-	+
3.	<i>Artemisia absinthium</i>	Афсантин	Эрмон	+	+
4.	<i>A. vulgaris</i>	Биринжаст	Оддий шuvoқ	-	+
5.	<i>Bryonia dioica</i>	Шастбадан	Тарвузпалак	-	+
6.	<i>Capparis spinosa</i>	Кабар	Ковул	-	+
7.	<i>Chenopodium album</i>	Батва	Оқ шўра	-	+
8.	<i>Cichorium intybus</i>	Хиндаба	Сачратқи	+	+
9.	<i>Cynomorium songaricum</i>	Тарасис	Ерсўхта	-	+
10.	<i>Daucus carota</i>	Жазар	Еввойи сабзи	-	+
11.	<i>Datura stramonium</i>	Жауз ал-масил	Бангидевона	+	+
12.	<i>Elaeagnus angustifolia</i>	Заккум	Жийда	+	+
13.	<i>Glycyrrhiza glabra</i>	Сўс	Ширинмия	+	+
14.	<i>Hyoscyamus niger</i>	Суххар	Мингдевона	+	+
15.	<i>Ferula foetida</i>	Уштургаз	Сассиқковрак	+	+
16.	<i>Isatis tinctoria</i>	Катом	Усма	-	+
17.	<i>Melilotus officinalis</i>	Иқдил ал-малик	Қашқарбеда	-	+
18.	<i>Morus alba</i>	Тўс	Оқ тут	-	+
19.	<i>Onopordon acanthium</i>	Шуука	Оқ карак	-	+
20.	<i>Peganum harmala</i>	Хармал	Исириқ	+	+
21.	<i>Phragmites australis</i>	Касаб	Қамиш	-	+
22.	<i>Plantago major</i>	Харжўш	Зубтурум	+	+
23.	<i>Polygonum aviculare</i>	Аса ар-рай	Қуш тили	+	+
24.	<i>P. hydropiper</i>	Фулфул ал-алма	Сувзамчи	+	+
25.	<i>Rosa canina</i>	Ул лайк ал-қалб	Итбурун	+	+
26.	<i>Solanum nigrum</i>	Инаб ас-салоб	Итузум	-	+
27.	<i>Taraxacum officinale</i>	Талахшакук	Қоқиўт	+	+
28.	<i>Tribulus terrestris</i>	Хасак	Темиртикан	+	+
29.	<i>Urtica dioica</i>	Анжура	Газанда	+	+
30.	<i>Verbena officinalis</i>	Рий ал-хамом	Тизимгул	-	+

Берунийнинг «Сайдана» асарида қайд этилган Қизилқумда (қумларда) тарқалган 30 тур доривор ўсимликларнинг асосан Asteraceae, Apiaceae, Brassicaceae, Carapagaceae, Chenopodiaceae, Cucurbitaceae, Cynmoriaceae, Elaeagnaceae, Fabaceae, Malvaceae, Moraceae, Peganaceae, Plantaginaceae, Polygonaceae, Poaceae, Rosaceae, Solanaceae, Urticaceae, Verbenaceae, Zygophyllaceae оилаларига мансублиги маълум бўлди.

Ҳозирги кунда жадвалда келтирилганларнинг барчаси халқ табобатида, 16 тури эса илмий тиббиётда ишлатилмоқда.

Арпанинг сариқ паканалик вирусининг индикатор ўсимликларини аниқлаш

Т.Х.Маҳмудов, З.НҚодирова

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ўзбекистон экологик шароитида арпанинг сариқ паканалик вируси(АСПВ) кенг тарқалган бўлиб, унинг 4 та изоляти аниқланган. У буғдой баргининг сарғайиши ва баргининг дағаллашиши каби касаллик аломатларини чақиради. АСПВ - лютеовируслар гуруҳига мансуб бўлиб, сферасимон шаклга эга ва диаметри 25 нм. АСПВ ўсимлик флорасида тўпланади ва шира орқали 100га яқин ғалладошлар оиласига мансуб ўсимликларни касаллантиради.

АСПВ Ўзбекистонда буғдой ўсимлигидан ажратилган бўлиб, Сириядан келтирилган антизардоблар ёрдамида иммунологик усулда идентификация қилинган. Ушбу илмий иш Ўзбекистонда ажратилган АСПВ- PAV нинг тест ўсимликлардаги реакциясини аниқлашга бағишланган.

АСПВ- PAV ва унинг ташувчиси *Sitobean avenae* L. буғдойнинг унумли буғдой навида кўпайтирилди.

Буғдой, арпа, сули ва маккажўхори навлари ЎзР ФА Ўсимликшунослик институтидан олинди ва иссиқхона шароитида 25-300С муҳитда ўстирилди. Ўсимликлар 3-4 баргли фазасида катта ғалла шираси - *Sitobean avenae* L ёрдамида АСПВ- PAV билан касаллантирилди. Ҳар бир текшириладиган ўсимликка виофорб ширалардан 10тадан қўйилди ва касаллик аломатлари пайдо бўлиши ва ривожланиши қайд қилиниб борилди.

Тажириба натижалари кўрсатишича, АСПВни буғдой ва арпадаги касаллик аломатлари деярли ўхшаш бўлиб, касаллантиришнинг 5-7 кунлари ўсимликнинг пастки барглари учки томондан сарғая бошлайди. Сўнг сарғайиш кейинги баргларга ўтиб, 12-14- кун учки барглар сарғаяди ва дағаллашиб қолади. Касалланган ўсимликлар оч яшил тусга киради ва ўсишдан орқада қолади. Улар контрол ўсимликларга нисбатан пакана бўлиб, оч яшиллиги ва баргининг сариқлиги билан ажралиб туради.

Сулида касаллик аломатлари буғдойникидан фарқли бўлиб, унда касаллантиригандан 12 кун ўтгач пастки барглар уч томондан қизара бошлади. Бизнинг тажирибаларда маккажўхорининг Ўзбекистон навини АСПВ билан касаллантириш натижа бермади.

Пахта мимиғи сифатини целлюлоза олиш жараёнига таъсири

Ф.И. Рузиев, Д.С. Набиев

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти

Охириги йилларда целлюлозага талаб, янада ортиб бормоқда, чунки целлюлоза асосида олинган махсулотлар турли хил соҳаларда кенг кўламда ишлатилмоқда.

Шу билан бир қаторда целлюлозанинг сифатига ҳам талаб жуда каттадир.

Олинаётган целлюлозанинг сифати ишлатилаётган хом-ашё, яъни пахта мимиғи сифати билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда пахта тозалаш корхоналарида чиқаётган пахта мимиғининг сифати меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бермаяпти, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариладиган целлюлозани сифатининг ёмонлашишига олиб келмоқда.

Ушбу ишдан мақсад турли хил сифатга эга бўлган пахта момигидан целлюлоза олиш ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Ҳом-ашё сифатида ҳар хил ифлослик даражасига эга бўлган пахта момигининг 5 та намунаси танлаб олинди.

1-жадвал. Пахта момигининг сифат кўрсаткичлари

№	Ифлослик даражаси, %	Кул миқдори, %	Целлюлоза миқдори, %
1	9,7	2,4	82
2	6,9	2,1	84
3	6,2	1,7	86
4	4,3	1,3	90
5	18,9	5,6	80

Пахта целлюлозаси олишда қайнатиш жараёни қуйдаги шароитларда: М 1:10, NaOH=20г/л, ОП-10=0,1г/л T=140°C, t=1 соат; оқартириш жараёни: NaOCl-2г/л, рН=10-11, T=30°C, t=1 соат олиб борилди.

Олинган целлюлоза намуналарининг сифат кўрсаткичлари аниқланди 2 жадвалда келтирилган.

2-жадвал. Пахта целлюлозасининг сифат кўрсаткичлари

№	α-целлюлоза миқдори, %	ПД	Шимувчанлиги, гр	Кул миқдори, %	H ₂ SO ₄ да эрима қолган қолдиқ миқдори, %	Оқлик даражаси, %
1	98,1	1700	83	0,41	0,80	78
2	98,3	1750	110	0,34	0,30	83
3	98,5	1690	120	0,30	0,27	84
4	98,8	1730	125	0,25	0,21	86
5	97,3	1680	69	1,26	1,40	76

Натижалар шуни кўрсатдики, хом-ашё сифатида олинган пахта момигининг ифлослик даражаси, кул миқдори, ёр ва мойсимон моддаларнинг массавий улиши қанча кам бўлса, олинган целлюлозанинг сифати шунча юқори бўлади.

Хулоса: Пахта момигидан ГОСТ 595-79 "Пахта целлюлозаси" талабларига жавоб берадиган целлюлоза олиш учун, пахта момигининг даслабки ифлослик даражаси 6-7 % дан юқори бўлмаслиги керак.

Бинафшаранг астрагалнинг биологиясига оид маълумотлар

Ш. У. Саробаева
ЎЗР ФА «Ботаника» ИИЧМ

Бинафшаранг астрагал (*Astragalus centralis* Sheld) - Жануби-Фарбий Қизилқумнинг камёб эндем ҳисобланиб, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Шуни эътиборга олиб, *Astragalus centralis* Sheldнинг биологияси, экологияси, ва ценопопуляцияси ўрганилмоқда.

Бинафшаранг астрагал урувлари Жануби-Фарбий Қизилқумнинг Кулжуктоғидан йиғилиб, кеч кузда (ноябрь ойи) Қизилқум чўл станциясига скарификацияланган ва скарификацияланмаган ҳолатда экилди.

Эрта баҳорда(04.03.2005) скарификацияланган уруғлар 72% кўкарган бўлса, скарификацияланмаган уруғлар 12%ни ташкил этди. Майсаларнинг уруғ палла барглари узунлиги 4 мм, эни 3мм бўлиб, оч яшил рангда. Илдизнинг узунлиги 4-5смни ташкил этади. Мартнинг иккинчи ярмида оддий чин барглар пайдо бўлиб, майса барглардан фарқ қилади. Улар эллипсимон, ўткир учли, ҳар икки томони қалин туклар билан қопланган, узунлиги 6мм, эни 4мм. Бу пайтда илдизнинг узунлиги 8см гача этади.

Апрелнинг ўрталарига бориб, биринчи мураккаб барг ҳосил бўлади. У асосан ток патсимон, 3та япроқчадан иборат. Ён япроқчалари қисқа бандли бўйи 9-11мм, эни 5мм, учли япроқчасининг бўйи 10-12мм, эни 5-6мм. Майнинг охирларига бориб, баргларнинг умумий сони 12-15 тагача этади. Майса барглари сақланиб қолади. Илдизнинг узунлиги 12 смга етиб, иккинчи тартибли илдизлар ҳосил қилади. Иккинчи тартибли илдизнинг узунлиги 2-3см. *Astragalus centralis* Sheld ни вегетацияси шу ҳолатда июнгача давом этиб, ювенил босқичда қишлайди.

Бугдой ризосферасидан фосфорпарчаловчи бактерияларни излаб топиш ва ажратиш

А.Ю.Таджиев

ЎзР ФА Микробиология институти

Бугунги кунда мамлакатимизнинг долзарб экологик муаммолари қаторидан жой олган ва ўз ечимини кутаётган масалалардан бири тупроқнинг фосфорланиш жараёнидир. Йиллар давомида фосфорли ўғитларни сурункасига қўллаш ва нотўғри фойдаланиш, агрохимёвий картограммаларга зид равишда юқори меъёра ерга ўғит солиш натижасида тупроқда ўзлаштирилиши ниҳоятда қийин бўлган минерал ва органик фосфор бирикмалари тўпланиб қолди ва айна пайтда бу бирикмаларни ўсимликлар ўзлаштира олмаслиги билан тавсифланади.

Фосфор қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда ва тупроқ унумдорлигини яхшилашда асосий ва ҳаётий элементлардан биридир. Бундан ташқари ўсимликлар уруғининг сифати унда қанча миқдорда фосфор элементи борлиги билан белгиланади. Агар ўсимликка фосфор элементи етишмаса азотни ўзлаштирилиши секинлашади, калий ва микроэлементларни илдиз орқали сўрилиши ва уни ер устки органларига етказиб берилиши пасаяди. Шунинг учун ўсимликларнинг фосфорли озиқланишини тартибга солиш ва яхшилаш лозим.

Ўсимликларнинг фосфор билан озиқланиши масаласини ечишнинг ягона истиқболли йўлларида бири, микробиологик йўл бўлиб, бунда, ўсимликлар учун ўзлаштирилиши ниҳоятда қийин бўлган ва сувда эримайдиган таркибида фосфор бор бўлган бирикмалардирни бактерияларнинг фаол штаммлари ёрдамида ўзлаштириладиган ҳолатга олиб келиш. Бизнинг тадқиқотимизнинг асосий мақсади, кузги бугдойнинг (Жарлик-85) нави ризосферасидан, тупроқда фосфорни парчаловчи хусусиятига эга ва сувда эримайдиган $Ca_3(PO_4)_2$ ни парчалайдиган фаол культураларни ажратишдир.

Скрининг натижасида биз 4 та фаол №56, №62, №64, №66 культураларни танлаб олдик. Танлаб олинган культураларнинг штамми кислота ҳосил қилиш хусусияти борлиги аниқланди ва уларнинг ҳаммаси баллиқ пептонли агар (РПА), $Ca_3(PO_4)_2$ ва фосфор уни қўшилган озуқа муҳитларида яхши ўсиши тажриба давомида тасдиқланди.

Ядро физикаси институти билан ҳамкорликда, ажратиб олинган №56, №62, №64, №66, культураларнинг ҳаммаси $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ни парчалаш хусусияти радиоактив P^{32} ёрдамида ўрганилди. Бунда радиоактив нурланишни ГСУ-1 асбоби ёрдамида ҳисобланди ва сони имп/мин ҳисоби бўйича аниқланди. Тажрибани олиб бориш давомида Ядро физикаси институтида синтез қилинган $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ дан фойдаланилди.

Бактерияларнинг $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ни парчалаш хусусияти (P^{32} , ppm, имп/мин)

Культуралар	24 соатдан сўнг	4-кундан сўнг	7-кундан сўнг	10-кундан сўнг	14-кундан сўнг	20-кундан сўнг
56	60	1431	521	425	315	265
62	63	1355	154	92	93	107
64	64	139	409	517	693	1271
66	63	884	1126	1203	750	275
Бактериясиз (назорат, сув)	64	64	64	66	47	67
Бактериясиз (назорат, муҳит)	49	143	116	97	105	57

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бактериясиз назорат варианты сувга нисбатан ва бактериясиз назорат муҳитига нисбатан тажриба вариантларининг ҳаммасида 4-20 кун оралиғида $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ни парчалаш хусусияти устунлиги қайд этилган.

Шу муносабат билан, биз, бугдой ризосферасидан $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ни парчалаш хусусиятига эга 4 та фаол культурани ажратиб олдик ва скрининг натижасида танладик. Кейинги ишларимизда кузги бугдой уруғларини шу культуралар билан ивितिб экиб, ўсимликнинг фосфорли озикланишини, тупроқдаги заҳира ҳолдаги фосфор бирикмаларини шу культуралар орқали ўзлаштириладиган ҳолга олиб келади ва тупроқнинг фосфорли режимини яхшилайти.

Қорақалпоғистон шувоқлари

Д.Тажетдинова
ЎзР ФА “Ботаника” ИИЧМ

Қорақалпоғистон ҳудудида қоқиўтдошлар (Asteraceae Dumort.) оиласига мансуб шувоқ (Artemisia L.) туркумига кирувчи 21 тур тарқалган.

Шувоқ туркуми турлари Қорақалпоқ Устурти паст текислигида ва Қизилқум чўлларида, қуйи Амударё ва Орол денгизи атрофи қумларида, суғориладиган тоғ ёнбағирлари ва баланд тепаликларда, дарё бўйларида, тўқайзорларда, ташландиқ ерларда ва бошқа жойларда турли тупроқ-иқлим шароитида ўсади.

Адабий ва гербарий маълумотларига кўра, Шимолий-Ғарбий Қизилқумда шувоқларнинг 12 тури, Қорақалпоқ Устурти паст текислигида 16 тури, қуйи Амударёда 14 тури ва Орол денгизи бўйларидаги қумларда 3 тури учрайди.

Шувоқлар ёзда (июнь-июль ойларида) куннинг иссиқ бўлиши ва намнинг етишмаслигидан анча вақтгача ўсишни тўхтатиб, кейин қайтадан яна майда япроқлар чиқариб ривожлана бошлайди. Март ойининг 2-ярмидан бошлаб вегетация даври бошланса, август-сентябрь ойларида гуллайти ва октябрь-ноябрь ойларида меваси пишиб етилади. Шувоқларнинг вегетациясининг бошланиши ҳар йили об-ҳавога боғлиқ бўлади.

Шувоқлар доривор ва ем-хашак ўсимликлар ҳисобланиши билан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ табобатида шувоқ қайнатмасидан сариқ, безгак, ич кетиш, семиришга қарши, ич буруғ ва йўғон ичакдаги қуртларни туширишда ҳамда сил касаллигини, тутқаноқ, асаб ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Шунинг билан бирга, шувоқларнинг қайнатилган барг ва новдалари балиқ ва гўшт маҳсулотларидан тайёрланган таомларга хушбўй таъм бериш учун ишлатилади. Илдиэларидан тайёрланган бўёқ билан ип, ипак ва терилар сариқ рангга бўялади.

Тарқалиш майдонининг кенглиги жиҳатидан шувоқлар буюрғундан (*Anabasis salsa*) кейинги ўринда, ем хашак саналиши бўйича эса биринчи ўринда туради. Табиий яйловларда шувоқлар кейреук (*Salsala orientalis*), боялич (*Salsala arbuscula*), янтоқ (*Alhagi pseudalhagi*) ва баъзан саксовул (*Haloxylon aphyllum*)лар билан биргаликда ўсади. Бу табиий яйловлар қўй-эчки, туя ва отлар учун асосий ем-хашак бўлиб ҳисобланади. Шувоқлар йилнинг 4 фаслида ҳам озуқабоп, семиртирувчи ем- хашаклик аҳамиятига эга.

Ж.Сапарниязов ва Ж.Салиевларнинг (1985) маълумотлари бўйича шувоқларнинг (*A.terrae-albae*, *A.diffusa*) ем-хашаклик массасининг ҳосилдорлиги ҳар гектарига 4,5 центнер бўлади.

Адабий маълумотларга кўра, шувоқларда (*A.terrae-albae*) 16,85 % протеин, 15,95% оксил, 4,49% ёғ 39,06% азотсиз экстракт моддалар бор.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда тарқалган шувоқ туркуми турлари ўсимликлар қопламида аҳамиятли ўрин эгаллаши билан бир қаторда халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўзининг турли хил хусусиятлари билан асосий хом ашё сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ғўзани касаллантирувчи вирусларни топиш ва юқтириш усулларини ишлаб чиқиш

В.Б. Файзиев, З.Н.Қодирова

ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Институт ғўза коллекцияси ва тажриба далаларидаги ғўза ўсимликлари касаллик аломатларига кўра фенологик назоратдан ўтказилди. Вирус билан касалланиш эҳтимоли бўлган ўсимликлардан намуналар йиғилди ва касаллик аломатларига кўра 5 типга бўлинди:

- ғўза баргининг хлоротик сарғайиб буришиши;
- ғўза баргида оч ва тўқ яшил мозаика;
- ғўза барги рангининг антоцион ўзгариши;
- ғўза баргининг бужмайиши;
- ғўза баргининг бужмайиши ва рангининг тўқ яшил бўлиши.

Йиғилган намуналар пайвандлаш ва капилляр ёрдамида хўжайин ва индикатор ўсимликларга ўтқазилди.

Тажрибалар натижасида ғўза баргининг хлоротик сарғайиб буришиши ҳамда ғўза баргининг бужмайиши ва рангининг тўқ яшил бўлиши касаллик аломатлари ғўзанинг АН-Баяут навига юқтирилди. Касаллик аломатлари 10-12 кунда пайдо бўлди. Шу усулда вирус тамаки, шўра, ловия каби ўсимликларга юқтирилди ва касаллик аломатлари ўрганилди. Шундай қилиб, ғўза вируси ғўзанинг АН-Баяут навига ва индикатор ўсимликларга пайвандлаш усулида юқтирилди


**Компьютер тизимларида Ғарбий Ўзбекистон тоғларида
ўтказилган тектонофизик ўлчовларнинг таҳлили**

Х.Л.Ҳамидов

ЎзР ФА Сейсмология институти

Ғарбий Ўзбекистоннинг Марказий Қизилқум қисмида тарихда қатор кучли зилзилалар кузатилган. Хусусан Букантов, Тамдитов, Қоратов, Нурота тоғлари атрофидаги магнитудаси 4 ($J=5-6$ балл) ва 5 ($J=7-8$ балл) атрофидаги кўплаб зилзилалар бўлган. Улардан энг кучли ва юқори талофатлилари 1976 ва 1984 йиллари Газли шаҳри яқинидаги магнитудаси 7 ($J=9-10$ балл) ва ундан ортиқ бўлган зилзилалардир. Ушбу ҳудудлардаги геодинамик ҳаракат кучли эканини олимлардан Х.А.Абдуллаев, О.М. Ақромхўжаев, Ў.О. Мавлонов, И.Х. Ҳамробоёв, О.М. Борисов, Қ.Н. Абдуллабеков, Р.Н.Иброҳимов, Д.Х. Якубов, А.Р. Ярмухамедов ва бошқалар қатор илмий изланишларида асослаб беришган. Зилзилаларнинг келиб чиқиш сабаблари бевосита тоғ жинсларининг ҳаракати билан боғлиқлиги ҳам юқоридаги олимларнинг илмий ишларида муфассал келтирилган. Ҳозирги кунгача тузилган тегишли замонавий ҳаракатлар харитаси, геотектоник хариталар, геофизик майдонлар хариталари, сейсмик хавфни баҳолаш хариталари рақамлаштирилмаган ва чизма усулларда тайёрланган. Уларни бирлаштириб таҳлил қилиш имкони узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Замонавий компьютер тизимларида ушбу ишларни автоматлаштириш имконияти катта бўлиб, ҳозирги кунда ЎзР ФА Сейсмология институти Сеймотектоника (Иброҳимов Р.Н., Нурматов У.А.), Геодинамика (Ярмухамедов А.Р.), Техноген сейсмиклик (Зияудинов Ф.Ф.) ҳамда Регионал сейсмиклик ва сейсмик районлаштириш (Ортиқов Т.У.) лабораторияларида кўплаб хариталарнинг электрон нусхалари яратилган. Марказий Қизилқум тоғларидан Букантов, Қоратов ва Тамдитов тизмаларидаги бош кучланишларнинг йўналишини аниқлаш учун 1976-2005 йиллар давомида қатор дала экспедиция ишлари олиб борилган. Бу ишларда асосан очиқ ҳолатдаги тоғ жисмларидаги синиш текисликларининг азимутал ва бурчак ётишлари ўлчанган. Шу жумладан ер ёриқлари, майда ёриқлар тизими, уларнинг жойлашиш ҳолатлари, миқдорий тартиблари хариталанган. Ушбу ўлчовлар натижасида икки ўлчамли рақамли массив шаклида маълумотлар мажмуаси тузилди. Яратилган рақамли массивлар тегишли файлга келтирилиб EXCEL форматда жадвали кўринишга келтирилди. 18 очиқ ҳолатдаги геологик жисмларда ўтказилган (ҳар бир нуқтада 100 та ўлчов) ўлчовлар 18 та жадвалга жойлаштирилди. Сўнгра ҳар бир жадвалда азимут ва бурчаклар орасидаги умумий ва ўртача боғланишлар кўриниши ва графиклари тузилди. Шу жумладан ҳар бир ҳолат учун алоҳида-алоҳида корреляция коэффициентлари ва расмда кўрсатилгандек умумий трендлар функцияси ифодаланди.

Тоғ жинсларидаги текисликларнинг ётиш бурчаклари тренди



Ўлчов йўналиши

Натижада 1:1000000 см. масштабдаги харитага жойлаштира бўладиган кучланиш векторининг асосий йўналишлари шакли ҳосил бўлди. Ушбу шакллар харитага қўйилгач ва векторлар йиғиндиси олингач, Букантов тизмасида ҳаракат йўналиши жануби-ғарбдан шимоли-шарққа соат стрелкасига қарши йўналишда экани маълум бўлди. Худди шундай таҳлил Қоратов учун ҳам ўтказилди. Бунда 1976 йилги $J=10$ баллик ҳамда 1984 йилги иккита $J=10$ баллик Газли зилзиласи ўчоғининг механизми ҳам ҳисобга олинди. Чунки ҳар бир зилзила механизми сиқувчи ва унга перпендикуляр бўлган чўзувчи кучлар орасидаги нодал текисликларда ётади. Бу механизмларнинг векторли кўриниши эса бугунги ҳаракат йўналишини беради. Шунинг учун ушбу векторлар жойлашишини аниқ келтириш амалда тектонофизик ўлчовларда қурилган векторлар билан бирга умумий йўналишни беради. Ушбу ҳудуд учун бу йўналиш Жанубий Тянь-Шан ер ёриғи текислигида ётиши аниқланди. Маълумки, ушбу ёриқ Фарғона водийсининг жанубидан ўтиб, шарқда улкан Талас-Фарғона ёриғига бориб тақалади. Шунинг учун қатор тузилган векторлар майдонининг кўринишлари Талас-Фарғона ёриғидаги тектоникифизик ўлчовлар натижасида олинган вектор майдонлари билан солиштирилди. Натижада EXCEL муҳитида иккала майдон учун ўзаро боғлиқлик трендлари қурилди.

Ингичка толали ғўза навларининг морфобиологик кўрсаткичларини ўрганиб бошланғич манба етиштириш

Н.Э. Чоршанбиев

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Ғўзанинг G. Bardabanse L. тури толасининг узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги билан қадрланади ва ишлаб чиқариш талабига жавоб беради. Шу боис олимларимиз томонидан ингичка толали ғўзанинг бу тури устида олиб борилган генетик, физиологик ва селецион илмий изланишлар натижасида бир қатор янги навлар яратилган ва ҳозирги кунда ҳам яратилмоқда. Аммо мамлакатимиз пахтачиликнинг шимолий ҳудуди ҳисобланганлиги учун анча иссиқ, жанубий ҳудудларда етиштиришга мослашган G. Bardabanse L. ғўза турининг маданий, тезпишар навларини яратиш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз илмий изланишимизда

ингичка толали ғўзанинг бир нечта навларида ўсув даврининг таркибини ташкил этувчи ҳар бир даврнинг давомийлигини ўрганишни вазифа қилиб қўйдик.

Тадқиқотларимизда асосий манба сифатида Бухоро-7, Дуру-Гавҳар, Термиз-32, Сурхон-9, Сурхон-10 навлари олинди. Андоза (стандарт) сифатида Термиз-31 нави олинди. Тажрибада ҳар бир навнинг уруғлик материали рендомизация усулини қўллаган ҳолда уч қайтаришда, 4 қатордан ҳар бир қаторда 25 та уядан экиш схемаси 90x25 қилиб жойлаштирилди. Тажрибадаги навлар популяциялари морфобиологик белгилари билан бир қаторда ўсув даврини белгиловчи экишдан 50% униб чиққунча, гуллагунча ва очилгунча каби даврлари кўрсаткичлари ўрганилди.

Олинган маълумотларга кўра, ўрганилаётган навлар ҳамма даврларда бир-биридан фарқ қилар экан. Бундан ташқари бу навларда ҳар бир давр ўзига хос равишда кечар экан. Масалан: униб чиқиш тезлиги (13,7 кун) ва гуллаш даври (82,3 кун) бўлган Сурхон-9 нави қолган навларга нисбатан 2,7-6,7 кунга тезроқ пишиб етилди, яъни кўсақлари эрта очилди. Термиз-32 нави кўсақлари эса эртароқ униб чиққанига (9,3 кун) ва гуллагунча (80,7 кун) қарамасдан Сурхон-9 навидан (2,7 кун) кечроқ очилди.

Ўрганилаётгандан Термиз-32 нави энг тез униб чиқиш (9,3 кун) ва гуллаш (80,7 кун) хусусиятига эга эканлиги кузатилди. Кўсақларнинг тез очилиши Сурхон-9 (113,0 кун) ва Термиз-32 (115,7 кун) навларида кузатилди. Униб чиқиш тезлиги паст ва кеч гуллаш Сурхон-10(15,3 ва 86,6 кун) ва Дуру-Гавҳар (14,7 ва 86,0 кун) орқада қолди. ўрганилган бошқа навлар эса гуллаш ва кўсақ очилиш тезлиги бўйича анча қисқа даврга эга эканлиги кузатилди.

Шундай қилиб, Термиз-32 ва Сурхон-9 навларини юқоридаги кўрсаткичлар бўйича бошқа навларга нисбатан ижобий хусусиятга эга эканлиги тажриба натижаларидан кўриниб турибди.

Кумуш ионларини О,О-диамилтиофосфор кислотаси калийли тузи билан комплекс ҳосил қилиш реакцияси кимёсини ўрганиш

*У.К.Абдурахманова
Гулистон Давлат университети*

Нодир металлларни концентрлаш усуллари аналитик кимёнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Одатда бу муаммони ечиш танловчан органик экстрагентларни топиш йўли билан амалга оширилади. Органик реагентлар металл ионлари билан органик лигандли ички комплекс бирикмалар ҳосил қилади.

Шуларни назарда тутиб, биз органик қаватда Ag^+ ионининг О,О-диамилтиофосфор кислотаси калийли тузи билан кислотали муҳитда комплекс ҳосил қилиш реакцияси кимёсини ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Комплекс ҳосил бўлиш реакциясининг оптимал шароитини аниқлаш учун $Ag - R$ комплексининг дастлабки ютилиш спектри, моляр сўндириш коэффициенти ва реакциянинг сезгирлиги аниқланди. Экстракцияни орзи тикин билан ёпиладиган ажратгич воронкада олиб борилди. Аралаштириш 40 минут давом эттирилди.

Текширилаётган эритмаларда металлларнинг миқдори $0,5 \cdot 10^{-5} - 1,0 \cdot 10^{-1}$ моль/л ни ташкил қилади. Ag^+ ионини реагент эритмаси билан хлороформ-изобутил спирти аралашмасида хлорид кислотали эритмалардан экстракция қилинди. Фазалар қаватларга ажратилгач, органик фаза ($Ag - R$ комплекси) даги кумушнинг миқдорини

реагентнинг таққослаш эритмасига нисбатан СФ-46 электрон-спектрофотометрда қалинлиги 1,0 см ($l=1,0\text{см}$) бўлган кюветага солиниб оптик (А) зичлиги ўлчанди. Натижалар кўрсатишича, О,О-диамилтиофосфор кислотасининг калийли тузи ютилиш спектри максимуми 227 нм га, $\text{Ag}^+ - \text{R}_{\text{C}_2\text{H}_4}$ комплекси учун эса 247 нм га тенглиги маълум бўлди.

Аниқланган оптимал шароит асосида $\text{Ag}^+ - \text{R}_{\text{C}_2\text{H}_4}$ комплексининг, таркиби, экстракция даражаси, тақсимланиш коэффициенти, беқарорлик ва барқарорлик константалари тадқиқ қилинди. Олинган натижалар кўрсатишича, комплекс ҳосил бўлиш реакциясида кислотали муҳитда кислота концентрацияси ортиши билан экстракция самарадорлиги камайиб бориши кузатилди.

Ҳосил бўлган $\text{Ag}^+ - \text{R}_{\text{C}_2\text{H}_4}$ комплекс бирикмасининг беқарорлик ва барқарорлик константаси:

$$K_{\text{беқарор}} = 0,62 \cdot 10^{-4}; K_{\text{барқарор}} = 1,6 \cdot 10^4 \text{ га тенглиги маълум бўлди.}$$

Шўркўл сув омборидаги оқ сла балиғининг (*Stizostedion lucioperca* (Linne)) серпуштлилиги

Б.Е.Жумабаев

Навоий Давлат педагогика институти

Оқ сла Шўркўл сув омборига Аму-Бухоро канали орқали Амударёдан тушган бўлиб, ҳозирги вақтда сув ҳавзасининг барча қисмларида кенг тарқалган. Сув омборида 1-6 ёшли сла балиқлари учрайди. Овдаги оқ сла популяциясининг асосини 2-4 ёшли (78,3%) балиқлар ташкил этади. Шўркўл сув омборида оқ сла балиғи 2-3 ёшида, тана узунлиги 27,2-40,1 см (ўртача 32,1 см), оғирлиги 27,5-916 г (ўртача 432,2 г) бўлганда жинсий етилади. Вояга етган сла балиғининг 69,2 фоизи 3 ёшли балиқларга тўғри келади. Урчувчи сла балиқларининг 71,9 фоизини 3-4 ёшли индивидлар ташкил қилади. Бу йиртқич балиқнинг жинсий етилиш даврини (2-3 ёш) назарда тутсак, сув омборидаги сла галаси биологик жиҳатдан анча шакланган популяция ҳисобланади.

Шўркўл сув омборидаги узунлиги 27,2-61,9 см (ўртача 44,7 см), оғирлиги 275-4100 г (ўртача 1625,5) бўлган 2-6 ёшли слаларнинг кўпайиш хусусиятлари ўрганилди ва қуйидаги натижалар қайд қилинди: бу балиқнинг абсолют серпуштлилиги 20148-492672 (ўртача 196873) донага, нисбий серпуштлилиги 63,5-189,6 (ўртача 129,9) дона, жинсий етуклик даражаси 2,4-10,7 фоизга (ўртача 7,4%), увилдириқлар соматик индекси 2,6-11,5 фоизгача (ўртача 8,6%) тебраниб туради.

Сла балиғининг ёши, узунлиги, оғирлигининг ошиб бориши билан балиқнинг абсолют серпуштлилиги, етуклик даражаси ва увилдириқлар соматик индексининг ўсиб бориши орасида маълум бир боғлиқлик (корреляция) борлиги аниқланди. Балиқнинг нисбий серпуштлилиги билан балиқ ўлчамлари орасида бу каби корреляция кузатилмади. Яъни, сув омборидаги энг юқори индивидуал абсолют серпуштлилик 61,9 см узунликдаги, 4100 г оғирликдаги 6 ёшли балиқда (492672 дона), энг кичик кўрсаткич эса 28,2 см, 313 г бўлган 2 ёшли слада (24349 дона) қайд этилган бўлса, энг юқори нисбий серпуштлилик эса 47,6 см, 1643 г бўлган 4 ёшли балиқда (189,6 дона), энг паст кўрсаткичи 32,9 см узунликдаги, 916 г оғирликдаги 3 ёшли слада (63,5 дона) қайд этилди.

Оқ сла урчиши жиҳатдан бир вақтда ва бирданига урчийдиган балиқлар гуруҳига киради. Бу балиқ сув ҳавзаларининг экологик, гидрологик шароитларига тез мослаша олади, яъни анча юқори пластиклик хусусиятига эга. Сланинг урчиш даври бошқа балиқларга қараганда анча барвақт бошланади. Баҳорнинг келишига, об-ҳаво шароитига қараб увилдириқ ташлаши февраль ойидан майгача чўзилиши мумкин.

Halimocnemis туркуми турларининг ем-хашаклик хусусиятлари

Д Имомова.

Жиззах Давлат педагогика институти

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачилик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришда асосан, ем-хашак базасини яратиш, уни такомиллаштириш асосий ўрин тутлади.

Ем-хашак ўсимликлари орасида Шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига мансуб галимакнемис (*Halimocnemis*) туркуми турлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудида галимокнемис туркумининг 11 тури тарқалган бўлиб, улар қуйидагилар:

1. *H. Karelinii* - бир йиллик ўт, бўйи 25 см, июнь-сентябрь ойларида гуллаб, мева беради. Шўрхоқ, тақир, гипсли қумлоқ ва тошлоқ ерларда ўсади;

2. *H. sclerosperma* - бир йиллик ўт, бўйи 5-30 см, июнь-сентябрь ойларида гуллаб, мева беради. қумлоқ, тақир, гипсли тупроқларда ўсади;

3. *H. villosa* - бир йиллик ўт, бўйи 25 см, июнь-сентябрь ойларида гуллайди ва мева беради. Шўрхоқ, қумлоқ тупроқларда ўсади;

4. *H. longifolia* - бир йиллик ўт, бўйи 30 см гача, июнь-сентябрь ойларида гуллаб, мева беради. қумлоқ, тақир, Шўрхоқ ерларда ўсади;

5. *H. Berezinii* - бир йиллик ўт, бўйи 10-30 см. июль-август ойларида гуллаб, меваси пишиб етилади, қумли ва шағалли тупроқларда ўсади;

6. *H. mollossima* - бир йиллик ўт, бўйи 10-30 см, июнь-июль ойларида гуллайди ва меваси етилади. Шўрхоқ, тақир, Шўрхоқ-тошлоқ чўлларда тарқалган;

7. *H. glaberrima* - бир йиллик ўт, бўйи 15-30 см, июнь-июль ойларида гуллаб, мева беради. Қумли-тошлоқ чўлларда ўсади;

8. *H. lasiantha* - бир йиллик ўт, бўйи 5-25 см, июнь-июлда гуллайди ва меваси пишиб етилади. Шўрхоқ қумли ва тошлоқ тупроқли ҳудудларда ўсади;

9. *H. macranthera* - бир йиллик ўт, бўйи 5-20 см, июнь-август ойларида гуллаб, мева беради;

10. *H. Smirnovii* - бир йиллик ўт, бўйи 5-15 см, июнь-июлда гуллаб, мева беради. Шўрланган тошлоқ ерларда тарқалган;

11. *H. latifolia* - бир йиллик ўт, бўйи 10-28 см, май-июнь ойларида гуллаб, меваси пишиб етилади.

И.Ларининг (1951) маълумотида кўра туркум турлари таркибида ишқорли сув, зол, клечатка, протеин, оқсил, ёғ, крахмаллар борлиги аниқланган.

Юқорида келтирилган туркум вакиллари ем хашак базасини яратишда асосий роль ўйнайди.

Қорақўл қўй ва туялар ўсимликларнинг ер устки қисмини ёз ва куз ойларида яшил масса сифатида, қиш ойларида эса қуруқ масса сифатида истеъмол қилади, бу эса уларнинг яхши семиришига, пуштининг яхшиланишига, касалликларга чидамли-

лигини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари туркумга мансуб ўсимликлар бошқа чўл ўсимликлари билан бир неча хил ассоциация ва фармациялар ҳосил қилади. Бу эса уларнинг ем хашак базасини яхшилашга қаратилган муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон шароитида шולי сомон қўлланилган тупроқлардаги микроорганизмлар фаоллиги

Ф.Т. Отенова, Г Сапаева.

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти

Қорақалпоғистон Республикаси шароитидаги шולי экиладиган тупроқларнинг унумдорлигини мунтазам равишда ошириб бориш бугунги куннинг асосий муаммоси ҳисобланади. Бу долзарб масалани ҳал қилишда деҳқончиликда қилинадиган тупроқларга қўлланиладиган ўғитлар ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига озик модда бўлиши билан тупроқдаги микроорганизмларнинг ўсиб кўпайишига асосий манба бўла олади.

Жанубий Орол бўйи тупроқларида шולי экиладиган далаларга минерал ўғитлар билан биргаликда энергетик жамғарма сифатида шולי сомонларини майдалаб қўллаш, микроорганизмларнинг ривож топишига асос бўлиши билан тупроқ унумдорлигини тиклашда таянч бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Тупроқ ҳаётида микроорганизмларнинг тутган ўрни ниҳоятда каттадир. Чунки, суғориладиган тупроқларни унумдор ва ҳосилдор ҳилишда микроорганизмларнинг фаолияти бебаҳодир. Доимий сув босиб турган тупроқларда, яъни шולי далаларида ўзига хос микроорганизмлар яшаб ҳаёт кечирадилар (Мишустин, Звягинцев, Громов, 1986, 1987, 1991).

Микроорганизмлар тупроқ таркибидаги ўсимлик қолдиқларини, жумладан шולי сомонини парчалаб, уларни ҳар хил минерал бирикмаларга айлантиради. Албатта бу жараён аэроб шароитда юз беради, улар кислородсиз анаэроб шароитда эса тўлиқ парчаланган бўлмаслиги мумкин. Шу икки шароитда ҳам гумус ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши туфайли пероксидаза ва полифенолоксидаза ферментларнинг фаолияти кучаяди ва гумусга бой тупроқ ҳосил бўлади.

Шולי сомонининг қўлланиш туфайли кўпчилик физиологик гуруҳларга кирувчи микроорганизмларнинг кўпайиши бироз фаоллашади. Аммонификацияловчи ёки сапрофит ҳолдаги чиритувчи бактерияларнинг кўпчилиги тупроқнинг юқори қатламидаги (0-10см) бир грамм тупроқда 1,6-7 млн. дона хужайра мавжуд эканлиги аниқланди. Анаэроб ва аэроб микроорганизмларнинг сони кескин ўзгариши босиб суғориладиган тупроқларда кузатилди. Тажрибада аэроб микроорганизмларнинг ўсиб ривожланишининг пасайиши қайд этилди, аммо улар тупроқ таркибидан биротада йўқолиб кетмайди. Бундай ўзгаришлар шолининг бутун вегетация даврида сақланиб қолади.

Бостириб суғориладиган тупроқларда аэробиз ва анаэробиз бактерияларнинг сони анча камайиб борди. Азотни ўзлаштириш ёки қабул қилиш жараёни босиб суғориладиган тупроқларда оддий тупроқларга солиштирганда анча камайиб бориши кузатилди.

Анаэроб шароитда кам ривожланган микроорганизмлар аммиакнинг кўпайишига ва биологик азотни кам ўзлаштиришга сабабчи бўлади. Шולי сомон қўлланилган вариантларда тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб микроорганизмларнинг сон ва сифати ўзгаради.

Босиб суғориладиган тупроқлардаги чиритувчи бактериялар ва спора ҳосил қилувчи бактерияларнинг ривожланиши сувнинг бостириш даврида юқори бўлгани қайд этилди. Шу билан қатор чиритувчи бактерияларнинг ва денитрификацияловчи микроорга-низмларнинг ривожланиши шולי сомон ишлатилган вариантларда кучлироқ бўлиши бизнинг тажрибамизда яққол исботланди. Аэроб шароитдаги сульфатредукцияловчи бактериялар целлюлозани парчаловчи микроорганизмларнинг фаоллигини анча пасайтиради.

Шоли сомонни қўлланиш тупроқдаги барча гуруҳларга кирувчи микроорганизмларнинг ўсиб ривожланишига асос бўлди. Айниқса, чиритувчи бактериялар шолининг ўсиб ривожланиш даврида юқори даражада бўлгани аниқланди. Бу жараён шолининг бугизлаш даврида анча пасайган бўлса-да анаэроб шароитда унинг кучайиши кузатилди. Кучли шўрланган тупроқларда у салбий натижа берди.

Демак, Қорақалповистон Республикаси жамоа хўжаликларида олиб борилган тажрибаларда бостириб суғориладиган тупроқларда минерал ўғитлар билан биргаликда гектарига 5 тоннадан шולי сомоннинг қўшиб ишлатилиши барча физиологик гуруҳларга кирувчи микроорганизмларнинг ўсиб ривожланишига ижобий таъсири ва унинг тупроқнинг шўрланиш даражасига боғлиқ бўлиши бизнинг тажрибаларимизда тасдиқланди.

Натижада бу усулларни қўллаш орқали тупроқда юз бераётган микробиологик жараёнлар динамикасини таҳлил қилиш, биоген элементларни аниқлаш, хўжаликларнинг иқтисодий самарасини баҳолаш масалалари ҳал қилинди.

Тупроқ унумдорлигини оширишда соя ўсимлигининг ўрни

Г.Н. Тангилова, Д.Ё. Ёрматова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Соя ўсимлиги майдонлари ер шарида кейинги йилларда 76 млн. гектардан ошди, маълумки соя озиқ-овқат саноатида энг экологик тоз техникада сифатли, пишиқ маҳсулотлар берса, чорвачиликда эса энг тўйимли оқсилли озуқа манбаи бўлиб қолди. Ҳозирги кунда соядан 400 га яқин турли хил маҳсулот олинади ва буларнинг барчаси инсонлар турмушининг фаровонлиги учун фойдаланилади.

Деҳқончиликда соя ўсимлигининг ўзига хос ўрни бўлиб, ўзидан кейин тупроқда 45-50 кг соф азот қолдириб кетади. Кейинги пайтда пахта-беда алмашлаб экишининг йўқолиб кетиши тупроқ унумдорлигининг камайиб кетишига олиб келмоқда. Бедадан кейин тупроқда 90-100 кг соф азот тўпланарди, бугунги кунда республиканинг 1,3 млн.гектар ерида кузги буядой экилса, 1,5 млн.гектар ерга пахта экилади, демак, пахта ва буядой монокультураси вужудга келди. Узлуксиз бу иккала экинни экиш тупроқ унумдорлигини пасайтиради, пахта ва буядой ўсимлигига мослашган касаллик зараркундалар кўпаяди.

Соя дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик бўлгани учун тупроқни соф экологик азот билан бойитади, ўсув даври қисқа бўлгани учун, кузги арпа ва буядойдан бўшаган майдонларга экиб тупроқда соялом экологик муҳит пайдо қилиш бугунги деҳқончилик фанининг вазифасидир.

Кузги дон экинларидан кейин соя экиб ҳосил олиш бир даладан икки марта дон олиш имконини беради.

Соя уруғларини экишдан олдин ризоторфин штаммлари билан қайта ишлаб экилса, бир гектарда тўпланадиган соф азот миқдори 70-80 кг.га етади.

Биз ўз тажрибаларимизда республикада иқлимлаштирилган Дўстлик ва Орзу навларининг, Украинадан келтирилган Изумруд ва Медея навларининг экиш меъёрларини (70, 80, 90 кг миқдорда) ўргандик. Ўрганилган навлардан Дўстлик ва Изумруд ўртапишар, Орзу ва Медея навлари эртапишар ҳисобланади. Бизнинг мақсадимиз тупроқнинг агрокимёвий таркиби соя навлари экилгунча ва соя йиғиштириб олингандан кейин аниқлаш эди. Соя экилган далага келгуси йил буғдой экилганда ҳосилдорлигининг ҳар гектарда 5-6 центнерга ва буғдой дони таркибида оқсил миқдори 1,3-1,5% ошганлиги маълум бўлди.

Эртапишар Орзу ва Медея навлари учун экиш меъёри 90 кг, ўртапишар Дўстлик ва Изумруд навлари учун 80 кг экиш меъёри муқобил ёки энг қулай ҳисобланади.

Соя ўсимлигини кузги буғдойдан кейин экиб октябр ойининг ўрталарида донини йиғиштириб олиб яна буғдой ёки пахта учун соф азот билан бойиган унумдор далага эга бўлиш келгуси йил экиладиган экинларнинг юқори ҳосил беришини таъминлайди.

Республикада соя ўсимлиги майдонларини кенгайтириш, иқтисодий жиҳатдан кам харажат бўлиб, тупроқда микроорганизмларнинг фаолиятини яхшилайдиган агротадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Цестода *Mesocestoides lineatus*нинг ҳаёт цикли

Ў.Тошев

Қарши Давлат университети

Гельминтология фани ривожланишининг дастлабки йилларидаёқ бу фаннинг кенг ва чуқур маълумот тўпланиши учун ёввойи ҳайвонлар гельминтларини табиатнинг турли экотизмлари шароитида ҳайвонларнинг турли систематик гуруҳларининг ўзаро солиштирган ҳолда бирга жамланган ҳолда тадқиқ қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Судралувчиларни гельминтлар билан зарарланишини янада чуқурроқ ўрганиш учун гельминт турларини ҳаёт цикллари ўрганиш лозимдир.

Ўзбекистон ҳудуди шароитида *Mesocestoides lineatus* анча кенг тарқалган бўлиб, вояга етган паразит холдор мушук, шакал, қарсоқ, қамиш мушукларида учрайди ва зарарланиш экстенсивлиги 31.2% га тенг (Мўминов, 1968). Шунингдек, тулки, бўрсиқ каби йиртқич уй ва ёввойи ҳайвонларни зарарланганлиги аниқланган (Султонов, Мўминов ва бошқ. 1971). Цестоданинг личинкалари (тетрадитий) судралувчилардан сариқ илон, чўл агамаси, калтакесакларда ҳамда турли кемирувчи ҳайвонларда (каламмушлар, дала сичқони ва бошқ.) тарқалганлиги маълум. Цестоданинг ҳаёт цикли, тарқалиши, популяция структураси, оралиқ, резервуар, дефинитив хўжайинларнинг турлар таркиби, экологик хусусиятлари, дестробляция жараёни ва ташқи муҳитни гельминт тухумининг фаоллиги ва бошқа жараёнлар бўйича Ўзбекистон ҳудуди табиий шароитида тўпланган материаллар ҳамда мавжуд адабиётларда бўлган маълумотларни таҳлил қилиши натижаларини ўрганиш қуйидаги хулосаларга келинди: Цестоданинг дефинитив хўжайини - ит, тулки, бўрсиқ ва бошқаларнинг чиқиндисиди кузда (ноябрь) ҳамда эрта баҳорда (март) дестробляция жараёни бироз тезлашади ва кўплаб мезоцестоид тухуми ажралиб чиқиб атроф-муҳитни ифлослантиради.

Зарарланиш интенсивлиги 35 га тенг. Ушбу цестоданинг оралиқ хўжайинлари бўлиб, асосан қуйидаги *Shelobates* авлодига оид орибатид (*Oribatei*) кана турлари ҳисобланади:

Улар Зарафшон қўриқхонаси ҳудудида айниқса кўп учрайди.

Mesocestoides lineatus личинкалари тетрадитийлар резервуар хўжайинлар-судралувчилар, кемирувчилар, типратиканлар танасида “аккумуляция” (тўпланиш) содир бўлади. Шу сабабли йилнинг турли фаслларида дефинитив хўжайинни зарарлайдилар. Ўзбекистон шароитида бу цестоданинг асосий резервуар хўжайинлари судралувчилар ҳисобланади. Зарарланиш экстенсивлигини 31% ни ташкил қилади.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, мезоцестоидларнинг тўртта гуруҳ популяцияси (тухум, цистицеркоид, тетрадитий ҳамда вояга етган цестода) даврини (онтогенез) ўтайди. У учта-систематик группа вакиллари организмга ҳамда атроф-муҳит шароитига биоэкологик жиҳатдан яхши мослашган. Бу эса ўз навбатида турли экологик шароитларда яшовчи умуртқали ҳайвонлар биоценотик алоқаларнинг сақланиши ва шу тариқа гельминт ҳаёт циклини рўёбга чиқаришни таъминлайди.

Канада багрянниги - *Cercis kanadensis* L. дарахтларининг биоэкологик хусусиятлари

И.Ю Ҳайитов.

Қарши Давлат университети

Сўнгги йилларда атмосферанинг ифлосланишида транспорт воситаларининг салмони ортиб бормоқда. Дунёда атмосферанинг ифлосланишида автомобиль транспортининг ҳиссаси 40% га етади. Автомашина, самолёт, тепловоз, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқалар жуда катта миқдорда кислородни сарфлаб, атмосферага (таркибида 200 га яқин заҳарли моддалар учрайди) ҳар хил газларни (ис гази, азот оксиди, углеводлар, қўроғошиннинг заҳарли бирикмалари, чанг, қум ва бошқалар) чиқариб уни ифлослайди [1].

Атмосфера ҳавосини бундай чанг ва газлардан тозаланишнинг энг арзон ва қулай усули ўсимликлар олаmidан фойдаланишдир. Чунки, ўсимликлар қишлоқ ва шаҳар микроклимига таъсир этиб, ҳавони тозалаб, уни кислород билан бойитиб турувчи санитарлик вазифасини ҳам бажаради, баъзилари эса аллергик касалликларнинг кўзғалишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўсимликларни экаётганда уларни танлаб экиш мақсадга мувофиқдир [2].

Канада багрянниги - *Cercis kanadensis* L. дарахтлари эса атмосфера ҳавосини чанг ва газлардан тозаловчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Бу дарахтлар воҳамизга 1982 йилларда иқлимлаштирилган бўлиб, бир тўп 20 ёшли дарахт бир йил мобайнида 240 кг гача ҳаводаги чанглари тутиб қолади. Биз контрол сифатида автомагистрал йўллари атрофларида ўсаётган Канада багрянниги дарахтларини ҳаводаги чанг ва токсик металлларни тутиб қолиш хусусиятларини 1998-2000 йиллар мобайнида ўргандик. 1998 йилда бир соат давомида автомагистралдан $927 \pm 85,3$ дона, 1999 йилда $780 \pm 61,9$ дона, 2000 йилда $980 \pm 85,9$ дона автомашина ҳаракати кузатилган. Бунда 1998 йилда бир метр квадрат барг сатҳида $9,21 \pm 0,84$; 1999 йилда $6,45 \pm 0,56$; 2000 йилда $9,40 \pm 0,79$ г чангни тутиб қолиши аниқланди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, автомобиль серқатнов бўлган йиллари дарахтларнинг барги кўпроқ чангни тутиб қолиши аниқланди.

Таъкидланган йилларда Канада багрянниги дарахти барглариининг кули таркибидаги Al, Fe, Pb, Cu, Zn, Ni каби металлларни ўргандик. Бунда автомагистралдан автомобиль кам қатнов (1998) бўлган йилларига нисбатан серқатнов бўлган йиллари (2000) Al-26,7; Fe-23,6; Pb-35,3; Cu-16,1; Zn-34,3; Ni-99,45% гача кўп учраши аниқланди.

Яблоков ва Остроумовларнинг таъкидлашича, яшил ўсимликлар ҳавони чанг ва зарарли газлардан тозалашдан ташқари яна атмосферага ҳидли учувчи органик модалар-фитонцидлар ажратиб чиқаради. Фитонцидлар эса ўз навбатида атмосферадаги умуман ер юзасидаги кўпгина патоген бактериялар, замбуруғлар ва ҳатто зарарли ҳашаротларни ўлдириб, ҳар хил касалликнинг олдини олиб турувчи “санитарлик” ролини ўйнайди [3].

Бизга маълумки, ўсимликлар ҳаводаги чанг ва тутунларни тутиб қолиб, узоқ масофаларга, яъни аҳоли яшайдиган пунктларгача етиб бормаслигининг олдини олади. Шу билан бирга бу дарахтлар жуда манзарали бўлиб, кишиларга эстетик завқ бағишлайди, уларнинг эмоционал кайфиятлари кўтарилади.

Ушбу кўрсаткичларга асосланган ҳолда Канада багрянниги дарахтларини автомобиль серқатнов бўлган йўллар, кўчалар атрофларида, кўп миқдорда чанг ва тутун чиқарувчи завод ва фабрикалар атрофларида, соғломлаштириш муассасаларини кўкаламзорлаштириш, суғориш имконияти чегараланган, айниқса ҳавони ифлословчи манбалар атрофида бир қатор ва кўп қаторли санитария ҳимоя зоналарини ташкил этиш учун тавсия этилади.

Чигитнинг бўртишига сувли сўримнинг таъсири

*Ф. Ҳасанова, М. Мадраҳимов, Т.Кулиев
Гулистон Давлат университети*

Лаборатория шароитида ўсимликларни шўрга чидамлигини аниқлашда одатда ош тузидан тайёрланган эритмадан фойдаланилади. Чунки ош тузи таркибидаги хлор ва натрий ионлари ўсимликларга кучли таъсир этади. Бундай ҳолатда шўрланган тупроқлардан тайёрланган сувли сўримдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки сувли сўрим таркибида тупроқ таркибидаги барча сувда эрувчан тузлар мужассамлашган бўлади. Бу эса ўз навбатида олинган натижани ишончлигини янада оширади.

Ушбу ишдан асосий мақсад ҳар хил шўрланиш даражасига эга бўлган тупроқлардан тайёрланган сувли сўрим ёрдамида ғўза навларида бўртиш жараёнини ўрганишдан иборат эди. Бунинг учун тажриба объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг Ан-Баявут-2, Ҳазина, Оқдарё-6 ва С-6770 навлари танланди. Ушбу навлардан олинган чигитларда бўртиш жараёни сувда (назорат), кучсиз ва кучли шўрланган тупроқлардан тайёрлан сувли сўримда кузатилди. Тажриба Гулистон Давлат университети «Умумий биология» кафедраси қашидаги экспериментал биология лабораториясида олиб борилди.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, ғўза навлари сувда ивигилганида бўртиш учун сарф бўлган сув миқдори Ан-Баявут-2 навида 153,8 мг ни ташкил этди. Бу эса чигитнинг соф оғирлигига нисбатан 1,5 марта кўп сув қобул қилганлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткич Оқдарё-6 навида 1,2, С-6770 навида эса 1,5 Ҳазина навида эса 1,1 ни ташкил этди. Кучсиз шўрланган тупроқлардан тайёрланган сувли сўримда эса бўртиш жараёни учун сарфланган сув миқдори назоратга нисбатан паст бўлганлиги аниқланди. Бунинг навларнинг кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин (жадвал). Ан-Баявут-2 навида ушбу жараён учун сарфланган сув нисбати 1,4, Оқдарё- 1,1, С-6770- 1,5 ва Ҳазина навида эса 1,0 ни ташкил этди. Кучли шўрланган тупроқлардан тайёрлан сувли сўримда эса бўртиш жараёни учун сарфланган сув миқдори назоратга нисбатан яна паст бўлганлигини аниқ кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткич Ан-Баявут-2 1,0 ташкил

этган бўлса, Оқдарё, С-6770 ва Хазина каби навларда эса 0,9 ни ташкил этди. Жадвалдаги маълумотлардан, бўртиш жараёни нафақат тупроқнинг шўрланиш даражасига балки навларнинг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқлигини кўрсатмоқда. Буни навларнинг кўрсаткичларидан ҳам билиш мумкин. Ан-Баявут-2 нави кучли шўрланган тупроқдан тайёрланган сувли сўримда чигитнинг соф оғирлигига нисбатан 1,1 нисбатда сув қабул қилган бўлса, Оқдарё, С-6770 ва Хазина каби навларда бу кўрсаткич 0,9 ни ташкил этди. Ушбу маълумотлар Ан-Баявут-2 навини нисбатан шўрга чидамли деб ҳисоблашга асос бўлади.

Демак, ўза навларини шўрга чидамлилигини лаборатория шароитда аниқлаш учун кучли шўрланган тупроқлардан тайёрланган сувли сўримдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жадвал. Сувли сўрим ёрдамида бўртиш жараёнини ўрганиш натижалари

№	Навлар	Чигитнинг соф оғирлиги, мг	Бўртиш жараёни учун сарфланган сув миқдори			Жами сарфланган сув миқдори, мг	Сарфланган сувнинг нисбати	Тажриб а вариантлари
			24 соатда	48 соатда	72 соатда			
1	Ан-Баявут-2	106,0	69,2	57,7	26,9	153,8	1,5	1
2	Ан-Баявут-2	99,0	61,3	35,6	33,1	151,5	1,4	2
3	Ан-Баявут-2	113,8	50,2	42,0	46,6	138,8	1,1	3
4	Оқдарё-6	89,7	75,8	45,5	30,2	151,5	1,2	1
5	Оқдарё-6	102,5	45	33,0	324	110,4	1,1	2
6	Оқдарё-6	94,2	36,1	40,6	11,7	88,4	0,9	3
7	С-6770	93,1	56,8	31,8	47,4	136,0	1,46	1
8	С-6770	93,1	56,8	31,8	47,4	136,0	1,46	2
9	С-6770	102,8	63,9	21,4	35,1	120,4	1,2	3
10	Хазина	110,3	52,5	39,9	27,0	119,4	1,08	1
11	Хазина	110,3	43,8	37,7	28,0	109,5	1,0	2
12	Хазина	1105	48,5	32,6	33,4	114,5	0,9	3

Изоҳ: 1-вариант сувда(назорат);2- кучсиз шўрланган тупроқдан тайёрланган сувли сўримда; 3- кучли шўрланган тупроқдан тайёрланган сувли сўримда.

Кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига экиш меъёрининг таъсири

*А. Эшқувватов, Т. Кулиев, Х. Кушиев.
Гулистон Давлат университети*

Кузги буғдой навларининг ҳосилдорлигига бевосита таъсир этувчи курсаткичлардан бири бу экиш меъёридир. Экиш меъёрининг оптимал бўлиши, тупроқ таркибидаги озиқ элементларидан, қуёш нуридан ва сувдан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Бу эса юқори ҳосил олиш гарровидир. Шу билан бир қаторда, экин майдонини ўсимликлар билан текис қопланиши иккиламчи шўрланишни олдини олади. Бу эса шўрланишга мойил бўлган тупроқ шароити учун жуда муҳим ҳисобланади. Маълумки, шўрланган тупроқ шароитида ғалладан нисбатан паст ҳосил олинмоқда. Бундай муаммо Сирдорё вилоятида ҳам мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалигида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун нафақат мелиоратив тадбирлар балки ўсимликларнинг ирсий имкониятларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳар минтақанинг тупроқ иқлим шароитида навларни тўғри жойлаштириш ва уларни парваришлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида қайд этганимиздек, ғаллачилик соҳасида, айниқса, суғориладиган экин майдонларида кузги буғдой навларидан юқори ҳосил олиш буйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар ҳосилдорлик ва унинг сифати билан боғлиқ бўлган кўплаб илмий муаммолар ечимини топишга қаратилган.


Тажрибани ўтказишдан асосий мақсад Сирдарё вилояти тупроқ иқлим шароитида кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига экиш меъёрининг таъсирини ўрганишдан иборат. Бунинг учун кузги буғдойнинг ГулДУ, Чиллаки, Баявут-1 ва Полавчанка, Гайрат ва Андижон-3 каби навлар объект сифатида танланди. Ушбу навлар экиш меъёри 2 миллиондан - 7 миллионгача бўлган дала майдончаларида 4 кайтариқда синовдан ўтказилди. Мазкур навлар 1 октябр куни экилди. Дала тажрибаси Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Сирдарё филиали тажриба майдонида олиб борилди.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида экиш меъёрининг ҳосилдорликка таъсир этишини аниқладик. Буни жадвалдаги маълумотлардан ҳам аниқ кўриш мумкин. Экиш меъёри гектарига 2 миллион донни ташкил этганида 1 м^2 даги бошоқлар сони 411 тани ташкил этди. Ҳосил элементларидан бўлмиш битта бошоқдаги дон оғирлиги эса 1,23 граммга тенг бўлган бўлса ҳосилдорлик 382 грамми ёки гектарига 38,2 центнерни ташкил этди. Экиш меъёри гектарига 3 миллион донни ташкил этганида 1 м^2 да ҳосилдорлик 475 граммга тенг бўлди. Экиш меъёрининг ортиб бориши ҳосилдорликни ошишига таъсир этди. Бу кўрсаткич гектарига 5 миллион дон экилганида энг юқори бўлди. Гектарига 6- 7 миллион дон экилган вариантларда эса ҳосилдорликни ортиши кузатилмади. Жадвалдаги маълумотлар асосида яна шуни қайд этиш мумкинки, экиш меъёрининг ортиши битта бошоқдаги дон оғирлигининг камайишига сабаб бўлди. Гектарига 2 миллион дон сарфланган вариантларда 1 та бошоқдаги дон оғирлиги 1,23 грамми ташкил этган бўлса гектарига 7 миллион дон сарфланган вариантларда эса 0,7 граммга тенг бўлди.

Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб шуни қайд этиш мумкинки, Сирдарё вилоятининг тупроқ иқлим шароитида октябр ойининг биринчи ўн кунлигида экиладиган кузги буғдой навлари учун экиш меъёри гектарига 5 миллион донни ташкил этиш лозим. Бундай ҳолатда ҳар гектар экин майдонидан 58 центнер ҳосил олиш имкони бўлади. Экиш меъёрини 5 миллиондан кўп бўлиши ҳосилдорликни ошишига эмас балки ҳосил элементлари кўрсаткичларининг паст бўлишига сабаб бўлди.

Жадвал. Кузги бугдой навлари ҳосилдорлигига экиш меъёрининг таъсири

Экиш меъёри гектарига млн.дона	1 м ² даги бошоқлар сони(дона)	1 м ² даги дон огирлиги, (г)	Бошоқ огирлиги, (г)
2 млн.	311	382	1,23
3 млн.	390	475	1,22
4 млн.	425	518	1,22
5 млн.	493	586	1.19
6 млн.	564	479	0,85
7 млн.	697	487	0,70



Расм. Кузги бугдой навлари ҳосилдорлигига экиш муддатининг таъсири.

Нитрофенилимидазолин хлоргидратини қайтариш

М.У.Юсунова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети


Имидазолин халқасини тутган ароматик бирикмаларнинг тузлари лейкомия, туберкулёз, саркома ва бошқа касалликларни даволашда ёки фармацевтик препаратларни олиш учун ярим маҳсулот сифатида ишлатилади.

Аввалги ишимизда, биз м-аминофенилимидазолинни м-аминобензой кислотаси ва этилендиаминдан КУ-2 катализаторлигида 39 фоиз унум билан синтез қилиб олган эдик. Мазкур ишда м-нитрофенилимидазолинни қайтариш билан м-аминофенилимидазолин олиш натижалари келтирилган.

Маълумки, нитробирикмаларни каталитик қайтариб юқори унум билан аминобирикмалар синтез қилиш мумкин. Масалан, нитробензамидиннинг гидрохлоридини метанолда платина оксиди катализаторлигида водород билан қайтариб 99 фоиз унум билан м-аминобензамидин гидрохлориди синтез қилиб олинган. м-нитрофенилимидазолин хлоргидратини эса электролитлар CuSO_4 ва FeSO_4 иштирокида, сувли эритмада Fe билан қайтариб 82 фоиз унум билан м-аминофенилимидазолин хлоргидрати синтез қилинган.

Биз нитрофенилимидазолинни электролитлар қўшмасдан кислотали шароитда сувли эритмада темир билан қайтариш мумкинлигини кўрсатдик. м-нитрофенилимидазолин хлоргидратини сувда кам миқдордаги хлорид кислота иштирокида темир билан қайтарилганда 80 фоиз унум билан м-аминофенилимидазолин хлоргидрати олинди.

Реакциянинг умумий схемасини қуйидагича ёзиш мумкин:



Олинган модданинг тозалиги ЮКХ билан текширилди: [Silufol пластинкалари, эритувчи спирт, очқич-йод бувлари $R_f=0,75$].

м-аминофенилимидазолиннинг тузилиши ИК - ва ПМР-спектрлар билан исботланди.

Шувоқ (*Artemisia turanica* L.) нинг экологик хусусиятлари

М. Қирйизитова

А. Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика Институми

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, дори-дармонга ва бошқа соҳалардаги эҳтиёжини қондириш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Республикаimiz, жумладан Жиззах вилояти худудининг кўп қисмини чўл зонаси ташкил этади. Бу зоналарда асосан чорва моллари, хусусан қорақўл зотли қўйларни боқиш йўлга қўйилган. Улардан олинadиган маҳсулотлар солмовини ошириш учун яйловлар ҳосилдорлигини ошириш талаб этилади. Унинг учун чўл шароитида яхши ўсадиган ўсимликларнинг экологик хусусиятларини ўрганиб, уни экишга тавсия этиш талаб этилади. Ана шундай ўсимликлардан бири Турон шувоғидир.

Турон шувоғининг ўсиш мароми экологик шароитга қараб жуда тез ўзгариб туради (Рахимова, 1983; Эсанкулов, 1978, 1983; Шамсутдинов, 1981). Бу ўсимлик атмосфера намлигига ҳам тез муносабат билдиради. Ўсимлик уруғидан униб чиққанда, ер устки қисми 2-3 см бўлганда, илдиз системасининг узунлиги 20 см ни ташкил этади. Ер усти қисми 6-8 см га етганда ўсимликнинг илдизи 45-50 см тупроқ чуқурлигига кириб бориши аниқланади.

Шувоғ ўсимлигининг экологик хусусиятлари ўрганилганда, унинг баҳорги ассимиляция аъзолар сув билан яхши тўйинганлигини кўриш мумкин. Тажрибада ўсимлик барги 79,5 фоиз сув сақлаши ва ёз фаслида бу кўрсаткич 46,7 фоизга пасайиши маълум бўлди. Ўсимлик баргида сув таниқислиги аниқланганда қўйидаги натижалар, баҳорда бу катталиқ 17,1 фоизга бўлган бўлса ёз ойларида 33,2 фоизгача ортиши кузатилди. Табиий шароитда ўсаётган ўсимликда эса бу кўрсаткич 39,3 фоизга етиши аниқланади.

Ўсимликнинг баргида сув буғлатишини (транспирацияси) ўрганиш шундан далолат берадики ўсимлик баҳор ойларида ҳам тажрибада ва табиатда деярли фарқ қилмайди. Аммо май-июл ойларида бу кўрсаткичлар тажрибада 0,17 г/г соат- 0,21 г/г соатгача, табиатда эса 0,13 г/г соат -0,18 г/г соатни ташкил қилади. Олинган маълумотлар (2003-2004 йиллар) шундан далолат берадики, тажрибада ўстирилган ўсимликнинг сув билан таъминланганлик даражаси, табиий шароитда ўсаётган ўсимликка нисбатан стабиллашгандир.

Бу ўсимлик нафақат уруғидан ўстириш, балки, ювинил ўсимликни кўчат қилиб ўстириш ҳам яхши натижа бериши тажрибада аниқланди.

Шундай қилиб, чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда Турон шувогини экиб сунъий агрофитоценозлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Нитрофенилимидазолин хлоргидратини қайтариш

М.У.Юсупова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети


Имидазолин халқасини тутган ароматик бирикмаларнинг тузлари лейкомия, туберкулёз, саркома ва бошқа касалликларни даволашда ёки фармацевтик препаратларни олиш учун ярим маҳсулот сифатида ишлатилади.

Аввалги ишимизда, биз м-аминофенилимидазолинни м-аминобензой кислотаси ва этилендиаминдан КУ-2 катализаторлигида 39 фоиз унум билан синтез қилиб олган эдик. Мазкур ишда м-нитрофенилимидазолинни қайтариш билан м-аминофенилимидазолин олиш натижалари келтирилган.

Маълумки, нитробирикмаларни каталитик қайтариб юқори унум билан аминобирикмалар синтез қилиш мумкин. Масалан, нитробензамидиннинг гидрохлоридини метанолда платина оксиди катализаторлигида водород билан қайтариб 99фоиз унум билан м-аминобензамидин гидрохлориди синтез қилиб олинган. м-нитрофенилимидазолин хлоргидратини эса электролитлар CuSO_4 ва FeSO_4 иштирокида, сувли эритмада Fe билан қайтариб 82 фоиз унум билан м-аминофенилимидазолин хлоргидрати синтез қилинган.

Биз нитрофенилимидазолинни электролитлар қўшмасдан кислотали шароитда сувли эритмада темир билан қайтариш мумкинлигини кўрсатдик. м-нитрофенилимидазолин хлоргидратини сувда кам миқдордаги хлорид кислота иштирокида темир билан қайтарилганда 80 фоиз унум билан м-аминофенилимидазолин хлоргидрати олинди.

Реакциянинг умумий схемасини қуйидагича ёзиш мумкин:



Олинган модданинг тозалиги ЮКХ билан текширилди: [Silufol пластинкалари, эритувчи спирт, очқич-йод буялари $R_f=0,75$].

м-аминофенилимидазолиннинг тузилиши ИК - ва ПМР-спектрлар билан исботланди.

Шувоқ (*Artemisia turanica* L.) нинг экологик хусусиятлари

М. Қирғизитова

А. Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, дори-

дармонга ва бошқа соҳалардаги эҳтиёжини қондириш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Республикамиз, жумладан Жиззах вилояти худудининг кўп қисмини чўл зонаси ташкил этади. Бу зоналарда асосан чорва моллари, хусусан қорақўл зотли қўйларни боқиш йўлга қўйилган. Улардан олинадиган маҳсулотлар солмоғини ошириш учун яйловлар ҳосилдорлигини ошириш талаб этилади. Унинг учун чўл шароитида яхши ўсадиган ўсимликларнинг экологик хусусиятларини ўрганиб, уни экишга тавсия этиш талаб этилади. Ана шундай ўсимликлардан бири Турон шувоғидир.

Турон шувоғининг ўсиш мароми экологик шароитга қараб жуда тез ўзгариб туради (Рахимова, 1983; Эсанкулов, 1978, 1983; Шамсутдинов, 1981). Бу ўсимлик атмосфера намлигига ҳам тез муносабат билдиради. Ўсимлик уруғидан униб чиққанда, ер устки қисми 2-3 см бўлганда, илдиз системасининг узунлиги 20 см ни ташкил этади. Ер усти қисми 6-8 см га етганда ўсимликнинг илдизи 45-50 см тупроқ чуқурлигига кириб бориши аниқланади.

Шувоғ ўсимлигининг экологик хусусиятлари ўрганилганда, унинг баҳорги ассимиляция аъзолар сув билан яхши тўйинганлигини кўриш мумкин. Тажрибада ўсимлик барги 79,5 фоиз сув сақлаши ва ёз фаслида бу кўрсаткич 46,7 фоизга пасайиши маълум бўлди. Ўсимлик баргида сув таниқислиги аниқланганда қўйидаги натижалар, баҳорда бу катталиқ 17,1 фоизга бўлган бўлса ёз ойларида 33,2 фоизгача ортиши кузатилди. Табиий шароитда ўсаётган ўсимликда эса бу кўрсаткич 39,3 фоизга етиши аниқланади.

Ўсимликнинг баргида сув бувлатишини (транспирацияси) ўрганиш шундан далолат берадики ўсимлик баҳор ойларида ҳам тажрибада ва табиатда деярли фарқ қилмайди. Аммо май-июл ойларида бу кўрсаткичлар тажрибада 0,17 г/г соат- 0,21 г/г соатгача, табиатда эса 0,13 г/г соат -0,18 г/г соатни ташкил қилади. Олинган маълумотлар (2003-2004 йиллар) шундан далолат берадики, тажрибада ўстирилган ўсимликнинг сув билан таъминланганлик даражаси, табиий шароитда ўсаётган ўсимликка нисбатан стабиллашгандир.

Бу ўсимлик нафақат уруғидан ўстириш, балки, ювинил ўсимликни кўчат қилиб ўстириш ҳам яхши натижа бериши тажрибада аниқланди.

Шундай қилиб, чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда Турон шувоғини экиб сунъий агрофитоценозлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда қўриқхоналар ишини ташкил этиш тарихи

Д.Х. Хошимова

Жиззах давлат педагогика институти

Ўзбекистон ҳудудида энг қадим даврлардан бошлаб фаол хўжалиқ ишлари олиб борилган, уларнинг фаолияти натижасида паст тоғлардаги ўрмонлар ва водийларда ҳайвон ва ўсимликлар талафот кўрган.

Археологик маълумотларга қараганда (Ягодин, 1986) дастлабки одамларнинг бу воҳага интилиши бежиз эмас эди. Чунки ўрта Осиё шароитида асосан ҳаёт сув билан боғлиқ бўлган.

Амударёнинг бўйларини ўзлаштиришни бошланиши эрамиздан аввал 4-3 минг йилликка тўғри келади. Дарё бўйларидаги муҳитда кўплаб балиқлар, сувда сузувчи қушлар ва бошқа жониворлар кенг тарқалган бўлиб, инсонлар яшаши учун қулай шароит мавжуд бўлган.

Аҳоли бу ерларда кўл қирғоқларида ўрмон тўқайзорлари яқинида яшаганлар. Улар тўқайдаги дарахт-буталардан қурилиш материаллари, ёқилғи сифатида кенг фойдаланганлар ўсимлик мевалари эса уларнинг озиқаси ҳисобланган. Йиллар ўтиши билан тўқайзорлар сийраклашиб, аҳоли бошқа қулайроқ жойларга кўчиб ўтган ёки шу ернинг ўзига дон экинлари экиб ҳаёт кечиришган.

Узоқ муддат тўқайлардан фойдаланиш бу ҳудудларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатган, натижада аҳоли ўртасида маълум ҳудудларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш давр талабига айланган.

Ўрта асрларда мулкнинг уч хил шакли бўлиб, биринчиси подшоҳлик мулки, иккинчиси вақф-диндорлар мулки, учинчиси хусусий мулкдорлар мулки бўлган.

Ҳар бир мулкдорлар ўз ерларидан оқилона фойдаланиш учун яйловларни бир қисмини қўриқлаганлар, маданий экинларни алмашлаб экишни йўлга қўйганлар. Айниқса подшоҳлик ерлари давлат томонидан қўриқланган ва у ерларда ов қилиш ўсимликлар йиғиш ва уни ўриш қатъий тақиқланган.

Шундай қилиб, табиий ҳолда ўсимлик ва ҳайвонларни қўриқлаш эҳтиёжи туғилди.

Қўриқхона туркий «қўриқ» сўздан олинган бўлиб, «қўриқлаш» маъносини англатади. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича «қўриқ» маълум шахслар томонидан яйлов сифатида фойдаланиш тақиқланган, аниқ чегарага эга бўлган қўриқланадиган ҳудуддир. А.Л. Троицкая (1969) маълумотига кўра Ўрта асрнинг охирида Марказий Осиёда қўриқхоналар бой ва феодалларнинг қўриқланадиган яйлов ва овчилик ҳудудлари ҳисобланган.

Р.Сатимбеков (1981) «қўриқ» сўзининг маъносини «қўриқланадиган ҳудуд, ов қилинадиган жой, тақиқланган зона» деб изоҳлаган.

Демак Ўзбекистонда қадимдан «қўриқ», «қўриқхона» сўзлари ишлатилиб келинган ва бу сўзлар асосан қўриқланадиган ҳудуд маъносини англатади.

Ўзбекистонда қўриқхоналар ташкил қилиш жуда қадимдан бошланган. Қадимда инсонлар асосан ўсимликлар, уларнинг мевалари, балиқларни овлаш ва ҳайвонларни ов қилиш билан ҳаёт кечирганлар. Амударёнинг қуйи оқимида археологик текширишлар натижасида эрамыздан аввалги 8-6 минг йилликда 292 та кийик суяк қолдиқлари топилган. Шунингдек эрамыздан 7-5 асрлар олдин Қорақалпоғистонда Бухоро буғуларининг қолдиқлари топилганлиги илмий адабиётлардан маълум.

Алоқида ҳудудларни муҳофаза қилишда диннинг роли муҳим бўлган. Маҳаллий аҳоли «мозор» ва «авлиё» жойларни ўсимликларини, ҳайвонларни муҳофаза қилганлар. Қашқадарё вилоятидаги Мусобозор қишлоғидаги йирик бодом, нок ва қизилча дарахтлари, Нуротадаги pista дарахти, Саросиё туманидаги ва Нурота тоғидаги биота (савр) ўсимлиги шулар жумласидандир. Феодализм тузуми даврида бойлар ўзлари учун овчилик боғлари- майдонлари ва қўриқлайдиган зоналар ташкил қила бошлаганлар. қўриқхоналар Ўзбекистон ҳудудида бундан 2500 йил олдин ҳам мавжуд бўлган (Лаптев 1970).

Эрамыздан олдинги IV-асрда Ўрта Осиёда эронийлар ҳукмронлик қилган пайтида кийиклар тўдаси муҳофаза қилиниб атрофлари деворлар билан ўралган.

Бундай овчилик қўриқхоналари Самарқанднинг атрофида ҳам бўлган.

Ургут тоғларининг қалин ўрмонларида эрамыздан олдинги 328-йилда Александр Македонский йўлбарс ўлдирганлиги ва унинг аскарлари- жангчилари 4000 дан ортиқ ҳайвонларни ўлдирганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд (Массон 1953). Қорахонийлар династиясининг вакили шоҳ Шамсул Мулк XI-асрда Бухоро шаҳри атрофида «Шамсиобод» деган боғ яратиб унга яқин жойда хон отлари сақланадиган жой ажратилиб бунга «қўриқ» деб ном берган.

Ўрта асрларда хон қўриқхоналаридан ташқари махсус ов учун ажратилган қўриқхоналар пайдо бўла бошлади. Самарқанд яқинида Бедана- қўриқ, Наваҳш қўриқ, ҳамда Хисор тизмасида жойлашган қийна - қўриқ ва Тошкент атрофида жойлашган қорақамиш -қўриқ шулар жумласидандир.

Худоёрхоннинг қўриқхонаси Норин ва Сирдарё тўқайзорларида, Норин ва қорадарё оралиғида жойлашган бўлиб, бу ҳудудни қўриқлаш учун алоҳида қўриқчилар тайинланган ҳамда рухсатсиз ов қилиш балиқ овлаш ўриш ва мол боқиш қатъий тақиқланган. Баъзи ерларда -тустовуқларни дон билан боқиш ташкил қилинган.

Шундай қилиб Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан қўриқхоналар мавжудлиги олимлар томонидан исботланди. ҳозирги пайтда Ўзбекистонда

10 та қўриқхона, 2 та миллий боғ ва бир нечта буюртмахоналар мавжуд бўлиб улардан камёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қўриқланмоқда.

Антик даврда доривор ўсимликларнинг ўрганилиш тарихи

С. Иномова

Жиззах давлат педагогика институти

Осиёнинг Тигр ва Эфрат дарёлари оралиғида жойлашган халқлар -шумерийлар қолдирган ёзув намуналарида шифобахш ўсимликлар ҳақида дастлабки маълумотлар келтирилган.

Эрамиздан аввалги XVI-асрда шумерийлар ўрнини эгаллаган вавилонликлар сўнгра ассирияликлар даврида фан янада юқорироқ даражага кўтарилган. Улар тарози ва ўлчов асбобларини яратдилар, шаҳар марказида доривор ўсимликлар боғини барпо қилганлар.

Вавилонликлар юзлаб шифобахш ўсимликлардан шу жумладан, ширинмия илдизи, зиғир мойи, мингдевона ва бошқа кўплаб ўсимликларнинг ёш новдалари ва куртақларидан турли касалликларни даволашда фойдаланганлар. Ўша вақтдаёқ вавилонликлар кўёш нури йиғилган ўсимлик хом ашёсига зарарли таъсир қилишни билиб, уларни соя жойларда қуритганлар. Бундай қуритиш усули ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. қазилмалар натижасида Ассирия шоҳи Ассербониал (Сардонапал эрамиздан аввалги 668-йил) томонидан яратилган кутубхона Женева шаҳрида топилиб, унда 22000 сополга ёзилган жадвал бўлиб, шундан 33 таси шифобахш хом-ашёларга бағишланган.

Мисрда шифобахш ўсимликларни маданийлаштириш жуда қадимдан амалга оширилган. Канақунжутдан касторка ёғи олиш мақсадида, эрамиздан аввал 2600 йил илгари экиб ўстирилган. қадимги Мисрда фитотерапия ривожланганлигини шифобахш ўсимликлар тасвири иероглифлар, қадимги қошоналарнинг деворларига чизилган суратларда, тош қабрларда ва пирамидаларда акс этган.

Дунёга машҳур «Эберс папируси»да (эрамиздан аввалги 1570 йил) ҳар хил касалликларни даволаш рецептлари берилиб, унинг асосий таркибини шифобахш ўсимликлар ташкил қилади. Эрамиздан 4000 йил аввал Мисрда ёзиб қолдирилган папирусдаги ёзувлар доривор ўсимликларга бағишланганлиги ўша даврда юзлаб доривор ўсимликлар, уларнинг фармакологияси ва қўлланиши ҳақида маълумотлар тўпланганлигидан далолат беради..

Мисрликлар кўпгина касалликлар меъёридан ортиқ овқатланишдан келиб чиқади деб ҳисоблаганлар ва ойнанинг учинчи кунида касторка ёғи ёрдамида ични кетказишни тавсия қилганлар. Ўша даврдаёқ Мисрликлар сабур (алоэ), акация, анис (арпабодиён),

бангидевона, зиғир, кўкнори, райҳон, зубтурум, тол, арча каби ўсимликлардан турли касалликларни даволашда фойдаланганлар.

Мисрликлар нафақат фойдали ўсимликлардан балки, бошқа давлатлардан келтирилган ўсимликлардан ҳам турли касалликларни даволашда муваффақиятли фойдаланганлар. Уларнинг шу мақсадда эрамиздан 1500 йил олдин Пунт мамлакатига (ҳозирги Сомали) 5 та кема жўнатилганлиги маълум. Мисрликларнинг ўсимликлар билан даволаш тажрибасидан қадимги Греция табиблари усталик билан фойдаланганлар.

Қадимги грек адабиётларида ўсимликлардан фойдаланиш ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Грек олимларидан бири, йирик аллома, тиббиёт илмининг ассосчиси Гиппократ (эрамиздан аввалги 460-377) дир. У 236 та доривор ўсимликнинг тиббиётда қўлланилиши ҳақида қимматли маълумотлар берган.

Гиппократ шифокорлик фаолиятида 200 дан ортиқ ўсимликлардан бевосита фойдаланган. Доривор ўсимликлар ҳақидаги улкан ишлар, машҳур грек олими Диоскорид (янги эранинг биринчи асри) томонидан яратилган. У Рим армиясининг шифокори бўлиб императорлар Клавди ва Нейронлар замонасида яшаган, уни олимлар Европа доришунослиги фанининг асосчиси деб ҳисоблайди. Ўзининг «Шифобахш моддалар» деган шоҳ асарида ўша даврда маълум бўлган ўсимлик, ҳайвон ва минераллардан олинган моддаларнинг хусусияти ҳақида қимматли маълумот беради. Унинг асарларида 600 дан зиёд шифобахш ўсимликларнинг таърифи, расми ва қўлланилиши ҳақида маълумотлар берилган. Бу китоб лотин тилига таржима қилиниб, XVI-асргача Европа тиббиёт олимлари учун қўлланма ҳисобланган.

Қадимги Римда тиббиёт фанлари грек олимлари таъсирида ривожланади. Рим ёзувчиси ва олимлари Катта Катон, Катта Плинийлар ҳам табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар, кейинчалик эса экиладиган қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланиб, беморларни даволаганлар.

Катта Плиний ўзининг «Табиий тарих» асарида 1000 га яқин ўсимлик турлари, асосан шифобахш ўсимликларга таъриф беради. қадимги Рим тиббиётида карамнинг ҳар-хил навларидан фойдаланишни тавсия этганлар. Уни хом ҳолда уйқусизликни, бош оғриғини, эшитиш аъзолари касалликларни даволашда тавсия этган. Чала пиширилган карам инсон аъзоларини бўшаштиради, узоқ қайнатилган қоринни дам қилиб, ичнинг юришига монелик қилади. Бу юқоридаги фикрларни Диоскорид ўз асарларида уқтириб ўтган.

Машҳур олим Катта Плиний табиий фанлар бўйича жаҳонга машҳур «Хистория натуралис» деб номланган энциклопедик асарида 2000 дан ортиқ ўша давр илмий асарларидан фойдаланган. Натижада унинг тиббиёт ва фармацияга оид 12 томли китоби яратилган.

Таниқли шифокор, табиатшунос олим Клавдий Гален (янги эранинг 130-200 йиллари) кўплаб тиббиёт ва формацияга оид асарлар яратган. У 304 га яқин доривор ўсимлик моддалари, 80 хил ҳайвон ва 60 хил минерал моддаларга таъриф беради. У Гиппократнинг ўсимликларнинг барча аъзолари фойдали деган фикрини рад этиб ўсимликларда фойдали моддалардан ташқари кераксиз, баъзан зарарли моддалар борлигини ҳам таъкидлайди. ўз тажрибасида ўсимликдан ажратиб олинган айнатма, дахлама ва эритмалардан фойдаланишни афзал кўради.

Шундай қилиб, шифобахш ўсимликларни ўрганиш инсонлар пайдо бўлган даврлардан бошланган. Вақт ўтган сайин ўсимликлар ва улар таркибидаги моддалар ҳақидаги билимлар ошиб борди. Шифобахш ўсимликларнинг хусусиятлари милоддан илгариги даврларда ҳам чуқур ўрганилган. Ўша даврдаги олимларнинг шифобахш ўсимликлар ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотган эмас.

Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонасида тарқалган
камёб ўсимлик турлари ва уларни муҳофиза қилиш

А. С.Эсонқулов

Жиззах давлат педагогика институти

Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси Жанубий Тянь-Шан провинциясининг ўрта Зарафшон округининг Туркистон ҳудудида жойлашган. Унинг чегаралари Туркистон тизмаси, жанубий томондан Бойқўнғирсой дарёси, шимолий томондан эса Моргузар тоғигачадир. Зомин қўриқхонаси 1928 йил ташкил қилинган бўлиб, унинг майдони 15600 га эди, ҳозирда унинг майдони 26630 га тенг ва у Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти Зомин ва Бахмал туманлари ҳудудидадир. қўриқхонаси ўсимликлар дунёсига жуда бой ҳисобланиб, 900 га яқин турни ўз ичига олади. Бу қўриқхона ўзининг қалин арчазорлари билан бошқа қўриқхоналардан фарқ қилади.

Қўриқхонада арчанинг 3 тури – зарафшон, яримшарсимон, туркистон арчаси учрайди.

Қўриқхона ҳудудида 20 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар учраб, улар интродукция мақсадида экиладиган турларнинг асосий генофонди ҳисобланади.

Зомин қўриқхонасида ўсадиган ўсимликларнинг 26 тури Ўзбекистоннинг «қизил китоб»ига киритилган. Шулардан 3 тури (Ошанин вилати учқат, яшил гулли ширач) йўқолиб бораётган турлар, 15 тури (Кнорринг астрагали, пуфак астрагал, Зарафшон окситрописи, Тахта окситрописи, Корольков заъфарони, сумбул коврак, Ольга клаусияси, Нурота, сарғиш, Туркистон лолалари, қисқа тоғбаргли чиннигул, жингак, нор ва Эчисон ширачлари) – камёб, 8 (Зарафшон, оқ парпи, чўзиқ пуфанақ, анзур ва суворов пиёзлари, Кессерлинг совринжони, етмак, Северцев бурмақораси) тури камайиб бораётган турларга кирилади.

I. Айиқтовондошлар оиласидан 3 тур (Зарафшон парписи *Aconitum seravschanicum* Steinb. Камёблик даражаси 3. Оқ парпи - *Aconitum talassicum* M. Pop. Камёблик даражаси 3. Чузиқ пуфанақ - *Anemone protracta* (Ulbr) Juz. Камёблик даражаси 3.),

II. Бурчоқдошлар оиласидан 4 тур (Кнорринг астрагали - *Astragalus knorringianus* Boriss. Камёблик даражаси 2. Пуфак астрагал - Астрагал тонкопузырчатый - *Astragalus leptophysus* Vved. Камёблик даражаси 2. Зарафшон окситрописи - *Oxytropis seravschanica* Gontsch. Камёблик даражаси 2. Тахта окситрописи - *Oxytropis tachtensis* Franch. Камёблик даражаси 2.),

III. Гулсафсардошлар оиласидан 1 тур (Корольков заъфарони - *Crocus korolkovii* Mav et Regel. Камёблик даражаси 2.),

IV. Зирадошлар оиласидан 1 тур (Сумбул коврак - *Ferula sumbul* (Kaufm.) Hook. Fil. Камёблик даражаси 2.),

V. Карамдошлар оиласидан 1 тур (Ольга сохта клаусияси - *Pseudoclausia olgae* (Regel et Schmalh). Botsch Камёблик даражаси 2.)

VI. Лоладошлар оиласидан 3 тур (Нурота лоласи - *Tulipa affinis* Z. Botsch. Камёблик даражаси 2. Сарғиш лола - *Tulipa dasystemon* (Regel) Regel. Камёблик даражаси 2. Туркистон лоласи - *Tulipa turkestanica* Regel

Камёблик даражаси 2.),

VII. Пиёздошлар оиласидан 3 тур (Анзур пиёзи - *Allium stipitatum* Regel. Камёблик даражаси 3. Ошанин пиёзи - *Allium oschaninii* O.Fedtsch.

Камёблик даражаси 1. Суворов пиёзи - *Allium suvorovii* Regel. Камёблик даражаси 3.),

VIII. Совринжондошлар оиласидан 1 тур (Кесселринг савринжони - *Colchicum kesselringii* Regel. Камёблик даражаси 3.),

IX. Чиннигулдошлар оиласидан 3 тур (Қачимсимон етмак - *Allochrysa gypsophiloides* (Regel) Schischk. Камёблик даражаси 3. Ўзбекистон чиннигули - *Dianthus uzbekistanicus* Lincz. Камёблик даражаси 2. қисқа тожибаргли чиннигул - *Dianthus brevipetalus* Vved. Камёблик даражаси 2.)

X. Шилвидошлар оиласидан 1 тур (валати учқат - *Lonicera paradoxa* Pojark. Камёблик даражаси 1.),

XI. Ширавдошлар оиласидан 4 тур (Жингак ширачи - *Eremurus fuscus* Vved. Камёблик даражаси 2. Нор ширач - *Eremurus robustus* Regel Камёблик даражаси 2. Яшилгулли ширач - *Eremurus chloranthus* M.Pop. Камёблик даражаси 1. Эчисон ширачи - *Eremurus aitchisonii* Baker. Камёблик даражаси 2.),

XII. Шотарадошлар (Кўкнордошлар) оиласидан 1 тур (Северцов бурмақораси - *Corydalis severzowii* Regel. Камёблик даражаси 3.) ни ташкил қилади.

12 оила, 15 туркум ва 26 турдан иборат камёб ўсимликлар Зомин қўриқхонасида учрайди.

қўриқхонадаги «қизил китоб»га киритилган турлар ареаллари бўйича қуйидагича тарқалган: Помир-Олой эндемиклари - 12 тур, Тянь-шан ва Помир-Олой эндемиклари 6 тур, Ўрта Осиё эндемиги - 3 тур, Ўзбекистон эндемиги - 3 тур, Зарафшон-Туркистон ва Туркистон эндемик турлари биттадан турни ташкил қилади. Демак бу региондаги кўпчилик камёб турлар Помир-Олой ва ғарбий Тяньшан эндемикларидир.

Келажакда, айниқса Зомин Давлат қўриқхонаси ва Зомин Миллий боғининг эндемик ўсимликларини фойдали томонларини, тарқалишини, биологиясини ўрганиб, уларнинг генофондларини сақлаб қолиш долзарб масаладир. Айниқса минг йиллик арчазорларни, ноёб ўсимликларни асраш ва уларни келажак авлодларга етказиш учун қайғуриш лозим. Бу ҳудудда камёб ва йўқолиб бораётган турларни кадастрини тузиш бошлаб юборилди. Ҳозирда уларнинг популяциялари ўрганилмоқда, кўпчилик камёб турларнинг ареаллари, янги ўсадиган майдонлари ва камайиш сабаблари ўрганилмоқда.

Яқин келажакда қўриқхоналарнинг камёб ўсимлик ва ҳайвонлари ҳақида фото-альбом ташкил қилиш кўзда тутилган.

Туркистон тизмасида ўсадиган шифобахш ўсимликлардан халқ табиобатида фойдаланиш

3. Тожибоева

Жиззах давлат педагогика институти

2000-2004 йиллар давомида биз Туркистон тоғининг ғарбида жойлашган Жиззах, Зоминваллаорол, Баҳмал туманларининг тоғли ҳудудларига илмий сафарлар уюштирдик. Маҳаллий аҳолидан: табиблар, биология фани ўқитувчилари, кекса ёшдаги (60-80) отахон ва онахонлардан сўров натижасида, илмий адабиётлардаги материаллар асосида бу ҳудудда 130 дан кўпроқ ўсимликлар халқ табиобатида турли касалликларни даволашда ишлатилиши аниқланди.

Туркистон тоғларида ўсадиган ўсимликлардан жуда кўп касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Айниқса тери (қичима), бўғин оғриқлари, сариқ, жигар ва ўт йўли шамоллаш, йўтал, сил, юрак қон-томир, асаб, овқат ҳазм олиши

(ошқозон-ичак), нафас йўллари касалликларини даволашда доривор ўсимликларнинг аҳамияти катта.

Ушбу касалликлардан баъзиларини даволаш йўлларини баён этамиз:

Тери (қичима, куйиш) касалликларини даволашда, сачратқи (*Cichorium intybus*) поя ва илдизлари сувда қайнатилиб, қайнатма ҳар куни 2 маҳалдан (наҳорда ва кечқурун) овқатдан олдин ичилади. Турли яралар ва куйган жойлар ўсимликдан тайёрланган дамлама билан юиб турилади.

Яра ва куйган жойларни даволашда ёнроқ барги ва хом мевасининг сувда узоқ муддат қайнатилиб тайёрланган қиёмидан фойдаланилади. Шувоқ (*Artemisia L.*) қайнатмаси ҳам яраларни даволашда фойдаланилади. Анжир (*Ficus carica L.*) шираси ва оққурай уруғи қайнатмаси танадаги оқ доғларни (темиратки, пес касалликларида) даволашда қўлланилади.

Сариқ касаллигини даволашда, ошқовоқ (*Cucurbita*) мевасининг қайнатмаси, итбурун (*Rosa L.*) мевасининг қайнатмаси ўлмас ўт (*Helichrysum G.*) нинг сувдаги қайнатмалари ичилади. Янтоқ (*Alhagi Adans.*) ва сабзи (*Daucus carota L.*) ўсимлигига ёпишиб ўсган сариқ зарпечакнинг сувдаги қайнатмаси ҳам сариқ касалини даволайди. Яна сариқ касалида гулхайри (*Althaea L.*)нинг томири, ҳамда арпабодиён уруғи қайнатмаси ичилиши тавсия этилади.

Шамоллаш ва йўтални даволаш учун қора чаир (*Ferula kuhistanica Korov*), оқ чаир илдизи (*F. Kokanica*) ва кучала пиёзи (тугунаги) сояда қуритилиб унинг аралашмасидан кукун тайёрлаб каплаб ичилади ёки мазаси ёқимли бўлиши учун зира уруғи туйиб аралаштирилади ва хамирга қўшиб ичилади. қонтепар (*Biebersteinia multifida*) ўсимлиги ҳам жигарга даво ҳисобланади.

Бел оғриғи ва қўл, оёқни даволаш учун қиздирилган тупроққа қирқбўғин (*Equisetum arvense*), ялпиз (*Mentha*), қизилча (*Ephedra*), исириқ (*Peganum harmala*) ва арча (*Juniperus*) новдалари ва барглари ёзилиб, касал унинг устига ётқизилиб, беморнинг устига ўсимликлар қоплаб қалин кўрпа билан ёпилади ва бемор организмнинг чидамлилигига қараб бир соатдан 2-3 соатгача даволанади.

Дамқисма (астма), юрак-қон томир касалликларига зира (*Bunium persica*) нинг уруғи туйилиб бир стакан асалга аралаштирилади (1:1 миқдорда) ҳар куни наҳорда бир чой қошиқдан ичилади, ушбу дори бундан ташқари бош оғриғини қолдиришда, ични юргизишда, юрак фаолияти яхшилашда ҳам қўлланилади.

Қабзият (ич қотиш)ни даволашда ихрож- сутлама (*Euphorbia*) ўсимлигининг тугунаги қуритилиб майдаланади ва кукун каплаб исьтемом қилинади. Ўсимликнинг ўсиш даврида унинг ширасидан, илдизидаги сут- ширасидан ҳам фойдаланса бўлади. Бу ўсимликлардан фойдаланганда унинг кучли ич кетказувчи эканлигини унутмаслик керак. Уни қабул қилганда ич кетиши кучайса, ич кетишни тўхтатиш учун бижгин - листа (*Pistacia vera*) дарахтининг уруғидан тайёрланган кукун капланади ёки бир пиёла хом сигир суғи ичилади. Ичдан қон аралаш кетса янторнинг илдизидан, бижгин уруғидан, равоч ёки отқулоқнинг уруғидан қайнатилган сувга солиб ичилади. қабзиятга ошқозон мевасини кўрда кўмилиб, пиширилиб сариёғга аралаштириб овқатдан олдин исьтемом қилиш тавсия этилади.

Жинсий заифлик (импотенция) касалликларида сумбул кавраги (*Ferula sumbul*) томири қуритилиб, майдаланади. Ундан бир ош қошиқ кукун олиниб, 1 л сувда 8-10 минут давомида қайнатилиб, овқатдан олдин суткада 3 маҳал ичилади. Агар унга зирк (*Berberis*) қиёми ва мумиё қўшиб ичилса, дорининг қуввати янада ошади. Партакнинг меваси қайнатиб ичилса ҳам жинсий заифлик йуқолади.

Гинекологик касалларга ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи қайнатмаси қиём қилиб ичилади. қандли диабетда такасоқол (*Tragopogon*), қоқиўт (*Taraxacum*) ва ёввойи бодомча (*Amygdalus spinosissima*) дони ишлатилади. Бодомча данагининг мағзини ҳар

куни биттадан, яъни биринчи куни – 1 та, иккинчи куни – 2 тадан шу тариқа 20 – куни 20 тагача овизда майдалаб чайнаб, сўнгра сўрилади. Кейин урувлар сонини 20 дан ҳар кунига биттадан яна камайтириб борилади ва бу жараён яна 20 кун давом этади.

Маҳаллий табиблар зира томири (*Bunium persica*) қайнатмасини йўталга даво эканлигини, арча уруғи ва баргидан чайқалиб ичилса, овқат ҳазм қилиш яхшиланишини таъкидлайдилар қичитқи (*Urtica dioica*) сариқ касаллигини, бангидевона уруғи бўғин шишишини, милк касалликларини даволашда ишлатилади. Ковул (*Capparis spinosa*) томири ва меваси бавосил ва бўғим оғриғи касалликларини даволашда фойдаланилади.

Урушда яраланиб ўқ парчалари (осколка) суякда қолган бемор кўктиканнинг (*Egungium*) пояси ва илдизидан малҳам тайёрлаб даволанганлигини эътироф этади.

Шундай қилиб, шифобахш ўсимликлардан аҳоли саломатлигини тиклашда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аввало ўсимликларни турини аниқ билиш, унинг қайси аъзоси қайси муддатда терилиши ва қандай шароитда қуритилиш лозимлигини билиш зарур.

Галофита эдафотипининг Марказий Фарғонада тарқалиши ва яшовчанлиги

Х. Абдухакимова, А. Махмедов
Фарғона давлат университети

Ўтган асрнинг 80-йилларида таниқли ботаник олим К.П.Зокиров томонидан ўсимлик жамоаларини тизимлашга таклиф этган галофита ценотипи шурҳок ерларда ва шўр тупроқларда ўсадиган ўсимликлар гуруҳига айтилади. Республикамининг кўпчилик текислик ҳудудлари мазкур гуруҳ тарқалган жойлар ҳисобланади. Галофита эдафотипига юқорида айтилганидек, шўрда, тақирда, тузли тупроқларда ўсувчи ўсимликлар кириб, улар ҳосил қилган ценоздаги эдификатор ва доминантлар таркиби турлича, ҳаётий шакллари эса дарахт, бута ва ўт ўсимликлари бўлиши мумкин. Флористик таркиби бўйича биринчи галда шўрадошлар оиласи сўнг, мураккабгулдошлар, бошоқдошлар, бутгулдошлар, дуккакдошлар ва бошқа оилалар бўлади. Геоботаник олима Н.И.Акжигитованинг (1973) таҳлили бўйича, бу типга мансуб эдификатор ва субэдификаторларнинг 29 тури шўрадошлар оиласига мансуб.

Галофита эдафотипи таркибига жами 16 та формация киритилиб, дарахтлардан қора саксовул – *Haloxyleta aphylli*, буталардан юлғун – *Tamariceta hispidae*, қорабарак – *Halostahydeta caspicae*, кумузум – *Nitrarieta schoberi*, поташник – *Kalidieta caspici*, сарсазан – *Halonnemeta strobilace*, салзола – *Salsoleta dendroidis* ўт ўсимликлардан шўр ажриқ – *Aeluropeta litoralis*, баликкуз – *Climcopterideta varia*, қизилшўр – *Salicornieta herbacea*, донашўр – *Gamantheta gamocarpi*, бузовбош – *Halimocnemeta logifolia* формациялари муҳим ўрин тутлади. Бу эдафотип учун муҳим ҳусусият унинг турли жойда учрашига қарамасдан ўсимлик турлар таркибини кўпинча бир хил келиши. Унинг тарқалишида қатъий чегаралар бўлмайд. Шунинг учун улар псаммофит, гипсофит, эфемер ўсимликлар билан бевосита чегараланади. Галофитлар кўпчилик ҳолларда баҳорги, ёзги ва кузги синузияларни содир этади. Улар суккулент (серэт, семиз бўлиб ўзида кўп сув сақлайди) ҳисобланиб узоқ вақт давомида вегетацияси давом этади.

Маълумки экология қонуниятлари бўйича, ҳар бир ўсимлик қандай муҳитда ўсса ўша муҳитнинг биологик кўрсаткичлари ҳисобландилар ва ўша муҳитда моддаларни, элементларни ўзлаштирадилар. Галофитлар тупроқ таркибидаги тузларни ўзлаштириб,

бу хусусият улардаги барча ҳаётий шакллардаги (дарахт, бута, кўп йиллик ва бир йиллик ўт ўсимлик) ўсимликларга хос.

Республикамиз худудида бу эдафотипга мансуб гуруҳлар (формация, ассоциация) Орол денгизи бўйларида, Сирдарё, Зарафшон, Амударё қуйи оқимининг террасаларида, адир ва пастки тоғнинг бошланишидаги Шўр тупроқли текисликларда учрайди.

Галофита эдафотипидан ташкил топган жамоалар чўл минтақасида ҳам кенг тарқалган. Марказий Фарғонанинг кўп қисми ҳозирда ўзлаштирилиб, агроценозлар барпо этилган. Ёзёвон чўлларининг Сарсонқум, Солижонобод, Янгиобод атрофидаги чўлларда мазкур ценотипга мансуб қора саксовул формацияси кенг тарқалган, баъзи жойларда қалин ўрмонларни ташкил қилади. Характерли томони шундаки, қора саксовул қопламларида бошқа ўсимликлар кам тарқалган, уни ўзи биринчи ярусни ташкил қилса, иккинчи ва учинчи яруслар йўқ. «Ёзёвон табиат ёдгорликлари» қўриқхона худудида янтоқли қора саксовул ассоциацияси кўп учрайди. Бу жамоа анчагина кўп тарқалган бўлиб, саксовул 3-4 метр баландликда, яхшигина ўрмонларни хосил қилади. Одатда иккинчи ярусни янтоқ, баъзи жойларда оқ бош ва туя товон турлари ташкил этади.

Биз тадқиқотлар олиб борган Янгиобод атрофларидаги агроценозларга яқин шуршок бўш ерларда, зовур бўйларида юлғунли қора саксовул, бир йиллик шўралардан ташкил топган эфемерли, шувоқли, кейреукли ва бошқа саксовул – юлғунзорларни учратамиз. Сарсонқум, Солижонобод, Тақалиқ қумликларида шувоқли саксовул, шувооли – жузғунли, қандимли, бояли шлива бошқа ассоциациялар кенг тарқалган. Саксовулзор ва юлғунзор формацияси чорва моллари учун озиқа хисобланган эфемер турлар анчагина, улар эрта баҳорда фойдаланиладиган ўтлоқзорлар вазифасини ўтайди.

Атроф-муҳит ва тупроқнинг кимёвий таркиби ўсимлик ҳаётига кучли таъсир кўрсатиши мумкин ва ғоятда мослашиш, чидамликни (адаптация, толерантликни) талаб этади. Марказий Фарғонанинг шўршок ерлари ҳамда шўрланган чўлларида яшовчи ўсимлик ценотиплари – галофитларда бу маълум даражада намоён этган. Галофитлар оғир (шўршок, сувсиз) ва ҳақиқий ксерофил шароитларда ўсади. Шу боис уларда қалин кутикула барг эпидермисига қалин ботган оғизчалар, этдор барглари ва бошқа ксероморф мосланишлар мавжудлиги, улардаги адаптация ва толерантликни юксак чўққисига чиққанлигини кўрсатади.

Геоботаника фанининг олдида турган асосий вазифалардан бири ўсимликларнинг индикаторлик хусусиятларини – кўрсаткич белгиларини аниқлаш ва уларни амалиётда қўллаш (экологик шароитларини аниқлаш мақсадида тупроқ хусусиятлари билан боғлаб ўрганишдир). Маълумки тупроқ мелиоратив ҳолатини аниқлаш, унинг шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг чуқурлиги ва минераллашуви ҳамда бошқаларни аниқлаш тупроқшуносликни долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Биз кузатувлар олиб борган эдафотипда тупроқ таркибида туз моддасини ортиб бориши натижасида дарахтлардан ташкил топган чўл ўрмонзорларида юлғунларни мавқеи (тузлар сони, табиий ҳолати, қалинлиги) ортиб боради. Юлғун жамоаларини оптимал ўсиши учун тупроқ қатламларида намликни бўлиши шарт (бу, ер ости сувини яқинлигини билдиради), тупроқдаги тузлар эритмасини юқори бўлиши улар учун айни муддао экан.

Ултрабинафша нурланишни цитохром Р-450 га боғлиқ микросомал оксидланишга таъсири

А.Ҳакимов

Андижон давлат университети

Микросомал оксидланиш ферментлар комплексини алоҳида тизими бўлиб, кўпроқ холларда жигар ўпка ва буйрак усти безларида учрайди. Бу тизимда цитохром Р-450 асосий ўрин эгалловчи ферментдир. Цитохром Р-450 мембранавий фермент бўлиб, ксенобиотикларни заҳарсизлантириш жараёнларида микросомал оксидсилгидроксиллаш реакцияларини катализлайди (Арчаков 1875, Мишин, Ляхович, 1985). Микросомал оксидланишга зарарли таъсир қилувчи омилларга ионланувчи нурланиш, ултрабинафша нурланиши (Деев ва бошқалар 1983, 1984) бўлиб, улар цитохром Р-450 миқдорини камайишига, унинг фаоллигини пасайишига олиб келиш мумкин.

Кейинги вақтларда салбий экологик омиллардан бири бўлиб, ултрабинафша нурланишига ҳам эътибор кучаймоқда. Шунинг учун тажриба шароитларда ЛЭ-80 люменесцент лампалардан фойдаланиб, 280-320 нм тўлқин узунлигида экспериментал ҳайвонларни нурлантириб, цитохром Р-450 ва унга боғлиқ ферментлар тизими ўрганилди.

Ултрабинафша нурланишни цитохром Р-450 га боғлиқ микросомал оксидланиш тизимига таъсир механизминини ўрганиш мақсадида ултрабинафша нурланишда жароҳатланишда гипофизоадреналь тизимининг фаолланиши, хусусан терининг жароҳатланган қисмидан биологик фаол моддалар ажралиши ўрганилди.

Шу нуқтаи назардан эркак каламушлар монооксигеназа системасига адреналин ва гистамин таъсири тадқиқ қилинди. Бунинг учун адреналин мускул ичига 800 мкгткг, гистамин тери остига 400 мкгткг ва қорин ичига 120 мкгткг дозада юборилди.

Адреналин юборилганидан 1 кун кейин эркак каламуш микросома фракциясида цитохром Р-450, цитохром В₅ ва аминопириндеметилаза фаоллигини сезиларли ва ишонарли пасайганлиги кузатилди.

Тери остига гистамин юборилгандан 3-5 кун кейин микросома фракциясида цитохром Р-450 фаоллиги назоратига нисбатан 68 фқизга га тушиб қолган. Цитохром В₅ миқдори ўзгаришга учрамаган.

Цитохром Р-450 ни парчаланиши ва бу тизим фаоллигини пасайиши сабабларини тўлароқ ўрганиш мақсадида ушбу системани ултрабинафша нурланиш, адреналин ва гистаминлар таъсирида пероксидли оксидланиш, протеазалар иштироки ўрганилди.

Цитохром Р-450 ни микросом фракциясидаги юқоридаги омилларга алоқадор пасайиши линол кислота гидроперекисини генпротеидни парчаловчи таъсирига алоқадор эмаслиги аниқланилди.

Ултрабинафша нурланишдан кейин протеолитик парчаланишга алоқадор бўлган цитохром фракциясининг миқдорини пасайиши аниқланилди. Ултрабинафша нурланишни 7-кунига келиб цитохром Р-450 ни трипсиннинг парчаловчи таъсирига берилувчан қисми бир ярим баравар ортган (К-3,55 μ 0,22; Т-5,25 μ 0,41).

Адреналин юборилганда, гистамин юборилганда ҳам цитохром Р-450 нинг протеолитик таъсирга берилувчан кўринишлари орасида нисбат ўзгармаган.

Юқоридагилар асосида шундай фикрга келиш мумкинки эркак каламуш жигари микросомал оксидланишига ултрабинафша нурини пасайтирувчи таъсирида адреналин, гистамин, шунингдек протеолитик ферментлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Ботаника боғи (ЎзФА) шароитида Валерианелла кентрантус қасний (Valerianella kentranthus) ўсимлигининг биоморфологик хусусиятлари

А.Т. Раҳимова, М.Т.Одилова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Инсон ва ўсимлик ҳаёти узвий боғлиқдир. Инсоннинг қолаверса барча тирикликнинг ҳаёт кечириши давомида ўсимликлар асосий рол ўйнайди. Чунки улар озиқ – овқат, ем-ҳашак, дори-дармон, кийим-кечак, ҳамда жуда кўп моддаларнинг табиий манбалари ҳисобланади. Доривор ўсимликларга бўлган талабни қондириш мақсадида ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга жиддий эътибор бериш лозим. Бунинг учун доривор ўсимликларнинг биозкологик хусусиятларини ўрганиш уларни илмий асосда ишлаб чиқилган қондаларга амал қилган ҳолда маданийлаштириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда доривор ўсимликларни ўрганиш, айниқса четдан келтирилган ўсимлик турларини хар томонлама ўрганиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу мақсадда биз 2004 йилдан бошлаб ЎзРФА Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказининг Ботаника боғи шароитида четдан келтирилган Валерианелла Кентрантус Қасний (*Valerianella kentranthus ruber*) нинг ўсиш ва ривожланишини ўрганмоқдамиз.

Валерианелла ўсимлиги Валерианадошлар оиласининг Кентрантус туркумига киради. Ватани Ўрта ер денгизи бўйи ҳисобланади. Умумий тарқалиши: шимолий ярим шарда, асосан европада МДХдавлатларидан Украина, Белоруссияда. Валерианелла кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, баландлиги 50-70 см гача этади. Тупдаги поялар сони 120-140 тагача тўқ яшил рангда бўлади. Барглари наштарсимон ёки тухумсимон, четлари текис, поянинг юқори қисмида жойлашган барглари бандсиз бўлади. Тошкент шароитига иқлимлаштирилган Валерианелла ўсимлиги вегетация даврини анча эрта бошлайди. Кузатишларимизга кўра 2004 йилда ўсимлигимиз ўсишни феврал ойининг ўрталарида, 2005 йилда эса феврал ойининг охирида бошлади. ҳаво ҳарорати 25-28⁰С бўлганда яхши ўсади. Ҳаво ҳарорати 30-32⁰С да эса жуда жадал (2-3см) ўсиши кузатилди. Валерианелла табиий шароитда июн-июл ойларида гуллайди. Тошкент шароитида гуллашни апрел-май ойидан то кеч кузга қадар давом этиши кузатилди. Гуллари тўқ қизил рангда, гули пихи билан биргаликда 10-12мм узунликда бўлиб, пихининг узунлиги 6-7мм га этади. Гуллари майда бўлиб, ярим шарсимон мустақкам тупгулга бирлашган. Уруф ҳосил бўлиши июл ойидан бошланади. Бир туп гулда 150 донагача уруф ҳосил қилди ва уруф ҳосил бўлиши декабр ойига қадар давом этади.

Тиббиётда унинг илдиз томирлари ишлатилади, илдизининг узунлиги 25-30 смга этади. Барча шифобахш брикмалар илдиз ва томирларида тўпланади. Валерианелла ҳам Валериана каби нерв системасининг турли хил неврозларида, тутқаноқ, уйқусизликда седатив таъсир кўрсатиб, бош мия пустлоғи ишини яхшилади. Валерианелла Халқ хўжалигида шифобахш дориворлиги ва ўзига хос манзаралиги билан аҳамиятлидир.

Биз тадқиқот ишларимизни келгусида ҳам давом эттириб Валерианелла Кентрантус Қаснийнинг биозкологик хусусиятларини Тошкент иқлим шароитида кенгрок ўрганмоқчимиз. Шундай қилиб, бу доривор ўсимлик Тошкент иқлим шароитида уруфидан кўпайиб яхши ўсиши ва иккинчи йили гуллаши кузатилди.


Тошкент шаҳрида учровчи айрим қуш турларининг мавсумий динамикаси.

М.Б. Абраматов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Маданий ландшафтда хусусан, урбанизациялашган шаҳар ландшафтида боғ ва дарахтзорларнинг тутган ўрни беқийсдир. Тошкент шаҳрида ҳам боғ ва хиёбонлар анча яхши тараққий этган. Шаҳарнинг ҳайвонот олами ўзига хос таркибга эга. Тошкент шаҳрини боғ ва хиёбонларида учровчи қуш турларини таркиби, сонининг мавсумий динамикасини ўрганиш мақсадида шаҳарнинг бир қанча боғ ва хиёбонларида стационар кузатиш ҳамда маршрут ҳисоб усулида тадқиқот олиб бордик. Маълумотлар 2004-2005 йиллар давомида тўпланди. Шаҳар хиёбонларида 16 марта ҳисобда 22 турга мансуб 7090 та қуш, ўртача бир ҳисобда 443,1 та қуш 10 га майдонда учради. Умумий ҳисобга олинган қуш турларининг 20,2 фоиз дала чумчуғи; бундан ташқари уй чумчуғи-18 фоиз, кўк каптар -11,5 фоиз, майна-10,8 фоиз, гўнг қарға-9,4 фоиз, ола қарға-6,4 фоиз, завизғон-5,8 фоиз, мусича-5,5 фоиз ва ҳакозолар ташкил этади.

Боғ ва дарахтзорларда учровчи қуш турларининг мавсумий динамикаси ҳам ўзгариб туради.



Шаҳар хиёбонлари баҳор мавсумида учиб келувчи қуш турлари билан бойийди. Табиийки ўз навбатида бизнинг иқлим шароитимизда қишлоқчи турлар, жумладан қарғасимонлар кунлар иситиши билан шимолий ўлкаларга миграция қиладилар. Ёз мавсумида шаҳар ландшафтидаги қушларнинг кўпчилиги шаҳар атрофидаги боғларга, далаларга овқатланиш, уя қуриб кўпайиш учун учиб кетишади, натижада шаҳардаги боғ ва хиёбонларда қушлар сони қисман камаяди. Лекин шунга қарамасдан шаҳар ландшафтида унинг атрофидаги очиқ далалардаги қушлар сонига нисбатан анча юқори бўлишини кузатдик. Ёз мавсумида қарғасимонларнинг учрамаслиги маълум бўлди. Шаҳар орнитофаунасини куз мавсумида учиб келувчи ва қишлоқчи турларнинг келиши ҳисобига турлар таркиби ўзгаради. Айрим қуш турлари иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетишади. Шаҳар ландшафтидаги боғ ва дарахтзорлар биотопи қушларнинг овқатланиши, уя қуриши ҳамда тунаши учун жуда қулай ҳисобланади. Хиёбонларда *Streptopelia decaocto*, *Pica pica*, *Turdus merula*, *Sturnus vulgaris* каби қуш турлари уя қуради. Кечқурунлари тунаш учун каптарсимонлар, қарғасимонлар, майналар тўпланишади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги боғ ва хиёбонларда ковакларга уя

курувчилар *Athene noctua baktriana*, *Sturnus vulgaris*, *Dendrocopos leucopterus* S каби турлар камайиб кетди, деярли бу турларни учратиш мушкул бўлиб қолди. Буларнинг ўрнига *Acridotheres tristis*, *Pica pica* каби турлар кенг тарқалмоқда. Биз кузатишларимиз давомида баҳор ва куз фаслларида миграция қиладиган кўпгина қуш турлари устида аниқ кузатишлар олиб боролмадик. Шунинг учун улар бизнинг рўйхатимизда йўқ. Хулоса қилиб айтганда Тошкент шаҳридаги боғ ва хиёбонларда қуш турлари таркиби ҳамда сони мавсумий ўзгариб туради. Уларнинг маданий ландшафт биотопларида ўзига хос ўрни мавжуддир.

Мирзачўл воҳасининг антропофит ўсимликлари экологияси

Т.Т. Рахимова, Б.А.Адилов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Табий ландшафтларни инсон томонидан “ишрол” қилиниши у ердаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўзига хос тарзда шаклланишига таъсир ўтказди. Бу ҳайвонот дунёсида маданий ландшафтга мослашган синантроп турларнинг пайдо бўлиши ёки бўлмасам ўсимликларнинг антропофит гуруҳларининг шаклланиши билан изоҳланади. Антропофит ўсимликлар инсоннинг хўжалик аҳамияти кучли ифодаланган ерларда ўсиб-кўпайиб, инсон билан “ҳамоҳанг” яшовчи турлардир.

Мирзачўл воҳаси инсон томонидан ўзлаштирилгандан буён унда ўзига хос антропофит ўсимлик гуруҳлари пайдо бўлди. Улар инсоннинг таъсир кўлами кучли бўлган ерларда- далаларда, томорқаларда, ташландиқ майдонларда, йўлларнинг четларида, шўр босган майдонларда ва ҳаказо жуда яхши ривожланади. Мирзачўл ўзлаштирилиб воҳага айлангандан буён чўл ўсимликлар қопламани воҳа ўсимликлар қоплами эгаллаб олди. Олдин бу ерларда типик чўлга мослашган ксерофит турлар учраган бўлса ҳозир ўзида ҳам ксерофитлик ҳам мезофитлик ҳусусиятларини ифодалаган мезоксерофит ўсимликлар шаклланиб улгурган. Кейинчалик бу турларларнинг айримлари антропофит ўсимлик сифатида қарала бошланди. Мирзачўл воҳасининг асосий антропофит ўсимликларини келтирамыз:

- | | |
|---|--|
| 1. <i>Polygonum aviculare</i> L | 11. <i>Plantago psyllium</i> L |
| 2. <i>Polygonum hydropiper</i> L | 12. <i>Urtica dioica</i> L |
| 3. <i>Polygonum persicaria</i> L | 13. <i>Inula helenium</i> L |
| 4. <i>Rumex confertus</i> Willd | 14. <i>Hyoscyamus niger</i> L |
| 5. <i>Artemisia absinthium</i> L | 15. <i>Datura stramonium</i> L |
| 6. <i>Cicorium intybus</i> L | 16. <i>Taraxacum officinale</i> Web |
| 7. <i>Glycyrrhiza glabra</i> L | 17. <i>Tribulus terrestris</i> L |
| 8. <i>Sphaerophysa salsula</i> (Pall.) DC | 18. <i>Equisetum arvense</i> L |
| 9. <i>Vixiba pascycarpa</i> (Sshrenk ex C. A Mey) | 19. <i>Daucus carota</i> L |
| 10. <i>Plantago major</i> L | 20. <i>Arctium lejospermum</i> Juz. et Serg. |

Эслатма: куюқ рангда берилганлар доривор ўсимликлар

Антропофит ўсимликларнинг воҳаларда кўп тарқалганлигининг бир нечта сабаблари бор. Бу сабабларнинг замирида инсоннинг маиший-хўжалик ҳаракатлари ётади. Масалан антропофит турларнинг кўпчилиги намсевар турлардир. Воҳаларда суғориладиган майдонларнинг кўплиги улар учун қулайдир. Иккинчи томондан воҳа тупроқларида ўритлаш ишларини йўлга қўйилганлиги мавжуд антропофит турларни экинлар орасида бегона ўт сифатида пайдо бўлишини таъминлайди. Учинчидан

улардаги антропофитлик даражасининг бир кўриниши сифатида рудераллик намоён бўлган. Рудерал турлар (чиқитхоналар, ахлатхоналарда яшовчи турлар) ўзи яшаб турган жойнинг нитрофил индикатори сифатида намоён бўлади. Чунки рудерал жойлар органик ташландиқлар ҳисобига азотли моддаларга бойдир.

Шундай қилиб, антропофит ўсимликлар айни яшаётган муҳитнинг ўзи учун қулай бўлган томонларидан фойдаланишга ҳаракат қилади ва хатто хусусий белгиланган шлар ҳам хосил қилади. Хусусан:

-антропофит ўсимликлар намли муҳитни ўзгариб туришига чидамлидир. Гигрофит муҳитда ўсувчи турлар айрим қурғокчилик юз берган пайтларда ҳам вегетатив аъзоларини нормал ҳолатда сақлайди. Уларнинг кўпчилигида мезоксерофитлик хусусиятлари намоён бўлган. Булар хусусан, илдиз-томир тизими кучли ифодаланганлигида (*Glucythiza* L, *Sphaerophysa* DC турлари), вегетатив ва генератив фазаларини қурғокчилик юз бермасдан тугатишида (*Rumex* Willd турлари) ёки бўлмасам танасида ялтироқ туклар, эфир безлари мавжудлигида (*Artemisia* L турлари) ва қаказоларда кўринади;

-уларнинг кўпчилиги шўрли муҳитга кўниккан турлардир. Антропофит турларда шўрга мосланувчанлик физиологик даражада, тананинг айрим аъзолари даражасида, вегетатив ўтиш фазалари даражасида намоён бўлади;

-антропофит турлар мева-урувларини ўзлари билан ҳамоҳанг яшовчи одамлар ва ҳайвонлар ёрдамида (антропохория, зоохория) тарқатишга мослашувчан белгилари мавжуд.

Мирзачўлда тарқалган антропофит ўсимликлар воҳанинг экстремал шароитларига кўникишган ва ўзларида юқори мосланувчанлик имкониятларини сақлайди. Уларнинг кўпчилигини дориворлик хусусиятларини ва экологик имкониятларини ҳисобга олиб, экиб-кўпайтириш ишлари йўлга қўйилса, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика соҳаларидаги кўпгина муаммоларни ҳал қилган бўлар эдик.

Микроорганизмларнинг фасллар бўйича динамик ҳолатига нефт ва нефт маҳсулотининг таъсири

З.А. Жабборов, Ю.Ж. Норчаева, Х.Ш. Ўринова, Э. Хушвактов
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Табиатнинг мувозанатли қонунига кўра ер юзи бўйлаб иқлимнинг тақсимланиши ўзига ҳос ва шунга мутоносиб ҳолда ўша ер иқлимининг ҳамда яшовчи макон (тупроқ, сув, ҳаво ва б.) га кўра биологик дунё мослашади. Бизнинг Она ватанамиз Ўзбекистон ҳам ер юзининг иқлими континентал ва серқуёш, қолаверса тупроқлари бебаҳо нуқтасига жойлашган. Бу бебаҳо тупроқларимизда ўзининг бир олам биологик дунёси (ўсимликлар олами, тупроқ микрофлораси ва б.) мавжуд. Тупроқда ўсувчи ҳар қандай ўсимликнинг меъёрида ўсиши, тупроқда кечадиган барча биокимёвий, биологик, микробиологик, физиологик ва бошқа жараёнлар айнан шу тупроқ микрофлорасининг фаолияти ва фаоллигига боғлиқ.


Тадқиқотларни кўрсатишича экосистеманинг, жумладан тупроқнинг турли ҳил унсурлар оғир металлар, пестицидлар, кимёвий элементлар, саноат ва маиший чиқиндилар ва айниқса нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида тупроқда кечадиган юқоридаги жараёнлар барчаси салбий томонга ўзгаради. XXI асрга келиб шаҳарлар ва улар билан туташ ҳудудлардаги саноат корҳоналари, айниқса

нефтни қайта ишлаш заводи, нефт узатиш тармони, нефт ва нефт маҳсулотлар сақловчи омборлари атрофидаги тупроқ ва сув қопламанинг экологик аҳволи аянчли бўлиб қолди. Бундан ташқари нефт конлари атрофидаги тупроқ ва сув қоплами биологик дунёси ҳам мувозанат нуқтасидан сезиларли ўзгарган. Бизни илмий ишимизни асосий объекти Мингбулоқ нефт кони ҳам шулар жумласидандир. Мингбулоқ нефт конини очилиши натижасида катта-катта ҳудудлар 15-17км радиусда нефт билан ифлосланган. Сирдарё дарёсига ҳам катта миқдорда нефт тушган, ваҳоланки тупроқ таркибида 1 фоиз нефт миқдорининг бўлиши ўсимликлар вегетация жараёнини 2-6 баробаргача секинлаштирувчи таъсир қилса, тупроқ микрофлора миқдори учун 10-12 марта салбий таъсир кўрсатади.

Биз тадқиқотлар натижасида аниқладики, олинган тупроқ намуналаридаги микроорганизмлар сони ифлосланиш хусусиятига ва фаслларга боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Тупроқларда энг муҳим вазифаларни бажарувчи углеводород парчаловчи, денитрификатор, нитрификатор бактериялар, актиномицетлар экологик ҳолда учрашига нисбатан анча камайган. Қуйида келтириладиган графикда гетеротроф бактерияларнинг умумий миқдори келтирилади.

Нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган утлоқи- аллювиал тупроқларда гетеротроф микроорганизмларнинг умумий миқдори, млн.хуж/гр. (Мингбулоқ нефт кони атрофидаги тупроқлар мисолида, 2005й) Эслатма: (*) Нефт конига нисбатан узоқлик(км ҳисобида)



Графикдан кўринадики тупроқ микрофлорасининг баҳор ва ёз ойларида фаоллиги турлича бўлади ва албатта бу ифлословчи манбаанинг масофасига ҳам боғлиқ. Бу илмий изланишлардан мақсад ифлосланган тупроқлардан нефт парчаловчи бактерия фаол штаммларини ажратиб,, уларни биологик усул билан тозалашдан иборатдир. Ҳозирда фаол деструкторлар орасидан 4 та фаол нефтпарчаловчи бактерия штамминини ажратиб олдик. Шулардан учтаси *Pseudomonas* ва *Bacillus* туркумларига мансуб бўлиб, айни пайтда уларни тур таркибини аниқлаш илмий ишларини олиб бормоқдамиз.

Техноген бузилган ва нефт билан ифлосланган ерларнинг биологик хоссаларини ўзгариши

З.А. Жабборов, Т.А. Абдрахмонов, Х.Р. Артиков, З.А. Сулаймонова

Республикаимиз аҳолиси турмуш тарзининг фаравон бўлиши қолаверса, жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрнини топишида ерларнинг ўрни беқийёсдир. Шу боисдан ерларимизни эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарур.

Ҳозирги кунда мавжуд сувориладиган 4,2 млн.га ерларимизни 65-72 фоизи турли даражада ифлосланиши, 40 фоиз ерларимизда эрозиянинг икки тури ҳукмронлиги, чириндининг кескин камайиши ва саноат корхоналардан чиқувчи (тутун, чиқинди сувлари, оҳирги чиқинди маҳсулотлари ва б.) чиқиндилари ва энг ачинарлиси нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқлар ҳамда уларнинг биоценоздаги мувозанатли ҳолати бугун муаммо тусини олган.

Дунё бўйича нефт билан ифлосланиш йилдан-йилга ортмоқда, биргина Россиянинг ўзида йилига 50-70т нефт ва нефт маҳсулотлари катта-катта ҳудудларни ифлослайди, жумладан 1996 йилда 50 минг гектар ер кучли даражада ифлосланган. Украинадаги катта ҳалокат атроф-муҳит экосистемасининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бизнинг Республикамизда ҳам бир нечта нефт конлари мавжуд бўлиб, улар атрофидаги биоценоз мувозанати турли ҳил ўзгаришларга учраган. жумладан, Фарғона водийсидаги энг ёш Мингбулоқ нефт кони атрофида ҳолат ўзгача ҳол.

Тадқиқот учун 9та нуқтадан яъни нефт конига нисбатан узоқлик фарқига кўра 2 хил вақт (фасл) да намуналар олинди. Яъни нефт конига нисбаган узоқлик (м) 100, 200, 500, 1500, 1800, 5000, 8000, 12000, 20000м дан тупроқ ва сув намуналари олинди.

Намуналарни микробиологик ва агрохимёвий таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик: азотбактерияларнинг ўсиш фаоллиги баҳорда 200м-10%, 500м-50%, 1500м-60%, 5000м-70%, 8000м-70%, 12000м-90%, 20000м-90% ва ёзда 200, 500, 1500, 5000, 8000, 12000, 20000 метр узоқликларда тегишли равишда 30%, 30%, 40%, 50%, 60%, 70%, 80% фаоллиги аниқланди.

Намуналарда тегишли равишда тупроқлардаги чириндининг миқдорини ўзгаришини ҳам таҳлил қилдик. Бунда ифлосланишни кучайганлиги боис тупроқлардаги мавжуд органик биомассанинг чиринди ҳолига ўтиши меъёридан кескин камайган.

Мингбулоқ нефт кони атрофидаги тупроқларда чиринди миқдори. (%) Кондан тегишли узоқликлардаги ўзгариш кўрсаткичи

2004 йил

Чуқурлиги,см	Олинган намуналар нефт конига нисбатан узоқлик (метр) да				
	200	800	1500	5000	20000
0-30	0,74%	0,82%	0,93%	1,12%	1,30%
31-60	0,59%	0,78%	0,80%	0,97%	0,93%
61-90	0,40%	0,51%	0,53%	0,76%	0,88%
91-120	0,35%	0,42%	0,41%	0,55%	0,58%
121-150	0,21%	0,27%	0,32%	0,43%	0,49%
151-175	0,12	0,16%	0,19%	0,18%	0,22%

Бундан кўринадики, нефт конига нисбатан яқинлашганда микрофлора дунёсининг миқдори кам, фаолияти ҳам сусайган ва тупроқнинг унумдорлигининг энг асосий белгиси ҳисобланган чиринди миқдорининг ҳам камайиши кўзга яққол ташланади. Бундан ташқари бу ерларда ажратилган углеводород парчаловчи бактериялар ҳам 10^2 ва 10^3 миқдорга камайган. Хуллас, бу тупроқлар ва у ерларда яшовчи микрофлора ва у ердаги ўсимлик дунёсини табиий оптимал ҳолатга келтириш учун фаол деструкторларни ажратиб, бу биологик тозалаш услуви билан муаммоларни ҳал этмоғимиз лозим. Айни вақтда биз 37та штамм бактериялардан энг фаоли сифатида 4та штаммни ажратдик ва булар воситасида самарали натижалар олиш учун илмий тадқиқотларни давом эттирмоқдамиз.

Naја паја Oxiana Echwald захарини каламушнинг қон томирлари фосфолипидларига таъсири

А.Х. Жабборова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Аспидлар (Elapidae) оиласига мансуб илон заҳари энг аввало асаб тизимини ва ундан кейин қон айланиш тизимини зарарлайди. Патологик ўзгаришлар юрак-томир ва эндокрин тизимлар, жигар ва буйракларда ҳам кузатилади (Исаева И.В ва бошқалар, 2000).

Ўрта Осиё кўзойнакли илони (Naја паја Oxiana Echwald) ҳам Elapidae оиласининг вакили ҳисобланади. Бу илон заҳарида фосфолипаза A_2 нинг 6 шакли борлиги аниқланган (Исаева И.В. ва бошқ., 2000). Бу фосфолипазалар биологик мембраналардаги фосфолипид молекуласининг глицерин фрагментини иккинчи ҳолатидаги мураккаб эфир боғини гидролизлайди. Ўрта Осиё кўзойнакли илони заҳарини қон ва қон томирлардаги фос-фолипид алмашинувига таъсири тўғрисида маълумотлар йўқлиги сабабли шу илон заҳарини қон томирлардаги фосфолипид алмашинувига таъсирини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Ўрта Осиё кўзойнакли илони заҳарини оғирлиги 150-160 г. ли оқ каламушларда ҳар 1 килограмм оғирлигига нисбатан 160 микрограммдан мушак остига юборилди (Ширинова И.А. ва бошқ. 2001) ва орадан 15 дақиқа ўтгач уларнинг йирик қон томирлари олиниб, гомогенизация қилинди. Фосфолипидлари Кейтс М. (1975) усули бўйича экстракция қилинди ва таркиби икки ўлчамли юпка қатламли хроматографик усули билан таҳлил қилинди (Бергельсон Л.Д. ва бошқ., 1981).

Заҳарланган каламушларни қон томирларида фосфатидилҳолин, фосфатидилсерин, сфингомиелин ва лизофос-фолипидларнинг миқдорларини нормадагига нисбатан 1,59; 1,36 ва 1,46 мартага кўпайиши, фосфатидилэтаноламин, фосфатидилинозит ва кардиолипинларнинг миқдорларини 1,50; 1,56 ва 1,79 мартага камайиши аниқланди.

Бизнинг фикримизча заҳар таркибидаги фосфолипазаларнинг таъсири натижасида ҳамма фосфолипидлар ҳам гидролизланади, аммо фосфатидилҳолинни кескин кўпайиши тўқималардаги фосфатидилэтаноламинни фосфатидилҳолинга айланишини (метилланиш жараёни) кучайиши ва фосфатидилсеринни фосфатидилэтаноламинга айланишини (декарбоксилланиш жараёни) пасайиб кетиши ва фосфатидилсерин синтезини кучайиб кетишидан (Bereziat G. 1980) бўлиши керак. Хўжайраларда фосфатидилсеринни декарбаксилланиши мито-хондриянинг ички мембранасида кечади (Suda T.Matsuda V. 1974).

Сфингомиелиназа энзими сфингомиелинни церамидга ва фосфоҳолинга парчалайди. У деярли ҳамма хўжайраларда топилган, аммо энг кўпи мия хўжайраларида жойлашганлиги аниқланган. Бу энзимнинг чучук ва Mg^{2K} га боғлиқ нейтрал сфингамиелиназа изошакллари мавжуд (Цюпко А.Н. ва бошқ., 2001). Сфингомиелиназани активлигини заҳар таъсирида ингибирланиши сфингомиелин миқдорини кўпайишига олиб келиши мумкин.

Таркибида инозит сақловчи фосфолипидлар (фосфоинозитидлар) ҳар ҳил тўқималарнинг хўжайра мембраналарида 2-8 фоиз ўртасида бўлади, уларнинг орасида фосфатидилинозит асосий қисмини ташкил қилади. Фосфатидилинозитнинг асосий қисми мембрананинг ички юзасида жойлашган, ўзининг таркибида каттта миқдорда фосфат гуруҳларни (фосфатидилинозит 4-фосфат ва фосфатидилинозит-4,5-бифосфат) тутувчи фосфоинозитидлар кўпроқ плазматик мембранада жойлашган (Ткачук В.А., 1998). Фосфоинозитидлар ва миоинозит фосфатлар хўжайра ва органелла

мембраналарини шаклланиши ва фаолиятида ўта муҳим рол ўйнайди (Potter B.V Nahorski S.R 1992; Downes P. 1999) Организмда фосфаинозитидларнинг кўпчилиги қисми асаб тўқималарида сақланади. Улар асосан асаб толаларини синаптик оҳирларида ва асаб каналларини миелин пўстлоқларида жойлашган бўлади (Majerus P.W.1992) ва хўжайра кечаётган жараёнларни бошқарилишида ўта муҳим роль ўйнайди (Bettridge M.T 1993). Фосфатидилинозит митохондрияда АТФ синтезида муҳим роль ўйнайди (Алматов К.Т.1993).

Кардиолипид синтези митохондриянинг ички мембранасида бўлади (Hostefler K.Y.,Van den Bosch.H.,1972). Бу фосфолипид оксидланишли фосфорланишида, ионлар ташилишида ва мембранада кечаётган энзиматик жараёнларда муҳим роль ўйнайди (Алматов К.Т. 1993).

Демак, Ўрта Осиё кўзойнакли илони заҳарини ҳайвон организмига киритилиши қон томирлари хўжайраларининг мембраналарида фосфатидилэтаноламин, фосфатидилинозит ва кардиолипидларнинг миқдорларини камайишига, фосфатидилқолин, фосфатидилсерин, сфингомиелин ва лизофосфа-тидилқолинларнинг миқдорларини кўпайишига олиб келди. Фосфолипидларнинг бундай ўзгариши натижасида, мембранада фосфолипид-фосфолипид, фосфолипид-оқсил нисбатлари ўзгаради, ионларнинг ташилиши бузилади, энзимларнинг активликлари ўзгаради ва натижада хўжайра ўз фаолиятини тўхтатади.

Ўз ва қиш фаслларида каламуш жигари митохондрияларида фосфолипид алмашинуви

Ш.К. Алматов, О. Холикова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

Каламушларни ёз ва қиш фаслларида юқори ҳароратда сақланганда қишда қиздирилган ҳайвонларга нисбатан ёз пайтида қиздирилган ҳайвонлар нисбатан анча тез ҳалок бўлиши аниқланган Г. Алматов Ш.К., 2003Г. Митохондриялардаги оксидланишли-фосфорланиш жараёнларининг бузилиши ҳам қишда тезлашади. АТФ синтезининг ўзгариши митохондрия мембраналарини структуравий ҳолатига, бу эса ўз навбатида липид-оқсил ва фосфолипид-фосфолипидларнинг ўзaro боғлиқлигини ўзгариши билан боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олиб биз ёз ва қиш фаслларида каламушларнинг жигаридан ажратиб олинган митохондриялардаги фосфолипидларнинг миқдорий ва сифат ўзгаришларини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Каламушларнинг жигаридан митохондрияларни дифференциал центрифугада ажратиб олинди ва фосфолипидларининг миқдори юпқа қатламли хроматография усули билан аниқланди.

Жигар митохондрияларида ёз фаслида қиш фаслига қараганда фосфатидилқолин, фосфатидилэтаноламин, фосфатидилсерин ва фосфатидилинозитларнинг миқдорлари 6,2; 14,9; 17,9 ва 26,4 фоизларга камайди. Бу ўзгаришлар бизнинг фикримизча жигар хўжайраларидаги фосфолипидларнинг синтези, метилланиш ва декарбоксилланиш каби энзиматик жараёнларнинг ўзгариши натижасида бўлиши мумкин. Ҳайвон организмида фосфатидилсерин ва фосфатидилинозитларнинг ҳосил бўлиши фосфатидилқолин ёки фосфатидилэтаноламиндаги асос алмашинувида деб ҳисобланади. Фосфатидилэтаноламинни фосфатидилсеринга метилланиши билан бир вақтда фосфатидилсеринни қайтадан фосфатидилэтаноламинга декарбоксилланиши содир

бўлади. Ҳўжайрада кечаётган фосфа-тидилсериннинг декарбоксилланиши митохондриянинг ички мембранасида бўлади. Серинни этаноламинга декарбоксилланиши каталитик цикл, моҳиятан умумий жараён ҳисобланади. Реакцияни амалга ошиши учун эркин этаноламин эндоген 1,2-диглицеридларни парчаланиши орқали олинади. Натижада CDP-этанолламин ҳосил бўлади ва у фосфолипид билан АТФ иштрокида реакцияга киришиб фосфатидилэтанолламин ҳосил бўлади. Бу жараёнда АДФ ҳам ҳосил бўлади. Фосфатидилэтанолламиндан фосфатидилхолин уч босқичли метилланиш орқали ҳосил бўлади. Бу жараён факатгина микросомаларда кечиши аниқланган. Демак, ёз фаслида жигар хўжайраларида ва митохондрияларида фосфолипидларнинг синтези, метилланиш ва декарбоксилланиш жараёнларининг секинлашиши кузатилади. Фасл ўзгариши митохондриядаги кардиолипинга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ёз фаслида кардиолипин миқдори кишига нисбатан 1,31 мартага кўпайди. Бунинг асосий сабаби митохондриянинг ички мембранасида жойлашган кардиолипин синтезлайдиган энзимларнинг активлиги ёз фаслида ошишидан бўлиши мумкин. Фасл ўзгариши митохондриядаги лизошаклли фосфолипидларнинг миқдорига ҳар ҳил таъсир кўрсатди. Ёзда лизофосфатидилхолиннинг миқдори қишга нисбатан 1,45 мартага камайди, лизофосфатидилэтанолламин ва лизокардиолипинларнинг миқдорлари эса, аксинча 2,8 ва 1,7 мартага кўпайди. Ёз фаслида асосий фосфолипидларнинг миқдорларини камайиши фонда лизофосфолипидларнинг кўпайишини биринчи сабаби фосфолипаза А₂ нинг активлигининг ошиши бўлса, иккинчиси лизофосфолипаза А₁ ва фосфолипаза Д ларнинг лизофосфолипидларга нисбатан активлиқларининг пасайишидан бўлиши мумкин. Бу фосфолипидларнинг митохондрия мембраналарида борлиги адабиётларда кўрсатилган Г 9, 10 Г. Ёзда митохондрия мембраналарида лизофосфатидилхолиннинг камайиши, бошқа лизофосфолипидларнинг кўпайиши лизофосфолипаза А₁ ва фосфолипаза Д нинг шу лизофосфатидилхолинга нисбатан гидролитик активлигини ошиб бошқаларига нисбатан кескин камайиб кетишидан бўлиши мумкин. Ёзда қишга нисбатан митохондрия мембраналарида фосфатид кислота 2,73 мартага кўпайди. Бунинг асосий сабаби биринчидан, ёзда митохондриянинг ташқи мембранасида фосфатид кислотанинг синтези кучайишидан бўлса, иккинчидан эндоген фосфолипаза Д нинг гидролитик активлигини ошиб кетишидан бўлиши мумкин. Мембрана структураларини бир меъёрда туришини таъминланишида муҳим ролни ўйнайдиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланган диацил шаклли фосфо-липидлар билан лизошаклли фосфолипидларнинг ўртасидаги нисбатларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Агар, ёз фаслида қишга нисбатан фосфатидилхолин Глизофосфа-тидилхолинларнинг нисбати 1,68 мартага ошса, фосфатидил-этанолламин Глизофосфатидилэтанолламинларнинг нисбати эса, аксинча 1,70 мартага камайди. Демак, ёз фаслида қишга нисбатан митохондрия мембраналарида фосфатидилхолин, фосфатидил-этанолламин, фосфатидилсерин, фосфатидилинозит ва лизофос-фатидилхолинларнинг миқдорлари камайиб, кардиолипин, фосфатид кислота, лизокардиолипин ва лизофосфатидил-этанолламинларнинг миқдорлари кўпайди.

Стевиозидни митохондриянинг энергетик метаболизмига таъсири

Х.Т. Отабеков, Р.Ш. Холматов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Стевия ўсимлигидан ажратиб олинган стевиозид ($C_{38}H_{60}O_{18}$) биологик фаол бирикма – ширин таъм берувчи модда бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларига ва салқин ичимликларга хушбўй ҳид ва ширин таъм берувчи модда сифатида, консервалар тайёрлашда ва тиббиётда турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Аммо шу вақтгача стевиозидни митохондриянинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига таъсири ўрганилмаган. Шунинг назарда тутиб биз ўз олдимишга стевиозидни митохондриянинг энергетик метаболизмига таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Оз миқдордаги стевиозид митохондрияда пируват ва малатнинг оксидланишига деярли таъсир қилмайди. Аммо, митохондриянинг ҳар бир миллиграмм оқсилга нисбатан 150 мкг стевиозид қўшилганда пируват ва малатнинг АДФ қўшилгандан кейинги оксидланиши (V_3) тезлашди ва бу жараён стевиозид миқдорининг ошиб боришига қараб кучая бошлади. Агар митохондрия суспензиясига 150 мкг стевиозидни 1 мг. оқсилга нисбатан қўшилгандан кейин пируват ва малатнинг фосфорланишли оксидланиш ҳолатидаги (V_3) оксидланиши 9,9 фоиз ошса, 200; 250; 300; 350; 400; 450; 500; 550 ва 600 мкг қўшилгандан кейин 17,2; 23,3; 27,6; 32,2; 44,3; 52,6; 65,6; 71,3 ва 78,1 фоизларга ошиши аниқланди. Митохондриянинг V_2 ҳолатдаги нафас олиши ҳам стевиозид миқдорининг ошиб боришига мос ҳолда тезлашади, аммо V_3 ҳолатдаги нафас олишига нисбатан деярли икки марта секинроқ бўлади. Митохондриянинг V_4 ҳолатдаги нафас олишига стевиозид таъсир қилмайди. Бу эса Чанс бўйича нафас олиш коэффициентининг (HK_4) ошишига олиб келади ва бу жараён ҳам стевиозидни миқдорини ошишига қараб тезлашади. Митохондрияни ҳар бир мг оқсилга нисбатан 200; 250; 300; 350; 400; 450; 500; 550 ва 600 мкг қўшилганда HK_4 7,2; 9,3; 11,3; 14,9; 20,6; 25,2; 30,9; 38,6 ва 44,8 фоизларга ошиши аниқланди. Айни пайтда АДФГО коэффициентида ҳам кўпайиш тенденцияси кузатилди.

Оз миқдордаги стевиозид сукцинатни оксидланишига ва оксидланишли фосфорланишига деярли таъсир қилмайди. Аммо, унинг миқдорини кўпайиши сукцинатни оксидланишини кучайишига олиб келиши аниқланди. Сукцинатни оксидланишини кучайиши стевиозид миқдорини ошишига мос ҳолда кечиши маълум бўлди. Митохондрияни ҳар бир мг. оқсилга нисбатан 400; 500; 600; 700; 800; 900; 1000; 1100; 1200; 1400 ва 1500 мкг стевиозид қўшилса сукцинатни V_2 ҳолатдаги оксидланиши 58,3; 89,4; 128,4; 143,9; 161,0; 174,6; 181,8; 197,7; 208,3; 221,2; 229,1 ва 239,4 фоизларга, V_3 - 57,2; 86,9; 121,4; 139,5; 145,7; 156,4; 160,8; 171,4; 179,0; 184,3; 187,4 ва 197,1 фоизларга ва V_4 - 59,1; 88,2; 128,4; 143,2; 160,6; 175,7; 179,9; 196,9; 206,4; 217,4; 225,7 ва 238,6 фоизларга ошиши аниқланди. Олинган натижалардан шу нарса маълум бўлдики, стевиозидни оз миқдордагиси митохондрияда сукцинатни оксидланишини ҳар ҳил метаболик ҳолатларда бир ҳил даражада оширди, аммо унинг миқдорини ошиб бориши билан фосфорланишли оксидланишни (V_3) оширишига нисбатан, V_2 ва V_4 ҳолатлардаги оксидланишни кўпроқ ошириши маълум бўлди. Бу эса Чанс бўйича нафас олиш коэффициентини ва АДФГО коэффициентини бирозгина бўлса ҳам пасайишига олиб келди.

Экзоген АДФни фосфорланиш тезлиги эндоген АТФ миқдорига тўғридан тўғри боғлиқлигини ҳисобга олсак, стевиозид митохондриянинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишини *in vivo* шароитида ҳам кескин оширади деган фикрга келиш мумкин. Чунки, митохондриянинг ишлаш тезлиги (электрон ва протон оқимлар

тезлиги) митохондриянинг ичидаги адениннуклеотидларнинг умумий миқдори билан белгиланади. Адениннуклеотидтранслоказа, H^K -АТФ синтаза ва оксидланиш энзимлар тизими билан синхрон ишлаши сабабли митохондрия ичидаги адениннуклеотидларни назоратида бўлиб ва уларнинг миқдорини оз-кўплигига боғлиқдир. Митохондрияни ичидаги адениннуклеотидларнинг концентрацияси (аникроги – митохондрия ичидаги АТФ миқдори) бошқарувчи ҳисобланиб, транслоказа ва H^K -АТФ синтаза активлигини назорат қилади, шунинг билан нафас олиш тезлигини ва АТФ генерациясини белгилайди. Бу эса стевеозидни ҳайвон ёки инсон организмга киритилиши митохондрияларни юқори режимда, электрон ва протон оқим тезлигини кислородни юқори тезликда ташилишига мос ҳолда ишлашига олиб келади. Бунда нафас олиш тезлашади, юрак фаолияти кучаяди, қон томирларда қоннинг оқиш тезлиги ошиб тўқималарни кислород ва озиқа моддалар билан таъминланиши яхшиланади.

Демак, стевеозид митохондрияни нафас олишини ва оксидланиши фосфорланишини кучайтиради. Митохондрияни нафас олишининг кучайиши асосан сукцинатни оксидланишида кузатилса, АТФ синтези эса НАД га боғлиқ субстратларнинг оксидланишида кузатилди.

Кобальт ионини митохондрия оксидазаларининг фаоллигига таъсири

Д. Фуломова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Кобальт иони организмнинг тўқима, ҳўжайра ва органеллаларида кечаётган физиологик-биокимёвий жараёнларига таъсири тўғрисида маълумотлар кўплигига қарамасдан, унинг митохондрия ички мембранасида кечаётган энергетик метаболизмга таъсирининг молекуляр меҳанизмлари тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун биз ўз олдимизга мито-хондрия оксидазаларининг активлиқларига кобальт ионининг таъсирини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Кобальт ионини митохондрияларнинг оксидазаларига таъсирини аниқлаш учун 1 мл митохондрияга, ҳар бир мг оқсилга уч ҳил миқдорда: 0,5; 1,0 ва 1,66 мкг дан кобальт хлорид қўшиб $20^{\circ}C$ да инкубация қилинди ва орадан 10, 20, 30, 40 ва 50 дақиқа ўтгач оксидазаларнинг активлиқларидаги ўзгаришлар аниқланди. Олинган натижа назоратдаги, яъни кобальт қўшилмаган, аммо $20^{\circ}C$ да сақланган митохондриялардаги оксидазаларнинг ўша дақиқалардаги активлиқларига солиштириб таҳлил қилинди.

Митохондриянинг ҳар бир мг оқсилга нисбатан 0,5 мкг кобальт хлорид қўшиб нафас олиш занжирининг НАД.Н-оксидазасини активлигини ўлчаганимизда, бу энзимнинг активлашганини ва бу жараённи вақтнинг ўтиши билан тезлашганини аниқладик. Агар 10 чи дақиқада НАД.Н-оксидаза назоратта нисбатан 38,8 фоизга ошса, 20, 30, 40 ва 50 дақиқаларда 51,6; 66,2; 77,5 ва 84,8 фоизларга ошди. Митохондрияга қўшилган кобальт-нинг миқдори икки мартага оширилса НАД.Н-оксидазанинг активлигининг ошиши айниқса инкубациянинг бошларида (10, 20 ва 30 дақиқаларда– 110,1; 112,5 106,2 фоизларга) янада тезлашади. Митохондрияларга қўшилаётган кобальт миқдорининг янада кўпайиши НАД.Н-оксидазанинг активлигини ошишини сезиларли даражада секинлаштиради ва вақтнинг ўтишига қараб бу энзим ўз активлигини йўқота бошлайди. Инкубациянинг 50 дақиқасига борганда НАД.Н-оксидаза ўз активлигини 31,3 фоизини йўқотади. Демак, кобальт иони митохондрия ички мембранасида жойлашган НАД.Н-оксидазани активлигини оширади ва бу жараён

шу ионнинг миқдорини ошиб боришига мос ҳолда тезлашади. Аммо кобальтнинг юқори концентрацияси бу энзимнинг активлигини пасайтиради.

Оз миқдордаги кобальт иони (0,5 мкгГмг) ротеноннисезмайдиған НАД.Н-оксидазани активлигига деярли таъсир қилмайди. Унинг миқдорини икки мартага оширилса, 50 дақиқа давомида бу энзимнинг активлигини 29,6 фоизга оширса, унинг миқдорини уч мартадан кўпроққа (1,66 мкгГмг) оширилса – 47,9 фоизга ошди. Демак, биринчидан ротеноннисезмайдиған НАД.Н -оксидаза оз миқдордаги кобальтга деярли реакция қилмайди, иккинчидан юқори дозадаги кобальт бу энзимни активлигини оширади ва бу жараён катионнинг миқдорини ошиб боришига мос ҳолда тезлашади.

Кобальт иони (0,5 мкгГмг) сукцинатоксидазани активлигини оширади ва бу жараён инкубация вақтининг ошиб боришга мос ҳолда тезлашади (10, 20, 30 ва 40 дақиқаларда 45,1; 57,5; 69,5 ва 76,1 фоизларга). Унинг миқдорини икки мартага оширилиши сукцинатоксидазани янада активлаштиради: 10 ва 20 дақиқаларда 80,0 ва 79,8 фоизларга). Аммо вақтнинг ўтиши билан активлиги аста секин пасая бошлади (30 ва 40 дақиқаларда 68,0 ва 51,5 фоизларга ошади) ва 50 дақиқага борганда атиги 35,9 фоизгагина ошади). Митохондрияларга қўшилган кобальтнинг миқдори 1,66 мкгГмг бўлганда сукцинатоксидазанинг активлиги бирданига камая бошлади ва вақтнинг ўтиши билан энзим активлигининг камайиши тезлаша бошлайди (10, 20, 30, 40 ва 50 дақиқаларда 17,2; 32,1; 46,0; 50,2 ва 57,1 фоизларга пасайди). Демак, кобальтнинг оз миқдори сукцинатоксидазанинг активлигини оширади, кўпи эса аксинча пасайтиради.

Митохондрияга оз миқдорда кобальт (0,5 мкгГмг) қўшилганда нафас олиш занжирининг охирида жойлашган цитохром с-оксидазанинг активлиги ошди ва бу жараён вақтнинг ўтиб бориши билан тезлашди (10, 20, 30, 40 ва 50 дақиқаларда 46,4; 65,1; 79,3; 78,3 ва 84,5 фоизларга). Кобальтнинг миқдорини икки мартага оширилиши цитохром с-оксидазанинг активлигини ошишини янада тезлаштирди (10, 20, 30, 40 ва 50 дақиқаларда 94,9; 140,0; 161,5; 175,5 ва 176,4 фоизларга). Митохондрияга ҳар бир мл га 1,66 мкг дан кобальт қўшилганда цитохром с-оксидазанинг активлиги кескин ошди (333,0-266,2 фоизларга). Демак, кобальт иони цитохром с-оксидазанинг активатори ва бу жараён шу ионнинг миқдори боғлиқ.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкин, кобальт иони митохондрия мембраналаридаги оксидазаларнинг активлигини оширади. Кобальт миқдорининг юқори концентрацияси биринчи новбатда сукцинатоксидазани, сўнгра нафас олиш занжиридаги НАД.Н-оксидазани активлигини пасайтиради. Цитохром с-оксидаза ва ротеноннисезмайдиған НАД.Н-оксидазаларнинг активлигини ошиши кобальт концентрациясини купайишига боғлиқ.

Полиэфир композицион материаллар ОЛИШ ва уларни ишлатиш кўлами

И. Худойназаров, М.Мамаджонова, О.Г.Абдуллаев
Наманган давлат университети

Маълумки, бугунги кунда полиэфир смолалар асосида турли-туман композицион материаллар ишлаб чиқарилмоқда ва улар ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда ишлатилмоқда. Улар лак-бўёқ, герметиклар, шпатлевкалар, абразив ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда айниқса, алоҳида ўрин тутмоқда. Охириги пайтларда полиэфир смола асосида сунъий мрамор олиш ва реализация қилиш, табиий мраморга нисбатан қатор афзаллиқларга эга бўлганлиги учун ҳам жуда тез ўсмоқда.

Ушбу тадқиқот ишида полиэфир смола асосида қатор композицион материаллар яратилди. Бунда полиэфир: тўлдирувчи: пластификатор нисбатлари 12-20:50-80:5-20 ни ташкил этди. Олинган композицион материаллардан турли шаклдаги параллелопипед, шар ва бошқа деталлар 1-20 кг/см² босим остида ёки вакуум остида, вибратор ёрдамида, 20-50⁰С ҳарорат оралигида олинди. Композицион материалларни қотириш учун пероксидли бирикмалар ишлатилди. Тезлатгич сифатида кобальт, никель, ва марганецнинг резинатли тузлари қўлланилди. Тезлатгич концентрацияси 0,01-0,2% оралигида олинди.

Композицион масса полиэфир смолада тўлдирувчини аста - секин аралаштириш, унинг консистенциясини пластификатор ва қўшилган пигментлар миқдори орқали созланди. Шунини айтиш керакки, қайд этилган усул билан ихтиёрий рангдаги материал олиш мумкин. Баъзи турдаги пигментларни қўшиш олинаятган, композицион материалнинг консистенцион параметрларига ва қотиш жараёни амалга оширилгандан сўнг эса олинган материалнинг физик ва механик ҳамда кимёвий ҳоссаларига таъсир этиши қайд этилди.

Турли текстурага эга бўлган материалларни олиш учун турли рангда тайёрланган композицион материалларни маълум йўналишда аралаштирилди. Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, олинган рангли материалларнинг ранг интенсивлиги узоқ вақт давомида ҳам ўзгармайди.

Қайд этилган усуллар ва таркиб билан олинган материаллар тиниқ ялтироқ ва силлиқ сиртга эга бўлиб, атмосфера ёрқинларига ва қатор нисбатан агрессив моддаларга чидамли ҳисобланади. Масалан, полиэфир композицияси асосида олинган сунъий мрамор қатор афзаллиқларга эга, яъни бетонга нисбатан 2-3 баравар синишга чидамли ҳамда иссиқлик ўтказиш коэффициенти ва гигроскопиклик хоссаси мраморга нисбатан бир неча марта кичик ва уларнинг эксплуатацион муддати анча узун. Бу эса ўз навбатида бундай маҳсулотларни уйсозликда турли мақсадларда ишлатиш имконини яратади.

Тақирли тупроқларнинг айрим агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари ва уларни яхшилаш муаммолари.

А. Вакилов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тақирли тупроқлар Қарши чўлида ривожланган барча тупроқлардан (сур тусли қўнўир, қумли саҳро) ўзининг барча агрокимёвий хоссалари, даставвал нисбатан серчириндилли, озуқа унсурларининг ҳам кўплиги, сувга чидамли микроагрегатларнинг мавжудлиги кабилар билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Қарши чўлида бу тупроқлар деярлиқ суғориладиган ерларга жалб қилинган.

Қарши чўли шароитида тақирли тупроқларнинг кенг миқёсида ўзлаштириш 1965-1970 йилларда бошланиб Амударё – Қарши магистрал каналини ишга тушиши билан бу тупроқлар билан банд бўлган майдонлар батамом ўзлаштирилди. Тақирли тупроқларга хос бўлган агрофизикавий хосса механик таркибнинг деярлиқ бутун профил бўйича оғир қумоқли ва енгил созли бўлишидир. Қумли заррачалар (1-0,05мм) генетик қатламларда 2-20 фоиз ўртасида тебраниб туради. Энг майда заррача – ил (<0,001мм) қумли заррачаларга ўхшаш 4-33 фоиз ўртасида тебраниб туради. Чанг заррачалари ҳам (0,05-0,001мм) профилда бошқа заррачалар каби тебраниб туради. Шунини таъкидлаш жойизки, бўз тупроқларга хос бўлган хусусият – майда қум (0,1-0,05мм) ва йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачаларнинг доминантлиги (50 фоиздан кўп), тақирли тупроқлар учун

хос эмас. Бу тупроқларда йирик чанг (0,05-0,01мм) генетик қатламларда 5-38 фоиз ўртасида тебраниб туради. Бундай тупроқлар фақат тақирли тупроқлар учун хос бўлиб, ўз навбатида бу тупроқларнинг генетик қатламларида ички нуралиш жараёнларининг шиддат билан кечаётганидан далолат беради. Иккинчи томондан, Қарши чўлида тақирли тупроқларнинг катта қисми унча катта суғориш ва деҳқончилик тарихига эга эмас. Шунинг учун бўлса керак, генетик қатламларда физик лойнинг (<0,01мм) миқдори ҳам тез – тез ўзгариб туради, бу эса ўз навбатида тупроқларда қисқа суғориш натижасида бир хил механик таркибли қатламлар шаклланмаганлигидан далолат беради.

Тақирли тупроқларда ўзига хос чириндили қатлам вужудга келади, Қўриқ тақирли тупроқларнинг энг юқори (шартли равишда–чимли қатлам деб қабул қилинган) чиринди миқдори 0,9-2,20 фоизни ташкил қилса, янги ўзлаштирилган бу тупроқларнинг юқори 0-30 см ҳайдалма қатламида 1,0 янги суғорилган ерларда 0,84 эскидан суғориладиган тақирли тупроқларда 1,1 фоизни ташкил қилади. 2003- 2004 йиллар давомида Миришкор тумани Миришкор ширкат хўжалиги суғориладиган тақирли тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 0,92-1,02 (рўза билан банд майдонларда), 1,1 -1,25 фоиз (беда билан банд бўлган майдонларда) чиринди миқдори борлиги аниқланди. Ҳайдалма ости қатламларида бу кўрсаткичлар 0,7-0,85 фоизгача камаяди. Чиринди кўрсаткичининг ҳайдалма ҳамда ҳайдалма ости қатламларида ўзгариб туриши умумий азотни, сезиларли бўлмаса-да умумий фосфор миқдорларини ўзгаришига олиб келади. Шунини таъкидлаш керакки суғориш миқдорининг ошиб бориши билан, умумий фосфорнинг миқдори 0,05 -0,07 фоизгача, яъни янги ўзлаштирилган тақирли тупроқларда умумий фосфор 0,11 – 0,13 фоиз, суғориладиган ерларда 0,13-0,15 фоиз бўлса, қадимдан суғориладиган тупроқларда 0,18-0,22 фоизгача кўтарилади. Бунинг асосий сабаби ўғит сифатида солинадиган фосфорли ўғитларни катта қисми сувда кам эрувчи фосфорли бирикмалар шаклига ўтишидир. Бунга албатта бу тупроқларда майда ил (<0,001мм) заррачасининг кўплиги асқотади. Тақирли тупроқларда умумий калий кўп 1,9–2,2 фоиз, бу она жинсдан мерос сифатида сақланади, чунки она жинс ҳисобланган пролювиал ва аллювиал ётқизиклар калий сақловчи дала шпатлари маҳсулотлари ҳисобланади.

Тақирли тупроқларнинг салбий агрохимёвий хусусиятларидан бири–унинг у ёки бу даражада шўрланганлиги ҳисобланади. Шўрланиш бу тупроқларнинг юқори ҳайдалма қатламида шиддат билан ифодаланмайди, бироқ ҳайдалма ости қатламида, айниқса тупроқ профилининг 75 -80 см чуқурлигидан бошлаб сувда эрувчан туз кристаллари мавжудлиги бу тупроқларнинг морфологик ёзилмаларида акс эттирилган. Бу эса лаборатория шароитида ўрганилган сувли сўрим таркибда ўз ифодасини яна бир марта топади. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида қуриқ қолдиқ 0,110-0,125 фоизни, Cl –иони- 0,008, SO₄-0,029-0,110 фоизни ташкил қилса, 80-100 см чуқурликда қуриқ қолдиқ 0,450-0,560, Cl-0,17, SO₄-0,306 фоизгача ўзгаради. Суғориладиган тақирли тупроқлар учун хос бўлган салбий агрофизикавий хосса намлангандан сўнг қатқалоқнинг пайдо бўлиши ёки бу ходисага мойиллиги ҳисобланади.

Тақирли тупроқларнинг сингдириш сифимида бошқа суғориладиган тупроқлардан фарқли ўлароқ, кам бўлса-да сингдириш сифимида сингдирилган натрий миқдорининг бўлиши ҳисобланади.

Юқорида баён этилган суғориладиган тақирли тупроқлар учун хос бўлган айрим агрохимёвий ва агрофизикавий хусусиятлардан қатъи назар бу тупроқлар Қарши чўли шароитида суғориладиган ерларнинг асосинини ташкил қилади. Албатта, бу тупроқларнинг унумдолигини ошириш соҳасида айрим муаммолар мавжуд. Буларга,

биринчидан, бу тупроқларнинг чиринилиши ҳолатини яхшилаш зарур. Бунинг учун иложи борича маҳаллий органик ўғит гўнлардан кенг фойдаланиш, пахта-беда алмашлаб экишга эътиборни қаратиш; иккинчидан тупроқларнинг қайта шўрланишини бартаф этувчи агромелиоратив тадбирларни- зовурлар тизимини ташкил қилиш, сифатли профилактик шўр ювиш ишларини ташкил қилиш; учунчидан-тупроқнинг механик тақибини енгиллаштириш чораларини (қум солиш орқали) кўриш; тўртинчидан - бу тупроқларнинг биологик фаоллигини яхшилаш мақсадида микробиологик ўғитлар комплексини (МУК) қўллашни кенг синаб кўриш ҳисобланади.

Бухоро воҳасининг шўр тупроқларида доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва хусусиятлари

Б. Е. Тухтаев

Ўз РФА "Ботаника" ИИЧМ Ботаника боғи

Ҳозирги вақтгача кўп олимлар республиқамиз шароитида доривор ўсимликларнинг иқлимлаштирилиши ва интродукцияси муаммолари тўғрисида анчагина илмий тадқиқотларни амалга оширдилар (Русанов, 1971; Белолипов, 1983; Мурдахаев, 1990). Натижада доривор ўсимликлар сувориладиган, унумдор, тоғ олди адирлиқлари бўлган ерларда экилиб синаб кўрилди ва кўп вилоятларда ихтисослашган ўсимликлар етиштириладиган хўжаликлар ташкил этилди.

Биз илмий изланишларимизда доривор ўсимликлар интродукциясини шўр ерларда олиб бордик ва шўрга чидамли бўлган доривор ўсимликларнинг турларини танлаб, уларни биоэкологик хусусиятларини ўргандик.

Илмий тажрибалар Бухоро воҳасининг шўрланган, яъни тупроқда (0-50 см қатламда) сувда эрувчан тузларнинг миқдори 1,8-2,0; хлор (Cl) анионлари -0,1002% ни ташкил этган майдонларида қўйилди. Тажрибаларда ер шари ўсимликларининг 10та флора воҳасидан 29 оилага мансуб бўлган 94та доривор ўсимликлар экилди. Ана шу ўсимликларнинг 74 тури уруғлар, 3 тури илдизпоя, 19 тури кўчат, 2 тур эса ҳам уруғ ва кўчатлардан, 3 тур уруғ ва ҳам илдизпояли ўсимликлар ташкил этди.

Кузатишлардан қайд этилишича шўр ерларда уруғдан экилган доривор ўсимликларнинг 20 таси униб чиқди, улардан 6 таси (*Glycyrrhiza glabra* L., *Galega officinalis* L., *Calendula officinalis* L., *Carthamus tinctorius* L., *Ocimum gratissimum* L., *Matricaria recutita* L.) дала унувчанлиги 20 дан 60% гачани ташкил этди ёки ўсимликларнинг сақланиши 8 тур ўсимликда (*Glycyrrhiza glabra* L., *Calendula officinalis* L., *Galega officinalis* L., *Carthamus tinctorius* L., *Jnula helenium* L., *Hibiscus esculentus* L., *Glycyrrhiza uralensis* L., *Matricaria recutita* L.) 50 дан 90% гачани ташкил этди. Кўчатдан ва илдизпоядан экилган ўсимликларда унувчанлиқ ва сақланувчанлиқ (*Platycodon grandiflora* L., *Aronia melanocarpa* (Michx) Ellett., *Rosa canina* L., *Hippophae rhamnoides* L., *Rhamnus cathartica* L., *Crataegus sanguinea* Pall. *Glycyrrhiza glabra* L., *Mentha piperita* L.) жуда юқори фоиз кўрсаткич 30 дан 90 гача ва 86 дан 100 гача ни ташкил этди.

Тажрибаларимиз давомида шўр ерларда шўрга чидамли бўлган, уруғларнинг дала унувчанлиги, сақланиши ва ўсимликларнинг ривожланиши, тупроқ юза қатламини тезда қоплай олиш (80-100%) кўрсаткичлари билан бошқа ўсимликлардан юқори бўлган илдизпояли (*G. glabra* L., *M. piperita* L., *R. tinctorium* L.) турларни шўрга чидамли ва ўзлаштирувчи сифатида синаб кўрилди.

Кузатишларда илдизпояли ўсимликлар экилган майдонларда тупроқ юзасидаги иқлим шароити, очиқ (ҳеч нарса экилмаган-контроль) майдонларга нисбатан (еруғлиқ

тушиши, тупроқ юза харорати, шамол тезлиги, ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги) 2-3 бараварга фарқ қилади. Натижада тупроқ юзасидан сувнинг буғланиши очиқ майдонлардагига нисбатан ширинмия экилган майдонда (747,2 т/га)-дастлабки вақтданоқ-56,5% га, доривор ялпизда майдонида (1088,1 т/га)-36,7% га ва бўёқдор руян майдонида (1181,1 т/га)-31,3% га пасайганлиги, ўсимликларнинг сув буғланиши 2911,1 т/га;192,3 т/га ва 94,9 т/га ни ташкил этди ёки 40-60 % гача ўсиш қайд этилди.

Тупроқ агрохимиявий анализларнинг кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Тупроқдаги сувда эрувчан тузлар (қуруқ ҳолда, %)

Вариантлар	Вегетация йили	0 – 50 см қатламдаги туз таркиби		
		Cl	S04	Зич =олди=
Тажрибалардан олдин	—	0,061	0,927	1,534
Glycyrrhiza glabra L.	1	0,045	0,591	1,367
	2	0,007	0,411	1,038
Mentha piperita L.	1	0,059	0,826	1,451
	2	0,027	0,708	1,270
Rubia tinctorum L.	1	0,071	0,833	1,538
	2	0,039	0,752	0,351

Шундай қилиб кузатишларда аниқландики Эрон-Турон, Циркумбореал ва Ўрта Ер денгизи флора воҳаларига мансуб бўлган доривор ўсимликларнинг интродукцияси шўр ерларда яхши кечади. Шунингдек химиявий таркиби сапонинли, витаминли ва эфирмойли бўлган доривор ўсимликлар шўрга анча чидамли эканлиги қайд этилади. Майдон сув алмашинуви бўйича ўзказилган кузатишларда қайд этилишича, илдиэпоэли ўсимликлар экилган майдонларда, ўсимликларнинг ўзлаштирувчанлиқ роли биринчи вегетация йилиданоқ намоён бўлади.

Ютувчи зоналарни изоляция қилиш учун тўлдирувчилар

С. Хўжаяров

Қарши мухандислик иқтисодиёт институти

Бурғилаш эритмаси ютилишини бартараф этиш самарали чора тадбирларидан бири, бу циркуляцияда бўлган бурғилаш эритмасига тўлдирувчилани қўшишдир.

Уларни қўллашдан мақсад ютувчи каналларда тампонни ютишига шароит яратиб, гелли қобиқни вужудга келтириш ва ютувчи зоналарни бартараф этишдир.

В.Ф. Роджирсни фикрига кўра ҳар қандай амалдаги букувчи ишчи омил етарлича майда ўлчамли зарралардан иборат бўлган ҳамда ютувчи суюқлиққа қўшилган ҳолда насос ёрдамида ҳайдалиши осон бўлган, ҳар қандай материал танланиши мумкин.

АҚШ да ютувчи зоналарни тўлдириш учун 100 турдан ортиқ бўлган тўлдирувчилар қўлланилади.

Ишчи омил сифатида ёғоч қипиғи, балиқ тангаси, хашак, ризина чиқиндилари, пахта, пахта чаноғи, шакарқамиш толаси, ёнғоқ пўчовига, гранулали пластмасса, перлит, керамзит, тўқимачилиқ чиқинди иплари, битум азбест, тери чиқиндилари, нўхат, гуруч, парранда патлари, тупроқ ушоқлари, гупки, тош ва бошқалар қўлланилади. Амалда юқоридаги тўлдирувчилар ҳар доим ҳам юқори натижа бермайди.

Ривожланган мамлакатлар (Россия, АҚШ ва х.) амалиётида асосий эътибор тўлдирувчиларни ютилиш зоналарига зич жойлашишига қаратилади.

Тўлдирувчилар сифат таснифи бўйича:

- толали
- варақасимон
- донатор турларига бўлинади.

Толали материаллар ҳосил бўлишига кўра ўсимлик, ҳайвонот ва менерал гуруҳига бўлинади. Толали материаллар қум-тошли ва шағалли донаторлиқ диаметри 25 мм гача бўлган қатламларда ишлатилиши яхши натижалар берган.

Варақасимон материаллар –йирик донатор шағалли ва ёриқлари 25 мм гачи бўлган қатламларда яхши самара беради.

Донатор материаллар эса, донаторлиги 25 мм гача бўлган шағалли қатламларда ишлатилганда яхши самара беради.

Агар ютувчи зонали қатламини донаторлиги ҳақида маълумот белгиланган бўлса, у ҳолда юқоридаги учала материални ҳам аралашган ҳолда ишлатишнинг самарадорлиги юқори бўлади.

Полиэтилен, поливинилиденфторид ва улар асосидаги чизиқли сополимерларда молекуляр силжишлар ва структуравий ўзгаришлар

А.А. Раҳмонқулов

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Полимерлар асосида композицияли материаллар яратиш учун уларда молекуляр силжишлар ва структуравий ўзгаришларни аниқлаш полимерлар физикасида долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Релаксацияли ўтишлар ҳартасида полимерлардаги молекуляр силжишларнинг намоён бўлиши маълум. Дифференциал сканеро- калорметрия (ДСК) бўйича олинган натижалар этальпия релаксацияси асосида баҳоланиш [1] ишда кўрсатилган. Бизнинг фикримиз бўйича бундай ёндошиш асосида температуралар оралигидаги ўтишларни миқдоран баҳолаш мумкин, аммо бу усулдаги мавжуд ҳатолиқлар релакцияли ўтишларнинг интенсивлигини миқдоран баҳолашга имкон бермайди. Бундай ёндашишда қўлланилган алгоритм [2] ишда қўлланилган алгоритм билан мос келади, лекин дисплей усулида қўлланилган алгоритмдан фарқ қилади. Кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, тажрибадан олинган нуқталар учун аппроксимацияланган учҳад тузилади ва $i + \frac{n}{2}$ нуқтада ундан олинадиган ҳосила T_i нуқтада C_p дан T бўйича олинган ҳосила деб қаралади. Бу нуқталардаги натижалар C_p нинг қийматлари билан белгиланган. $C_p (T)$ ва $\frac{dC_p}{dT}$ боғланишларни ифодаловчи эгри чизиқлар масхталаниб печатга олиб чиқилади. Релаксациявий ва фазовий ўтишлар соҳасидаги температура бўйича қадамни анализ қилиш учун 1-2 К танланади. Олинган натижаларни олдиндан маълум бўлган ишлар натижалари билан солиштириш $C_p (T)$ боғланишдаги ўтишларни мослаштиришга имкон беради.

Полиэтилен (ПЭ) тадқиқот қилинганда 300-325 К температура соҳасида β -релаксация намоён бўлиши аниқланади, γ -релаксациянинг намоён бўлишини эса аниқлаб бўлмайди. Бу олдин тадқиқот қилинган [3] ишнинг натижаларини

тасдиқлайди. Бу жараёнда полимернинг асосий занжирдаги сегменталь қўзғалиш α — шишланиш жараёни ПЭ да 250 К температурада содир бўлиши [4] ишда кўрсатилган. Агар [3] иш натижалари ҳисобга олинса унда β -релаксация кристалл панжаранинг катта даврга эга эканлиги билан боғлиқ, яъни кристаллитлар ўлчамининг ортиб улардаги дефектнинг камайиб бориши β -жараённинг интенсивлигини аниқлашга асос бўлади.

β – жараён кристалл полимерларнинг (КП) кристалл фазаларида содир бўладиган структуравий ўзгаришларга сезиларли боғлиқ бўлади.

γ – жараённи қуйидагича интерпретация қилиш мумкин, яъни асосий занжирда молекулаларнинг гуруҳли қўзғалишлари содир бўлади. Бу эса фақат аморф фазага ҳос жараён, бундай қўзғалишда тўртта метилен гуруҳи иштрок этади. Бундай тип жараён кичик активация энергиясига эга ва C_p (т) боғланишга сезиларсиз таъсир кўрсатади. ДСК усулининг кўрсатишича бу жараёнга 150-165 К оралиқ температура мос келади.

Поливинилиденфторидда (ПВДФ) молекуляр ҳаракатларни таҳлил қилиш жуда мураккаб, чунки унда кристалл модификациялар кўп турли бўлади. ДСК кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар ПЭ дан кўра ПВДФ да аниқроқ бўлади. Масалан шишаланиш, бошқа ўтишлар ДСК эгри чизиқларида ўзаро сезиларсиз фарқ қилади. Бу эриш температураси пайтидаги $\frac{dC_p}{dT}$ нинг эффекти ва шишаланиш пайтидаги иссиқлиқ сивими ўзгаришининг яширин эффекти билан боғлиқ.

СПВДФ ТФЭ нинг тузилиши ПВДФ нинг тузилишига ўхшаш, шунинг учун ҳам унинг молекуляр силжишларида сезиларли фарқ бўлмайди. Шунинг билан бир қаторда ДСК натижалари бўйича 200-230 К температурада t-h дефект ҳисобида аниқ сегменталь кузатишлари намоён бўлади. Шунинг билан бир қаторда КП да 393 К температурада жуфт кристалл қисмларининг ўзгариши содир бўлади.

СПТФЭ мобиль таркибига эга бўлганлиги учун релаксациявий хоссаларни тадқиқот қилиш учун зарур материаллар бўлиб ҳисобланади. 170-440 К температура соҳасида бир-бирдан фарқ қилувчи тўртта релаксацияли ўтиш мавжуд. [5] иш натижаларининг кўрсатишича 365 К температурада сополимер ротацияли кристалл ҳолатга, кристалл ячеяка ва псивдогексогональ ҳолатларга ўтар экан. ДСК кўрсаткичлари ва чизиқли кенгайишнинг температуравий коэффицентини (ЧКТК) аниқлаш шу ҳулосага олиб келдики, 290 К температурадаги релаксациявий ўтишни аморф фазада микроброун ҳаракатнинг намоён бўлишда ва кристаллитлар соҳасидаги ўзгаришларда деб тушунтириш мумкин. 290 К температурада полимернинг кристалл фазасида релаксацияли ўтиш содир бўлади.

Шундай қилиб ДСК усулидан ва ЭХМ лардан фойдаланиб фазовий ва релаксациявий ўтишларни идиентификациялаш шу билан бир қаторда ўтиш температураларини аниқлаш мумкин.

Ғўза навларининг тезпишарлигига қурғоқчиликнинг таъсири

А. Э. Холлиев, С.Б.Бўриев, У.Т. Норбоева.

Бухоро давлат университети

Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, унга бўлган эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугунги кунда ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда пахтакорлар ва шу соҳа олимлари жуда кўп изланишлар олиб

бормоқдалар. Маълумки, ғўза ўсимлиги ўзининг ўсиши ва ривожланиши давомида ташқи муҳитнинг қатор ноқулай (қурроқчилик, юқори ёки паст ҳарорат, тупроқ шўрланиши) омиллари таъсирига дуч келади. Бундай шароитда ғўза танасида физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг кечиши ўзгаради, ҳосил салмоғи ва унинг сифати пасаяди. Юқоридаги каби экологик омиллар ғўзанинг бошқа кўрсаткичлари билан бир қаторда унинг тезпишарлигига ҳам салбий таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда экилаётган ва истиқболли ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда уларнинг тезпишарлиқ даражасига қурроқчиликнинг таъсирини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қатор вегетацион тажрибалар асосида ўрта толали ғўза (Бухоро –6, С-65-24, Оқдарё-6, Қирғиз-3) навларининг тезпишарлиқ даражасига тупроқ қурроқчилигининг таъсири ўрганилди. Тажрибалар ҳавога нисбатан қуруқ 36 кг тупроқ сиғадиган идишларда ўтказилди. Идишлардаги тупроқ намлиги тўлиқ нам сиғими (Т.Н.С.) га нисбатан 70, 50, 30 фоиз даражасида сақланди.

Тажрибалар давомида олинган маълумотлар шундан далолат берадики, ўрганилган ғўза навларининг тезпишарлиги генетик жиҳатдан мустаҳкам бириккан белги бўлиб, бу ташқи экологик омиллар, жумладан тупроқ қурроқчилиги таъсирига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Тупроқ намлиги 70 фоиз (оптимал) бўлган вариантларда ўстирилган барча навларда умумий ҳосилга нисбатан биринчи теримнинг салмоғи 50 ва 30 фоизли тажриба вариантларига нисбатан кам эканлиги аниқланди. Назорат вариантыда (70 фоиз) умумий ҳосилга нисбатан биринчи теримнинг салмоғи Бухоро - 6 навида - 40, С- 65-24 навида – 42, Оқдарё –6 навида – 45, Қирғиз – 3 навида - 48 фоизни ташкил этади. Тупроқдаги сув танқислиги ошиши билан (50, 30 фоиз) барча навларда биринчи терим ҳосилининг миқдори ошади. Бу борада энг юқори кўрсаткич 30 фоизли намлиқ шароитида аниқланди. Ўрганилган навларнинг тезпишарлиқ даражаси тупроқдаги намлиқ миқдorigа боғлиқ ҳолда бир- бирдан фарқ қилади. Тупроқнинг намлиқ даражаси 50 фоиз бўлган вариантларда кўсақларнинг очилиши тезлашади. Бунда биринчи теримнинг миқдори Бухоро –6 навида –46, С-65-25 навида –49, Оқдарё –6 навида –53, Қирғиз –3 навида – 57 фоизни ташкил этади. Тупроқда сув танқислиги кучли бўлган 30 фоизли намлиқ шароитида барча навлар кўсақларининг очилиши янада фаоллашади. Натижада биринчи теримнинг салмоғи барча навларда умумий ҳосилнинг 55-69 фоизини ташкил этади.

Тупроқ қурроқчилиги таъсирида аввало баргларнинг сони ва сатҳи камаёди. Фотосинтетик маҳсулдорлиқ пасайиб, органик моддаларнинг синтези секинлашади. Синтезланган органик моддаларнинг барглардан кўсақларга ташилиши қийинлашади. Натижада кўсақлар кичрайиб кўсақлардаги пахтанинг салмоғи камаёди. Ўрганилган навларнинг барг тўқималарида қурроқчилик таъсирида сув танқислигининг қиймати анча юқори ва умумий сув миқдорининг камлиги аниқланди. Сув танқислигининг юқори ва умумий сув, айниқса эркин сув миқдорининг кам бўлиши кўпинча кўсақларнинг муддатидан олдин очилишига олиб келиши мумкин. Қурроқчиликка нисбатан чидамли бўлган Бухоро –6 навида сув танқислиги бошқа навларга нисбатан кучсизроқ таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги учун ғўза навларининг табиий тезпишарлиги катта аҳамиятга эга. У ёки бу ноқулай омиллар таъсирида баъзан кўсақларнинг очилиши тезлашади, баъзан эса кечикади. Бу иккала ҳолатда ҳам умумий ҳосил, айниқса унинг сифати кескин пасаяди. Тупроқ қурроқчилиги (Т.Н.С.га нисбатан 50,30 фоиз) шароитида Қирғиз-3 ва Оқдарё –6 навлари кўсақларининг очилиши тажриба вариантыга нисбатан анча фаоллашади. С- 65-24 ва Бухоро –6 навларида бу жараённинг фаоллашиши нисбатан секинроқ боради.

Ўзанинг дастлабки ўсишига қурғоқчиликнинг таъсири

А.Э. Холлиев

Бухоро давлат университети

Республикамизнинг миллий бойлиги бўлган пахтага талаб ва таклиф кейинги йилларда янада ошиб бормоқда. Чунки пахтадан олинаётган хом ашё халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг кўламда ишлатилмоқда. Шунинг учун пахтакорлар, деҳқонлар ва шу соҳа бўйича шуғулланаётган олимларимиз олдида ҳамон кўндаланг бўлиб турган долзарб масала –бу ғўза ҳосили ва унинг сифатини янада оширишдир.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда экилаётган ва истиқболли ғўза навларини маълум бир тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, уларнинг биологик ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда районлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шулар билан бир қаторда экилаётган ёки экиш учун тавсия қилинган навларнинг сув алмашинув хусусиятларини ўрганган ҳолда у ёки бу ғўза навининг қурғоқчиликка чидамлилиқ даражасини ҳам аниқлаш, айниқса сув танқислиги кузатилаётган кейинги йилларда маълум амалий аҳамиятга эга. Кўпчилик қишлоқ хўжалик ўсимликлари, жумладан ғўзанинг ҳам сувга бўлган эҳтиёжи гуллаш даврида, яъни ёзнинг ўрталарида юқори бўлади. Бу даврга келиб ҳавонинг ҳарорати энг юқори, нисбий намлиқ паст бўлиши ғўзага қурғоқчиликнинг салбий таъсирини янада оширади ва натижада ғўзада кечадиган физиологик, биокимёвий жараёнларнинг бузилиши оқибатида ҳосил органлари тўкилади, ҳосил ва унинг сифати пасаяди.

Юқоридakilардан келиб чиққан ҳолда, ғўза навларининг дастлабки ўсиши ва ривожланишига ҳар хил даражадаги тупроқ намлигининг таъсирини ўргандик. Тажриба учун вилоятимизда қатор йиллардан буён экилиб келинаётган ғўзанинг Бухоро –6 ва Юлдуз навлари олинди.

Лаборатория тажрибасини ўтказишдан олдин олинган тупроқнинг намлиги ва унинг нам сивими аниқланди. Шу иккала кўрсаткич асосида идишлардаги тупроқларнинг намлиқ даражаси тўлиқ нам сивими (Т.Н.С.) га нисбатан 90, 70, 50, 30% да ушланди. Юқоридаги вариантларда ўстирилган ўсимликлар поясининг узунлиги, барг сатҳи, илдизнинг ҳажми, ўсимликларнинг хўл оғирлиги ва ўсимлик таркибидаги умумий сув миқдори ва бошқа кўрсаткичлар аниқланди.

Эрта баҳор (март, апрел, май) ойларида экилган ғўза уруғларининг кўпинча бир текисда униб чиқмаслигига сабаб бу тупроқда, баъзан ҳаво ҳарорати оптимал бўлсада намлиқнинг етишмаслиги ёки унинг нормадан юқори бўлиши билан изоҳланади. Баъзан эса тупроқ намлиги оптимал бўлиб ҳароратнинг паст бўлиши ҳам уруғларнинг кўпинча чиришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам биз ўтказган лаборатория тажрибасида ҳаво ҳарорати оптимал бўлган ҳолда ғўза навларининг униб чиқиши ва дастлабки ўсишига минималдан максимал даражадаги тупроқ намлигининг алоҳида таъсирини ўргандик.

Олинган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўрганилган навларнинг дастлабки ўсишига ҳар хил даражадаги тупроқ намлигининг турли хил таъсир этиши кузатилади. Яъни, ҳар хил намлиқ шароитида ўстирилган ғўза навларидан олинган натижалар ўзгариб боради. Тупроқ намлигининг 30% дан то 90% гача кўтарилиши билан барча кўрсаткичлар ҳам ошиб боради. Бу кўрсаткичларнинг 90% намлиқда иккала навда ҳам 70% намлиққа нисбатан пасайиши кузатилади.

Бухоро – 6 навида 30% намлиқда поянинг узунлиги 14,3 см бўлса 70% да 18,7 см, 90% да 17,3 см ташкил этади. Юлдуз навида бу кўрсаткичларнинг қисман пасайганлиги аниқланади.

Маълумки, барг сатҳининг ўсиши ўсимликлар, жумладан ғўза ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Биологик ҳосилнинг миқдори барг сатҳининг катталиги билан тўғри пропорционал боғлиқдир. Лекин барг сатҳининг катталиги ташқи муҳит омилларидан бири бўлган тупроқ намлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Мазкур кўрсаткич бўйича энг юқори натижа Бухоро –6 навининг 70% намлиқда ўстирилган ўсимталарида кузатилади. Иккала навда ҳам бу кўрсаткич 70% ли намлиққа нисбатан пастлиги аниқланди.

Энг кичик барг сатҳлари иккала навда ҳам 30% ли тупроқ намлиқ шароитида кузатилади. Ўсимликни сув ва озиқ моддалар билан таъминлашда илдиз тизимининг ривожланиш даражаси, морфологияси ва унинг ҳажми ҳам катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб Бухоро-6 навининг униши ва дастлабки ўсиши тупроқ намлиги Т.Н.С. га нисбатан 70% бўлганда фаол кечади. Юлдуз нави учун ҳам шу намлиқ даражаси оптимал ҳисобланса-да, юқоридаги аниқланган кўрсаткичлар билан Бухоро навидан кейин туради.

Ғўза навларининг сув режимида шўрланишнинг таъсири

У.Т. Норбоева

Бухоро давлат университети

Ташқи муҳит омилларидан ҳаво ҳарорати, ёруғлиқ ва минерал озиқланиш ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Юқоридаги омилларнинг оптимал даражадан узоқлашиши ўсимликларнинг умумий маҳсулдорлигига салбий таъсир этиб, биологик ҳамда хўжалик ҳосил ва сифатининг пасайишига олиб келади.

Кўпгина қишлоқ хўжалик ўсимликлари, жумладан ғўза ўсимлиги ҳам кўпинча тупроқда сув етишмаслиги (тупроқ қурғокчилиги), ҳаво ҳароратининг айниқса ёз ойларида юқори (40-45⁰С) ва нисбий намлиқнинг паст бўлиши (атмосфера қурғокчилиги), тупроғи шўрланган ҳудудларда (физиологик қурғокчилик) ва бошқа омилларнинг салбий таъсирига дуч келади. Айниқса, бундай омилларнинг биргалиқдаги таъсири натижасида ғўза ўсимлигида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар, жумладан ўсимликларнинг сув ва озиқ моддаларни қабул қилиши, унинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатланиши ва тақсимланиши ҳамда сув сарфи (транспирация) ўртасидаги мутаносиблик бузилади.

Натижада ўсимликлар танасида сув баланс ўзгариб, аввало фотосинтетик орган бўлган баргларда сув танқислиги пайдо бўлади. Агар унинг қиймати маданий ўсимликлар учун 10-15 фоиздан ошса, у ҳолда ўсимлик сув етишмаслигидан зарарланади. Кейинги йилларда ноқулай экологик омиллардан, яъни тупроқ шўрланиши натижасида ғўза навларидан олинадиган ҳосил ва унинг сифати пасаймоқда. Шунинг учун экилаётган ва истиқболли ғўза навларининг шўрга чидамлилигини ўрганиш муҳим назарий, амалий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда ҳар хил ўрта толали ғўза (Бухоро-6, Оқдарё –6, Фарғона-3, Қирғиз-3) навларининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилиқ даражасини ўрганиш мақсадида қатор лаборатория ва вегетацион тажрибалар ўтказилди. Барча вариантларда тупроқ намлиги Т.Н.С. га нисбатан вегетация давомида 70% да ушланди. Вегетацион тажрибалар 36 кг ҳавога нисбатан қуруқ тупроқ жойлашадиган идишларда олиб борилди. Тажриба вариантлардаги тупроқларда сунъий равишда шўрланиш ҳосил қилиш учун ош тузидан фойдаланилди. Шундай қилиб,

тупроқда 3 хил: 1- назорат, 2- кучсиз (0,2%), 3- ўрта (0,5%), 4- кучли (0,8%) даражасидаги шўрланишлар ҳосил қилинди. Барча назорат вариантлардаги тупроқларга туз солинмади. Тажрибалар жараёнида ғўза наварининг тупроқ шўрланишига бўлган чидамлилиқ даражасини характерловчи қатор физиологик кўрсаткичлар билан бирга ғўза баргларидаги сув танқислиги ҳам ўрганилди.

Қатор олимлар томонидан қишлоқ хўжалик ўсимликларининг шўрланишга бўлган чидамлилиқ даражасини аниқлашда юқоридаги каби кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, тупроқ шўрланиши ўсимликлар томонидан сувнинг қабул қилиниши ва сарфланишига ҳам салбий таъсир қилиб, сув балансида ўзгаришлар пайдо бўлади ва ўсимлик органларида, айниқса унинг баргларида сув танқислиги юзага келади.

Умуман олганда, баргларида сув танқислиги барча ғўза навларида назорат ва тажриба вариантларида вегетациянинг бошидан охиригача ошиб боради. Тупроқда шўрланиш даражасининг ошиб бориши билан баргларидаги сув танқислиги ҳам ошиб боради ва барча навларда энг юқори кўрсаткич кучли (0,8%) шўрланган вариантдаги ўсимликларда аниқланган. Баргларидаги умумий сув миқдори эса шўрланиш даражасининг ошиши билан камайиб боради. Барча назорат вариантдаги ўсимликларда умумий сув миқдори юқори, сув танқислиги эса кам бўлган. Лекин, навларни бу кўрсаткичлар бўйича солиштирсак, уларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши кузатилади. Ғўзаларнинг гуллаш вақтида кучли шўрланган вариантларда сув танқислиги Бухоро-6 навида-19,3; Оқдарё-6 - 21,5; Фарғона-3 - 23,9; Қирғиз-3 навида 25,4 % ни ташкил этади.

Баргларидаги сув танқислиги бўйича энг паст кўрсаткич барча шўрлантирилган тажриба вариантларида Бухоро-6 навида кузатилади. Энг юқори сув танқислиги ғўзанинг Қирғиз-3 нави баргларида аниқланган. Ўрганилган бошқа навлар эса бу кўрсаткич бўйича оралиқ ҳолатни эгаллайди. Тупроқ шўрланиш даражасининг ошиши билан тупроқ заррачалари ва сув молекулалар ўртасида тортиш кучи ошади. Бу эса ўз навбатида ўсимликнинг тупроқдаги сувни шимишига қаршилиқ қилади. Шундай шароитда осмотик босими ва сўриш кучи юқори бўлган ғўза навларида биокимёвий ва физиологик жараёнлар фаоллашади, умумий маҳсулдорлиқ ошади, сув балансида кескин номутоносиблиқ юзага келмайди.

***Crotalaria alata* L. ва *Guizotia abyssinica* (L.f.)Cass. ўсимликлари гулининг морфологияси ва биологияси.**

Н. Рахимова

Хоразм Маъмун академияси

Четдан келтирилган доривор ва озуқабоп ўсимликларни маданийлаштириш учун уларнинг гуллаш биологиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Гулнинг морфологиясини, биологиясини, кунлиқ ва мавсумий гуллаш динамикасини, уруф маҳсулдорлигини ўрганиш экологик омилларга чидамлилиқ даражасини баҳолаш ва экинзорга айлантиришда тавсиялар беришга имкон беради. Шу боисдан, *Crotalaria alata* L. ва *Guizotia abyssinica* (L.f.)Cass. ўсимликлари гулининг морфологияси ва биологияси ўрганилди.

***Crotalaria alata* L.—Кроталария гулининг морфологияси.** Кроталариянинг гули 1—тартибли новданинг ўрта (марказий) қисмидан ва 2 — 3 — 4— тартибли новдаларнинг тепа қисмидан намоён бўлади. Бу жараён ўсимликларда мезопетал ва

акропетал тарзда амалга ошади. Гули 2 жинсли зигоморф (қийшиқ) дир. Косачабарглари оч яшил рангда бўлиб, 5 аъзоли, эркин, айрибаргли, бўлак ҳолда жойлашган, узунлиги 1,5—1,8 мм, эни 0,3 — 0,5 мм; гуллашидан олдин қайрилган ва ёпиқ ҳолда бўлади. Тожибарглари ҳам бир — бири билан туташмаган, айрибаргли, тук сариқ рангда, 4 (5) аъзоли, юқоридагиси нисбатан йирикроқ бўлиб, елкан, байроқча (флаг) деб аталади. 2 таси ён қанот барглари ва 1 та пасткиси чангчилар ва тутунчани ўраб олувчи қайиқчани ҳосил қилади. Уруғчиси 1 та бўлиб, устунчаси тепа томондан пастга қайрилган, бошчали тумшукчадан иборат. Меваси дуккак, 1 та уруғчи баргдан иборат.

Кроталария гулининг биологияси. Чангчилари 10 тадан бўлиб, 5 тасининг чангдони ланцетсимон, 5 тасиники оддий. Ланцетсимон чангдон формаси оддий чангдондан 5 марта узун. Устунча чангдондан 1,5 баробар узун. 5 та ланцетсимон чангчи калта, 5 та оддий чангчи узун. Байроқча ўлчами 2,7 x 2,3 см, 2 та қанотининг ўлчами 1,8 x 0,7, қайиқчаники 2 x 0,9 см. 1 та калта ва 1 та узун чангчи асоси бирлашган. Байроқ асосан ҳашоратларни жалб қилишда хизмат қилади. Унинг асосида қўшимча майда томирлари бор. Байроқ орқали жалб қилинган ҳашорат қайиқча учига ёки қанотчаларнинг бирига ўтириб, ҳартумини чангчи ипининг асосидаги гулшира захирасига теккизишга ҳаракат қилади. Бунда қайиқча ёки қанотча барглари ҳашорат оғирлиги ва унинг фаол ҳаракатлари натижасида эгилади. Байроқ ҳам орқага қайрилиб, қанотбарглар пастга ва ён томонга эгилади. Чангчилар эса ҳашоратларнинг қоринчаси билан ишқаланади. Ҳашоратлар учиб кетганда эгилган барглар аввалги ҳолатига қайтиб, чангчилар ва уруғчи яна қайиқча ичига яширинади. Кучли чанглатувчилар қаторига арилар, қовоқарилар, қўнғизлар кирса, капалаклар ва ҳар ҳил чивинлар кучсизроқ чанглатувчилардир.

Guizotia abyssinica(L.f.)Cass.-Нигер гулининг морфологияси. Нигерда алоҳида гулларининг гуллаш давомийлиги қуйидагича давом этади: 1—куни 0,5 x 0,5 см ғунчаси ҳосил бўлади, 2— ва 3— куни ғунчаси катталашади, 4—куни 1 та тожибарги, 5—куни 2—си, 6—куни 3—си, 7—куни 4—5 —6—си, 8—куни қолган тожибарглари тўлиқ шаклланади. Хаммаси бўлиб 11 тагача тожибарглари етилади. Гули кун давомида очилиб туради.

Демак, ғунчанинг шаклланишидан токи гул тўлиқ очилгунча 7 — 8 кун керак. Очилган гули 5 — 6 кундан кейин сўлиб қолади.

Нигернинг гули 2 жинсли зигоморф (қийшиқ гул). Тупгули саватчадан иборат. Саватча асосини тупгулнинг кенгайган гулурни ташкил этади. Гулурнда бир - бирига зич жойлашган гуллари мавжуд. Гулурни ташқи томондан атрофини ўраб турувчи баргчалардан ташкил топган. Бу баргчаларнинг асосий вазифаси гулларни ташқи муҳитнинг ҳар ҳил ноқулай таъсиридан сақлаш — ҳимоя қилишдир. Ўрама баргчалар 2 қаторда жойлашган. Саватчадаги гуллар миқдори гулурнининг ўлчамига (катта — кичиклигига) боғлиқ. Гуллари кичикроқ, 5 та дағал тукли яшил косачабаргдан иборат. Тожибарглари 3 тишчали, сариқ рангда бўлиб, уларнинг сони 5—11 гача, ўлчами 1,5 x 0,7 см.

Нигер гулининг биологияси. Саватча ўртасида асосан ғунчалар, четида эса очилган гуллари жойлашади. Яъни уруғи четдан ўртага қараб етилади. Ҳар қайси гулида алоҳида уруғчиси ва чангчиси мавжуд. Тутунча ичидаги уруғкуртаги ҳар қайси гулда биттадан жойлашган, яъни улар етилиб уруғга айланади. Меваси данак, қаттиқ ва қуруқ қобиқли очилмайдиган бир уруғли мева, узунлиги 0,5 ва эни 0,1 см. Тутунчаси гул бўлакларидан пастда жойлашган остки, бир уяли тутунчадир.

Ҳашоратларни одатда устунча асосидаги гулшира (нектар), чанг доналари, шунингдек гулнинг сариқ ранги жалб қилади. Асосий чанглатувчилар арилар, қовоқарилар, асаларилар, тангачақанотлилар, яъни капалаклардир. Гулида

протерандрия ходисаси (чангчиларни уруғчига нисбатан олдин етилишидир) кузатилади. Шунинг учун ҳам четдан чангланишга мойилдир. Агарда четдан чангланиш содир бўлмаса, одатда айрисимон тумшуқчаси етилгандан кейин ўз—ўзидан чангланиш ҳам рўй беради.

Демак, кузатишларимиз натижасига кўра, бу 2 тур ўсимлик асосан четдан чангланиш хусусиятига эга, айрим ҳолларда эса ўз—ўзини ҳам чанглата олади.

***Aspergillus* авлоди замбуруғлари табиий штаммларининг амилolitik фаолликлари таҳлили**

**З.Р. Аҳмедова, М.А. Рустамова, А.Х. Хакимов, Ҳ Зоирова
ЎзРФА Микробиология институти**

Ҳозирги замон тиббиёт биотехнологиясида фермент препаратлари, ва уларнинг композицияларидан фойдаланиш катта самара бермоқда. Масалан, тиббиётда α -амилаза, глюкоамилаза, протеаза, липаза ферментлари уюшмаси организмда овқат ҳазм қилишини яхшилаш ва осон сингишини таъминлайди. Альфа -амилаза ферменти ҳалқ ва қишлоқ ҳўжалигида, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида ҳам кенг кўламда қўлланилади. Республикамизда саноат талаби учун етарли миқдорда рақобатбардош, ўта юқори фаолликка эга бўлган тоза фермент препаратлари ва уларнинг комплексларини ишлаб чиқарилиши яхши йўлга қўйилмаган. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархини ўз-ўзидан ошиб кетишига сабаб бўлмоқда ва кўп вақт талаб қилмоқда

Табиатда ва ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда фаол амилolitik ферментлар продуцентлари бўлиб *Aspergillus* авлоди замбуруғлари вакиллари, жумладан *Asp. awamori* ва *Asp. oryzae* культуралари хизмат қилади. Маълумки, *Aspergillus* замбуруғлари авлоди 40-дан ортиқ турни ўз ичига олади, лекин табиий манбаъларда унинг энг кўп тарқалган 20 та тури учрайди. Фаол амилolitik ва протеолitik фермент продуцентлари сифатида *Aspergillus* авлоди замбуруғларининг 100 га яқин штамми текширилган (Зокиров, Мирзарахимова, 1966) ва ҳозирги кунда терапевтик амалиётда қўлланилаётган, аксарият қисми ҳайвон ва ўсимликлардан олинган фермент препаратлари фаолликларига яқин эканлиги аниқланган. Микроб продуцентлари ва ферментларининг тиббиётда қўлланилиши катта самарадорликка эгадир, чунки микроорганизмлар учун ҳомашё, ўстириш вақти, фаолликни жиловлаш, бошқариш жараёнлари чекланмаганлигидир

Маълумки, микроб культуралари тарафидан фаол фермент ҳосил бўлиши дастлаб, культура табиатига (морфологик, физиологик, биокимёвий хусусиятлари), сўнгра озуқа муҳити таркибига (С ва N –манбаълари, макро-, микроэлементлар миқдори, специфик индукторлар), ўстиришнинг физик-кимёвий шароитларига (температура, аэрация, муҳит рН даражаси) ва бошқарувга молиқдир.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЎзФА Микробиология Институти «микроорганизмлар ферментлари» лабораторияси культуралар музейида сақланувчи, турли табиий манбаълардан ажратиб, тозалаб олинган *Aspergillus* авлодига мансуб 15 дан ортиқ турларининг 10 %-ли краҳмалли қаттиқ муҳитда краҳмални суюлтириш қобилияти бўйича текшириб кўрилди. Бунда культуралар тарафидан краҳмалнинг суюлиш зонаси турлича бўлиб, арпа ундирмасидан ажратиб олинган *Aspergillus awamori* -2 штаммининг зонаси 32,4 мм, арпа ундирмаси майсаси таркибидан олинган *Aspergillus awamori*-1 -30,1, тупроқ таркибидан ажратилган *Aspergillus niger*-АН-29,3 мм, ушбу

замбурувнинг чириган барглар таркибидан ажратилган *Asp. niger*-А штамми-эса 29,7 мм, сакланаётган картошка крахмали ва жўхори уни таркбидан ажратилган *Aspergillus ogyzae* замбурувнинг 1 ва 5 штамлари гидролиз зонаси эса 31,8 ва 27,8 мм ни ташкил қилди. Энг кам миқдордаги сифат кўрсаткичига тупроқ ва чириган барг таркибидан ажратиб олинган *A. fumigatus* штамлари (3-та штамми) эга эканлиги (7,9-5,4 мм) кўрсатилди. Замбурувлар фаоллиги, крахмалнинг гидролиз даражаси йод эритмаси билан бўйаш усулида ҳам тасдиқланди.

Сўнгра, амилolitik ферментлар комплексига кирувчи, биринчи ва энг фаол намоёндаси, яъни крахмални суюлтирувчи α -амилаза, сўнгра эса суюлган крахмални қандлантирувчи – глюкоамилаза ферментининг сифат ва сон кўрсаткичлари аниқланиб, штамларнинг ферментатив фаолликлари миқдори қийёсий таққосланди

Фаол штамлар учун оптимал озуқа муҳити (турли унлар, ермалар, крахмаллар ёрдамида) ўстириш шароитлари ва фаол фермент хосил бўлиш динамикаси ўрганилди. Танлаб олинган замбурувларнинг *Asp. awamori* -1 ва 2-штаммлари, *Aspergillus ogyzae*-1 ва 5-штаммлари, *Aspergillus niger*-АН ва А-штаммлари суюқ озига муҳитида, чайқатиб ўстириш усули ёрдамида альфа-амилаза ва глюкоамилаза фаолликлари таққосланди. Бунда альфа-амилаза фаоллиги бўйича *Aspergillus ogyzae*-1 (34,3 ед/мл), *Asp. awamori* -2 (26,1 ед/мл), *Aspergillus ogyzae* -5 (24,7 ед/мл) ни кўрсатди. Қолган замбурув ва штамларнинг фаолликлари (21,9 ед/мл-17,6 ед/мл) нисбатан паст даражани кўрсатди.

Глюкоамилаза фаолликлари бўйича энг юқори кўрсаткичга *Asp. awamori* -2 ва *Aspergillus ogyzae*-5 штамми эга эканлиги аниқланди.

Натижада, бир вақтнинг ўзида ва бир ҳил озига ва ўстириш шароитларида амилolitik ферментларни фаол хосил қила оладиган, яъни крахмал ва картошка бўтқасидан ажратиб олинган *Aspergillus ogyzae* замбурувнинг 3-та штамми α -амилаза ва глюкоамилаза ферменти биосинтези бўйича фаол эканлиги кўрсатилди.

Юқоридаги танланган продуцентларнинг ўсиш динамикасида культурал суюқликда ферментлар тўпланиши, оқсил ва биомасса, гидролизланган озод қандлар миқдорлари аниқланди. Культуранинг максимал ривожланиш даври 76-соатни, биосинтетик қобилиятини намоён қилиш даври эса 144 соатгача давом этишлиги кузатилди.

Шундай қилиб, олиб борилган тажрибалар асосида тиббиёт ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида ишлатиш ва ферментлар биотехнологияси учун потенциал ва қулай манбаъ, яъни амилolitik ферментларнинг фаол ва нопатоген продуценти *Aspergillus ogyzae*-5 деб топилди.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ЙЎНАЛИШИ

Rizai Paivandi and his work "Language of birds"

Khasanova Sh.

*The Alisher Navoi State Museum of Literature
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

Mainly in Fariduddin Attar's "Mantik ut-tair" and Alisher Navoi's "Lisan ut-tair" in allegorical form are illuminated longing of the birds to unity with Creator and their journey on perfection valley.

Rizai Paivandi, Khwarezmian poet of 18th century, has also written the poem on this traditional allegorical subjects, broadly wide-spread in East literature.

At present the unique extant list of manuscript and copied by Sultanali al-Hivaki in 1232 hijri (1817 A.D), in Khankahg village is kept in depository fund of the Alisher Navoi State Museum of Literature under the inventory number 127.

The Information about life and creative activity of the poet very scanty, but his poem "Language of birds" in the history of Uzbek literature remains unknown till nowadays.

Rizai emphasizes that the main purpose of making the poem "Language of birds"- write answer to Attar's "Mantiq ut-tair" for the reason of express his religious-philosophical viewpoints to this subjects and acquaint with them his contemporaries.

In the end of the book Rizai reports on that he has written his poem in Uzbek and that it is the fruit of the imitation to Attar's poem. Poet says about that so:

This book was an imitation to poem "Mantiq ut-tair",
And it was addressed to reader on Turkic,
When I have asked time of writing from soul of nightingale,
Answered, it hidden in words "Language of birds".

As given in "ta'rih" poem was finished in 1171 hijri that corresponds to 1756-1757 A.D.

Rizai in creation of his poem, uses the quotings from Koran and hadiths and spares big attention to their interpretation. There are many tales devoted sanctification of religio-philosophical themes in poem, and this gives us just cause to speak of that poet has put himself purpose to create artistic work, diversified from poems his own predecessor.

Poet through allegorical image like calls the person before to desire to unity with Almighty God, try to dispense from negative activity and after moral defogging to make the flight to Simurgh (the Almighty God).

Rizai before creating the poem carefully studied all products on Persian, devoted to this theme and no doubts in that he also was acquainted with poem "Lisan ut-tayr" by Alisher Navoi though his name in poem is not mentionned.

Rizai's poem unlike Attar's and Navoi's poems consists of two separate parts. In the first part is stated main 10 requirements, necessary for each wayfarer, wanting unity with Almighty God. There are: Remorse, Mobility, Hope, Settling, Solitude, Repetition (the names and epithet of the Allah), Address, Patience, Observation, Consent.

These are an important foods necessary each wayfarer for emotional defogging and in overcoming to the next seven of the valleys. The Name of these valleys such a: Valley of Requirement, valley of Love, valley of the Cognition, valley of the Indifference, valley of Unity, valley of Dismay and valley of the Ing.

Rizai cites 156 titles in the poem. 66 of titles consists the main chapters of the poem. But 33 consists the names of tale. 53 titles-dictums from surahs of Koran and hadiths, which are stated on language of the original i.e. on Arabic. The Poem in generally contains 8474 misrahs (lines) or 4237 beits.

Amount of tales in Rizai's poem in contrast with Attar's (200 tales) and Navoi's (63 tales) poems relatively less, but volume of these tales and contents do not yield.

Rizai in his poem does not bring the tale about Shaikh San'on, which Attar and Navoi give the special place. But Rizai instead of this brings such tales, which are creative innovation belong him only.

The Results of the research of the poem Rizai shows that there are general line in interpretation of the traditional subject in poems of Attar, Navoi and Rizai, however each of them is independent work but not translation, in which in artistic form are stated sufistic world outlook each of them.

The Scientific study of the life and creative activity of Rizai and in particular of his poem "Language of birds" in comparative aspect will certainly serve to enrichment of the history of Uzbek literature with one more new literary monument of the average ages.

Ueberlegungen zur Methodik der Vermittlung des Gebrauchs der deutschen Modalpartikeln

R. Begmatova

Uzkische Statliche Weltsprachebubi versitaet

Es gibt viele Deutschlernende, die ein reiches Vokabular und gute Grammatikkenntnisse haben. Aber meist beherrschen sie die Partikeln nicht. Daher kommen die Fragen, was ueberhaupt Partikeln sind und ob sie lernbar sind.

Die Partikeln sind eine Gruppe von etwa 40 Woertern, die unflektierbar, unbetont, nicht craudierbar und vorfeldfaehig sind. Hier geben wir eine Liste von Partikeln, die haefig gebrauchlich sind: *aber, bloss, denn, doch, ja, eigentlich, mal.*

Die Modalpartikeln druecken etwas ueber die Einstellung des Sprechers zum Satzinhalt aus, und sie beziehen sich nicht auf einzelne Satzglieder, sondern auf das Praedikat und damit auf den gesamten Satz. Sie besitzen verschiedene Funktionen, die auf kommunikativer Ebene liegen. Die Partikeln im Satz signalisieren die Stellungen wie Staunen, Drohung, Warnung, Aufforderung, Entruestung, Aerger, Einschraenkung etc. Die Partikeln sagen etwas ueber die Haltung(Stellungnahme) oder Intention des Sprechers aus. Sie erfuellen wichtige kommunikative Aufgabe und sie sind in der muendliche Alltagssprache mehr verwendbar als in der Schriftsprache.

Es gib eine Reihe von theoretischen Forschungen, die fuer den Unterricht nicht wichtig sind. Bei der Behandlung der Partikeln im Unterricht waere es genug, wenn wir behandeln: die Definition der Partikeln und die Unterschiede der Homonymwoerter wie "Ja- ich gehe" und "Das ist ja toll". Um sie zu unterscheiden, muessen wir vor allem die Partikeln im Kontext geben, damit es viel mehr leicht ihre Bedeutungen zu erkennen sind.

Hans besucht seinen alten Freund. Er hatte dessen Kinder lange nicht gesehen. Als er hcreinkam, um ihn zu begruessen, kommen die Kinder zu ihm. Hans ist erstaunt, wie gross sie geworden sind. Er sagt:

-Ihr seid *aber* gross geworden.(Partikel:Staunen)

Hier waere es wuensenswert andere Funktionen von "aber" zu argumentieren:

Sie ist reich, *aber* sehr ungluecklich.(Adversative Konjunktion)

Die formale Kommunikationssituation des Unterrichts laesst Gefuehlsaeusserung wie Erstaunen, Ungeduld normalerweise nicht zu.

Aber mit Partikeln sprechen, das heisst sich persoendlich –also emotional –ausdruecken zu koennen. Je persoendlicher die Kommunikation ist, desto partikelreicher ist die Rede. Dabei ist es wichtig ein partikelfreundliches Klima zu schaffen.

Da nicht alle Lernende, Moeglichkeit in natuerlicher Situation die Sprache zu lernen haben, im Umgang mit Muttersprachler zu verwenden haben, muessen wir im Auditorium optimal verwenden. Hier koennten moderne Medien und Unterrichtsmethoden ihre Anwendung finden. Beispielsweise sind Fernsehfilme, Internet und Comic-Hefte. Man kann sagen, dass Internet und Comic-Hefte schriftliche Medien sind, wo auch nicht viel die Partikeln auftreten, wie in den Dialogen. Ich komme darauf an: im Internet: auf Websites, wo irgendwelche offiziellen Informationen praesentiert werden, ist das Internet nur ein anderes Medium fuer die Schriftsprache. Aber in privaten E-Mails oder Chats Form dagegen wird meines Erachtensmuendliche

Kommunikation transkribiert. Das gilt gesprochene Sprache Dialoge auch fuer Comics.

Es ist wichtig, dass die Texte pertikelreich werden muessen, wonach die Studenten ihre eigene Texte produzieren muessen.

Die richtige Beherrschung der deutschen Modalpartikel den Studenten beizubringen, waere es wichtig natuerliche Kommunikationssituation anstreben. Man koennte Rollenspiele, Simulationsuebungen ueben. Wenn explizite Grammatikarbeit Wortschatzvermittlung wirkungslos bleiben, koennten gezielte Strukturuebung und Kommunikationsuebung gewinnbringender sein.

Ausserdem koennen wir diese verschidenen Aussagen in unsere Sprache uebersetzend erklaren , wobei wir andere sprachliche, gestische, intonatorische Sprachmittel benutzen, damit dieser kommunikative Aspekt nicht verlorengeht.

The problem of choosing word in literary translation

Abdullaeva Mukhtasar

National University of Uzbekistan

It's very important for the translator to choose the suitable word and use it in its place in order the translation to be successful. All problems of translating from one language into another- creating the high artistic value, style, reflexion of national coloring are connected with a word.

We will analyse such problems on the material of Uzbek and Russian translations of the story "Frost and Fire" by a famous American fantast writer Ray Bradbury.

Short period of humans' life and scientists' attempts are narrated in the story.

Characters of the story Dark and Sim were picking up fruits and eating them when hundreds of young guys were seen holding arrows behind the hill.

"Pale children ran on all sides of them. One beetle like boy scuttled up the rocks, knocking Sim aside, to take from him a particularly luscious red berry he had found growing under an outcrop."

Russian translation (translated by L. Jdanov):

"Кругом повсюду сновали бледные ребяташки. Один мальчуган юркнул, словно жучок, вверх по склону, шиб Сима с ног и прямо перед носом у него схватил соблазнительную красную ягоду, которую тот нашел под выступом".

Uzbek translation (translated by Mavluda Ibrohimova):

«Чор атрофда бир талай рангпар болалар тентираб юрарди. Бир болакай қўнғиздай тоғ ён бағридан лип этиб тепага чиқди-ю, Симни чалиб йиқитди. Кейин қоя остидан чиқиб турган қип-қизил мевага чанг солди».

If we want to emphasize the age of children, especially if they are little, we add the suffixes "-кай", "-ча" to the stem of the word (болакай, қизча). The Russian translator

translated the word “boy” as “мальчуган”. And the Uzbek translator could choose the right equivalent for the word “мальчуган” as “болакай”.

The next example:

“The child ate hastily of the fruit before Sim could gain his feet. Then Sim buried himself unsteadily, the two of them fell in a ridiculous jumble, rolling, until Dark pried them, squalling, apart.”

Russian translation:

“Прежде чем Сим успел встать, мальчуган уже управлялся с добычей. Сим набросился на него, они вместе упали и покатались вниз причудливым комком, пока Дак, визжа, не разняла их”.

Uzbek translation:

«Сим ўрнидан тургунча, бола мевани апил-тапил еб бўлди. Сим унга ташланди ва икковлари олишганча пастга юмалаб кетишди. Дак чинқириб юборди ва жўжахўрозларни ажратиб қўйди».

Such words as “жўжахўроз”, “тирранча” are used in Uzbek language in order to show the quarrellings of little children. The exact equivalents of abovementioned words are not given in the original. The Russian translator gave the exact meaning of the word “them” as “их”. But the Uzbek translator avoided of giving the exact meaning of the word. She translated it as “жўжахўрозларни” instead of giving “уларни”.

But there are some lacks of Uzbek translator. Let’s pay our attention to this example:

“The heaven was a restive blue; not the pale scorched atmosphere of the full day, nor the bloated, bruised black-purple of night, a-riot with sickly shining stars”.

Russian translation:

“Небо-вызывающие голубого цвета; в полдень оно накалится добела, ночью вспухнет багрово-черным синяком с оспинами болезненно мерцающих звезд.”

Uzbek translation:

“Осмон кўм-кўк, тушга бориб у қизигандан қизиб, оқ тусга кирази, тунда қўнғир тусда қабариб кетади. Тун қаърига юлдузлар чўтир тошмасидай оғриқли кўринади.”

The phrase with “the sickly shining stars” was translated as “с оспинами болезненно мерцающих звезд” by the Russian translator. But the Uzbek translator changed this phrase with “юлдузлар чўтир тошмасидай оғриқли кўринади”. She found the word “оўриёли” as an equivalent of the Russian word “болезненно”. The translation would be clear and understandable, if the Uzbek translator had used such words as “милтираб” or “хира” as an equivalent of the word “болезненно”, instead of using “оғриқли”.

We can conclude that the translator should know both languages very well, choose the suitable equivalent of the word in order to preserve the style of the original and the author’s opinions.

Н.В.Маковская

Могилевский государственный университет им.А.А.Кулешова,
Республика Беларусь

Известно, что любые существенные изменения в трудовых ресурсах, открывая новые возможности, таят в себе и потенциальные угрозы. В ближайшие десять лет в Республике Беларусь нельзя исключать развития некоторых негативных тенденций. Основной проблемой является расширение зоны деградации человеческого капитала. Это понятие означает многослойный социальный феномен, складывающийся из ряда взаимосвязанных процессов, важнейшие из которых депопуляция и, прежде всего, сокращение численности населения в трудоспособном возрасте. Ожидаемая продолжительность жизни при рождении в Республике Беларусь в 2001 г. составила 68.5 года (у мужчин – 62.8, у женщин 74,5), в то время как в 1990 г. этот показатель составлял 71,1 года (у мужчин 66.8 и 76.4 у женщин). В экономически развитых странах эти показатели у мужчин выше на 8—13 лет, у женщин на 5—8.

С 2001 г. количество населения страны опустилось за отметку в 10 млн человек. Во многом это произошло за счет снижения, по сравнению с 1994 г., рождаемости с 10.7 до 9,2% в 2001 г. и соответствующего роста смертности с 12,6 до 14.1 %. Если в 1994 г. отрицательный показатель годового прироста населения составлял 0.3%, то в 2002 г. он повысился до 0.5%. По сравнению с 1994 , в 2001 г. численность экономически активного населения снизилась на 270 тыс. человек, или на 5.6%, и составила 4519,5 тыс. человек. Это свидетельствует о том, что при падении рождаемости снижается удельный вес молодежи и возрастает процентная доля пенсионеров в общей численности населения. В целом демографическую ситуацию в республике на сегодняшний день можно оценить как кризисную.

Таниқли шоир, тарихчи олим Мунис Хоразмий XVIII аср охирида Хоразм хаттотлик мактабининг истеъдодли намояндаси ҳисобланади. Ёзув назарийтчиларидан бири бўлган бу муҳтарам зот 1804 йилда хаттотлик санъатини ўргатувчи «Саводи таълим» қўлланмасини яратди. Унинг шогирди Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам Хиванинг машҳур хаттотларидан эди. Унинг хаттотлик санъатининг бетақрор намунаси сифатидаги асари Шарқшунослик институтида (№7071) сақланади. Огаҳий кўчирган ушбу қўлёзмага бешта миниатюра ҳам ишланган.

Феруз саройида шоирларнинг раҳбари, девонлик вазифасида ишлаган Бобожон Тарроҳ Ходимнинг хотиралари «Хоразм навозандалари» асарида хон саройидаги бош хаттотлар номлари келтирилади: «Хоннинг саройида китоб ёзиб ўлтирган зарринқалам девонлар тубанда кўрсатилади: биринчи – Худойберган Муҳркан девон, иккинчи – Муҳаммад Ёқуб Харрот девон, учинчи – Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонлар

ўлтирганлар». Ходим яна хушхат Аҳмаджон Табибийнинг саройда хоннинг ўз ёнида ўтириб китоб кўчиришини зикр қилган. Бундан ташқари саройдан бошқа ерда ҳам хаттотлар жамоаси ишлаганлигига Ходимнинг хотиралари гувоҳлик беради. Машарип Тарроҳ вафотидан сўнг хон унинг ўғли Бобожон Тарроҳ Ходимни чақиртириб, Комил Девоний, Болта Харрот Нодим, Муҳаммад Юсуф Харрот Чокар – тўртта хаттотни бошқа хаттотларга бош қилиб қўйиб, сарой даҳлизида ўтирғизиб, китоб кўчиртира бошлайди.

Феруз даврида хаттотлик соҳасида иккита энг катта асосий услубий мактаб – Муҳаммад Расул Мирзо ҳамда Худойберган Муҳркан мактаблари фаолият юритган.

Китобат иши ва китобхонлик Хива хонлиги даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилиши анъанаси узоқ ўтмишга, яъни Хоразм Маъмун Академияси даврига бориб тақалишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистонда почта соҳасини ривожлантириш истиқболлари

Х.М. Бобомуродов

ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган почта соҳаси корхоналари аҳолига турли почта хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда қўшимча хизматларини ҳам амалга оширомоқда. Маълумки, ҳозирги кунда почта соҳани талай қийинчиликлар қамровида қолган, бир бир томондан хизматларга бўлган талабни пастлиги бўлса, иккинчи томондан молиявий муаммолар ҳисобланади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг 2003-2004 йиллар мобайнидаги молиявий фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, 2003 йилда мавжуд 17 филиалдан 5 таси йилни зарар билан якунлаган бўлса, 2004 йилда барча филиаллар соф фойда билан чиқишган. Бу ижобий натижа бўлишига қарамасдан даромаднинг асосий улуши қўшимча хизматлардан олинishi почта алоқаси корхоналарини ташқи молияларга боғлиқ эканлигини яна бир маротаба тасдиқламоқда. Жумладан, ОАЖ бўйича ўртача олганда сотишдан тушумни 47 фоизини пенсия тўловлари ташкил этади. Энг юқори кўрсаткич Қашқадарё почтаси (63 %) ва Сурхондарё почтаси (69%) филиалларида кузатилган. Бу почта корхоналарни рентабеллик даражасини пасайишига олиб келади. Ўзбекистон почтаси ОАЖ мисолида рентабеллик даражаси 2003 йилда 4,6 % ташкил этган бўлса, 2004 йилда ушбу кўрсаткич 6,9 % тенг бўлган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида, почта хизматини ривожлантириш истиқболлари сифатидан қуйидаги йўналишлар тақлиф этилади:

- Маркетинг хизматини ривожлантириш

Почта соҳасидаги маркетинг хизматининг вазифалари ўзига хос тамойиллари асосидан келиб чиқади. Бунга қуйидагилар киради:

- филиалларда кўрсатилаётган хизматлар ва бозор ҳақидаги ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- филиалларда кўрсатилаётган хизматларни реклама қилиш, молиявий-хўжалик фаолият натижалари билан истеъмолчиларни хабардор этиш, молиявий ва бошқа жиҳатлар бўйича манфаатларига мос қарор қабул қилиш учун зарур ҳисоб-китоб кўрсаткичларини тайёрлаш;

- талабнинг шаклланишини фаоллаштириш ва сотишни тезлаштиришдир;
- Директ майл хизматини киритиш;
- Малакали ходимлар билан таъминганлик даражасини ошириш.

Ҳозирги шароитда ходимларнинг малакасини узлуксиз тарзда ошириб бориш давр талаби ҳисобланади. Шу мақсадда филиалларда малака ошириш бўйича маълум бир тизим ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

- Истиқболли мутахассисларни тайёрлаш;
- Малака оширган ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини ташкил этиш;
- Малака оширувчилар билан филиалларда ўқув семинарлари ташкил этиш.
- Янги хизмат турларини жорий этиш;
- Электрон тижорат хизмат турларини жорий этиш (Посилка савдоси);
- Интернет технологиялари орқали хизмат кўрсатиш (почта бўлимларида интернет кафеларни очиш)

Маълумки, почта соҳасининг халқ хўжалигидаги ўрни беқиёсдир. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, рақобат бозорида мустаҳкам ўринни эгаллаш бирламчи вазибалардан ҳисобланади. Юқорида келтирилган таклифлар почта соҳасини жадал ривожланишига туртки бўлади.

Ўзбек тилида аффиксларнинг жойлашиши ва ўзига хос хусусиятлари

3. Махатова

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Ўзбек тилидаги аффикслар сўз асосига маълум бир тартиб билан қўшилади, яъни аффиксларнинг тури уларнинг сўз асосига қўшилиши тартибидан ҳам билиниб туради. Сўз таркибида аввал сўз ясовчилар, кейин шакл ҳосил қилувчилар, охирида эса сўз ўзгартувчилар жойлашади: *китобхонларнинг, тадбиркорларимиз* каби. Агар бир сўз таркибида бир неча ясовчи аффикс морфема иштирок этган бўлса, масалан, отларда, энг аввало, нарса-қурол отлари ясовчилар жойлашади ва энг охирида мавҳум отлар ясовчилар жойлашади: тер-им- чи, сува - сувоқ-чи, фириб-гар-лик каби¹⁴.

Сўз ясовчи аффикслар ўзақдан ҳам негиздан ҳам сўз ясай олади: терим-теримчи - теримчилик... Лекин булар сўз ўзгартувчи олган лексемага қўшила олмайди, чунки ясовчилар сўзнинг материал элементига киради, сўз ўзгартувчилар эса формал элементига киради: булар сўзни грамматик жиҳатдан шакллантириб, унинг чегарасини, тугалликни, сўз ясаш, форма ясаш каби жараёнларнинг ўтиб бўлганлигини билдиради¹⁵. Қуйида берилган мисоллардаги –сиз, -лик ясовчи аффикслари - и, - да сўз ўзгартувчиларидан кейин келган:

1. Шу боис назоратчининг буйруғисиз ҳам ишлаб тинмади. (О. Холдор. Миркомилбой)

2. Самарқанддалигимда ошно бўлган эдим. (М. Али. Улуғ салтанат)

Мана бу мисоллар эса баъзи сўз ўзгартувчилардан кейин айрим аффикслар қўшила олишини кўрсатади:

1. Одамзот кунжара ейишгача борди. (Т. Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди)

2. Дамин аканикига ўзим кириб чиқаман. (Т. Малик. Сўнги ўқ.)

3. Энг муҳими, инсондаги эътиқод! (Т. Маҳмуд. Оқар дарё оқмасмиди жимгина)

Лекин бу мисоллардаги –гача, -ники, -даги элементларини –га+ча,

¹⁴ Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси - Тошкент, 1992, 28-бет.

¹⁵ Ўзбек тили грамматикаси. 1 том. Морфология - Тошкент, 1975, 87-бет.

-ни+ки, -да+ги тарзида икки морфемага ажратиш баъзи олимларимиз томонидан нотўғри деб топилган¹⁶.

Аффиксациядаги асосий хусусиятлардан бири бир сўзда бир хил аффикснинг бирдан ортиқ бўлмаслигидир¹⁷. Қуйидаги мисолларда бу фикрнинг нисбий эканлигини кўрамыз:

1. «Чарчаган бўлсанг, ишинг оғирлик қилиб, соғлигинг кетаётган бўлса, бўша» дейдиган мард ҳали онасининг қорнидаги ўхшарди. (Т. Жўраев. Арвоҳлар тунда изғийди)

2. Жон ўртоқ, илтимос, ўшанингнинг боласидан битта олиб бергин. (Н. Фозилов. Бир отар тўппонча.)

3. Ҳай, ўша ёқда бир ола мол кўрмадиларингизми? (Т. Мурод. Ойдинда юрган одамлар)

Шакл ясовчи аффиксларнинг ўринлашишида ҳам бир қанча қизиқ ҳолатларга дуч келамиз. Кўплик кўрсаткичи –лар аффикси от сўз туркумида ҳам, феъл туркумида ҳам қўлланади (болалар- ёздилар каби), лекин у феъл ўзак–негизига бевосита қўшилмайди:

1. Хорижлик баъзи харидорлар аввалдан келишиб қўйилган пахталарини ололмадилар. (О. Холдор. Миркомилбой.)

2. Тўхтанг, тагин ўзлари айниётган бўлмасинлар? (Ж. Абдуллахонов. Суиқасд.)
Бу ҳол –лар аффиксининг полисемантик хусусияти билан боғлиқ.

Биргалик нисбат аффикси замон кўрсаткичи билан келиши шарт, акс ҳолда бу сўз ҳаракат номи бўлиб қолади:

Тонг ёришганда икки қиз фермага кириб келишди. (Ў. Умарбеков. Сайланма.)

Қоидага биноан шакл ясовчи аффикслар сўз ясовчилардан кейин келиши керак. Аммо бундан ўзгача ҳолат ҳам мавжуд:

1. ... маҳбубасининг оёғи остига ўзини телбаларча ташлаган... (Т. Маҳмуд.)

2. Ёлғиз ўғли ўқишни битириб иморат қурса, кесак деворли бостирмаси ўрнида янги уй пайдо бўлади. (Т. Маҳмуд.)

Тилимиздаги бу каби ҳодисаларни тадқиқ этиш омоним аффиксларни фарқлаш, этимологик тадқиқотлар олиб бориш, маҳсулдор аффиксларни белгилаш, ўзбек тилининг бошқа тиллар билан алоқасини тўғри белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида меърож талқини

Н.Б. Маткаримова

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Шарқ шеърини тажрибаларидан маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом тарих саҳнасида чиқиб, пайғамбарлик мартабасига етишгач, у ҳақда турли мавзуда асарлар яратиш ижодий анъанага айланиб қолган эди. Ҳазрати Муҳаммаднинг ҳаёти, юксак инсоний фазилатлари, ҳоли, одамларни дин ва имонга тарғиб этишдаги фидокорлигидан баҳс этилган бундай асарлар, айниқса, диний адабиётнинг асосий йўналишини ташкил этганди. Масалага ана шу нуқтаи назардан баҳо бериладиган бўлса, пайғамбарга бағишлаб ёзилган асарлар орасида унинг меърожга кўтарилиши

¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, 1979, 51-56-бетлар; Раҳматуллаев Ш. От лексемага қўшиладиган баъзи форма ясовчилар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 2-сон, 36-41-бетлар; Незматов Ж. Чегара келишиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 4-сон, 38-39-бетлар.

¹⁷ Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975, 107-бет

ҳодисаси қаламга олинган асарлар, яъни назм ва насрда ёзилган меърожномалар алоҳида мавқега эга. Хусусан, пайғамбар вафотидан кейин араб, форс ва туркий тилларда жуда кўплаб меърожномалар яратилган.

Меърожнома тарихи ва тараққиётини махсус тадқиқ этган Усмонли турк олими Метин Аккар ўзининг «Турк адабиётида манзум меърожномалар» номли тадқиқотида бу ҳақда атрофлича маълумотлар берган. Меърож мавзуси, айниқса, XII асрдан эътиборан, ўзбек адабиётида ҳам изчил тарзда талқин этилиб, ўзига хос бир ижодий анъанага айланган. Бу анъана туркий тасаввуф шеърлятининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий тажрибалари билан бошланиб, унинг издошлари томонидан давом эттирилган. Туркий тилда ҳозиргача бизга маълум илк меърожнома Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикояти меърож» деб аталган манзумасидир. Буни Метин Аккар ҳам эътироф этган. Машҳур сўфий шоир ва тариқат асосчиси Аҳмад Яссавий туркий халқларнинг маънавий ҳаётида асрлар давомида сезилари таъсир кўрсатиб келган. Бугунги кунда «Девони ҳикмат» бир неча бора нашр қилиниб, Яссавийнинг ҳаёти, ижоди, тариқатчилик фаолиятига доир кўплаб мақолалар алоҳида мажмуа ва рисоалар нашр этилди.

Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикояти меърож» асаридан ташқари «Фақрнома»да ҳам меърож ҳақида маълумотлар мавжуд.

Умуман олганда, меърож мавзуси Аҳмад Яссавий диққат эътиборини анча кенг тарзда ўзига жалб этган. Буни «Девони ҳикмат»даги бир қанча ҳикматларнинг Буроқ, Жаброил, Замзамга оид мисраларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Масалан, ҳикматлардан бирида шундай дейилади:

Аё дўстлар, қулоқ солинг айтдунимға
Не сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.
Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди,
Ул сабабдин олтмиш учта кирдим ерга.

Адҳам Жабачиўғлининг таъкидлашига кўра, «Яссавий шеърларида инсоннинг ўз яхлитлиги ичра ўрганиб, бу хусусни илоҳий руҳ йўналишида баён этиш муҳимдир ...». Яссавий «Девони ҳикмат» да ўз руҳий тарихини таржимаи ҳол тарзида баён этган ва йилма йил юзага келган руҳий тажрибаларини жузъий унсурларгача кўз ўнгимизда намоён қилган.

Гап шундаки, Аҳмад Яссавий ўша тажрибаларни руҳий парвоз, руҳоний сайр тарзида ифодалаб беради. Унингча, бу сайр ва парвозда ишқ ва ошиқлик ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. У «Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди» дер экан ишқ ҳоли ва завқининг юксалишини назарда тутди. Зеро, пайғамбарнинг Буроқи ишқ ва ошиқлик учун ҳам ёт эмасдир. Яссавий уни «муҳаббат буроқи» деб атади. Мана шу Буроқни минишга мушарраф бўлган киши фақат тариқатда жавлон қилиш билан чегараланмасдан сир шаробидан ичиб, руҳнинг азалий эҳтиёжини ҳам қондира олади.

Муҳаббатни Буроқини миниб юрган,
Андоғ ошиқ тариқатда жавлон қилғай.
Сир шаробин ичиб, азал руҳи қонган
Ишқ боғинда наво қилиб юрар бўлғай.

Хуллас, Яссавийнинг руҳ тажрибалари, руҳоният муаммолари, руҳнинг илоҳий сирларига доир фикр-қарашларини тўғри англаш ҳамда кашф этиш учун буюк мутасаввуфнинг меърож ҳодисаси билан боғлиқ ҳикматларига жиддий диққат қилиш зарурдир. Яссавий эътирофича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг улуғ фазилатларидан бири – етимпарварларликлари ҳам айнан ўша меърожга кўтарилиш натижасидир. Пайғамбардаги бу хусусият меърожга чиқиб тушганларидан кейин янада кенг миқёс касб этган.

Фариб фақир етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни меърож чиқиб дийдор кўрди,

Қайтиб тушиб ғариб етим излаб юрди,
Ғарибларни изин излаб тушдим мано.

Синчиклаб назар ташланса, Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида меърож ҳодисасига бевосита дахлдор Арш курси, Лавҳ, Замзам, Бууроқнинг сифатлари кабиларни ҳам таъриф ва тавсиф қилиб берганлиги аён бўлади. Бу таъриф ва тавсифларнинг аксарияти руҳнинг олий мақомларга кўтарилиши, ишқ ва маърифат ҳоли имтиёзларини кўрсатишга йўналтирилганлиги билан характерланади. Аҳмад Яссавий мутасаввуф сифатида ҳикматларда ёритишни кўзлаган ҳар бир мавзуни фақат дин эмас, балки тасаввуф нуқтаи назари ва талабларига мувофиқ зайлда ҳам баён этади. Бу фикр туркий тилдаги илк меърожнома бўлмиш «Ҳикоятӣ меърож» га ҳам тўла тегишлидир.

XX асрнинг 80 йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги ижтимоий фанлар ривожига доир

Н.Мустафаева
ЎзР ФА Тарих институти

Ҳар бир маълум тарихий босқич ёки даврда ижтимоий фанлар ривожӣ бевосита жамият тараққиётининг асоси бўлган сиёсий-иқтисодий йўналишлар билан борлиқликда ифодаланади. Чунки сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар ижтимоий соҳага ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки илмий ғояларни ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади. Бундай ҳолат 80 йилларнинг ўрталарида бошланган “қайта қуриш” даврида ҳам кузатилади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу давр жамиятнинг маданият, санъат, ижтимоий-мафкуравий масалаларга нисбатан муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. Хусусан илм-фанда, жумладан ФА тизимидаги ижтимоий фанлар соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланади. Аммо “қайта қуриш” сиёсати янги шаклда эски мазмунни мустақамлаш тарзида давом эттирилди ва коммунистик мафкуранинг таъсири ҳали жуда кучли эди.

1986 йил 10 ноябрда бўлиб ўтган ФАнинг умумий йиғилишида Академия олимларининг келгуси вазифалари белгилаб олинди. Айниқса бу мажлисда иштирок этган ЎзКП МКнинг котиби Р.Х. Абдуллаева ўзининг “кескин” маърузасида ФА тизимидаги кўпгина институтлар, олимлар, айниқса ижтимоий соҳа вакилларини қаттиқ танқид остига олди ва уларнинг “кўпчилиги ўзларининг илмга салоҳиятсизликлари ва ҳаракатсизликларидан, ҳеч нарса қилмасдан яхши яшашга ўрганганликларидан, дунёқарашларининг торлигидан республика фани тараққиётига ров бўлаётганликда” айблаиди ва “қайта қуриш” ҳаракатига “халақит бермоқдалар”¹⁸, деб ҳисоблайди. Унинг бундай кескин “айбловлари”дан асосий мақсад эса, олимларни коммунистик партиянинг ғоявий-мафкуравий фаолиятига кенгроқ жалб этишни кучайтириш масалаларига қаратилган эди.

Шунга қарамай, “қайта қуриш” сиёсати ФА тизимидаги ижтимоий фанлар ҳолатини ўзгаришига, масъулият ва аҳамиятларини ошишига имкон берди. Бу вақтга келиб, айниқса тарихчилар, файласуфлар ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилдилар. Масалан, 1987 йил 3 ноябрда Тарих институти томонидан ташкил этилган “Доира столи”да Ўзбекистонда тарих фанининг актуал муаммолари муҳокама қилинди, кўпгина масалаларни янгидан кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди ва илк бор жадидчилик муаммосига аниқ баҳо бериш масаласи кўтарилди.

¹⁸ Общее собрание АН УзССР// ОНУ 1986. №11. Стр.6.

80 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса ФА тизимидаги ижтимоий институтларнинг халқаро муносабатлар доираси кенгая борди. Айниқса, археология институти бу борада катта ютуқларга эришди, кўплаб хорижий ҳамкорликдаги экспедициялар уюштирилди.

Умуман олганда, бу давр барча соҳалар каби ижтимоий йўналишларнинг ҳам шакли ва моҳиятининг ўзгаришига олиб келса-да, аммо мазмунан коммунистик мафкуранинг таъсиридан ҳоли бўла олмади.

Бухоро амирлигида яшаган турли қабил ва дин вакиллари ҳақида

Д. Расулов

ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Тарихий тараққиёт давомида Бухоро шу заминда мавжуд бўлган кўпгина давлатларнинг пойтахти, диний марказ, муслмон маданияти ва аниқ илмлар тараққий этган қадимий шаҳарлардан бири бўлган. XVIII-XIX асрларга келиб эса Бухоро шаҳри шу ном билан аталувчи амирликнинг пойтахтига айланган.

XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигининг аҳолиси тахминан 3.000.000 киши атрофида бўлган. Бухоро халқининг 55% ўзбеклар, 33% тожиклар, 10% туркманлар ва нисбатан кам сонли қирғизлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, араблар, форслар, ҳиндлар, яҳудийлар, арманлар ташкил этган. Бухоро амирлари мансуб бўлган манғитлар юзга яқин ўзбек қабилаларидан бири бўлган¹⁹.

Бухорода манғитлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар унда шариат талабларининг нисбатан расмий тарзда бажарилиши, ижтимоий ҳаётда шариат билан бирга ёсо²⁰ нинг қўлланишини кузатиш мумкин бўлган. Кейинчалик ҳонақоҳ ва мадрасаларда шайхлар тарбиясини олган Шоҳ Мурод (1785-1800) ва унинг меросхўри Амир Ҳайдар (1800-1826) шариатга зид бўлган амалларни таъқиқлашга, шаръий талабларнинг бажарилишига катта эътибор бериб, жамиятда исломий таълим-тарбия институтлари – масжид ва мадрасалар фаолиятини жадаллаштиришга ҳаракат қилганлар²¹.

Мадрасалар илм-маърифат хомийлари, амирлар тарафидан қурилган бўлиб, улар маълум бир маблағ ёки мулкни (карвонсарой, дўкон, тегирмон, деҳқончиликка яроқли ерлар...) мадрасаларга вақф сифатида қолдирганлар. Вақф қилинган мулк ижарасидан ҳосил бўладиган маблағ мадраса-масжид мударрис ва толиблари эҳтиёжига ишлатилган.

Амирликдаги ўқув масканларини қуйидагилар ташкил этган: мактаб, далоил-хона, қироатхона ва мадрасалар²². Мадрасаларда турли ўлкалардан келган ҳар-хил ёшдаги толиблар 7 ёки 8 йил давомида ўқиб, ўз юртиларига қайтганлар. Улар орасида

¹⁹ ХАНЫКОВ И. ОПИСАНИЕ БУХАРСКОГО ХАНСТВА. С.ПБ., 1843.

²⁰ McChesney R.D. Central Asia: Foundation of Change. New Jersey, 1996.

²¹ Trotter John Moubrey / Captain. Central Asia; A contribution towards the better knowledge of the topography, ethnography, resources and history of the Khonak of Bokhara. Calcutta, 1873; Shorish Mobin M. Traditional Islamic education in Central Asia prior to 1917. / Turco-Tatar past soviet present. Edit. Ch. Lemerrier-Quellejey, G. Veinstein, S. E. Wimbush. Paris, 1986.

²² Мактабда ўқиш ва ёзиш, бошланғич ҳисоб амаллари ўқитилган; Далоил-хонадада ибодат амаллари ўргатилган; Қироатхоналарда Қуръон китоби ёдлатилган; Мадрасаларда исломий илмлар билан бир қаторда ҳисоб, адабиёт, ҳикмат (фалсафа, мантик, адабиёт, тарих) каби илмлар ўқилган. Қаранг: Логофеть Д.Н. Бухарское ханство подь Русскимъ протекторатом. Том II. С.-Петербургъ, 1911; Vambery Arminius. Travel in Central Asia being the account of a journey from Tehran across the Turkoman desert on the eastern skore of the Caspian to Khiva, Bokhara, and Samarkand performed in the year 1863. London, 864.

Ҳиндистон, Кашмир, Афғонистон, Россия, Хитойдан келган толиблар ҳам таҳсил олганлар.

Бухоро аҳолисининг аксари исломнинг сунний мазҳабига эътиқод қилувчи мусулмонлар бўлиб, уларнинг кам қисми, асосан амирликнинг марказий ва шарқий қисмида яшовчи эронийлар шиа мазҳабига эътиқод қилардилар. Булардан ташқари жамиятда насроний, яҳудий ва бутпараст ҳиндларнинг ҳам ўз ўринлари бор эди.

Исломнинг сунний мазҳабидаги пайғамбар авлодлари ёки шундай деб ҳисобланувчи кишилар алоҳида мавқега эга бўлиб, жамиятдаги исломий муассасаларнинг деярли барчаси уларга ишониб топшириб қўйилган. Шунинг учун қози, муфти, аъламлар айнан уларнинг орасидан сайланган.

Яҳудийлар бу ерларга форс ўлкалари орқали кириб келиб, Мовароуннаҳрнинг қарийб барча шаҳарлари, асосан, Бухоро, Самарқанд ва Қаршида, мусулмонлардан алоҳида озод яшаганлар. Яҳудийлар ўз жамоалари билан яшаб, ҳар қайси йирик шаҳарларда ўз ибодатхона (синагог)ларига эга эдилар. Аксар ҳолларда улар деҳқончилик билан шуғулланиб махсус солиқ турларини тўлаганликлари ва ипакли кийимларни кийишлари мумкин бўлмагани қайд этилган.

Ҳиндлар ҳам ўз динларига эътиқод қилганликлари сабабли жузья солигини тўлашлари ва яҳудийлар каби махсус кийимларни кийишлари лозим эди. Улар XIX асрда Бухорода бутхона ёки махсус ибодатхоналар қурмаганлар. Тижоратда ҳиндлар жуда моҳир бўлганлар, баъзи вақтларда Бухоронинг нақд пулларини олтинлари уларнинг қўлларига ўтиб қолиб, кўпгина маҳаллий савдогарлар уларнинг қўлига қараб қолардилар.

Туркманлар Бухоро атрофига кўчирилгунга қадар асосан Марв ва Амударё бўйларида яшаганлар²³. Улар деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб, кўплаб чорва ва йилқига эгалик қилганлар. Туркманларнинг кўчирилиш сабабларидан бири улар исломнинг шиа мазҳабига эътиқод қилишлари бўлган.

Форсларни Бухорода савдогарлар, ҳунармандлар, зиёлилар, амир саройи ва қўшини орасида учратиш мумкин бўлган. Улар мусулмон бўлсалар-да, негадир шиа мазҳабига мансуб эканликларини яширишга ҳаракат қилганлар. Амирликда қулларнинг кўпи форслардан бўлиб²⁴ улар эгалари билан “мукотаба”²⁵ тузиб ўзларини озод этиб борганлар.

XX асрдан бошлаб Бухорода яшаб келган қабилаларнинг хос номлари истеъмолдан чиқиб, улар ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар каби умумий номлар билан атала бошланган.

²³ The Oriental Herald, and colonial review. Edit. J.S.Buckingham. London, 1824-29.

²⁴ Файзиев Т. Бухоро феодал жамиятида қуллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар (XIX аср). Тошкент, 1990.

²⁵ Мукотаба (ёзишма) – хўжайиннинг ўз қули хусусида бир қарорга келиши. Шундан сўнг қул ўз хўжайинининг олдида мажбурият олади. Бу вақтдан бошлаб қул бирон иш билан шуғулланади ва даромадини хўжайинига бериб, ўзини ундан сотиб олади. Қаранг: Liber Mafatih al-Olum. Auctore Abu Abdallah Mohammed ibn Ahmed ibn Jusof al-Katib al-Khowarezmi/Ed., indices adjecit G.Van Vloten. – Lugduni; Batavorum, 1895.

**XVIII аср охири - XIX аср биринчи ярмида Қарши шаҳрининг Бухоро
амирлиги савдо муносабатларида тутган ўрни**

Г. Таниева
ЎзР ФА Тарих институти

XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигининг карвонлари йўллари устида жойлашган шаҳарларида ишлаб чиқариш кучлари ҳамда савдонинг ривожланиши кузатилади. Жумладан, Қарши шаҳрининг Бухоро ва Россияни Ҳиндистон, Афғонистон билан боғловчи халқаро савдо йўлида жойлашганлиги, бу ерда Ҳисор, Бойсун, Ғузур, Сарисий, Шаҳрисабз бекликлари ҳамда қўшни кўчманчи чорвадорлар билан маҳсулот айирбошловчи марказий бозорнинг мавжудлиги унинг тараққиётида катта аҳамият касб этган²⁶. Бу бозорда қўшни бекликларда тайёрланган ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи савдоси амалга оширилган.

Шу боисдан Қарши Бухоро амирлигининг иккинчи муҳим савдо маркази даражасига кўтарилган. Бу шаҳар бозорларида салла, олача, бўз каби матолар, йигирилган иплар, мисгарлик, кулолчилик, қандолатчилик маҳсулотлари, ҳўл-қуруқ мевалар қаторида шарқий мамлакатларда тайёрланган буюмлар ҳам сероб ва арзон бўлган. Қаршилик ҳунармандлар тайёрлаган пичоқ ва қиличлар эса, нафақат Ўрта Осиёда, балки Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда ҳам машҳур бўлган²⁷. Шунингдек, Қарши қоракўли, тамакиси ва майизлари қўшни давлатларда ҳам кўплаб хариддорларга эга бўлган.

Бундан ташқари Қарши шаҳри амирликнинг кўп миқдордаги бугдой маҳсулотлари тўпланадиган ва сотиладиган маркази ҳам ҳисобланган. Қўшни бекликлардан ташиб келтирилган дон маҳсулотлари Қаршида тўпланиб, ғалла заҳирасини вужудга келтирган. Бу эса, шаҳарда йил давомида ғалла савдосининг узлуксиз давом этишини таъминланган²⁸. Шунингдек, Қаршида ҳар йили куз охири ва қиш бошида амирлик миқёсида чорва моллари савдоси уюштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрайди²⁹. Қўшни бекликлар ва Афғонистондан Қарши бозорида сотиш учун чорва моллар, от, туялар ҳайдаб келтирилган.

XVIII-XIX асрларда Бухородан шарққа, Афғонистон, Ҳиндистондан эса Бухоро ва Самарқандга йўл олган савдо карвонлари Қаршида тўхтаб савдо-сотик ишларини амалга оширган ҳамда давлат хазинасига бож тўлаган. Бу эса Қарши бозорларида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий ҳунармандчилик маҳсулотларининг доимо арзон ва сероб бўлишига сабаб бўлган.

Бу даврга оид тарихий маълумотлар Қарши шаҳрининг нафақат Бухоро амирлигини Шарқий мамлакатлар билан савдо карвонлари орқали боғловчи марказ ҳисобланган, балки, Россия товарларининг Ҳиндистон, Афғонистонга ва аксинча ҳинд, афғон маҳсулотларининг Россияга ўтказилиб сотилишида ҳам ўзига хос воситачилик вазифасини ўтаган деган илмий хулосага келишга имкон беради. Бу ерда тайёрланган маҳаллий ҳунармандчилик буюмлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса, Қарши шаҳрининг савдо-сотик соҳасидаги мавқеини янада оширган.

²⁶ Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию. Ч. 1. М. 1863, стр. 188.

²⁷ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. СПб. 1865, стр. 113-114.

²⁸ Краткий военно-статистический очерк района полевой поездке офицеров Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области. Стр. 18-19.

²⁹ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843. Стр. 279.

Туркистонда мустамлакачиликка асосланган бошқарув тизимининг ўрнатилиши ва унинг тузилиши

С. Тиллабоев
ЎзР ФА Тарих институти

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Туркистон минтақасидаги босиб олинган ҳудудларда яшовчи халқларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар маъмурий бошқарув соҳасининг ҳам ўз ичига қамраб олди. Мустамлакага айлантирилган ерларда империя ҳукмронлигини ўрнатиш, бошқариш, босиб олинган ерларни қўлдан чиқармаслик учун ўлкада мустамлакачиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган бошқарув тартиблари мустамлака ҳукумат учун жуда муҳим ва улар учун асосий таянч ҳисобланган. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинган ҳудудларида 1865 йил Туркистон вилояти, 1867 йил Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинади.

Россия империяси маъмурий-сиёсий тизимининг Туркистон ўлкасининг босиб олинган ҳудудида ўрнатилиши мураккаб ва зиддиятли равишда кечган. Туркистон ўлкаси генерал-губернаторлиги ва Санкт-Петербургниң олий сиёсий доиралари томонидан ишлаб чиқилган (1865, 1867, 1871, 1873, 1886 йиллардаги Низом лойиҳалари) турли қонунлар мажмуасида ўлкани бошқариш тартиблари кўрсатилган.

Туркистон генерал губернаторлиги XIX аср охирларида маъмурий жиҳатдан 5 вилоятга: Сирдарё, Етгисув, Самарқанд, Закаспий, Фарғона вилоятлари ва Амударё бўлимига бўлинган. Туркистон ўлкаси маъмурий-ҳудудий жиҳатдан вилоят, уезд, волост, қишлоқ ва овулларга бўлиниб бошқарилган.

Туркистон ўлкасини бошқаруви жорий қилинишида унга кам маблағ сарфланиши, ўлкадан кўпроқ фойда олиниши, ўлкада мустамлакачиларнинг манфатлари тўлиқ ҳимоя қилиниши, империянинг бу ҳудуддан келгусида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланилиши назарда тутилади.

Туркистонда Россия империяси томонидан маъмурий бошқарув бўйича турли тартиб-қоидалари жорий қилиниб, уларнинг кўпчилиги синов-тажриба кўринишида вақтинчалик тадбиқ қилинган. Туркистон ўлкасидаги жорий қилинган бошқарув тартибларнинг аксарият қисмининг муаллифи, назарий асосчиси, амалий ижрочиси фон Кауфман бўлган.

Бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакиллари волост даражасида сақлаб қолинади. Унда «сайлов» орқали оқсоқоллар, волост бошлиқлари, овул бошлиқлари, мироблар, қозилар иштирок этган. Маҳаллий бошқарув тизимидаги лавозимларга жорий қилинган сайлов тартиблари бевосита мустамлакачи ҳукумат назорати остида бўлган.

Маҳаллий маъмурият вакиллари тўла даражада мустақил фаолият олиб бора олмаган.

Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилаган маъмурий-ҳудудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий, иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

**Хива хонлиги ҳунармандчилиги: эркаклар кийимлари ишлаб
чиқаришга оид айрим маълумотлар**

С. Р. Тўраева.
ЎзР ФА Тарих институти

Хоразм жуда қадим замонлардан тадбиркор, ҳунарманд халқлар яшаган ҳудуд ҳисобланади. Улар ўзларининг фаолияти, турли ҳунарлар борасида орттирган тажрибаси ва маҳорати билан бу юртнинг тараққиётига самарали таъсир кўрсатганлар. Шундай ҳунармандлар жумласига Хива хонлигида турли кийим-бош ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлган уста-косибларни киритиш мумкин. Улар ишлаб чиқарган тайёр кийимлар хонлик аҳолисининг дунёқараши, эътиқоди, эстетик меъёрларини ўзида акс эттирган. Шунингдек, уларда жамият аъзоларининг ижтимоий ҳолати аниқ намоён бўлган.

Кийим-бош ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири-бу эркаклар кийимларини ишлаб чиқариш эди. Хивалик ҳунармандлар Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларидаги усталар каби эркаклар учун кўйлак, иштон, тўн, пўстин, турли бош кийимлари ва ҳоказолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эдилар. Бироқ Хива ҳунармандлари Хоарзмнинг табиати, аҳолисининг турмуш тарзи, дид ва талабларидан келиб чиқиб, ўзига хос кийим- бошларни яратганлар. Хива хонлигида ҳунармандлар томонидан эркаклар уст кийимларининг жуда кўп турлари тикилган. Уларнинг ичида чопон (тўн) алоҳида ажралиб туради. У кенг ва узун енгли, майда қавилган, бежирим қилиб тикилган. Мавжуд тарихий манбаларда қайд этилишича, Хива хонлигида обйўл чопон кенг расм бўлган бўлиб, у эътиборли кишилар, меҳмонлар учун қимматли совға ҳисобланган. Чопонлар ип ва ҳар хил қимматбаҳо матолардан - парча, шохи атлас каби газламалардан тикилган.

Чопон(тўн) ўзбекларнинг кенг тарқалган эркаклар уст кийими бўлиб, унинг қишда ва ёзда кийиладиган турлари бўлган. Бадавлат кишилар қишда ва тантанавор маросимларда ҳар хил қимматбаҳо матолардан тикилган, зеб-зийнатлар билан безатилган чопонларни кийганлар.

Эркакларнинг муҳим кийим-бошларидан бири чакмон бўлиб, ҳунарманд усталар уни пахта толали ва ипак толали матолардан (мовут, иштўп читдан, ипак гулнор ва ҳ.) тикканлар.

Чопон ва чакмонлар устидан бовлаш учун аёллар томонидан турма, матри, ипак матолардан белборлар тикилган.

Эркаклар учун оқ матодан кенг енгли, ёқаси кўндаланг ўйиқ, узун бичимли кўйлак, иштон ишлаб чиқаришга ихтисослашган усталар мавжуд эди. Улар томонидан қиш кунлари кийиш учун эркакларга пахта қавимали кўйлак-гуппи (курта) ва пахта шим тикилган. Эркаклар ички кийимларини ҳавони яхши ўтказувчи оқ ип мато – бўз (карбас) ёки зигир толали газламалардан тикишга ҳаракат қилинган.

Қишда эркаклар пўстин кийишган. Пўстиндўзлик ҳунари Хива хонлигида қадимги ҳунарлар сирасига киради. Пўстиндўзлар аҳолининг ҳар хил тоифасига мўлжалланган пўстинлар тикишган. Абулғозий Баҳодирхон “Шажарайи турк” асарига зодагонлардан бирининг устидаги пўстинни “зарбофт, тошли, олтин тугмали, қиш пўстини”¹-деб таърифлайди. Пўстиннинг ҳар хил терилардан асосан, қўй терисидан тикилган турларини ишлаб чиқарганлар. Қоракўл қўй терисидан тикилган пўстинларни “шерози пўстин” дейилган. Хоразм тарихнавислигининг йирик намоёндаларидан бири

¹ Абулғозий “Шажарайи турк” Т. 1990 йил 148 бет

Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг қуйидаги маълумоти бу ўринда қимматлидир. Унинг ёзишича: “Муҳаммадмурод девоонбеги эғнида бир Шерози пўстин кийиб эрди...”²

Хонликда бош кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли ҳунармандлар мавжуд бўлиб, улар эркакларни ёзда иссиқдан, қишда совуқдан ҳимоя қилиш воситаси бўлган ҳар хил бош кийимлар - телпак, чўғирма, таҳия, ишлаб чиқарганлар. Уларнинг ичида чўғирма алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларидан фарқли равишда фақат Хива хонлигидагина эркаклар кийган чўғирма қўй терисидан тикилиб, унинг шакли юмалоқ, катта телпакни эслатади.

Хива хонлигида кийим-бош ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалардан бири пойафзал ишлаб чиқариш эди. Усталар томонидан кавуш, этикларнинг бир неча турлари тайёрланган. XIX асрнинг биринчи ярмида Хива шаҳрида гулли кавуш ясовчи кавушдўзлар 26 киши, нўғайи кавуш ясовчи кавушдўзлар 13 та, “талатин” терисидан кавуш ясовчи кавушдўзлар 3 та эди. Хива этикдўзлари тайёрлаган оқ-мурт этик (оқ пушта), оқ этик машҳур эди. Улар сифатли, олди томони учли, пишиқ ишланган этиклар эди. Мамлакатда Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларидаги каби юмшоқ теридан махсилар тайёрланган. Оёқ кийимларни ишлаб чиқаришда рангли чармдан ҳам фойдаланилган. Кўнчилар терига сариқ, яшил ранглар билан ишлов берганлар. Сариқ рангли чармдан ишланган оёқ кийимларни зодагонлар ва бадавлат кишилар кўпроқ кийишган. Хуллас, Хива хонлиги аҳолиси ўзига хос кийиниш маданиятига эга бўлиб, аҳолининг кийимга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш учун жуда кўп ҳунарманд косиблар хизмат кўрсатган. Ҳунармандлар ўз маҳсулотларини маҳаллий аҳолининг анъаналари ва дидини ҳисобга олган ҳолда тайёрлаганлар.

АҚШ - Ироқ муаммосининг вужудга келиш сабаблари ҳақида

С. Умаров

ЎзР ФА Шарқишунослик институти

АҚШ ва Ироқ ўртасидаги можаро бугунги кунда ўз ечимини ҳали-ҳануз топа олмаётган бир масала бўлиб, унинг аҳамияти нафақат минтақа, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу муаммо давлат раҳбарлари, олимлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, журналистлар, иқтисодчилар ва нефть соҳаси мутахассисларининг диққат марказини жалб қилиб келмоқ.

Мазкур масаланинг вужудга келиши ҳам чигал тарихий асосга эга бўлиб, унинг бугунги кундаги ечими унинг тарихий негизларидан тўғри хулоса чиқаришга бевосита боғлиқ. Тарихан кичик муддат ичида содир бўлган ушбу воқеалар кейинчалик жуда катта сиёсий ўзгаришлар ва дунё аҳамиятига молик кескин глобал жараёнларнинг юзага келишида муҳим роль ўйнади.

Бу масаланинг вужудга келишига бир қанча омиллар сабаб бўлиб, улар орасида қуйидагилар энг асосийлари ҳисобланади:

- Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг кўп йиллик ҳукмронлиги натижасида мамлакат ички ва ташқи сиёсатида вазиятнинг мураккаблашуви;
- Ироқнинг минтақадаги бошқа давлатларга бўлган зўравонлиги негизида вужудга келган сиёсий-иқтисодий инқироз;

² Баёний “Шажарайи Хоразмшохий” Мерос .Т.1991 й. 196 бет.

- АҚШнинг Ироқда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ва минтақа хавфсизлигига раҳна солувчи оммавий қирғин қуроллари (ОҚҚ) борлиги эҳтимоллигига ҳаддан ташқари берилиб кетиши;
- АҚШнинг Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий ва иқтисодий манфаатлари;
- АҚШнинг минтақадаги аксилдемократ тузумдаги давлатларга «демократияни экспорт қилиш» режаси;
- Курдларга алоҳида суверенитет бериш баҳонасида уларнинг ишончини қозониб, уларнинг ғоявий-сиёсий тарқоқлигига чек қўйиш;
- АҚШнинг «Яқин ва ўрта Шарқни демократлаштириш ва Фаластин муаммосини ҳал этиш режаси»ни амалга ошириш жараёнида бутун Яқин Шарқ минтақаси, хусусан, Ироқдан асосий плацдарм сифатида фойдаланиш.

Гарчанд, Ироқда 2005 йилнинг 30 январь кунда парламент сайловлар ўтказилган бўлиб, вазият демократия нуқтаи назаридан биров ижобийлашган бўлса-да, кундалик оммавий ахборот воситаларида Ироқда гаровга олинган чет эл фуқаролари ҳақидаги хабарларнинг кети хали бери тўхтамаяпти, бу эса минтақада вазият ҳануз кескинлигидан далолат беради.

Юқоридаги фикрлардан шундай бир хулосага келиш мумкинки, АҚШ-Ироқ муаммосининг келиб чиқиш сабаблари сифатида асосан иккита ҳал қилувчи омилни уйғунлашиб кетишини келтириш мумкин:

биринчиси – минтақавий (ёки ички, маҳаллий), яъни Ироқнинг ўзидаги вазият билан боғлиқ бўлса,

иккинчиси – халқаро (ёки ташқи, хорижий), яъни АҚШнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларидир. Мазкур масалани тадқиқ этиш жараёнида ушбу сабабларни инobatта олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонида сариқ ранг ва унинг маънолари

С. Ўтанова

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

XV асрга келиб Алишер Навоий ижодида ранг билан боғлиқ образларнинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шоир маҳорати туфайли у юқори босқичга кўтарилган. Унинг «Бадойиъ ул-бидоя» (Бадийликларнинг бошланиши) деб номланган девонида ранг билдирувчи ва ранг маъносида ишлатилган мингдан ортиқ туркий ҳамда форсча, арабча сўз ва сўз бирикмалари учрайди (қаро кўз, ол, алвон хилъат, оташин гул, рангин сув, қизил қалқон, сория оғриқ, қони асфар, тийра кулба, мушкфом либос, қисвати обгун, шуъла ахзар, заъфарон юз, сафҳайи кофур)¹.

Биз тадқиқотимизда сариқ ранг билан боғлиқ сўз ва сўз бирикмаларининг лирик қаҳрамон ички кечинмаларини, руҳий изтиробларини образли тасвирлашдаги ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Сариқ ранг девондаги турли ўринларда қўлланилган бўлса, 48 ва 176 - ғазалларда биринчи байтдан сўнгги байтгача бир нечта жойда, 772-ғазалда «сари» шаклида радиф бўлиб келган.

Сория оғриқ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо.(48-ғ,67-б)

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. – Т.: Фан, 1987. 724 б (девондан олинган иқтибослар бундан кейин ғазал раками ва китоб бети кўрсатилади).

Одатда, «сариқ касал»и билан оғриган беморнинг қони сарғайиб кетади. Ошиқ ёри ҳажрида шундай аҳволга келдики, қони сарғайиб, ҳар томчиси бир каҳрабо (*сариқ рангли тош*)га тенг келмоқда.

Мазаллат туфроғи сориг юзумда бордур андоқким,
Беҳида гард ўлтурғон масаллик тук бўлур пайдо.(39-ғ, 60-6)

Навоий юқоридаги байтда ташбеҳ санъатининг гўзал намунасини яратган, яъни беҳининг устидаги туклар гўё чанг ўтириб қолгандек туюлади, маъшуқа ишқида куйиб сарғайган ошиқнинг юзидаги хўрлик излари ҳам шу ҳолатни ёдга туширади.

Либоси ўт каби асфар, тани ҳаёт суйи,

Ажойиб ўтки, аросинда оби ҳайвондур.(176-ғ, 160-6) Маъноси: кийими оловдек сап-сариқ, танаси жон бағишловчи, гўёки ёниб турган ўт орасида тириклик суви тургандек.

Фош этар меҳрин Навоийнинг сариг рухсораси,
Субҳдекким, сорғориб рухсори айлар меҳр фош.(279-ғ, 233-6)

Маъноси: Навоийнинг муҳаббатини унинг меҳр тўла юзи фош этади(инсоннинг меҳри товланиб турганда юзи тиниқ сариқ тусга киради), бу гўёки субҳ(тонг)да қуёш олтиндек товланиб ўз юзини кўрсатганидек.

Недин билмон юзум сорғорди муҳриқ ишқ тобидин,

Юзи ўтқа яқинроқ бўлғон элнинг чунки рангиндур.(152-ғ, 144-6)

Маъноси: куйдирувчи ишқ дамида ошиқнинг сарғайган юзи оловга яқин турган одамнинг сарғайган юзига ўхшайди.

Кўринадики, девонда қўлланилган сариқ ранг билдирувчи сўзлар Алишер Навоий шеърятининг такрорланмас жиҳатларини очиб беришда, китобхонлар қалбининг энг нозик ерларига бориб етишида муҳим ўрин эгаллаган.

Хожа Муҳаммад Порсо асарларида Оллоҳ тавҳиди масаласи

Н. Хидирова

ЎзР ФА тарих институти

Ўз даврининг етук олимларидан бири Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси Хожа Муҳаммад Порсо (вафоти 1420) асосан Бухорода яшаб фаолият юритган. Унинг ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлими ва жаҳон кутубхоналарида йигирмага яқин қўлёзма асарлари сақланмоқда. Ушбу асарлар ўз мазмун ва моҳиятига кура турлича бўлиб, уларда фикҳ, тасаввуф тарихи, тариқат қонун-қоидаларини асослаш, комилликка етиш даражалари, зикр, шуҳуд каби масалалар ёритилган.

Муҳаммад Порсо ўз асарида катта эътибор қаратган масалалардан бири «ваҳдати вужуд» («Оллоҳнинг ягоналиги») масаласи бўлиб, ушбу масала тасаввуфнинг асосий негизини ташкил қилади. Оллоҳдан ўзга бирон борлиқнинг ҳақиқатда мавжуд эмаслигини тан олган сўфийлар орасида унинг сифати, зоти каби масалаларни изоҳлашга уринишлари мустақил тасаввуф фалсафасини пайдо бўлишига олиб келди³¹. Ушбу фалсафий вояни ўзининг «Ал-Футухат ал-Маккия» («Макканинг очилиши») ва «Фусус ал-Ҳикам» («Ҳикматлар гавҳари») асарлари орқали кенг тарзда асослаб берган шахс Ибн Арабий (1165-1240) дир. Ушбу мавзу ўта мураккаб бўлганлиги боис, Ибн Арабийнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ қилган тадқиқотчилар «унинг асарлари тилини» тушуниш қийинлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, «Ибн Арабий лексикасида

³¹ Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. Т. 1999. Б. 128.

сўфийлик терминлари кўп учрашига» эътиборларини қаратадилар³². Бу эса, Усмон Турорнинг тавҳид тушунчасини Ибн Арабийдан олдин ҳам Жунайд Боядодий (вафоти 909), Ҳаким ат-Термизий (вафоти 898), Имом Ғаззолий (вафоти 1111) каби тасаввуф вакиллари маълум маънода қўллаган деган фикрини тасдиқлайди³³.

Муҳаммад Порсо «Рисолаи Кашфия» («Кашф рисоласи»), «Фасл ал-хитоб би вусули аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») ва «Таҳқиқот» («Таҳқиқлар») асарларида Ибн Арабий ғояларига урғу берган ҳолда, уни бошқа муаллиф асарларига солиштиради ва тавҳид тушунчасини Қуръон, ҳадис, фикҳ орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

У «Таҳқиқот» асарида Ибн Арабий қарашларига тўхталар экан, Оллоҳнинг қадимдан мавжудлиги, унинг сифати, ягоналиги масалаларини тариқат нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурати борлигига ишора қилади³⁴. Хожа Муҳаммад Порсо тавҳид тушунчасини англашни мартабаларга бўлар экан, шундай ёзади: «Тавҳиднинг аввали инсон тили билан айтиб қалбини ғофил (огоҳ) қилган ла илаҳа иллаллоҳ калимасидир. Иккинчиси ушбу калима маъноси асосида эътиқод қилиш, учинчиси эса Ҳақ нурини кашф қилишдир»³⁵. Абдурраҳмон Жомий ўзининг Хожа Муҳаммад Порсо ғояларига бағишлаб ёзган «Калимоти қудсия Хожа Муҳаммад Порсо» («Хожа Муҳаммад Порсонинг муқаддас сўзлари») номли асарида Муҳаммад Порсо эътибор қаратган масалалардан бири ҳам айнан тавҳид тушунчаси эканлигини таъкидлайди³⁶. У Муҳаммад Порсо асарлари ғоясига «шарҳ» ёзар экан, унинг асарлари ўта ишончли ва далилларга бой эканлигига ишора қилади ва уларни «зеҳли толиблар учун ўрганиш иши» бўлганлигини айтиб ўтади. Абдурраҳмон Жомий Муҳаммад Порсонинг юксак мартабаларга эришишидаги, Оллоҳни таниш ва унинг ҳақиқатини англаш учун қилган ҳаракатларини меваси-билимдир деб эътироф этади³⁷. Шу ўринда Абдурраҳмон Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт» асари мазмунини ҳам айнан тавҳид масаласи ташкил қилишини алоҳида қайд қилиш лозим³⁸.

Немис олими Юрген Пауль Хожагон-Нақшбандия тариқатида Муҳаммад Порсогача бўлган давр орасида Ибн Арабий ғояларини учрамаганлигига асосий эътиборини қаратади³⁹. Бу эса Муҳаммад Порсо нафақат Хожагон-Нақшбандия тариқатига Ибн Арабий ғояларини киритган балки, уни кенг тарзда шарҳлаб тушунтиришга ва бошқа муаллифлар фикри билан солиштиришга ҳаракат қилган деган хулосага келишга асос бўлади.

³² Кньш А.Д. Мировоззрение Ибн Араби (К истории суфийских учений). Религии мира. М. 1984. С. 84-85.

³³ Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. Т. 1999. Б. 128.

³⁴ Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар бўлими. №1441. 1(а), 229(а)-варақлар.

³⁵ Ўша асар 22(а)-варақ.

³⁶ Абдурраҳмон Жомий. Калимоти қудсия хожа Муҳаммад Порсо. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар бўлими. №10395ҒШ. 6 (а)-варақ.

³⁷ Ўша асар. 6 (а)-варақ.

³⁸ Холмўминов Ж. Тавҳидий тафаккур куйчиси. Хидоят. 2001. №8. Б. 28-29.

³⁹ Юрген Пауль. Доктрина и организация Ходжагон-Накшбандия в первом поколении после Бахад-дина. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Сост. и отв. Ред., А.А. Хисматулин. 2001. С. 165.

Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» асари ва унда Хоразм талқини

Р.Т. Худайберганов
ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Шарқда сайёҳликнинг шаклланиш даври кўпроқ Аббосийлар халифалиги (749-1258) даврига тўғри келди. Бу даврда Ибн Хўрдадбеҳ (ваф. 912-13 йй.), Абу Зайд ал-Балхий (849-50-934 йй.), Истахрий (ваф. 957 – 58 йй.), Ибн Хавқал (ўз саёҳатини 943 йил бошлаган) ва бошқа кўплаб сайёҳлар етишиб чиқди. Шарқ Ренессанси (IX - XII) даврида ижод этган, мумтоз сайёҳ ва географ Истахрийнинг тўлиқ исми Абу Исҳоқ Иброҳим бин Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийдир. Унинг ҳаёти ҳақида биз деярли маълумотга эга эмасмиз. Дунёдаги каталогларда асарлари билан боғлиқ тадқиқотларда ҳам умумий бўлган фикрлар кетади. Унинг асарлари орқали биз фақатгина Мовароуннаҳр, Эрон, Арабистон ярим ороли, Сурия, Миср ва бошқа ўлкаларга сафар қилганлиги ҳақида маълумотга эгамиз.

Олимнинг ижоди ҳақида икки хил қараш мавжуд: бири, Россия олимлари фикрича, у биттагина асар «Масолик ал-мамолик» («Мамлакатлар йўллари») ни яратган ва уни икки мартаба таҳрир қилган. Кейинги қараш: Шарқ олимларининг қарашидир. Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» номли асарини форс тилидаги қўлёзма нусхалари асосида, танқидий матнини тузган ва нашр эттирган Эрон олими Ирож Афшорнинг фикрича, унинг биринчи асари «Сувар ал-ақолим» («Иқлимлар сурати») дир ва иккала китоб ҳам Абу Зайд ал-Балхийнинг «Сувар ал-ақолим» (ёзилган йили 919) асари асосида ёзилган.

Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» асарининг номи ўша давр анъанасига биноан қўйилган. Шу боис, Шарқда бу асар бир бирига ўхшаш турли ҳил номларда машҳур бўлган ва асар нусхаларидаги номларига қараб фихристларга ҳам турлича кириб қолган.

Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» асари бизгача уч тилда етиб келган: асл араб, форс ва турк тилларига таржималарида.

Асарнинг форс тилидаги қўлёзма нусхалари кўп тарқалган ва яхши ўрганилган деб ҳисобланади. Ирож Афшор ўн саккизта нусхани санаб ўтади. Бу рўйхатга ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти ҳазинасида №108 инвентар рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхасини ҳам илова қилишимиз мумкин.

Шарқшунослик институти ҳазинасида сақланувчи 108 – инвентар рақамли қўлёзма новот ранг қоғозга чиройли насх хатида қора ва қизил сиёҳда битилган. Хатнинг ёзилишига қараганда бир нечта хаттот томонидан кўчирилган. Картон муқовада. Унда бутун мусулмон оламида жойлашган мамлакатлар жуғрофий хариталарининг рангли бўёқлардаги тасвири берилган. Қўлёзманинг баъзи варақлари йиртилган, охирги боби «Мовароуннаҳр» йўқ. Асар аввал ҳам таъмирланган. Таъмирлаш натижасида муқаддима қисмидаги баъзи сўзларнинг кўриниши йўқолган ва пастги қатордаги ёзувнинг пастки қисми беркилиб қолган. Бир ёки икки қатор эса умуман таъмир қовози остида беркилиб қолган. Китобнинг титул варағида асарнинг номи «Масолик ал мамолик» берилган. Унинг ён томонида «шикаста» хатида ёзув бўлиб қуйидагиларни ўқишнинг иложи бўлди: «Санайи 1041 соний моҳи жумода ал-аввал» (25 ноябр-254 декабр 1631 й.) остидан «ин китобро барои султон» остидан «ба тариқи инъом Ҳасан Муҳаммад».

Истахрийнинг асари қўлёзмалар асосида араб ва форс тилларида тўла нашр қилинган. Асарнинг Фарб тилларига терма таржималари мавжуд. Бундан ташқари икки юз йилдан бери турли хил ўлкалар олимлари амалга оширган кўплаб тадқиқотларида

ижтимоӣ, иқтисодӣ, сиёсий, маданий, айниқса бирон ўлка географияси билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритишда ушбу манбадан кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Истахрий ислом ўлкаларини иқлимларга ажратиб, бу иқлимларни жуда аниқ изоҳлаб беради. Кўплаб шаҳарлар номларини, шаҳар топографияси бўйича қимматли маълумотларни келтиради. Хусусан, баъзи шаҳарлар борасида батафсил тўхталади. Ушбу изоҳланаётган мамлакатларнинг табиий қазилма бойликлари, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари ва савдо воситаларини санаб, иқлим шароитлари борасида ҳам тўхталиб ўтади.

Асардаги маълумотларнинг катта илмий аҳамиятга эга эканлиги, муаллифнинг ўз асарида маълумотларни бевосита ўзи шоҳиди бўлган ёки ишончли одамлардан эшитганларини келтирганлигидадир. Бу асардаги маълумотларнинг хусусиятларидан бири, уларнинг кўпроқ сайёҳ бошқа иқлимларда кўрмаган ва бевосита шу иқлимга хос бўлган маълумотларни келтириши, яна, уларнинг хулосавий мазмунга эга эканлигидир.

Истахрий Хоразм ҳақида “Мовароуннаҳр иқлими” баёнида тўхталиб ўтади. Хусусан “Хоразм иқлим номидир. Хуросондан ажралган. Хоразмни гир айланасига чўл ўраган. Хоразмнинг бир чегараси Ғаззийя билан туташган. Бу ғарбий чегарасидир. Шимолий чегараси ҳам Ғаззийя билан туташган. Жанубий ва шарқий чегараси Хуросон ва Мовароуннаҳр билан туташган”. Истахрий Хоразмнинг Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Ардхушмиша, Софардўз, Нузавор, Кардарон Хош, Курдар, Диҳ Бароткин, Мадмайнийя, Мардожқон, Гургонж каби шаҳарларнинг номини уларнинг катта кичиклиги, орасидаги масофаси, топографияси, сувлари, касб-кори ва тижорат воситалари ҳақида гапириб ўтади. Асарда Хоразм дарёларига катта этибор берилган. У Ҳазорасп, Говхавора, Кардронхош, Хива, Мадро, Мадок ва Бух дарёларини, уларнинг қаердан бошланиши, оқиб ўтадиган жойлари, ҳажми, тугаш жойлари борасида аниқ маълумотлар келтиради. Хоразм аҳолиси ҳақида – “Халқи таниқли, муруввати машҳурдир. Хоразм халқи кўп сафар қилади.. Хуросонда ҳеч шаҳар йўқки унда хоразмликлар қавми бўлмаса. Хоразмликлар тили Хуросондаги тилнинг шаҳобчасидир. Хоразм эр кишилари бақувват ва довюрақдирлар. Ҳамма бойлари Турк савдогарларидир”.

Бу асардан фойдаланган ҳолда, айниқса унинг Мовароуннаҳр ва Хуросон қисмлари бўйича ёрдамчи манба сифатида кўплаб изланишлар олиб борилди. Лекин, бу иккала қисмни умумлаштирувчи яхлит бир тадқиқот ҳанузгача ўтказилмади.

Шундай қилиб, бизнинг қўлимиздаги Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» асари Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Кавказ, Араб мамлакатлари X аср тарих саҳифаларини кенг очиб бера оладиган – тарихий ва тарихий географик асардир.

Алпомиш достонидаги ёй тортиш мотиви ҳақида

Р. Эгамшукурова

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Фольклоршунос олимлар маросимларни ўзига хос ҳақиқат сифатида қарашади ва ҳар бир маросим эпосга ҳақиқат элементи бўлиб киришини қайд этадилар. Моҳиятан, маросим ҳар бир эпосда тарихий воқелик нуқтаи назрдан ҳақиқат элементи бўлиб, уни ўрганиш қаҳрамонларга нисбатан маънавий ҳаёт, маиший турмуш ва воқеаларнинг тарихий асосини очиб беради. “Алпомиш” достонида ана шундай маросимлардан бири – ёй отиш билан боғлиқдир. “Алпомиш” достонида ёй отиш уч ўринда кузатилади:

1. Етти ёшли Алпомишнинг ўн тўрт ботмон ёйни отиб, тоғ чўққисини учириб юбориш билан боғлиқ тасвир.

2. Барчин шартларидан бири бўлган ёй отишда ҳам Алпомиш ғолиб чиқади (Берди бахши вариантыда Барчин ёйларни ўзи синдиради, Алпомишнинг ёйига кучи етмайди).

3. Хотинининг тўйи кунда юртига қайтган Алпомиш “Қултой” бўлиб, Ёдгорни ёйни олиб келишга юборади, етти ёшли Ёдгор Арпалидан ўн тўрт ботмон ёйни ёлғиз ўзи судраб келтиради ва Алпомиш уни отиб қайтиб келганлигини билдиради.

В.Жирмунский ва Х.Зарифовлар “Ёй хўжайиннинг қайтиб келганини англатувчи ва қасос сифатида ҳал қилувчи рол ўйнаган”лигини ёзадилар. Бизнингча, ёй бундан бошқа маъноларни ҳам англатади. Достон вариантларида бир-биридан фарқли тасвирланмаган ёй билан боғлиқ эпизодларнинг моҳияти битта: ёй – алпнинг мавқеи, оиласи, жамият ҳаётидаги ўрнини ифодаловчи рамз, яъни унинг алплик белгиларидан биридир. Немис олими Ф.Гайслер “Жаҳон халқлари адабиётида совчилик” китобида эртақлардаги ёр танлаш маросимида малика баландликдан туриб ўзи танланган йигитга қўлидаги нарса – олма, гул, лимон, копток, ёй кабиларни отиш одати Шарқда бўлганини ёзади¹. Бу нарсалар Шарқда ўз рамзий маъносига эга бўлиб, жумладан, ёй ҳам “кўплаб мифларда илоҳий атрибут ҳисобланади”(Мифы народов мира. М.: СЭ., 1992, с. 75.).

Грек мифларидан тортиб Шарқ эртақлари ва достонларида ҳам кенг ўрин тутган ёйнинг асоси шаман мифологияси билан боғланади. “Сибир шаманлари доира пайдо бўлгунга қадар маросим чоғида ёйдан кенг фойдаланган”лиги буни далиллайди. Мўғул тўй поэзиясидаги “ёй тортиб ва оилани кенгайтир”, деган доимий формула Алпомиш достони вариантларида ҳам акс этган. “Ёй отиш фақатгина “Одиссей” ва Ўрта Осиё эпосларида мотив ечими учун баҳодирлар ва тўй меҳмонларининг ёй отиш мусобақаси сифатида сақланиб қолган”².

Абунасер Форобийнинг Навоий ижодига таъсири

Н. Эркабоева

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти

Алишер Навоий фақат буюк сўз санъаткори эмас, балки ўрта асрлардаги фалсафий, ижтимоий оқимлар жараёнига фаол муносабатда бўлган даҳо мутафаккир ҳамдир.⁴¹ Навоийнинг дунёқараши, шубҳасиз, ислом фалсафаси билан боғлиқдир. Ислом фалсафасининг асосчиси сифатида эса Ўрта Осиёлик мутафаккир Абунасер Муҳаммад бин Тархон Ўзлуғ Форобий номи тилга олинади: «Форобийнинг улўв хизмати унинг фалсафани чуқур англаб етганида ва янги ғоялар, фикрлар берганидагина эмас, балки дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни қатъий ва аниқ ифодалагани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгида бирга яшаши мумкинлигини уйғунлаштириб исботлаб берганлигидадир. Мана шу фавқулодда фазилат туфайли у ислом оламида фалсафа асосчиси деган унвонга муносиб бўла олди».⁴² Адабиётшунос В. Абдуллаев Хондамирнинг «Макорим улқахлоқ» асарига таянган ҳолда Навоийнинг

¹ Geisler F., Brautwerbung in Weltliteratur, Н., 1955, 126 s.

² Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ, 1947, с.89.

⁴¹ Исҳоқов Ё, Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти, Тошкент, 2002, 47-бет.

⁴² Саййид Муҳаммад Хотамий, Ислом тафаккури тарихидан, Тошкент, 2003, 69-бет.

самарқандлик устози Фазлулло Абуллайсийдан Форобий, Пифагор ва Ибн Синолар томонидан яратилган фалсафадан сабоқ олганини таъкидлайди.⁴³

Навоийнинг Олам, Одам ва Яратувчи ҳақидаги дунёқараши бевосита муножотларда, хусусан, «Ҳамса» дostonларидаги муножотларда акс этади.⁴⁴

Форобий «Фуқаролик сиёсати» китобининг «Барча борлиқ Ундан қандай қилиб пайдо бўлганлиги ҳақида сўз» бобида борлиқнинг даражалари манзарасини қуйидагича баён этади: азалий Вужуд - барча борлиқнинг ибтидосидир, унинг муқаддас руҳидан ақли аввал юзага келган. Бу – моддиондан келиб чиқмаган, бир вақтнинг ўзида азалий вужуд ҳақида ҳам ва ўз-ўзи ҳақида ҳам фикрловчидир.⁴⁵ Навоий «Аввалги муножот» Форобийга ҳамоҳанг бобида ёзади:

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.
Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчага холиқ, бориға айн ўзунг⁴⁶.

Форобий ақл даражаларини санар экан, ўнинчи ақл сифатида Ой курраси остидаги моддий жисмлар туришини таъкидлайди ва уларни бир неча категорияларга ажратади: 1. «... тўрт унсур, яъни: олов, ҳаво, сув ва ер». 2. Конлар (жумодот). 3. Ўсимликлар олами (наботот). 4. Ҳайвонлар (гапирмайдиган жонзотлар). 5. Ақли (гапирувчи) жонзот, яъни инсонлар.⁴⁷ Навоий ёзади:

Йўқ эдилар ҳар неки – бор айладинг,
Фаҳму хирад бориға ёр айладинг.
Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олийсифот.
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.⁴⁸

Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги муножотда инсоннинг яратилиш ҳақида фикр юритиб, унинг вужуди тўрт унсурдан иборатлигини таъкидлайди:

Вужудимда аносир банд топмай,
Таним ичра сўнгак пайванд топмай.
Ўтумда йўқ тириклик меҳри тоби,
Суюм йўқлуғ биёбони сароби.
Бўлунмай туфроғим гарди фанодин,
Насиме йўқ вужудимда ҳаводин.⁴⁹

Хулоса қилиб айтганда, Навоий ўзининг Олам, Одам, ва Яратувчи ҳақидаги мушоҳадаларида буюк файласуф Форобий фикрларига таянган.

⁴³ Абдуллаев В. Сайланма, Тошкент, 1982, 42-бет.

⁴⁴ қаранг: Ойбек, Мукамал асарлар тўплами, 13-том, Тошкент, 1979, 202-205-бетлар.

Рустамов А, Навоийнинг бадий маҳорати, Тошкент, 1979, 9-15-бетлар.

Воҳидов Р, Навоий ва илоҳиёт, Бухоро, 1994, 44-65-бетлар.

⁴⁵ Саййид Муҳаммад Хотамий, Ўша асар, 104-бет.

⁴⁶ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 7-том, 1989, 18-бет.

⁴⁷ Саййид Муҳаммад Хотамий, Ўша асар, 105-бет.

⁴⁸ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 7-том, 1989, 25-26-бет.

⁴⁹ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 8-том, 1990, 13-бет.

Юмшатиш юкламаларининг коммуникатив функциялари

Р. Бегматова

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

Юкламалар - бу ўз лексик маъносига эга бўлмаган, бироқ сўз, сўз бирикмаси ёки бутун гапга ҳар хил маъно жилоларига эга бўлган қўшимча модал маънолар қўшадиган, турли хил характердаги синтактик, семантик, коммуникатив ва стилистик функцияларни бажарадиган, ўзига хос табиати билан гапларда мавжуд бўлган қўполликларни, кескинликларни, дағалликларни юмшатадиган, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштирадиган, пресуппозиция ҳодисасига ишора қиладиган, ўзгармайдиган, турланмайдиган, тусланмайдиган ёрдамчи сўзлардир.

Р.А. Алимардонов ўзининг “Гапни актуал бўлақларга ажратишда интонациянинг роли” мавзусидаги илмий мақоласида интонацияга алоҳида урғу бериб, шундай ёзади: “Интонация ёрдамида бутун бир текстни абзацларга, абзацларни гапларга, гапларни синтагмаларга, синтагмаларни эса сўзларга бўлиш мумкин. Бу ўринда интонациянинг барча таркибий қисмлари (компонентлари) фаол иштирок этади. Айниқса, унинг асосий компонентлари ҳисобланган оҳанг ва гап (жумла) урғуси етакчи роль ўйнайди». Демак Р. Алимардоновнинг фикрича интонация ёрдамида бир гапни бир неча актуал бўлақларга ажратиш мумкин. Актуал ажратиш деганда гапни икки бўлақка – тема ва ремага ажратиш тушунилади. Тема ахборот маркази ҳисобланса, рема эса гапнинг коммуникатив маркази, яъни ахборотнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Юкламалар устида олиб борган кузатишлар шуни кўрсатадики, гапни актуал бўлақларга ажратиш интонациядан ташқари бошқа муҳим воситалар ҳам бор экан, у ҳам бўлса юкламалардир.

Юкламалар ёрдамида гапни актуал бўлақларга ажратишда коммуникатив марказ доимо ўзгарувчан бўлади. Коммуникатив марказ гоҳ тема таркибида, гоҳ рема таркибида намоён бўлади. Унинг шундай бўлишига юкламаларнинг қайси гап бўлаги билан ўзаро синтактик муносабатга киришишига боғлиқ. Демак, юкламалар интонацияга нисбатан ҳаракатчан восита ҳисобланади. Шунинг учун юкламаларнинг коммуникатив функцияси унинг бошқа функцияларининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Юкламаларга хос бўлган коммуникатив функциялар ўзгариб туради. Юкламаларнинг бундай функциялари гапнинг актуал бўлиниши доирасида берилган функциялардан фарқ қилади. Бизга маълум бўлишича, гапнинг актуал бўлинишига кўра гаплар икки қисмга ажратилади: темага ва ремага. В.Матезиуснинг фикрича, оддий тартибдаги гапларда биринчи фикрнинг маълум бўлган қисми, ундан кейин эса фикрнинг асоси, ядросини ифодаловчи бўлак келади. Маълум қисм - тема, фикрнинг асосий ядроси - рема ҳисобланади. Бошқачароқ қилиб айтганда тема – фикрнинг боши, рема - эса унинг ривожидир. Гапнинг актуал бўлиниши таълимотига кўра рема бу асос, яъни ядро ҳисобланиб, унда доимо коммуникатив марказ жойлашади. Юкламалар ёрдамида ҳосил бўлган бирикмаларда бунинг аксини кўриш мумкин, яъни юклама қайси бўлақда бўлса, коммуникатив марказ ҳам ана шу бўлақ таркибида намоён бўлади. Фикримизнинг исботи сифатида диққат эътиборни яна 1,2,3-рақамли мисоллар таҳлилига қаратамиз.

М.: 1. Karl Hergesel schaeamt sich auch (Fallada, S.296).

М.: 2. Bald liess sie ihn auch bei der Kundenbedienung helfen (Fallada, S.220).

М.: 3. Sie wird auch der Schwester und dem Schwager nichts sagen (Fallada, S.86).

Масалан, 1-рақамли мисолда коммуникатив бирлик функциясида Karl Hergesel, яъни эга келса, 2,3-рақамли мисолларда эса воситали ва кўмакчили тўлдирувчилар

келади. 1-рақамли мисол таҳлили бўйича қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: 1-рақамли мисолда ауч юкламаси ўзи бевосита боғлиқ бўлган ядрога нисбатан маълум масофада турибди, у ўз ядроси бўлмиш Karl Hergesell компонентининг ёнгинасида, яъни Karl Hergesell ауч шаклида келиши керак эди, бироқ амалда бундай содир бўлмапти, у ўз ядросидан ажралган ҳолда келмоқда, бироқ бундай ажралиш фақат шаклан, мазмунан эса у ўз ядроси бўлмиш Karl Hergesell га тегишлидир. Демак –аучнинг бундай позицияда туриши унинг ўта стилистик фигура эканлигини таъкидласа, иккинчи томондан юкламалар ўз ядроларига нисбатан ҳар қандай позицияларда тура олишлари мумкинлигини таъкидлайди.

2,3-рақамли мисолларда эса ауч-юкламаси ўз ядроларининг олдида келмоқда, бошқачароқ қилиб айтганда, ядролар юкламалар томонидан бошқарилмоқда. 3-рақамли мисолдаги ауч- юкламаси ўзининг қўлланилиши жиҳатидан 1,2-рақамли мисоллардаги –ауч юкламасидан қисман фарқ қилади, чунки у бир вақтнинг ўзида иккита ядрога эга, бироқ иккинчи ядронинг олдида ушбу юклама такрорланмаса ҳам, у ана шу ядрога ҳам бевосита тегишлидир. Юкламалар бундай ҳолда ўта таъсирчан бўлади, чунки юклама ушбу гапларнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Натижада юкламаларга хос бўлган хусусиятларнинг юзага келиши учун имконият яратилади. Юкламаларга хос бўлган бундай хусусиятлар уларнинг коммуникатив ва пресуппозитив функцияларида намоён бўлади.

Ўзбекистонда миллий сиёсатнинг айрим қирралари

О.Р. Мусаев

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон халқи истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўз олдида эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эди ва шу йўналишда ўтган қисқа вақт ичида асрларга татигулик ислоҳатлар амалга оширилди. Демократик ислоҳатларни амалга ошираётган мамлакатимиз раҳбарияти мустақиллик йилларида миллий масала, миллатлараро муносабатлар масаласидаги сиёсатини ҳам тамомила янгича тарзда концептуал нуқтаи назардан таҳлил этди ва янги миллий сиёсатни ишлаб чиқди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 25 фоизга яқини бошқа миллат вакилларидан иборатдир. Уларнинг ижтимоий кайфиятини, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришни ўйламаслик кейинчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда диннинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Истиқлол туфайли Ўзбекистонда юз бераётган чуқур ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий ўзгаришлар давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни ҳам қонунлаштиришни ҳамда бир тизимга солишни талаб қилади. Шу асосда, виждон эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқни ҳаётга тадбиқ этиш учун Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди”, - дейилади.

Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 15 та диний конфессия уюшмалари, хусусан, Рус православ, Рим - католик, Арман - Григориан, Лютеран черковлари, баптистлик ва бошқа жамоалар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳукумати улар билан ҳамкорлик қилишда демократик жамиятга хос бўлган қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурлиги;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.¹

Умуман, бу тамойиллардан кўзланган мақсад шахснинг камолоти, унинг равнақи, фаровон турмуш йўлида қилинадиган меҳнатга қаратилгандир. Буларнинг барчаси эркин бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларда барқарорлик ва тотувликни таъминлаш омилдир.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш борасидаги миллий сиёсат амалдаги демократик тамойилларга асосланган қонунчилик билан ҳам мустаҳкамлангандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, - деб таъкидланса, мазкур Конституциянинг 4 моддасида эса “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”², - деб қайд этилади.

Зикр этилган ушбу қонунлар ижроси ҳам амалда таъминлангандир. Бундан ташқари Ўзбекистонда миллий сиёсатни амалга оширишда қуйидаги қондаларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши лозим, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт.

Иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

Учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мос келиши зарур.

Демократик жамият қуриш йўлидан бораётган республикада миллий масала янги сифатлар билан намоён бўлмоқда. Барчага маълумки собиқ Иттифоқ даврида барча миллатлар тобора бир-бирига яқинлашиб бориши ва пировардида янги сифат даражасига - совет халқининг таркиб топишига асос солиш ғояси миллий сиёсатнинг асосий мақсади деб қаралган бўлса, мустақиллик Ўзбекистонда амалга оширилаётган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997, 43-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992. 9-10 бетлар.

миллий сиёсат эса барча миллат вакилларига демократик тартиблар асосида эркин ривожланиш ва ўзлигини намоён қилиши учун барча имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ этиш йўналишлари

Ф.А. Мусаева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач жаҳон ҳамжамиятининг тула ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёда юз бераётган янгиланишлар жараёнида ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишининг ўзига хос дастурига эга бўлган мамлакат сифатида дунё давлатлари ичида муносиб ўрин эгалламоқда. Бутунлай янги тарихий шароитларда юз бераётган цивилизациявий жараёнларда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ислоҳотлар ҳозирги дунё тараққиёти ва унинг истиқболи билан боғлиқ ҳолда ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этмоқда. Бу биринчидан, мамлакат ички ҳаётини тубдан ислоҳ этишда, иккинчидан, минтақавий муаммоларни бартараф этишда, учинчидан, дунёдаги глобал масалаларнинг ечимини топиш йўналишларидаги ташаббусларида кўзга ташланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистоннинг бундай серқирра, кенг кўламли қарашлари фақатгина бугун пайдо бўлмасдан балки, у истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўз олдига қўйган улкан вазифалар, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, жамиятни тубдан янгилаш ҳамда янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш орзу-истаги билан боғлиқ бўлган интилишдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбараллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим»⁵⁰, - деди. Демак, жамиятни эркинлаштириш деганда аввало, унинг маънавий-руҳий, сиёсий-ҳуқуқий мазмунини янгилаш бевосита жамиятни ташкил этган ҳар бир фуқаро онги ва кўникмаларини янгилаш, тафаккур тарзини ўзгартириш лозимдир ёки бошқача қилиб айтганда инсоннинг ўзлигини англаши орқалигина жамиятни ривожлантириш мумкинлигига яна бир ишорадир.

Дарҳақиқат, жамиятни янгилаш бу – бевосита ҳар бир инсонни «янгилаш»дан бошланади. Демак, тафаккурни ўзгартириш, тафаккур тарзини янгилаш жамиятни янгилашнинг асосидир. Ана шундагина инсон тафаккур эгаси бўлган мавжудот сифатида ўзининг тенгсиз қобилиятини, чексиз яратувчилик имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратилади.

Ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқароси онгига аста-секинлик билан бўлса-да кириб бораётган ва мустаҳкам ўрин эгаллаётган миллий истиқлол мафкураси бугунги кунда жамият бирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга

⁵⁰ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т, «Ўзбекистон» 2005 йил 36-бет.

қарамасдан турли-туман ғояларнинг ёпирилиб кириб келаётганлиги, ахборот хуружининг авж олаётганлиги, хилма-хил эътиқод ва қарашларнинг тажовуз қилаётгани билан боғлиқ бўлган жараёнлар охир-оқибат жамиятдаги мавжуд барқарорликка таҳдид солиши мумкин. Бундай ҳолат фақатгина Ўзбекистонда юз бераётгани йўқ. Турли радикал кучларнинг ғоявий таъсирларидан, миллий анъаналаримиз ва турмуш тарзимизга зид бўлган қарашлардан, миллий тараққиётимизга таҳдид солаётган мафкуралардан огоҳ бўлишимиз ва унга тегишли жавоб бера оловимиз зарур. Диний ақидапарастлик, исломни ниқоб қилиб олган бузғунчи ғоялар, нарқобизнес ва халқаро терроризмнинг турли шакллари авж олаётган бир пайтда ўз мақсад ва истакларимиздан чекинмаслик ва олдинга интилиш бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги бурчи ва вазифасидир.

Юртбошимиз ана шуларни назарда тутиб, Ўзбекистонда яқин йиллар ичида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳатларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтади. Улар қуйидагилар:

-давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат;

-биз ҳокимиятнинг учунчи тармоғи-суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз;

-мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат;

-давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмунини ва мақсади бита, у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.¹

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон бугун глобал муаммога айланиб бораётган ва инсоният ҳаётига таҳдид солаётган халқаро терроризм, нарқобизнес, диний ақидапарастлик ва бошқа бузғунчи ғояларга қарши курашда фаоллик кўрсатаётган дунёнинг санокли мамлакатлари қаторига киради. Ана шунинг ўзи Ўзбекистоннинг тарихан ниҳоятда қисқа даврда дунё муаммоларини ҳал этишда, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буришда энг қудратли давлатлар билан ёнма-ён эканлигини, ер юзи барқарорлигининг таянч нуқтасига айланиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Ташқи савдо контрактларини тузиш ва уларнинг турлари

А.Т. Назаров

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ташқи савдо операциялари турли мамлакатлардаги шерикларнинг маълум изчилликда амалга ошириладиган ҳаракатларни ифодалайди. Бу ҳаракатлар бозорни ўрганиш, унинг рекламаси, сотиш тармоқларини яратиш, тижорат таклифларини ўрганиш, музокаралар ўтказиш, контрактлар тузиш ва уларни бажаришни ўз ичига олади. Контракт - битим қатнашчилари - шериклар ўртасидаги тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Савдо соҳасидаги битимнинг бошқа бир қатнашчиси шерик - контрагент деб аталади.

¹ Ўша асар 36-58 бетлар.

Ҳар қандай савдо операцияси бозорни ўрганишдан бошланади. Бунда талаб ва уни кенгайтириш йўллари, нарх даражаси ва ўрганиш тенденцияси, рақобатнинг кескинлиги, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва ривожланиш имкониятлари ва ҳоказолар ўрганилади. Контрактларни тузиш бўйича тайёрлов ишларининг муҳим босқичи чет эллик шерикни аниқлаш, унинг фаолияти хусусияти ва ҳажмини, ҳуқуқий ва молиявий аҳволини ва ишончилигини ўрганиш ҳисобланади.

Ташқи савдо битими қатнашчиларидан бири ўз шеригини аниқлагандан сўнг унга таклиф киритади. Бу таклиф «оферта» деб юритилиб, қатъий ва эркин бўлиши мумкин.

Қатъий таклиф – бу, фақат бир харидорга маҳсулотни сотиш учун қилинган таклиф бўлиб, таклиф қилган томон бу харидордан жавоб олмагунча ёки таклифда кўрсатилган муддат тугамагунча бошқа шерикка мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар харидор таклифга розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади.

Эркин таклиф – бу, сотувчини бовлиқ қилиб қўймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклифдир. Бунда сотувчи бир неча харидорга бир вақтда таклиф қилиши мумкин. Агар улардан бири сотувчига ўз розилигини билдирса, у ҳолда битим тузилган ҳисобланади.

Контрактда аниқланадиган шартларга кўра, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- узоқ муддатли (3-5 ва ундан ортиқ йилга) шартномалар. Улар объектлар қуриш, қўшма ишлаб чиқариш, молларни мунтазам етказиб бериш ва шу кабиларни кўзда тутати;

- бир марталик шартномалар – бу, шериклар ўртасида бевосита алоқаларни тез айирбошлаш мақсадида тузилади;

- муддатли шартномалар – бу, маҳсулотни қатъий белгиланган вақтда етказиб беришни кўзда тутати. Бордию шарт бузилса, харидор контрактдан воз кечиш ҳуқуқига эга;

- махсус шартномалар – бу, лойиҳа ва монтаж ишлари, техник хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ва шу кабилар юзасидан тузилади;

- чегаравий шартномалар - битимнинг асосий шартларига эга бўлиб, улар ишларни бажариш мобайнида аниқланади;

- ниятлар ҳақида шартномалар. Бунда фақат сотувчининг маълум маҳсулотларни сотиш нияти ва харидорни уларни қатъий мажбуриятларсиз сотиб олиш нияти белгиланади.

Жаҳон амалиётида битимларни тайёрлашни енгиллаштириш мақсадида бир неча бўлимлар ёки қисмларни ўз ичига олувчи бир шаклдаги контрактлар қўлланилади:

1.Томонларни аниқлаш, яъни, сотувчи ва харидор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотларнинг номи.

2.Контрактнинг предмети ёки шартнома турини ва олди-сотдига мўлжалланган маҳсулотни таърифлаш.

3.Мол етказиб беришнинг базис шартлари, сотувчи ва харидор ўртасидаги маҳсулотларни ташиш, унинг ҳақини тўлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларни тақсимлайди, шунингдек, маҳсулотга эгалик ҳуқуқининг сотувчидан харидорга ўтиш ҳолатини аниқлайди.

4.Етказиб бериш муддати - унда маҳсулотни муддатидан аввалроқ етказишга рухсат олиш ҳуқуқи ва тартиби келишиб олинади.

5.Маҳсулот миқдори - у асосан физик бирликларда кўрсатилади.

6.Нарх ва контрактнинг умумий баҳоси.

7.Тўлов шартлари.

8.Маҳсулотларни ўраш ва тамғалаш (маркировкалаш).

9.Сотувчиларнинг кафолатлари, яъни, уларнинг харидорга маълум сифатдаги маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятлари.

10. Суғурта қилиш юкларини ташишда юз беридаган йўқотишларни қоплашни кўзда тутати.

11. Енгиб бўлмас кучлар ҳолати ёки «форс-мажор» ҳолати.

12. Санкциялар ёки контракт шартлари бузилганда қўлланиладиган таъсир этиш тадбирлари.

13. Низоларнинг арбитраж ва суд томонидан кўриб чиқилиши томонлар ўртасида жиддий келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда кўзда тутилади.

14. Контрактнинг бошқа шартлари жумласига контрактларни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби, даъволарни билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати, юклаш бўйича қоидалар ва маҳсулотни етказиб бериш ҳақидаги хабар ва бошқалар кирати.

Халқаро савдода олди-сотди контрактларидан ташқари пудрат контрактлари, ижара контрактлари ва муқобил савдодаги контрактлар тузилади.

Ўқув предмети ўрганилишини бошқариш жараёнининг таҳлили

Қ.Т. Нормуратов

Тошкент Давлат юридик институти

Янги информатион технолоияларни тадбиқ этиш мақсадида педагогика ва математика ўртасидаги алоқани кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш педагогика тадқиқотларида, айниқса математикавий статистиканинг турли методлари, эксперимент маълумотларини таҳлил қилиш ва уларга ишлов беришда математик методларни қўллаш анъанасини келтириб чиқарди. Математик моделлаштириш юзларидан келиб чиқиб, ўлчамадан қилиб бўлмайдиган педагогика жараёнлари ва ҳодисаларини шакллантириш имкониятлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинмоқда. Бу эса, табиийки, услубият ва назарияга оид махсус масалаларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради, ҳозирга келиб кўпчилик педагоглар ва математикларнинг математикани педагогикада қўллаши эса тадқиқ қилинувчи предметга айланди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, назорат-текширув ишлари (ёзма назорат ва мустақил ишлари, тестлаш ва ҳоказолар)ни олиб бориш даврийлиги материалнинг мураккаблигига боғлиқ бўлиб, статистик барқарор, етарлича аниқ бўлмаган катталиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, заиф шаклланганлар сирасига ўрганилувчи материал мураккаблиги тушунчаси, назорат-текширув ишларини (НТИ) ўтказиш самарадорлиги, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳам киритилади.

Ўқувчилар фаолияти натижасида НТИни ўтказиш муддатлари ва даврийлигини аниқлаш борасида салмоқли тажриба шаклланди. Айниқса, ҳар бир ўрганилган модул бўйича иккита оралиқ ва ўқув шартли даврининг охирида битта якуний (чорак охири, семестр) назорат ишини ўтказишни барқарор деб ҳисобласа бўлади. Лекин жорий назоратни режалаштириш масаласи очиқ қолмоқда ва ўқитувчилар уни мустақил белгилашларига тўғри келмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатдики, янги материални ўзлаштириш натижалари, яъни:

Ўқитувчи ↔ Ўқув предмети ↔ Ўқувчи ↔ Натижати зими нинг функциялаш натижалари кейинги ўқув жараёнини ўзлаштириш ва унга тузатмалар киритиш натижаларини тезкор назорат қилиш имконияти билан алоқадордир. Бошқача, қилиб айтганда, ўқув предмети ўрганилишини бошқариш жараёни, ҳар бир динамик тизим каби, унинг динамикасига ўз вақтида ва самарали ёндашилгандагина барқарор ривожланиши мумкин.

Назорат-текширув ишларининг самарадорлиги дея биз НТИ ўқув вақтини оптимал минимал сарф қилиб ўқув натижаларини ҳақиқий ҳолатини ўз вақтида аниқлаш имконияти мавжудлигида тушунамиз. Мазкур масаланинг долзарблигини ўрганилаётган материални ўзлаштириш учун ҳар дарсда ўтилган материални сўраб бориш билан тушунтириш мумкин. Бироқ эндигина ўтилган материал мураккаб бўлмасачи, унда ҳар дарсда уни майдалаб сўраш керакмидан. Бундан ташқари, албатта, ҳар бир НТИ ўқув вақтининг маълум миқдори сарф қилинишини талаб қилади, бу вақт эса, масалан, мазкур материалга оид билимлар, кўникма ва малакаларни чуқур шакллантиришга кетказиш ҳам мумкин. Бошқа томондан эса, даврийлиги бўйича НТИ озлигидан келиб чиққан асосланмаган тежамкорлик таълим натижаси, ўқув жараёни устидан назоратни йўқотиш ва услубий меъёрлар бузилишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, тажрибали ўқитувчилар ўзининг педагогик малакасига асосланиб ўрганилаётган материал мураккаблигига қараб НТИни рационал режалаштириш асосида НТИ самарадорлигини йўқотмаслик имконлари мавжуд. Аммо энг қизиги шундаки, турлича тайёргарлик кўрган ўқув гуруҳларида мазкур даврийлик математика курсининг бирор бир бўлимини ўрганиш вақтида ҳам ишлатилади. Ўтказилган пилотаж тадқиқотлар шуни кўрсатдики, малакали тажрибага эга педагогик кадрлар НТИ даврийлигини режалаштиришда «Агарда ўқув гуруҳи тайёргарлик даражаси *ўртачадан юқори* ва ўрганилаётган материал мураккаблиги *юқори* бўлса, унда жорий назоратлар самарадорлиги *етарлича камроқ* даврийлиги *юқори* бўлади» каби бир қанча заиф шаклланган педагогик ва услубий қонунчиликка таянадилар. Шундай қилиб, педагогик фаолиятнинг узоқ йиллари мобайнида юзага келган қонунчилик мавжуд бўлиб, у профессионал педагогик тилнинг номаълумликлари билан бой бўлса-да, бироқ педагог учун етарлича тушунарли ва равшандир. Педагог-экспертлар кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга олсак, қатъиймас лингвистик иборалар маъносини аниқлашда бундай қонунчиликлар НТИни режалаштириш масаларини ҳодисавий ҳал қилишнинг шакли сифатида экспертларнинг касбий билимлари тузилишига имкон беради, деб ҳисоблаш ўринли бўлади.

Қиз танлашда диннинг аҳамияти

З.А. Расулова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Никоҳда дин масаласи жуда нозик ҳисобланади. Дин ибтидоий жамоа тузумидан ҳозиргача халқимиз маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида жамиятнинг, оила ва шахс ҳаётининг барча ҳужайраларигача сингиб кетган. Шундай экан, дин бизнинг ҳаётимизда жуда муҳим ўринга эга. Ислом динига қадар халқимизнинг асосий диний эътиқоди зардуштийлик бўлган. Аммо ўша даврда халқимизнинг бошқа дин вакиллари билан никоҳ қуриш масаласи қандай ўринга эга бўлганлиги ҳақида билиш қийин. Чунки бу масала бўйича биз етарлича маълумотга эга эмасмиз. “Авесто”нинг бизга етиб келган қисмида ҳам бу масалага бағишланган бандни учратмадик. Маълумки, аҳамонийлар, аршакийлар, сосонийлар даврида зардуштийлик давлат дини ҳисобланган. Бошқа динлардан фарқли ўлароқ зардуштийлик зардуштийларни бошқа динларга нисбатан илтифотли бўлишини талаб қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда юқоридаги уч сулола, айниқса аршакийлар сулоласи бошқа дин вакилларига илтифот билан қараган ва буларнинг даврида ҳеч қандай халқ орасида диний зиддиятлар кузатилмаган. Маълумотларга кўра, Сосоний ҳукмдорларининг маҳрамида бошқа

динли аёллар кўпчиликни ташкил қилган. Улар ўз динларига бемалол эътиқод қилишлари мумкин бўлган. Тегишли адабиётларни ўрганган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, қадимги даврдан то Ўрта Осиё ва Эрон ҳудудида ислом динининг тарқалгунига қадар зардуштийлар орасида бошқа дин вакиллари ўртасида никоҳ анча эркин ва мажбуриятсиз бўлган.

Ислом динида эса, мусулмон эркак кўп худоликка, бутпарастликка эътиқод қилувчи ёки ҳеч қандай динга мансуб бўлмаган аёл билан никоҳ тузиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Агар христиан ёки яҳудий ислом динига кирса, у ҳолда мусулмонлар билан никоҳ аҳдини туза олган. Мусулмон аёллар фақат мусулмонларга турмушга чиқишлари керак эди. Демак, эр-хотиннинг иккаласи ҳам мусулмон бўлишлари шарт ҳисобланган. Аммо шуни қайд қилиш лозимки, одатда эр-хотин ислом динининг бир мазҳабига тегишли бўлган, яъни сунний мазҳабидаги мусулмон шиа (ший) мазҳабидаги мусулмон билан никоҳ қурмаган. Бундай никоҳлар бўлса ҳам, ҳаётда кам учраган.

Руслар Туркистонни истило қилганидан кейин, 40 – 50 йил ўтиб, мусулмон эркаклар рус аёлларига уйланишлари кузатилади. XX асрнинг ярмидан бу яққол кўзга ташланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан то 80-йилларгача рус аёлларига уйланиш «мода» даражасигача кўтарилади. Шунга қарамай Ўзбекистонда бошқа Совет республикаларига қараганда байналмилал оилалар энг кам фоизни ташкил қилади. 1979й. аҳоли рўйхати бўйича Ўзбекистонда – 10,5%, Тожикистонда – 13,0%, Туркменистонда – 12,3%, Қирғизистонда – 15,5%, Қозоғистонда – 21,5% оилалар байналмилал ҳисобланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, байналмилал оилалар ҳар битта давлатнинг туб аҳолисида кам фоизни ташкил қилади, айниқса қишлоқ жойларда. Т.Ў.Салимовнинг маълумотича, агар 30 – 40-йилларда асосан мусулмон динига мансуб байналмилал никоҳлар тузилган бўлса, 80-йилларга келиб бошқа дин вакиллари билан бўлган никоҳлар ҳам кузатила бошланган. 80-йилларнинг охирида эса миллий руҳ кучайиши муносабати билан байналмилал никоҳлар сонининг камайиб кетиши кузатилади.

Кейинчалик, 90-йилларда байналмилал оилаларнинг сони ортиб кетмаган бўлса ҳам, йигитларга қараганда қизлар бошқа миллатга мансуб эркакларга турмушга чиқишлари кузатилади. Бу чет элга чиқиш билан ҳам боғлиқ. Дала маълумотларига кўра, ота-оналар, агар улар мусулмон динига мансуб бўлсалар ҳам европалик ёки америкалик йигитларга қизларини беришга қаршилиқ қилмайдилар. Худди шунингдек, қиз танлашда ҳам она ўзининг ўялига фақат мусулмон қиз олиб беришга рози бўлади. Фақат айрим ҳоллардагина бошқа динга мансуб никоҳлар учраб қолиши мумкин. Охирги маълумотлар шуни кўрсатадики, баъзи жойларда, собиқ Совет даврида кам учраган ҳар хил динли никоҳлар ҳозирги кунга келиб нисбатан кўпайди. Бу эркакларнинг чет элга чиқиши билан боғлиқ. Умуман олганда эса шаҳарларда байналмилал оилаларнинг учраши, айниқса Тошкент шаҳрида аксари таажуб тундирмайдиган табиий ҳол бўлиб қолди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, агар республикамиз вилоятларида эркакларнинг бошқа динга мансуб аёлларга уйланиш ҳоллари учраса, аёлларда бу ҳол деярли кузатилмайди. Тошкент шаҳрида эса эркакларда ҳам, аёлларда ҳам бундай никоҳ учрайди.

Шуни айтиш керакки, психологларнинг фикрича аралаш оилалар мустаҳкам оила деб ҳисобланиб, улар кучли муҳаббат ҳислари замирида юзага келганидан шундайдир. Аммо миллий аралаш оилаларда эр-хотин ўртасидаги низога миллий тус берилади. Ёшнинг ўтиши билан (50-55 ёш) ҳиссиётнинг сўниши, урф-одатларнинг таъсири, хасталик ва бошқа муаммоларнинг ҳаммаси оилавий муносабатларни синовдан ўтказди. Лекин бир томондан бу синовдан барча оилалар ўтади. Аммо собиқ Совет даврида ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, байналмилал оилалар байналмилал никоҳларга нисбатан камроқ учрайди, демакки бундай никоҳни ҳам

мустаҳкам деб бўлмайди. Бир миллатли ўзбек оилаларининг ҳам кўпгина қисми, Н.Соғинов, Ғ.Шоумаров тадқиқотича, совчилар ёрдамида қурилганлигидан ҳар доим ҳам мустаҳкам бўлавермайди.

Демак, умумий ҳисобда ўзбекларда никоҳ қуришда диннинг аҳамияти жуда катта бўлса-да, бунга аҳамият бермайдиган оилалар ҳам бор. Аммо бундай оилалар республика бўйича умумий ҳисобда жуда кам учрайди. Уларнинг мустаҳкамлиги эса оиланинг ўзига боғлиқ, чунки ҳар хил динли ва бир хил динли оилаларнинг ҳам ўзига яраша яхши ва ёмон томонлари мавжуддир.

Ўзбек мардикорлик шеъриятининг баъзи хусусиятлари

Н. Холиқова

Мирзо Улуўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

XX аср боши ўзбек халқининг Туркистон озодлиги учун олиб борган курашлари 1916 йилги мардикорлик воқеаларида намоён бўлди.

Мардикорлик воқеаларига оид маълумотлар бир қатор манбаларда учрайди, чунончи:

а) 1916 йилга оид архив материаллари, тарихий ҳужжатлар ва қонунлар, даврий матбуот кабиларда мардикорлик воқеаларига оид кўплаб тафсилотлар ва ҳар хил қарашларга дуч келамиз;

б) 1916 йилги қўзғолон қатнашчиларининг ва мардикорликка олинганларнинг шахсий хотиралари аниқ ва ишончли манбалардан эканлиги билан аҳамиятлидир (М. Аллаёров «Жиззах қўзғолони» («Ўғузхондан қолган мулк»);

в) Мардикорлик воқеалари халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган (Фозил Йўлдошнинг «Жиззах қўзғолони», Пўлканнинг «Мардикор» дostonлари, «Поезднингни жилдирган...», «Қорда қарағай кестанман...», «Саидахмад томинг баланд...», «Нетай мен, кетди оламдан...» каби қўшиқлар).

Мардикорлик воқеаларини ўрганиш орқали ўқувчиларда она-юрт ва истиқлолни, тинчлик фаровонликни қадрлаш ҳисси шакллантирилади.

Мардикорлик шеърияти нинг майдонга келиш омиллари:

а) 1916 йилги «Мардикор бермаймиз» шиори остидаги халқ қўзғолонлари ва уларнинг бостирилиши оқибатлари ўзбек мардикорлик шеъриятининг майдонга келишига сабаб бўлди (Сидқий Хондайлиқий «Русия инқилоби», Ғамза «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар», А. Авлоний «Мардикорлар ашуласи», М.Иброҳимий «Лошмон»);

б) Эркакларни мардикорликка кузатиш воқеаларида хотин-қизларнинг ўз эрлари, оталари, ака-укаларини ихтиёрсиз равишда чор маъмурлари хизматида жўнатиш жараёнлари мардикорлик шеъриятининг етакчи мавзуларидандир;

в) Мардикорликка олинган эркакларнинг фронт ортидаги ҳаёт тарзи мардикорлик шеъриятининг диққатга молик асосий манзараларидандир (Сидқий Хондайлиқий, «Рабо(т)чилар намоёиши»);

г) Мардикорликдан қайтган эркакларни халқ чексиз қувонч билан кутиб олди ва бу шодлик шеъриятда ҳам ўз ифодасини топди (Сидқий Хондайлиқий, «Рабо(т)чилар келиши»);

Эрк ва озодлик йўлидаги аجدодларимиз олиб борган курашлар авлодлар учун тенгсиз намуна эканини кўрсатишда мардикорлик шеъриятининг ўрни беқийёсдир.

**Гиппотаксиснинг парадигматик маъноси (немис ва инглиз тиллари
материаллари асосида)**

Л.Т. Холияров, Ф.Ш. Рўзиқулов
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети,
Самарқанд Давлат чет тиллари институти

Эргашган қўшма гаплар (кейинги ўринларда ЭҚГ) таржимаси масаласи ҳозирги пайтда ўта долзарб ҳисобланади. ЭҚГ матнда (нутқий вазиятда) қўлланилганда, турли маъно оттенкаларини англатиб келиши мумкин. Коммуникатив-маъно парадигмасини гапда намоён бўлган маънолар йиғиндиси ташкил қилади. Коммуникатив-маъно парадигма ядроси сифатида умумий грамматик маъно ифодалаган, энг муҳим алоқа ва муносабатларни ўзида мужассам қилган ЭҚГ да намоён бўлади.

Пайт эргаш гапларда грамматик маъно бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг амалга ошиш вақтини, пайтини ифодалайди. Ўз ўрнида темпораллик маъноси турли пайт оттенкаларини ифодаловчи боғловчилар орқали амалга оширилади. Масалан, ушбу маънода инглиз тилида when, as soon as, as long as, untill, till, as, while боғловчилари ишлатилиб, улар орасида when боғловчиси маъно жиҳатдан нейтрал ҳисобланади.

Боғловчилар турли пайт оттенкаларининг ифодаланишига ўз ҳиссаларини қўшиш, ЭҚГнинг коммуникатив-маъно парадигмасини белгилаш билан бир қаторда, ЭҚГ компонентлари ўртасида коммуникативликни тақсимлаб ҳам беради.

Таржима борасида асосий омиллардан яна бири – қўшма гап компонентлари ўртасидаги маъно алоқаларининг интонация ва пунктуация жиҳатидан белгиланишидир.

Таржима соҳасидаги адабиётларда таржима қилинаётган бирликлар (ЭҚГ англатган фикрлар ҳам) турлича трансформация қилиниши мумкинлиги айтиб ўтилган. Масалан, берилган фикрдаги маънони максимал даражада сақлаган ҳолда ЭҚГлар оддий, боғланган қўшма гаплар орқали таржима қилиниши мумкин.

Таржиманинг асосий омиллари сифатида гапда тема-рема муносабатларининг намоён бўлиши назарда тутилади (Tatyana Bushuy. *Sinxronik va diaxronik tilshunoslik*. – Samarqand: SamDChTI, 2003, 14b.).

Таржималар чоғиштирилганда қуйидаги ҳодисани кузатиш мумкин: қардош тилларда таржима амалга оширилганда, фикрни ифодалашда гап структурасида жуда кам ўзгариш содир бўлади ёки умуман ўзгариш бўлмайди.

Демократик, фуқаровий жамият қуришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни

Д.А. Ҳабибуллаева
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, фуқаровий жамият барпо этаётган халқимизнинг асосий мақсад – муддаоси етук комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдир. Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий давлат қуриш вазифасини қўйди. Бу муҳим вазифани амалга оширишда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки қонунларни билмаган, уларга амал

қилмаган ва буйсунмаган жойда тинчлик-тотувлик, тартиб-интизом ва фаровон хаёт бўлмайди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан ҳабардор бўлишдангина иборат эмас. У - қонунларга амал қилиш ва уларга буйсуниш маданияти демакдир. У - одил судни ҳурмат қилиш ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дейилганда - турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучларнинг фойдаланишни рад этиш демакдир».⁵¹

Кўпгина ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқий маданият тушунчасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида уни 3 та таркибий қисмга ажратиш қабул қилинган : ҳуқуқий онг; ижтимоий хаётда фуқаро ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида ҳуқуқ талабларини тўғри ва аниқ бажариш ҳамда ундан унумли фойдалана билиш; фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги.

Ҳуқуқий маданият тўғрисида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш учун унга яқин тушунчалар “ҳуқуқий онг”, “ҳуқуқий муносабат”, “ҳуқуқий меъёр”га таъриф бермоқ лозим.

Ҳуқуқий онг – кишиларнинг ҳуқуққа, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуққа ҳурматда бўлиш ёки ҳуқуқни менсимаслик ҳуқуқий онгга таъсир қилади. Инсоннинг ҳуқуқий онги қанчалик кучли бўлса, ҳуқуқ меъёрларини ихтиёрий бажарилишига олиб келади.

Ҳуқуқий муносабат – ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Меҳнат, мулк, пул-кредит муносабатлари ҳуқуқий муносабатларга киради.

Ҳуқуқий меъёр – ҳуқуқни белгиловчи, ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи меъёр. Улар турли кўринишда, шаклда намоён бўлади. Ҳуқуқий меъёрлар Конституцияда, қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда баён қилинади.

Ҳуқуқий савиянинг даражасига қараб ҳуқуқий онг оддий (ҳуқуқий психология), илмий (ҳуқуқий идеология) ва касбий бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий онг ўз даражасига кўра ижтимоий ва индивидуалга бўлинади. Ижтимоий ҳуқуқий онг алоҳида гуруҳларнинг ҳуқуқий қарашлари, ғоялари, анъаналарини умумлаштирса, индивидуал ҳуқуқий онг муайян шахснинг ҳуқуқ ҳақидаги тушунча, тасаввур ва хис туйғуларини ифода этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий онг қонунчиликни ривожлантириш, ҳуқуқий тарғиботнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий онгнинг энг юксак чўққиси шахснинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигидир. Ижтимоий ҳуқуқий фаоллик деганда ҳуқуқни таъминлаш учун шахс фаол ҳаракатлар содир этишга психологик жиҳатнинг тайёр эканлиги ва шу ҳаракатларни содир этишда ташаббус кўрсатиши тушунилиши керак.

Ҳуқуқий маданият кенг тушунча бўлиб, унинг барча томонларини қамраб олиш мушкулдир. Шу сабабдан унинг айрим, долзарб томонларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Шундай долзарб томонларидан бири, бизнинг назаримизда мусулмончилик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифаларидир. Албатта бу ҳуқуқ ва вазифаларнинг кўлами кенг ва келажакда батафсил, ҳар томонлама баён қилинади. Собиқ иттифоқ даврида мусулмончилик ҳуқуқ ва вазифалари ёшлар учун эмас, балки кексаларимиз учун бегонадек бўлиб қолди, улар бошқалар айбларининг қурбони бўлдилар. Натижада, фарзандлар ота-онанинг, эр ёки хотин бир-бирининг ҳуқуқ ва бурчларини, қўшниларнинг, қариндошлар бир-бирининг ҳуқуқ ва бурчларини унуттадилар. Агар бирон жойда шариат ҳуқуқлари сақланаётган бўлса, фақат анъана шаклида сақланди, ўзининг чуқур шаръий мазмунидан деярли айрилиб қолди. Мусулмончиликдаги ҳуқуқ

⁵¹ Каримов И.А.. Ўзбекистон буюк келажак сари .-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 32-бет.

ва вазифаларни ўзига хос хусусиятлари бор, чунки ундаги ота-она, аёл ва фарзандларнинг ахлоқий муносабатлари ва одоб-интизомларини сақлашга интилишлари алоҳида кўринишларга эгадир.

Ҳуқуқий маданият тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва фуқароларининг зарурий ҳислати ва тараққиёт омилига айланади. Илғор мамлакатлар бу борада сезиларли ютуқларга эришдилар ва уларнинг ҳар бир фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бузилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъи назар, суд орқали адолатли ечимга эришади.

Умуман, ҳуқуқий маданият - маънавий маданиятнинг компонентларидан бири бўлиб, қуйидаги асосий таркибий элементларни ўз ичига олади :

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

3. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, хис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир;

4. Амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар: Конституция, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил қилади

5. Илғари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажрибаларни оммага тарқатиш;

6. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳаммининг қонун ва суд олдида тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориш учун изчил ҳуқуқий тарбия (профилактика) ишларини олиб бориш лозим. Бу йўналишда қуйидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади:

а) юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориш, барча ўқув юртларида, мактабларда ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўзгартириш- ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидения, вақтли матбуотда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш;

б) қонун ҳужжатларини мунтазам чоп этиб бориш, суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш;

в) адлия ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш, бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

г) ҳуқуқий маданиятни оширишда жамоат ташкилотларини, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, клублар фаолиятини кучайтириш;

д) ҳуқуқий онгни юксалтириш учун ҳар бир оилада болаликдан бу соҳага қизиқиш уйғотиш, мактаб, боғчалардаёқ примитив тарзда ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш;

Энг асосийси ёшлар онгига ҳуқуқий маданиятсизлик жамиятда парокандалик, зиддиятларга сабаб бўлишини сингдириш, тарғиб, ташвиқ қилиш зарур бўлади.

Билимлар келажак пойдеворидир

М.Э. Абдуллаева, Т.Б. Ярбабаева

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Билимлар узлуксиз равишда авлоддан-авлодга ўтиб туради. Ҳар бир кейинги авлод ўзидан аввалги авлодлар билимини бойитиб ва тўлдирибгина қолмай уни кейинги авлодга узатади ҳам. Зеро, ҳар бир авлод билимлар қасрига аввалги авлодлар

қўймаган янги гавхарни қўяди. Биз аввал нима қилингану, нима маълум; нима очилгану, нималар бажарилмаган ва номълум; нималарни бажариш лозим ва биз нималарни билмаймиз каби саволларга жавоб топишимиз керак. Ҳа, бугун биз инсоният билимлари тараққиёти ва маданиятига ўз хиссамизни қўшишимиз учун юҳоридаги ва бошқа муаммоларга жавоб топишимиз лозим. Бунда мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти, аспирантура, ўқитувчилар ва профессор-педагоглар тараққиёт зиналарини юксалтиришда катта ролни ўйнайдилар.

Янги билимларни яратиш ҳар бир таълим тармоғи ва тизимининг улкан мақсадидир, яъни янги билимлар аввалгиларидан кенгроқ, мукамалроқ, мақсадга мувофиқроқ, ғайратлироқ ва шу кунги масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак. Бунда ҳар бир мутахассис у тикувчими, машинани созловчими, пайвандчими, муҳандисми, врачми, олимми - ўздан аввалги яратувчилардан кўпроқ билимга ва меҳнат қобилиятига эга бўлишга интилиши лозим. Маълумки, ўқитувчи ва олим ҳар доим ўқишда ва изланишда, ўқувчи ва талаба эса интилиш ва ўрганишда, устози ҳам ундан ниманидир ўрганади. Демак, ўқитувчи - олим ва ўқувчи-талаба доимо ёнма-ён дир. Ёш авлодни нимага ўргатиш керак ва нимани ўрганиш керак?

Биз тарихдан биламизки, ўлмас полотнолар, нодир асарлар, архитектура обидалари, гўзал шаҳарлар машаққатли меҳнат, бетиним ўқиш-ўрганиш, илмий изланиш, етишмовчиликларга бардошлар бериш ва кураш натижасида яратилгандир. Демак, педагог ўқувчи-талабадан билимли - илмли инсонни, у ўрганган билимларини такомиллаштиришни ва уни саноатда, ҳамда ҳаётий масалаларни ечишда илмий қўллай билишни талаб қилиши керак. Маълумки, олий таълим ва умуман таълим тизими инсонни юқори маданиятли қилиб тарбиялашда ҳоятда катта рол ўйнайди. Бу маданиятли инсонни тарбиялашида, тарбиячи-мураббий тарбияланувчининг ўзи ҳам муҳим объект ҳисобланади. Бунда унга Ватан туйғуси ҳамоҳанг бўлади. Ха-а, агар талабада ўқишга қизиқиш, меҳнатсеварлик, интилиш ва қобилият бўлмаса, унга ниманидир ўргатиш қийин. Талаба ўз олдига маълум мақсад қўйиб, шу мақсад томон ўз билими билан интилса, катта ютуқларга эришади. Мисол учун бизни институтимизда 2001 йилда Дилноза Якубова, 2003 йилда Александр Манохин, 2004 йилда Албина Хамидова аъло баҳоларга ўқишиб ва жамоат ишларида фаол қатнашишиб президент степендианти бўлдилар. Улар ҳозирги вақтда «Қабул текстил» қўшма корхонасида, аспирантурада ва магистратурада фаол меҳнат қилмоқдалар ва билим олмоқдалар.

Ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчини нимагадир ўргатиш билан бирга уни хатоларини олдини олишга ҳам ўргатишдир. Маълумки илмий изланишларда хато қилмаслик мумкин эмас, ваҳолангки адашишлар ва баҳслар асосида илмда ҳақиқат ва натижа топилади. Инсон қандай мутахассисликни танлашидан қатъий назар уни эгаллаш учун кўп ҳаётий ва кундалик масалаларни ечиши керак бўлади. Бу эса ундан маълумотни, билимни, тажриба ва қобилиятни талаб қилади. Шунингдек шўқитувчи ўқувчига билимларни беришигина эмас, балки уни ўқиш ва ишлаш давомида хатоларга йўл қўймасликка ҳам ўргатиши керак. Педагог билим беришдан ташқари талабани мустақил фикрлашга ўргатиши ҳам керак. Шу ерда талабаларга қарата айтмоқчимизки, ҳаётда ва билимда ўз билимини тўла-тўқис етказа оладиган яхши шўқитувчини, устозни, раҳбарни қидиринг! Ўзингиз ҳам шунга ўрганинг, бу сиз яхши мутахассис бўлиш ва янгиликни яратиш мумкин эмас.

Инсондаги ҳаракат, у хох ўқиш бўлсин, хох иш бўлсин, ундан маълум қудратни, қобилиятни, меҳнатсеварликни ва билимни талаб қилади. Акс ҳолда биз кўпинча бошлаган ишимизни охирига етказа олмаймиз: институтни битира олмаймиз, диссертацияни вақтида ёқлай олмаймиз, китобни охиригача ўқиб тугата олмаймиз, берган ваъдамизни бажара олмаймиз, урни охиригача қуриб битира олмаймиз ва

ҳоказо. Демак, биз кичик мақсадларни ҳам, катта мақсадларни ҳам, кундалик вазифаларни ҳам охиригача етказишни ўрганишимиз керак.

Бир куни донишманддан сўрашибди: Нега Сизнинг бўйингиз бунчалик узун? Бўйим қаттиққўл ва мақсадли отамдан менга совўа,- дебди донишманд.

Нима учун жуда хушбичим чиройликсиз, адабиёт ва хурсандчиликка меҳрингиз баланд? - деб сўрашганда, у: Бу хусусиятлар менга меҳрибон онагинамдан совўадир,- дебди.

Яна ундан: Бундай теран ақлни ва меҳнатга иштиёқни қаердан олдингиз? - деб сўрашганида: Бу хусусиятларга фақат ўқиш, фикрлаш ва тинимсиз меҳнат натижасида ўзим эришдим,- деган экан.

Шарқ Қўлёзмаларини ўрганишга оид айрим мулоҳазалар.

М.Пўлатов

Навоний давлат педагогика институти

Муҳтарам президентимиз И.Каримов «Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирилган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаялман»¹ - деб таъкидлашлари аждодларимиз томонидан яратилган асарларни янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг меросини кенг халқ оммасига етказиш даврнинг долзарб вазифасига айланганлигига ёрқин далилдир. Чунки Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардан буён жаҳон маданиятининг улкан хазинасига ўзининг мумтоз асарлари билан катта ҳисса қўшиб келган. Ўрта Осиёнинг Бухоро, Хоразм, Самарқанд сингари илм- маърифат ва маданият марказларида академиялар (жумладан 1010 йилдаёқ Урганчда Маъмур Академияси, XV асрда Самарқанд Улуғбек обсерваторияси,) тузилиб бу ерлардан жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиққан. Афсуски, уларнинг ижод маҳсули ҳисобланган дурдоналарнинг катта қисми ҳалигача ўрганилмай қўлёзмалар шаклида сақланмоқда. Бугунги кунда аждодларимиз меросини тўлақонли ўрганиб, кенг китобхонлар оммасига етказиб бериш маданиятимизнинг тўқислиги учун ниҳоятда зарур. Бу ишларни қўлёзмаларни йиғиш, илмий танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи манбашунослик ва матншунослик билмларисиз, арабий имло малакаларисиз амалга ошириб бўлмайди.

Қўлёзмалар билан ишлаш, аввало, уни тавсифлашдан бошланиши зарур. Тавсифлаш жараёни тахминан қуйидагича олиб борилиши мумкин:

- Қўлёзмаларга дастлабки ишлов берилиб, инвентарь дафтарга қайд этиш ва уларга махсус рақам бериш;
- манба номи ёзилган ва кўчирилган вақти, асар муаллифи, кўчирувчи хаттотларни аниқлаш;
- уларни қайд этилиши лозим бўлган маълумотлар билан тўлдирилган картотекали карточкаларга киритиш;
- қоғоз тури, хат тури варақлар улчами, варақдаги сатрлар сони, пойгирлар, муқова ва унинг безаклари ҳамда бошқа палеографик хусусиятларни кўрсатиш ҳамда белгиланган тартибда қайд этиш;

¹ И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси., Т.1998, 36- бет

- турли давр ёзма манбалари учун хос бўлган ташқи белгилар юзасидан аннотация тузиш, «абжад» ва «тарихлар», йил ҳисоби бўйича фактлар мавжудлигини аниқлаш;
- муайян манба юзасидан қўшимча маълумотлар топишнинг тахминий манбаларини белгилаш.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир қанча Қўлёзма фондлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийларидагина (Ўз.Р.ФА Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти) тавсифлаш ва каталоглаштириш ишлари бирмунча жадал олиб борилмоқда. Соҳа мутахассисларнинг тан олишича, уларда ҳам ҳозирги кунда Қўлёзмаларнинг атига 30% тавсифланганлиги бу соҳада кенг қамровли иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу соҳа мутахассислари учун қўлёзмалар билан ишлашда учрайдиган атамаларнинг изоҳли луўати (ҳали ишлаб чиқилмаган П.М.) сув ва ҳаводек зарур. Чунки қўлёзмаларни тавсифлаш принциплари турли илмий гуруҳ ва фондларда бир-бирларидан бирмунча фарқ қилади. Ахборот технологияси ривожланган бугунги кун эса қўлёзмаларнинг каталог маълумотларини компьютерлаштиришни тақозо этиб, қўлёзмаларни тавсифлаш принципларининг ҳар бир бандни бир хилликка келтиришни талаб қилмоқда. Чунки қўлёзмаларни ўрганиш жараёнидаги маълумотларни «Интернет» ахборот тизимига киритиш учун ҳам дунё стандартларига жавоб берадиган иш усулига эга бўлишимиз зарур. Бунинг учун биз жаҳон кодикология (қўлёзма китобларинг яратилиш тарихи, китоб таркиби ва тарихини ўрганувчи) фанининг ютуқларини ўрганишимиз, ижодий изланишимиз керак. Айниқса, келажакимиз эгаларида миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда маънавий маданиятимизнинг узвий қисмларидан ҳисобланган буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш орқали диний қадриятларни сингдириш шу куннинг долзарб масаласидир.

«Алгебра ва аналитик геометрия» фани бўйича талабалар билимини назорат қилишнинг мулоқот тизими

О. К. Салиева
Бухоро ОО ва ЕСТИ

Ҳозирги даврда кишилар ҳаётининг қарийб барча соҳаларида ахборотларнинг катта оқими билан ишлашни енгиллаштирувчи ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланилмоқда, яъни ҳозирги давр - сановат жамиятидан информацион жамиятга ўтиш даври бўлмоқда. Бу жамиятда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун, иқтисодий, ижтимоий ва маиший соҳалардаги муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиши учун беқиёс имкониятлар очиб берилади. Келажакда информацион жамиятнинг бу имкониятларидан фойдалана оладиган ёш авлодни ўз вақтида тайёрлаш – бу таълим соҳасидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим тизимида ахборот технологияларни қўллаш таълим сифатини сезиларли оширади. Таълим тизимидаги замонавий информацион технологияларнинг асосий хусусиятларидан бири – бу техниканинг янги ютуқларини қўллаш ва улардан фойдалана олишдир.

Компьютер ва ахборот технологияларидан ўқитишнинг ҳар хил босқичларида фойдаланилади. Янги технологияларнинг талабалар билимини назорат қилиш босқичида қўлланилиши одатдаги назорат қилишдан қулай ва ҳар томонлама афзалдир. Биринчидан, бу катта ҳажмдаги талабалар контингентини назорат қилиш имконини

берса, иккинчидан назорат объектив бўлади (ўқитувчининг субъективлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда). Назорат босқичида ахборот технологияларидан фойдаланиш натижаси талабалар билим даражасини аниқлашда ҳам катта статистик маълумот бўлиб ҳисобланади.

"Алгебра ва аналитик геометрия" курсидан талабалар билимларини назорат қилиш, масалалар ечиш қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича мулоқот тизими ишлаб чиқилди. Бу тизимни ишлаб чиқишдан мақсад ўқитишни индивидуаллаштириш (ҳар бир талаба қўйилган мақсадга ўз траекторияси бўйича боради) ва ўқитиш самарадорлигини оширишдан иборат эди.

Ишлаб чиқилган тизимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Талаба масалани ечиб, олган натижани компьютерга киритади, тизимдаги асосий дастур бу натижанинг тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатади.

2. Талаба монитор экранида тугмалар кўринишида берилган символлар тўпламидан фойдаланиб, натижани киритади.

3. Натижа кўринишига ҳеч қандай чекланишлар қўйилмайди, яъни натижани соддалаштириш талаб этилмайди.

4. Бу тизим ўргатувчи ва назорат қилувчи тизим ҳисобланади. Биринчи этапда тизим талабанинг масалалар ечиш қобилиятини, ва баҳо "қониқарсиз" бўлган ҳолда талаба билан мулоқотни ўқитиш режимига ўтказди. Бу режимда дастурлаштирилган ўқув қўлланмасидан фойдаланилади. Талабани ўқитиш ва билимини назорат қилиш, токи талаба масалаларини тўғри еча олганига қадар давом эттирилади.

5. Талабаларга тасодифий олинган масалар берилади, бу ҳолда назорат ишлари вариантларнинг қайтарилиш эҳтимоллиги жуда кам бўлади.

Талабалар билимларини назорат қилиш, масалалар ечиш қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича мулоқот тизимининг асосий қисмини "Чизиқли алгебра ва аналитик геометрия" фанидан дастурлаштирилган ўқув қўлланмаси ташкил этади. Қўлланмадаги бутун материал кадрлар кетма-кетлигидан иборат. Ҳар бир кадрни ўргангач, талаба саволларга жавоб бериб, шу кадр орқали ўрганган мавзуларни мустаҳкамлайди.

Талаба масалани ечиб, компьютерга натижани киритади. Агар масала тўғри ечилган бўлса, тизим талабага кейинги масалани ечишни таклиф қилади. Агар масала нотўғри ечилган бўлса, талабага масалани ечиш учун қўшимча имконият берилади. Ҳаммаси бўлиб талабага иккита имконият берилиши мумкин. Масалалар сонига қараб, тизимда баҳолаш мезони ишлаб чиқилган. Агар масалалар сони 10 та бўлса, у ҳолда:

- агар талаба 5 тадан кам масалани тўғри ечган ва иккала қўшимча имкониятдан ҳам фойланган бўлса, "қониқарсиз" баҳо;

- агар талаба 5,6 ёки 7 та масалани тўғри ечган ва барча қўшимча имкониятлардан фойланган бўлса, "3" баҳо;

- агар талаба 8 ёки 9 та масалани тўғри ечган ва барча қўшимча имкониятлардан фойдаланган бўлса, "4" баҳо;

- агар талаба 9 та масалани тўғри ечган ва битта имкониятдан фойдаланган, ёки 10 та масалани тўғри ечиб, иккала имкониятдан ҳам фойдаланган бўлса, "5" баҳо каби баҳолаш мезонидан фойдаланилади.

Талабалар билимларини назорат қилиш, масалалар ечиш қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича мулоқот тизими «Векторлар» ва «Аналитик геометрия» бўлимлари учун ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган тизимдан кундузги, кечки ва сиртқи бўлим талабалари учун ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, бу мулоқот тизимидан масофали ўқитиш жараёнида фойдаланиш жуда қулай.

"Алгебра ва аналитик геометрия" курсидан талабалар билимларини назорат қилиш, масалалар ечиш қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича мулоқот тизимидан математика фанига ихтисослаштирилган коллеж ва мактабларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Масофали ўқитиш тизимида таълим олаётган талабалар (сиртқи) ўз билимларини бу мулоқот тизими орқали назорат қилишлари мумкин.

Таълим тизимида маҳаллий ахборот порталларини қўллаш технологиялари

Р.А. Жафаров, П.Р.Бозоров

Бухоро озиқ - овқат ва енгил саноат технологияси институти

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг сифат босқичида Олий ўқув юртлари талабаларининг фанлар бўйича ўқув услубий адабиётлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига бўлган талабларини қондириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, республикада ишлаб чиқарилаётган ахборот порталлари талабаларнинг ахборот муҳитини кенгайтиришга ва жаҳон инфраструктура бозоридан самарали фойдаланиш учун бор имкониятларни қўллашга замин яратади. Бундай порталлар Олий таълим тизимида талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва замонавий ахборот - коммуникация жиҳозларидан фойдаланиб бутун дунё бозори бўйлаб интеллектуал меҳнат ва капитални бирлаштириш тамойилларига асосланиб яратилади.

Ҳозирги кунда, Олий ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлар жаҳон бозорида рақобатбардош интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши талаб этилмоқда. Шунинг учун, бундай малакали кадрларни тайёрлашда ижобий натижа берувчи маҳаллий таълим порталларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий таълим тизимидаги порталлар Олий таълим тизими ва ахборот - коммуникация фаолиятларини бирлаштириб, чуқур демократлаштириш принципига таянган ҳолда самарали фойда бермоқда: замонавий ўқитиш шакллариининг имкониятларини кенгайтириб, унга моддий ва ахборот ресурсларидан фойдаланишга шароитлар яратиб, масофавий ўқитиш тизимини жорий қилмоқда ва гибритли электрон кутубхоналардан фойдаланиш ҳамда телекоммуникацион технологияларнинг билимлар ва воялар жамғармаларидан баҳраманд бўлишга имконият яратиб беради.

Ахборотларни статик ҳолатда ўзида сақлаб турувчи Internet тармоғидан порталларнинг фарқи, миждознинг талабига қараб ўз вақтида маълумотларни ўзгартириш ва узатиш имкониятларига эгаллигидадир.

Ўқитиш порталлари ахборот муҳити ҳисобланиб, ўқитиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, тегишли соҳалар бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш, шунингдек замонавий ахборот технологияси ва телекоммуникация жиҳозларидан фойдаланиб, олинган маълумотларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш учун яратилади.

Таълимнинг сифат босқичида, ўқитиш порталлари талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга, шунингдек жаҳон ахборот тизимидан аниқ фан доирасида фойдаланишга хизмат қилади.

Н. Тангилова
Термез давлат университети

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгандан сўнг миллий, тарихий, маънавий қадриятларимизни тиклашга, ўрганишга, ёшларимизга ўргатишга кенг имкониятлар эшиги очилди. Ўтмиш қадриятларимизда таълим-тарбия борасидаги қарашлар юксак бўлганлиги боис, тарихий маънавиятга қайта-қайта мурожаат қилмоқдамиз. Чунки аجدодларимиз узоқ ўтмишда илм-фаннинг турли сохалари пойдеворини яратишга ўзининг баракали хиссасини қўшиб келган билан бирга ўзларининг педагогик фикрларини ҳам эътироф этганлар. Жахон халқлари умуминсоний маънавиятига улкан хисса қўшган улуғ алломаларимиз жуда кўп. Бу борада Термизийлар хизматларининг алохида ўз ўрни бор. Улар дунё маданияти ва фанига ўзларининг баракали хизматлари билан ўз улушини қўшиб келган буюк зотлардир. Маълумотларга қараганда 40 дан ортиқ Термизийлар маълум. Термизийлар шариатшунос, тариқатшунос, таскиранавис, тарихчи, табиатшунос, риёзиётчи, фалакшунос, табиб, хадисчи, ҳуқуқшунос, шоир. донишманд, руҳиятшунос олимлардир.

Маълумки, Термизийларнинг айнан таълим-тарбияга бағишланган махсус асарлари йўқ, бор бўлса ҳам бизгача етиб келган эмас. Бироқ Термизийлар ўз асарларида баркамол инсонни шакллантиришга, инсоний фазилатларни ривожлантириш масалласига урғу бериб ўтганлар.

Хусусан, Исо Ат Термизий яратиб қолдирган мерос ҳадис илмида таълим тарбия масалаларига эътибор берилган. Унинг ушбу қарашлари ҳадислари таълим-тарбия соҳаси равнақиға улуш бўлиб қўшилган. Исо Ат Термизий Қуръондан кейин турадиган «Кудуби ситта» (Олти саҳиҳ) муаллифларидан биридир. Алломанинг шох асари «Сунани Термизийдир» Ушбу машхур китобда келтирилган ҳадисалар ҳалол, пок, меҳр-оқибат, ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, ростгўй иймон-эътиқотли бўлиш, аҳлоқ-одоб каби таълим-тарбиявий аҳамияти юксак ҳадисалар мавжуд. Исо Ат Термизийнинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари аввало Оллоҳни билишга, одоб-аҳлоқли, аҳил-иноқ бўлишига инсонларни яхши эзгу амаллар қилишга чақиради. Ана шундай ҳадисларнинг бирида қуйидагини баён этади: Оллоҳ наздида энг яхши киши ўз қўшниларга яхшилик қилгувчидир. Термизий асарларида кишиларни хурмат қилишга, яқинларини унутмасликка, айниқса ота-онани хурмат қилиш, эъзозлаш, ғамхўр бўлиш, фарзандлик бурчи масаласига ҳам эътибор берилган. Ота-онанинг дилини оғритиб, озор бериш, итоат этмаслик қораланади. Лекин ота-она ҳам ўз навбатида фарзандларига таълим-тарбия бериши ўргатиши лозимлиги таъкидланади.

Умуман олганда Имом Ат Термизий тўплаган ҳадисларда кишиларни чинакам инсон этиб тарбиялашга кучли даъват этади. Аллома ҳадисларининг кўпчилигида одамларни тинч-тотув яшашга жамоага фойда келтириши, яхшилик қилиш ва бир-бирига биродар бўлишга чорлайди.

Хулоса қилиб айтганда, келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлодни етук, мукамал инсон даражасига етказиб тарбиялаш, уларни иймон-эътиқодли, билимли, дунёқарашини, тафаккурини шакллантиришда Имом Ат Термизийнинг маънавий меросидан, унинг таълим-тарбияга, аҳлоқ-одобга доир қарашларидан унумли фойдаланиш лозимдир. Чунки Имом Ат Термизий тўплаган ҳадислар, яратган «Сунани Термизий» асарларининг педагогик аҳамияти катта.

Бизнинг вазифамиз ёшларимизга Имом Ат Термизий таълимотини турли усул ва воситалар ёрдамида тўғри тушунтирмоғимиз ва уларни бу соҳадаги кўникма ва билимларини оширишдан иборат.

Унитилган қисса ва унинг хўрланган муаллифи ҳақида

Н.А.Қўзиев

Бухоро давлат Университети

Ўзбекистон матбуотида айрим адабиётшунос ва танқидчилар мақолаларида Русиядаги Андрей Платонов каби ёзувчи ва унинг 1950 йилларда босилмай қолиб кетган “Котлован” повести каби асар ўзбек адабиёти тарихида йўқ, деган фикрлар билдирилган. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўзбекистонда ҳам 50 йилдан зиёдроқ даврда унитилган қисса ва хўрланган ёзувчи бўлган. Бу- “Гулисурх” (Қизил гул) қиссаси бўлиб, унинг муаллифи Бухоро демократик ҳаракатида ва ўз юртининг келажаги учун курашган Ҳожи Мирбобо Мирмуҳсиновдир.

1934 йилда Тошкентда Ўзбекистон давлат нашриёти ўзбек тилида, лотин алифбосида Мирбобо Муҳсинзоданинг “Гулисурх” деган қиссасини нашр қилган (Масъул муҳаррир- Н.Охундий, адабий муҳаррир-Даврон). “Гулисурх” қиссасида 1920 йил тўнтаришида Бухоро амирлигидаги адолатсизликлар, меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти, тараққийпарварларнинг амирликка қарши мардона курашлари ўз аксини топган. Асарнинг бош қаҳрамони камбағал деҳқон ўғли Жуманазар Шарқий Бухоро (Тожикистон)нинг Фарм вилоятида Орифбой эшигида хизмат қилиб, ўз меҳнат ҳақини ололмайди. У қочиб амирлик пойтахти-Бухоро шаҳрига келади. Бунда кишиларни ишлатиб, ҳақ тўламай бойлик орттирадиган балиқпаз Ҳожи Мирбадал кўл остида ишлайди. У билан ҳар йили баҳорда Баҳоваддин зиёратгоҳида бўладиган гулисурх сайилига бориб, балиқпазлик қилади. Ёзувчи ўз қиссасида қадимий халқ сайили, унинг ўзига хос томонларини тасвирлаш билан бу сайилдаги айрим текинхўр савдогарлар ва риёкор руҳонийлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланганини ҳикоя қилади.

Қиссада тарихий ҳақиқатнинг бадий тасвири намён бўлган. Жуманазар, Ҳожи Мирбадал умумлашган тўқима образлар бўлса-да, 1917 йил апрелидаги ёш бухороликларнинг намоёнлиги ва улар вакилларининг 75 ва 150 таёқдан калтакланишлари, уларнинг рус аскарлари томонидан қутқазилишлари тарихий ҳодисалардир. Бу қисса муаллифнинг биринчи бадий насри бўлганидан ва умуман 1930 йилларда ўзбек ва тожик насри энди шакллангангаидан “ Гулисурхда” айрим бадийлик жиҳатидан айрим бўш ўринлар, натуралистик лавҳалар йўқ эмас. Бироқ шундай воқеаларни ўз кўзи билан кўрган тарихий шахс томонидан ёзилганлиги асарга бўлган қизиқишни орттиради. Асар ҳам бадий, ҳам тарихий-этнографик, ҳам лингвистик(ўзбек тилининг Бухоро шеvasи) материал сифатида катта қимматга эга. Мирбобо Муҳсинзода ким?

Унинг ҳақида Бухоро жадидларининг етакчиси Файзулла Хўжаевнинг ўтган асрнинг 70-йилларида чоп этилган уч жилдлик асарларида, Садриддин Айнийнинг 1920-1921 йилларда ўзбек тилида ёзган ва адабиётшунос ва таржимон Раҳим Ҳошим томонидан тожик тилига таржима қилиниб, 1987 йилда Душанбеда бостириб чиқарилган “Бухоро инқилоби тарихи”, шунингдек айрим тарихчиларнинг китобларида маълумотлар бор.Ҳожи Мирбобо Муҳсинзода 1868 йилда Бухоро шаҳрида бахмал тўқувчи касиб оиласида туғилган. 1917 йил февраль инқилобигача қорақўл териси билан савдо қилган. Ф.Хўжаев ёки С. Айний асридан (Бухоро тарихий ўлкашунослик

музейидаги фотосуратда) 1930 йилларда ижодий ишлар билан шуғулланган. 1936 йили уни НКВД ҳибсга олиб, унга аксиинқилобий ҳаракатга қатнашиш ва советларга қарши ташвиқот олиб бориш айбини тўнкаган. Бухоро вилоят суди президиумининг 1957 йил 23 декабрида қабул қилган қарорига кўра Мирбобо Муҳсинзода устига қўйилган айбларни исбот қилувчи тўлиқ далиллар бўлмаганидан (у вафотидан кейин) оқланган.

Мирбобо Муҳсинзода “ Гулисурх” сўзбошисида асарни қандай ёзганлигини, унга кимлар ёрдамлашганлигини миннатдорлик билан таъкид қилади:

“Бу асар менинг биринчи адабий фаолиятимнинг намунасидир. Бу асарнинг материалларини тўплашда марҳум Ҳалим Ашуров тўла ёрдамда бўлиб, ишлаш жиҳатидан ўртоқ Муҳаммаджон Мухторзода ёрдам этганлар”. Мирбобо муҳсинзоданинг Қосим деган ўғли 1940 йилда Бухоро ўқитувчилар институтини битириб, Вобкент районида ўқитувчилик қилган. Ўша йиллари Вобкент райони халқ маорифи ишлари бўлими мудирини бўлиб ишлаган, Қосимнинг тенгдоши ва ўртоғи, ҳозир нафақахўр Фулом Ҳалимовнинг сўзларига кўра Қосим ўз хоҳиши билан Тошкент вилоятига бориб, у ердаги мактабларда ўқитувчилик қилиб юрган. Демократия, янгича фикр юритиш, қонунчиликнинг тикланиши туфайли ижтимоий адолат ғалаба қилмоқда. Чинакам ватанпарвар юртдошлар ўз халқи дилидан жой олиб, ҳурмати жойига қўйиладиган вақт келди. Уларнинг авлоди қизил юз билан бошларини кўтариб, фахрланиб юрадиган замон келди. “Гулисурх” повестини янгидан бостириб чиқариш ва унинг муаллифи хотирасини абадийлаштириш зарур.

Ўспирин ёшларнинг (юқори синф ўқувчиларининг) миллий ўз ўзини англаш даражасини психологик ташхис услубияти

Д.Умурзоқов. М.Қодирова

Навоий давлат педагогика институти

Миллатни киши шахсини ўзи томонидан муайян миллатга мансублигини идроки жуда кўп психологик омилларга боғлиқдир. Улар ишимизнинг олдинги бобларида жуда мукамал ёритилган. Мавжуд илмий манбалар маълумотида биноан ўспирин ёшдаги болаларнинг миллий ўз – ўзини англаши асосан шу ёшдаги болаларнинг илгарги тажрибаси, уларнинг ижтимоий идроки, ижтимоий уставноқалари, ҳамда уларни ижтимоий йўналишини белгиловчи эмоционал йўналишлари, ўз – ўзларини баҳолашлари ҳамда ўз – ўзини тарбиялашлари хусусиятларига боғлиқдир. (А.С. Абдураходов, 2002 йил). Айни пайтда ўспирин ёшларни миллий ўз – ўзини англаши, уни миллатга нисбатан муносабатлари, характери, уни ижобий ёки салбий ҳис – туйғу асосида бошдан кечирилиши, миллат тарихи тўғрисидаги маълумотга эгаллиги, ҳамда миллатни идроки, (перцепция) давридаги шароит ва муҳитга боғлиқдир.

(А.А. Крилов 2002 йил). Ана шу илмий далиллар индивид томонидан ўзи мансуб бўлган миллат ёки ўзи мансуб бўлмаган миллатни аммо унинг атрофида бирлашиб ҳаёт кечираётган миллатни идрок этиб, унга нисбатан ижобий эмоционал муносабатда бўлишини тадқиқоти хозирги даврда ўта муҳимдир.

Худди шу мақсадда биз инсон шахси томонидан миллий ўз – ўзини англашини ёки миллатга ўзини мансублигини идроки ва англашини усул ва услубиятларини яратдик. Ушбу усул инсонни миллий ўз – ўзини англашини тадқиқоти таъминлаб, уни сифат ва миқдор жиҳатдан тадқиқ этиб, индивиднинг миллатга нисбатан уч типдаги муносабатда бўлишини кўрсатиб беради.

1 – тип. Миллий ўз – ўзини англаш – индивид томонидан миллатни идрок этиш ва англаши жараёнида унга нисбатан нейтрал (бепарволик) муносабатда бўлади. Бу

типтаги индивид томонидан миллат мустақил қадрият сифатида қабул қилинмайди. Индивид томонидан миллатни ушбу типда идрок этиш бизлар томонимиздан индивидуалистик, эгоцентрик миллий ўз – ўзини англаш типи сифатида белгиланади.

2- тип. Миллий ўз – ўзини англаш – индивид томонидан миллатни идрок этиш ва англаши жараёнида унга нисбатан индивидуал тарзда уни ўзини у ёки бу мақсадларга эришиши воситаси сифатида қабул қилади. Бунда индивид томонидан миллат унга фақат фойда келтирувчи восита сифатида қабул қилинади. Индивиднинг ушбу типдаги миллатни англаши ва идроки, ўзини унга мансублигини баҳолаши бизнинг фикримизча, прогматик миллий ўз – ўзини англаш типи деб номланса, мақсадга мувофиқдир.

3- тип. Миллий ўз – ўзини англаш – индивид томонидан миллат мустақил қадрият сифатида идрок этилади ва англонади. Бунда индивидни миллат ва унга тааллуқли ҳар фуқаро қизиқтиради. Миллат ютуқлари ва камчиликларини у бошидан кечиради, миллатнинг умумий тараққиётига қизиқиб, унга ўз улушини қўшади. Бунда индивид томонидан миллат манфаатлари шахсий манфаатларидан устун қўйилади ва табиийки, бундан ўз – ўзини англашни биз миллатпарварлик англаш деб номладик.

Юқорида келтирилган миллий ўз – ўзини англаш типлари биз тузиб чиққан махсус сўровнома асосида тадқиқ этилади. Улар охирига етказилмаган таҳминлар тест услуби сифатида келтирилади. Масалан:

Миллий ўз – ўзини англаш даражасининг шаклланганлигини аниқлаш тести.

1. Фикримча, менинг миллатим энг _____ ва
2. Башоратимга мувофиқ, миллатим келажакда _____ ва ҳаказо.

Ушбу тест қуйидагича ишлатилади: тадқиқотчи жумлани ўқиб бериб, тадқиқланувчига 30 секунд давомида уни охирига етказишни таклиф этади, вақт ўтгандан сўнг, иккинчи, учинчи ва ҳаказо жумлалар, шу тартибда ўқиб борилади.

Тест натижаларини баҳолаш қуйидагича таъминланади:

Гуруҳдаги тадқиқот варақалари териб олингандан сўнг, тадқиқланувчининг ўз – ўзига бошқаларга, спорт командаси аъзоларига, миллатга, Ватанга ҳамда турли қадриятли йўналишларига муносабатлари аниқланади.

36 баллик баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ адекват ёки ноадекват жавоблар психологик ва математик жихатдан қуйидагича баҳоланади.

1. 100 – 85 % адекват жавоблар 3 – миллатпарварлик типдаги миллий ўз – ўзини англашга эга тип.

2. 85 – 70 % адекват жавоблар тўла шаклланмаган миллатпарварлик, миллий ўз – ўзини англаш типи

3. 70-55 % адекват жавоблар 2 – прагматик миллий ўз - ўзини англаш типи.

4. 55-25 % ноадекват жавоблар тўла шаклланмаган прагматик миллий ўз - ўзини англаш типи.

5. 25-0 % ноадекват жавоблар индивидуалистик – эгоцентрик миллий ўз - ўзини англаш типи.

6. Ушбу баҳолаш мезонлари тарбиячи, тренер ва педагогларга хусусан юқори синф ўқувчиларининг синф раҳбарларига, ёшларнинг миллий ўз - ўзини англаши, ўз - ўзини англаши, ҳамда уларнинг психик тараққиётидаги қадриятли маънавий йўналишини белгилаб беради, улар билан индивидуал ва ижтимоий мақсадли йўналишида тарбиявий иш олиб боришида хизмат қилади.

Масофавий таълим тизимида компьютер технологиялари асосида ўқитиш самарадорлиги

Р.А. Жафаров

Бухоро озиқ-овқат ва енгил sanoat технологияси институти

Индустриал жамиятда инфор мацион технологияларни халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан маъориф тизимида қўлланиб келиниши оламшумул аҳамият касб этмоқда. Бу борада аҳолининг билимга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда бутун дунёда қўлланиб келаётган масофавий таълим тизимидан фойдаланиш мақсадга мувоффиқдир. Чунки, аҳоли ўртасида фан – техника янгиликларини, замонавий техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқариш жараёниларини такомиллаштиришни ўз вақтида тарғиб қилиш, ҳамда ўқув жараёнларини намунавий ўтказишда кўпгина қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шунинг учун бу соҳада кенг кўламли ишларни олиб бориш, жумладан масофавий таълим тизимини жорий қилиш натижасида қўйидаги асосий муаммолар ўз ечимини топади:

- Таълим соҳасини ахборотлаштириш концепцияси ишлаб чиқилади ва ўқув жараёнида қўлланилади;
- услубий ва психологик – педагогик таъминот яратилади;
- масофавий таълим тизими фаолиятини қўллаб қувватлаб боровчи компьютер жиҳозлари ишлаб чиқилади.

Масофавий ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш асосан педагогик дастур маҳсулотларининг сифат даражасига боғлиқ бўлиб, ташкилий жиҳатдан компьютерли ўқитиш дастури ўқув машғулотларнинг шаклига мос келиши керак. Назарий машғулотлар учун ажратилган соатлар ҳажми кўп бўлган ва амалий машғулотларга кам ажратилган фанлар учун компьютерли ўқув ва назорат дастурларига кенг эътибор берилади. Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида талабалар, амалда кўпгина жараёнларни ифодаловчи моделлар билан ишлай олиш имкониятига эга бўладилар.

Масофавий таълим тизимида автоматлаштирилган ўқув курсларини яратиш жуда мураккаб жараёндир. Унда талаба нафақат ўз соҳаси, балки компьютерли ўқитиш технологиясининг психологик – педагогик ва услубий таъминотини ҳам билиши зарур. Шунинг учун чуқур билим ва малакага эга бўлган талабаларни тайёрлаб етиштириш давр талабидир.

Шу мақсадда, Бухоро озиқ – овқат ва енгил sanoat технологияси институтининг “Информатика” кафедрасида “Информацион тизимлар ва технологиялар”, “Информатика, инфор мацион технологиялар”, “Математик дастурлаш” фанларидан компьютер технологиялари асосида электрон ўқув адабиётлар ва вертуал стендлар тайёрланиб, ўқув жараёнларини ташкил этишда ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда ижобий ишлар қилинмоқда.

“Қизлар тарбиясида оиланинг ўрни ва аҳамияти”

Ф.Ф. Хидирова

Низомий номли ТДПУ

Оила жамиятнинг биринчи бўйини ҳисобланади. Шунга кўра ишонч билан айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, бирламчи тузилмасидир. Зеро, бу муқаддас даргоҳда инсон нафақат дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан камол

топади, ижтимоий ҳаёт ва оилавий турмуш кечириш учун тайёргарлик кўради. Оила қанчалик мустақкам бўлса жамият ҳам шунчалик мустақкам бўлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1994 йилдан 15 май кунини Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилгани, шунингдек 1993 йилдан буён Вена, Қоҳира, Копенгаген, Пекин ва яна шундай ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтган Халқаро анжуманларда оила ва унинг мустақкамлиги муаммоси умуминсоний вазифа сифатида, долзарб муаммо бўлиб турганлиги алоҳида эътироф этилди.

Тарихдан бизга маълумки, Шарқда бир неча асрлар олдин ҳам оила ва уни ташкил этиш, оилавий муносабатлар, унинг шахс камолотидаги ўрни ва роли хусусидаги фикрлар баён этиб келинган. Хусусан, Жалололдин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг “Одоб ас – солиҳин” асарларида оиланинг шаклланиши, ушбу жараёнда амал қилиниши лозим бўлган муайян қоидалар хусусида сўз юритилади.

Чунончи, Жалололдин Давоний ўз асарида онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрнини кўрсатиб ўтар экан, уни мазкур жараёнда асосий қийинчиликларни бошдан кечирувчи шахс дея таърифлайди, шунингдек, болага оддий ахлоқий қоидалар мазмунини тушунтириш, юриш – туриш овқатланиш тартиби ва қондасига риоя этишни ўргатиш лозимлигини таъкидлайди. Улуғ аллома Муҳаммад Содиқ Қошғарий эса уйланиш жараёни инсон ҳаётидаги масъулиятли давр эканлигига урғу бериш билан бирга, мазкур жараёнда ҳалқнинг асрий тажрибасида синовдан ўтган қуйидаги қоидаларга қатъий риоя этиш, кераклигини алоҳида уқтиради; уйланадиган йигит ўз никоҳига олмоқчи бўлган қизни аввалдан кўрмоғи керак. Келин бўлмиш қиз тўрт нарсада, яъни, умрда, қоматда, молда ва насабда куёв бўлмиш йигитдан паст ва тўрт нарсада, яъни, ҳуснда, жамолда, хулқда, одобу-иффатда ундан юқори бўлиши лозимлигини уқтириб ўтади. Аллома ўз асарида эр ва хотиннинг оилавий ҳаётни ташкил этишдаги масъулиятлари борасида ҳам тўхталиб ўтар экан қуйидагиларни баён этади: эр киши ўз аҳли аёлига яхши муомала қилиши, уни руҳий жиҳатдан осойишта бўлишини таъминлаши, унга нисбатан олижаноб бўлиши, мурувват кўрсатиши лозим. Аёл киши ҳам ўз навбатида муайян қоидаларга амал қилиши; турмуш ўртоғининг руҳсатисиз ҳеч жойга бормаслиги, ҳеч кимни уйига киритмаслиги, эрнинг мол-дунёсини беҳудага сарф этмаслиги, ўз зиммасидаги масъулиятларни ҳалол ва покиза бажариши кераклигига алоҳида урғу бериб ўтади. Муҳаммад Содиқ Қошғарий кайд этганидек, аёлнинг эр хурсандлик чоғида хурсанд, ғамгин чоғида ғамгин бўлиши зарур борасидаги фикрлари бугунги кун психологлари томонидан ҳам оиланинг мустақкамлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири эканлиги исботлаб берилди. Аллома ўз асарларида аёл кишининг эрнинг топиш-тутишига қаноат қилиши, зарурат бўлсагина, имконият даражасида унга ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлайди.

Таниқли аллома Абдурауф Фитратнинг ...агарда қизларда, яъни бўлғуси онада оила шароитида соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясини ташкил этиш қоидаларидан хабардор бўлмаса, болаларнинг аксарияти жисмоний жиҳатдан носоглом бўлади, қолганлари эса ёмон ахлоқ ва ишёқмаслик сифатларига эга бўладилар... деган фикрлари ҳозирги кунда ҳам оилада соғлом муҳитнинг қарор топишида ўта долзарб муаммо саналади.

Шундай экан, ёш оилаларнинг мустақкам бўлишида қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият берилиши, қизлар (келинлар)нинг янги шароитларга мослаша олишига имконият яратилиши, қизлар (келинлар)нинг мулоқот маданияти, шарқона урф-одат, одоб-андиша, иззат-икром масалаларидан яхши хабардор қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

С. Исломова

Андижон давлат университети

Донишманд халқимиз ўзининг минг йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибалари асосида кўплаб эртақлар яратган. Халқимиз яратган ҳар бир эртақда олам-олам мазмун ва ўғитлар мавжуд.

Инсоният ҳамма даврларнинг яхши ва ёмон воқеа-ҳодисаларини бошдан кечириб, кузатиб, қимматли хулосаларга келган ва мана шу хулосаларини қизиқарли воқеалар бағрига жойлаб, ўз фарзандларига қолдирган.

Эртақларни шунчаки эрмак ва чўпчак деб билгувчилар ҳам бор. Уларнинг юзаки қарашлари кўп ҳолатларда бизни ажаблантиради. Яқинда 15 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган бир ўқитувчи гап орасида «Ҳозирги болаларни эртақлар билан алдаб бўлмайди»,- деганида «Бу одам эртақ нималигини билмас экан»,- деган хулосага келдим. Ўқитувчи касбидаги филолог мутахассис эртақлар ҳақида мана шундай фикрда бўлиши бизни ташвишга солади. Ахир, эртақлар ҳикматларнинг хазинаси-ку! Тўғри, эртақлар кўпроқ болаларга мўлжалланган. Чунки эртақларда ҳаёт ҳақиқати афсона ва хаёлотга ўраб берилади. Бу халқимизнинг оқилона усули. Чунки болаларга тўғридан-тўғри айтилган фалсафий-дидактик фикрлар салгина оғирлик қилиши мумкин. Кисқа ва ихчам ҳикматли гапларнинг маъзини чақиш уларнинг имкониятидан ташқарида бўлиши мумкин. Аммо ўша ҳикматли фикр қизиқарли ва афсонавий характердаги воқеаларнинг сўнггида улардан хулоса чиқарилган тарзда берилса, болалар ўша фикрларга ва ғояларга тушуниб етишлари мумкин.

Бугунги кунда кексалар, ота-оналар ўз фарзандларига ва бошқа яқинларига айтадиган фикрларининг бир қисми қуйидаги ҳикматларнинг мазмунига ҳамоҳанг бўлади:

Ҳар ерни қилмагин орзу,

Ҳар ерда бор тошу тарозу.

Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши.

Бировнинг юртида шоҳ бўлгандан ўзининг юртингда гадо бўл.

Бугунги кунда айрим ёш йигит ва қизлар яхши яшаш илинжида ўз юртларини тарк этиб, узоқдаги «олтин тоғлар»га кўз тикмоқдалар. Бу «олтин тоғлар» сароб эканлигини ундай одамларга тушунтириш осон эмас. Катталарнинг гапига қулоқ тутмасдан ўзга юртларга кетганларнинг аксарияти ўз қилмишидан пушаймон бўлмоқда. Афсуски, пушаймонликда қолиб, афсус ва ҳасратлар билан ўз ҳаётини фожиали тарзда яқунлаётганлар ҳам бор. Афтидан; мана шундай алданган ва адашганлар аввалги асрларда ҳам бўлганлар. Улар билан содир бўлган фожиали воқеалардан хулоса чиқарганлар эса одамларга кичиклигиданоқ ибратли воқеаларни эртақлар тарзида ҳикоя қилганлар. Нима учун эртақлар тарзида? Юқорида эслатганимиздек, донишманд халқ ҳар бир ўғитни ўз юртининг фарзандларига кичик ёшларданоқ улар тушуна оладиган тарзда тушунтиришга ҳаракат қилган эди. Халқимиз ватанпарварлик тарбиясини ҳам кичик ёшдан бошлашни маъқул кўрган ва қатор эртақларда айнан мана шу ватанпарварлик ғояларини илгари сурган эди.

«Кенжа ботир» типидagi халқ эртақларидан ватанпарварлик ғоялари кенг ўрин олган, десак, хато қилмаймиз. Бизга маълумки, «Уч оға-ини ботирлар», «Кенжа ботир» деб номланувчи туркум эртақларнинг ҳар бирида бир неча ҳикматли гаплар мавжуд. Ҳар бир эртақнинг асосий ғояси заминида катта бир ҳикмат ётади. «Уч оға-ини ботирлар» эртақидagi доно ота тилидан айтилган учта ҳикматли гапга амал қилган ўғиллар бахтга

эришадилар. Демак, бу эртакнинг асосий ғояси «Кексаларнинг гапларига амал қилган одам бахтли бўлади», деган дидактик қарашдан иборатдир. Демак, мана шу фикр «Уч ова-ини ботирлар» эртагининг, шунингдек, «Кенжа ботир» типигаги эртакларнинг ҳам етакчи ғоясидир.

«Паҳлавон Рустам» эртагида икки дев одамларни ўзларининг бошлиқлари Девсафидга бир йиллик озуқа учун тортиқ қилиш мақсадида кун чиқиш томондаги мамлакатга учиб кетадилар. Бу мамлакатга яқинлашгач, бир юмалаб одам тусига кирадилар. Мамлакатда катта сайл бўлаётган эди. Улар доира ва дутор билан қўшиқ айтиб, ҳаммани ўзларига қаратадилар. Буларнинг куй-қўшиғига одамлар маҳлиё бўладилар. Мамлакат халқининг эътиборини ўзларига қаратиб олганларидан сўнг эса, ўз юртларини мақтаб кетадилар. «Бизнинг юртимизда олтин худди тупроқдек сочилиб ётибди» деган маккорлар арава ва қопларни олиб, ўзларига эргашиб боришни таклиф қиладилар. Содда одамлар бу ёлғонларга ишонадилар ва уларга эргашадилар. Шу мамлакатда яшовчи донишманд Зол уларни қайтармоқчи бўлади, аммо олтин васвасасига тушиб қолганлар донишманднинг гапларига қулоқ солмайдилар. Девлар ўз юртларига келгач асл қиёфаларига кирадилар ва одамлар алданганликларини биладилар. «Биз энди мақсадга етдик,- дейишади девлар,-очкўзлик қилиб олтин кетидан қувиб келдинглар. Ҳамма томонингиз бепоён чўл. Сизларнинг юртингиз бу ерга олти ойлик йўл. Энди ҳаммаларинг улугимиз Девсафидга ем бўласизлар».⁵²

Девсафид одамларнинг кўзини кўр қилиб қўяди ва улкан ер ости зиндонига қамаб қўяди. Олтинга бой бўлишни истаб, бегона юртларга кетганларни қутқариш мақсадида донишманд Зол ўғилларини юбормоқчи бўлади. Аммо икки катта ўғил ота синовидан ўта олмайдилар. Кенжаси Рустам ўзининг довураклиги ва шижоати билан отага маъқул бўлади.

Инсонпарварлик сингари олийжаноб мақсад билан йўлга тушган Рустам девларни енгади ва ватандошларини озод қилади.

«Кенжа ботир» типигаги бу ва бошқа эртакларда ҳам бир ёки бир нечта ҳикматли гап ётади. Масалан, «Паҳлавон Рустам» номли эртакнинг сўнгидан юқорида биз келтирган мақоллардан бири ўрин олган. Ҳаттоки бу мақол қадимдан ҳаётий воқеа туфайли юзага келганлигига ишора қилинади:

«Бировнинг юртида шоҳ бўлгандан, ўзингнинг юртингда гадо бўл» деган мақол ўша пайтдан қолган экан».⁵³

Бизнингча, эртакнинг бош ғояси бойликка ҳирс қўйиб, осон топиладиган роҳатни истаб, бошқа юртларга кетмоқчи бўлган одамларга ёлғон ваъдалар остидаги «олтин тоғлар» пуч ёнроқлардан иборат эканлигини кўрсатиб қўйишдан иборатдир.

Бозор иқтисодига ўтиш даврида социал-иқтисодий ривожлантириш муаммолари

С.А.Ҳайдарова
Қарши МИИ

Маълумки, бозор иқтисодига ўтишда Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий моделини ишлаб чиқди. Бу миллий моделда Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос миллий хусусиятлари инобатга олинди.

⁵² Б. 45.

⁵³ Б. 37.

Бу хусусиятлардан бири Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий урф-одатлари, оилавий муносабатлари ва кўп фарзандлилигидир.

Қачонки оилада меъёр даражасида иқтисодий таъминот, маънавий муҳит бўлса, бу оилада жамият учун зарур бўлган янги соғлом авлод вояга етади ва мамлакат тараққиёти учун муҳим ўринбосарлар етишиб чиқади.

Аммо бозор иқтисодиёти даврида мулкни хусусийлаштириш давр талаби бўлиб, у барибир ишсизлик муаммосини келтириб чиқариши табиий ҳолдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчиликнинг турли хил шаклидаги хўжалик субъектларининг вужудга келиши натижасида қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ишсиз бўлиб, уларни иш билан таъминлаш масаласи долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Айниқса қишлоқ хотин-қизлари учун иш ўринларини яратиш ҳозирги даврнинг асосий талабидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширилиши ҳаётини зарурийат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида асосий эътибор аҳоли даромадидаги фарқлар кескинлашувининг олдини олишга, иқтисодиёт барқарорлашиб борган сари мавжуд фарқларни қисқартиришга қаратилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ижтимоий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Давлат сиёсатини асосий йўналишларидан бири иқтисодиётни ривожлантириш негизида иш ўринларини яратишдир. Қишлоқда иш ўринларини яратиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цехлар ва бошқа корхоналар қурилишига шароит яратиб бериш лозим. Бунинг учун дастлаб қишлоқларга газ ўтказиш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини бартараф қилиш лозим. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик цехларини очиш учун амалий ёрдам кўрсатиш керак. Ҳозирча бу муаммоларга етарлича аҳамият берилмаяпти. Агар қишлоқда газ ва тоза ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилган бўлса, ўз-ўзидан мулкдорлар, тадбиркорлар ҳар бир жойнинг имконият ва эҳтиёжларига мос равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни, цехларни қуришга ҳаракат қилади. Бу маҳсулотларнинг бузилишини, исроф бўлишини олдини олиб, олувчи ва сотувчи учун ортиқча сарф-ҳаражатларни тежаш имкониятларини беради, маҳсулотлар таннархи арзонлашади ва сифат даражаси ошади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни қурилиши арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш билан биргаликда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имкониятини ҳам яратади.

Аҳолининг иш билан бандлиги иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан балки сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ёшларни меҳнат, жисмоний жиҳатдан чиниқтириб қолмасдан мафкуравий жиҳатдан ҳам тарбиялайди. Уларни жамиятга, оилага, ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаб, ҳар хил ёт қарашлар ғояларга берилишининг олдини олади. Меҳнат инсонни улуглайди, тарбиялайди ва чиниқтиради деб бежиз айтилмаган.

Қишлоқ ёшларини бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт соғломлаштириш объектларини қуриш, ҳар хил спорт мусобақаларини ташкил этиш лозим.

Қишлоқда иқтидорли, талантли ёшларни аниқлаш учун ҳар хил кўрик-танловларга жалб қилиш керак. Шунинг учун қишлоқ ёшлари ўз талантларини намойиш қилишлари учун уларга амалий кўмак бериш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов «Независимая» газетаси мухбирига берган интервьюсида ишонч билан бизнинг мамлакатимизда ғарбдаги воқеаларни содир бўлиши мумкин эмас, деб қатъий ишонч билдирди, чунки бизнинг мамлакатимизда социал ижтимоий зиддиятларни содир бўлишига асос йўқ.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ижтимоий-сиёсий барқарорлик- сиёсий тизим институтларининг самарали ишлашини таъминлайдиган қонунлар ишлаши ва жамоат тартиби, хотиржамлик ва хавфсизлик сақланиши учун негиз яратувчи пойдевор,... жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг барқарор ривожланиши ҳамда тараққиётининг кафолатидир” деган сўзлари юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир.

Молиявий жавобгарлик

Э.Ҳожиев

Тошкент давлат юридик институти

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида молиявий жавобгарликни белгиловчи меъёрлар илк мартаба 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 135-моддасида “молиявий жазо чоралари” сифатида юзага келди. Жумладан, мазкур моддага биноан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчига нисбатан молиявий жазо чоралари (жарима ва пеня) қўлланиши назарда тутилган.

Лекин, амалдаги қонунчилигимиз, молиявий жавобгарликнинг бошқа юридик жавобгарлик турлари сингари умумий жиҳатларини белгилаб бермаган. Шу сабабли ҳам, унинг тушунчаси амалиётда турлича талқин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси молиявий тизими давлат ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган бир қанча бўғинларни: бюджет, солиқ, банк, валюта ва бошқаларни ўз ичига олган бўлиб, бу соҳаларни ҳуқуқий тартибга солиш - аниқ ва тўғри ишлаб чиқилган меъёрларни (қонунлар ва қонуности актларини) талаб этади. Молия соҳасини тартибга солувчи асосий воситалардан бири эса, молиявий жавобгарликдир.

Илмий адабиётларда “молиявий жавобгарлик”нинг юридик табиати ва тузилиши бўйича ягона фикр мавжуд бўлмай, унинг тушунчаси бир неча йўналишларда кўриб чиқилган. Биринчи гуруҳ олимлари молиявий жавобгарликни – юридик жавобгарликнинг мустақил турига киритишади. Иккинчи гуруҳ олимлари молиявий жавобгарликни маъмурий жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида кўрсатиб ўтишади. Кейинги гуруҳ олимлари эса, юридик жавобгарликнинг мустақил турлари сифатида – солиқ, валюта, бюджет ва солиқ-процессуал жавобгарликларини кўрсатиб ўтишади. Тўртинчи гуруҳ олимлари, солиқ, бюджет, валюта жавобгарликларини – молиявий жавобгарлик тизимида кўрсатиб ўтишади.

“Молиявий жавобгарлик” тушунчасининг юзага келишида юридик жавобгарликнинг умумий назарияси ва асосан маъмурий жавобгарлик назариясининг ривожланиши катта таъсир кўрсатди.

Қонун чиқарувчи, солиқ қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг алоҳида бир бобида, солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жавобгарлик масалаларига бағишланган меъёрларни кўрсатиб ўтиши лозим. Бунда қуйидагилар ўз ифодасини топган бўлиши лозим: биринчидан, молиявий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари; иккинчидан, молиявий жавобгарлик мақсади ва унинг ижтимоий аҳамияти; учинчидан, молиявий жавобгарликнинг асосий функциялари; тўртинчидан, молиявий санкциялар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Молиявий жавобгарлик тушунчасини батафсил ёритиб бериш учун бизнингча, биринчи навбатда унинг мақсадини аниқлаб олиш лозимдир.

“Мақсад” тушунчаси ҳуқуқ соҳаларида турлича талқин қилинади. Мақсад ҳар бир қонунда ва қонуности актида, шунингдек айрим юридик воситаларда (масалан, жазода) ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим.

Молиявий жавобгарликнинг мақсадини белгилаш зарурати - жамиятнинг ривожланиши, мамлакат молиявий тизимидаги турли жараёнларни тартибга солиш ҳамда молиявий тизимга зарар келтирувчи муносабатларни бартараф этишдан келиб чиқади.

Қонун чиқарувчи томонидан ҳуқуқий мақсаднинг ўрнатилиши – бу нафақат индивидларнинг манфаатларига, балки аниқ бир ижтимоий муносабатларнинг мавжуд бўлишининг объектив шароитларига ҳам асосланади.

Табиийки, савол туғилиши мумкин, молиявий жавобгарликнинг мақсадини қардан излаш керак, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларданми ёки унинг доирасидан ташқаридами? Баъзи ҳуқуқшунос олимлари, мақсад ҳуқуқнинг мазмунидан келиб чиқади ва меъёрий хусусиятга эга, дейди. Бошқа олимларнинг фикрича эса, ҳуқуқ мазмунига фақатгина қонун чиқарувчининг мақсади тўғрисидаги маълумотлар киради, деб кўрсатади. Бизнингча, иккала қараш ҳам тўғри бўлиб, баъзи ҳолларда мақсад – ҳуқуқнинг мазмунига киради ва меъёрий ҳисобланади, бошқа ҳолларда эса, уни мантиқан келтириб чиқариш, ижтимоий ҳаётдаги камчиликлардан излаш лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида мамлакат молиявий тизимида бир қанча нохуш ҳолатларни кузатиш мумкин. Жумладан, биринчидан, умумий молиявий мувозанатсизлик; иккинчидан, бир қатор қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий актларнинг молиявий таъминланмаганлиги; учинчидан, солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бюджетларга келиб тушмаганлиги; тўртинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг юқори даражада бўлиши; бешинчидан, чет эл валютасидаги маблағларнинг ҳориждан қайтиб келмаганлиги; олтинчидан, бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, уларни ўзлаштириш ва ҳ.к.лар. Бундай ҳолатларни Ўзбекистон Республикасининг молиявий тизимида ҳам учратишимиз мумкин.

Бундан ташқари, ҳар қандай давлат (унинг тузилишидан қатъий назар) молиявий муносабатларни тартибга солмасдан туриб нормал функцияланиши, давлатнинг фаолият юритиши ва инсонлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши мумкин эмас. Бу ва бошқа ҳолатлар молия соҳасидаги ҳар қандай жавобгарликнинг аниқ мақсадини белгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Бизнингча, молиявий жавобгарлик мақсадининг ўзи – субъективдир, лекин унинг асосида турувчи омиллар - объективдир. Молиявий жавобгарлик мақсадининг объектив томони икки томонлама хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарликнинг юқори даражада бўлишини пасайтиришни талаб этувчи омил, иккинчидан қўйилган мақсадга эришиш омили.

Маъмурий юрисдикциявий фаолият тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ф.Р.Самиғжинов.

Тошкент давлат юридик институти

Жамиятдаги ижтимоий бошқарувни тартибга солишда кўпгина ҳуқуқий нормалар қўлланилади. Мазкур нормалар орқали давлат бошқарувининг функция ва вазифалари таъминланади. Давлат бошқарувида функция ва вазифаларни амалга оширишга

қаратилган нормалар давлат ва жамият ҳаётида қай даражада қўлланилмасин уларга риоя этилишини доимий равишда назорат қилиш лозим. Мазкур нормалар талабларини бузганларга нисбатан турли ҳуқуқий санкциялар қўлланилади. Мазкур ҳуқуқий санкцияларни қўллашнинг мазмунини ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқиш ҳамда мазкур иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида ва ишнинг мазмуни юзасидан келиб чиқадиган масалалар ташкил этади.

Амалда мазкур ҳаракат “юрисдикция” номи билан аталиб, “юрисдикция” таркибида юридик ишлар ҳал этилиб, ҳуқуқий ҳимоя кўрстатилади ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари учун давлат ҳокимияти номидан ҳуқуқий санкциялар қўлланилади.

Маъмурий юрисдикциявий фаолиятга бевосита тўхталиб ўтишдан аввал “юрисдикция” термини маъносига тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади.

Юрисдикция- (лотин тилидан олинган сўз бўлиб судлов, ҳуқуқ, сўзлаш) тегишли давлат органларининг ҳуқуқий келишмовчиликларни ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал этиш, яъни шахс ва бошқа ҳуқуқ субъекти ҳаракатларини уларнинг қонунийлиги нуқтаи назардан баҳолаш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкциялар қўллаш ваколатларининг қонунда белгиланган мажмуасидир. Юрисдикция ҳал этиладиган ишларнинг тури ва хусусиятига, уларнинг ҳудудий тегишлилигига, ишда қатнашувчи шахсларга қараб белгиланади. Шунингдек, юрисдикция дейилганда мазкур ваколатлар тааллуқли бўлган муносабатлар соҳаси ҳам тушунилади.

Маъмурий юрисдикция томонидан ҳал этиладиган ишлар кенг қамровли бўлиб, давлат ва жамият манфатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдаги ўрни каттадир.

Маъмурий юрисдикция фаолиятини самарали ташкил этиш давлатда ҳуқуқий тартибот таъминланишини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ижобий ҳал этишни кўзда тутди. Чунки жамият ва давлат ҳаёти барча томонларининг эркинлаштирилиши, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, тadbиркорлик фаолиятининг кенг даражада ривожланишини таъминлаш ваколати давлат бошқаруви органлари томонидан кенг қамровли юрисдикциявий фаолият олиб боришни тақазо этади.

Шу сабабли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқий тартиботни мустқамлашда маъмурий жавобгарлик институтини самарали амалга ошириш ва жамиятдаги муносабатларга нисбатан унинг таъсир доирасини кенгайтириш лозим бўлади. Машҳур олим А.Ю.Якимов “маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига нисбатан давлатнинг таъсир кўрсатиш воситаларини кенгайтириш бу механизмни самарали шаклантириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган шахсга нисбатан тез маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини амалда қўллаш ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини олдини олиш ва қонунсиз ҳаракатлар содир этилганда шахсларга таъсир кўрсатиш таъминланиши мумкин бўлар эди”,⁵⁴ –деб таъкидлаб ўтган эди.

Юрисдикциявий ҳимоя қилиш воситасини кенгайтириш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалий таъминлаш давлат органларининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Юрисдикция- кенг қамровли тушунча бўлиб давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқий мунозарали масалаларни ҳал этиш, жиноят ишлари ва бошқа ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жазо чораларини қўллашга қаратилган кенг йўналишдаги фаолиятни ўз ичига олади.

⁵⁴ Якимов. А.Ю. Статус субъекта административной юрисдикции и проблемы его реализации. М. Проспект. 1999 г. Ст3

Юридик адабиётларда маъмурий юрисдикция дейилганда анъанавий равишда куйидагилар тушунилади:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш.

2) давлат бошқарувида (ижро ҳоқимиятида) юзага келадиган якка тартибдаги ҳуқуқий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ бўлган масалалар.⁵⁵

Юрисдикция давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифасининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Юрисдикциявий процессда ҳуқуқий ҳимоя қилиш амалга оширилади, ҳуқуқий масалалар ҳал этилади, ижтимоий муносабат қатнашчиларининг фаолиятларига ҳуқуқий баҳо берилиб, давлат ҳоқимияти номидан ҳуқуқий санкцияни қўллаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Маъмурий юрисдикцияни- кенг доирада тушуниш учун асоснинг шаклланиши ҳамда тор доирада тушуниш учун унинг мазмуни ҳисобланган маъмурий процессуал фаолият масаласига эътибор қаратиш лозим. Маъмурий процессуал фаолият иккита йўналишда бўлади: а) маъмурий процессуал; б) маъмурий юрисдикциявий.

Маъмурий процесс иккита йўналишга ажратилган бўлса ҳам уларга хос умумий бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бунда суддан ташқари тартибда амалга оширилиши, маъмурий ишларнинг якка тартибда эканлиги, ҳуқуқий тартибга солишнинг ягоналиги каби умумлаштирувчи жиҳатлари ҳам мавжуддир.

Лекин ҳар қандай ҳуқуқни муҳофаза қилиш шаклидаги юрисдикциявий йўналишдаги ижро ҳоқимияти органлари мансабдор шахсларининг фаолиятини маъмурий процессуал фаолиятга қўшишимиз мумкин эмас.

Маъмур академиясининг тупроқ тўғрисида билимларнинг пайдо бўлишидаги роли

М. Қаҳҳорова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

IX-XII асрларда Буюк Хоразм давлати ҳудудида вужудга келган Маъмур академияси узоқ ва яқин шарқ мамлакатларидагина эмас, балки Оврупа ва бутун дунё мамлакатлари ўртасида ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, академия ўз даврида фалсафа, математика, тиббиёт, адабиёт, геология, география ва бошқа фан соҳаларида катта жаҳоншумул тадқиқотларни олиб борди. Бу буюк фан даргоҳида ўзининг ақл – заковати билан тенги йўқ буюк алломалар –Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино ижод қилганлар. Биз адабиётларда Абу Райҳон Берунийни математика, геология, геодезия, фалсафа фанлари соҳасида, Абу Али Ибн Синони эса –тиббиёт олимларининг “даҳоси” деб биламиз. Бироқ бу икки аллома ижодидан одатда барча тиббиёт ва ижтимоий фанлар каби унча машҳур бўлмаган, лекин инсон ҳаёти учун, қолаверса табиатнинг гўзаллиги ҳам у билан бевосита боғлиқ бўлган ўта камтар фан тупроқ тўғрисидаги фанга асос солингани маълум.

Адабиётларда тупроқшунослик фанига XIX асрнинг охири чорагида (1883й) В.В Докучаев асослаган. В.В Докучаев табиий тупроқ ҳосил қилувчи омилар тўғрисида воя яратди ва “тупроқ табиати маҳсулотидир” деган фикрни билдирди. Бироқ аждодларимиз томонидан қолдирилган қўлёзмаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бунда деярли 850-900 йил олдин Абу Райҳон Беруний ўзини “Жавоҳирларни билишга оид маълумотлар тўплами” (“Китобил жамоҳир фи марифатил жавоҳир”) китобида, кейинчалик эса ўзининг “Геодезия” номли машҳур асарида тупроқ ҳосил қилувчи она

⁵⁵ Салищева Н.Г. Гражданини и административная юрисдикция. М.1970г. ст19-20.

жинслар, уларни минерал таркиби, ҳаттоки ҳар-бир минерал учун хос бўлган солиштирма масса, уни аниқлаш усуллари, нуралган тоғ жинсларини дарё сувларини оқими тезлигига қараб тақсимланиши ва ниҳоят бу жинсларнинг нуралишида иқлим кўрсаткичларининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Тупроқни пайдо бўлишида, кейинчалик эса ўсимликлар таркибида инсон ҳаёти учун зарур бўлган элеменларнинг тўпланишида, ўсимлик дунёсининг муҳим ўрин тутиши таъбиот соҳиби буюк Абу Али Ибн Сино ўз асарларида чоп этган.

Абу Райҳон Беруний тоғ жинсларини ўрганиш соҳасида тадқиқотлардан шундай хулосага келади “тоғлар силлиқ, гулдор тошлардан, тошга айланиб қолган тупроқлардан ва қумлардан (бизнинг фикримизча бу конгломератлар) ташкил топган. Харсанглар ва шағаллар эса узилиб тушган тоғ жинсларидир. Улардан шамол ва сув таъсирида ажралиб кетган айрим бўлақлар эса қум ва тўзонлардир.” Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Беруний ўз даврида ҳозирги замон тупроқшунослик илмига эга бўлмаган бўлсада, тупроқнинг сув, шамол таъсирида парчаланиши, иссиқлик ва совуқлик натижасида емирилиши ҳамда иқлим таъсирида тупроқларнинг минтақалар бўйича тарқалишига асос солинди.

Нураш жараёнини натижасида катта ҳажмдаги (миқёсидаги) тоғ жинсидан ҳархил катта- кичикликдаги, шаклдаги механик элементлар вужудга келади. Бу механик элементлар таснифини XVIII-XIX асрда чоп этилган тупроқшунослик, айниқса тупроқ физикаси адабиётларида учратамиз. Бу таснифлар асосан рус олимлари, қолаверса Оврупа олимлари қаламига мансубдир. Бироқ Абу Райҳон Беруний механик элементлар таснифини XI асрда бериб, у уларни 5 гуруҳга бўлади: 1. харсанг тошлар; 2. шағал; 3. қум; 4. тўзон; 5. лойқа. Ўз моҳияти жиҳатидан Беруний томонидан ажратилган бу механик элемент гуруҳлари ҳозирги замон тупроқ физикасида -1 ва 2 гуруҳлар тупроқнинг тошли (скелети) қисми деб ажратилган бўлса, қум ўз гуруҳида, тўзон эса “чанг” деб, лойқа эса ил заррачаси номи билан юритилади. Афсуски, механик заррачаларнинг Беруний томонидан берилган бундай таснифдан ҳеч бир адабиётларда кўрсатилмаган, биргина бу эмас, балки тупроқ минерал қисмини қаттиқ фазасини солиштирма массасини аниқлаш бўйича Беруний томонидан таклиф қилинган услуб ҳам адабиётларда келтирилмайди.

Тупроқларни пайдо бўлиши, унинг биосферадаги, жумладан таъбиотдаги роли тўғрисидаги Абу Али Ибн Сино асарларида ёритилган. Ер шари ва тупроқнинг тузилиши ҳақида Ибн Сино шундай дейди: “Ер шарининг ўрта қисмида ернинг оддий фаолиятини тўла қамраб олган тоза ер бўлиши керак. Бундай ерда тупроқнинг сув билан аралашмаси, яъни гил бўлиши керак. Бунинг учун тупроқ ва сувнинг ўртасида мутаносиблик бўлиши керак. Бундай тупроқ ўсимликлар ва тирик организмларнинг ҳаёт фаолияти учун асос бўла олади”. Ушбу келтирилган жумладан аён бўладики, тупроқ биосферада ҳаётни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари Ибн Сино ўзининг 10 жилдлик танланган асарларининг биринчи жилдида ҳаво, оқар сув ва тупроқ экологияси тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтади.

Биз тадқиқотчилар Я. Ф. Фуломов, А. Қаюмов, А. Муҳамеджонов, С.П.Толстов ва бошқалар фикрларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда тупроқларнинг келиб чиқиши, ривожланишига илмий-ёндашиш IX-X асрлардан бошланган деб айта оламиз. Албатта бу ўринда Узоқ ва Яқин Шарқда ягона бўлган Маъмун Академиясининг ўрни, бу буюк даргоҳда ўзининг кўп қиррали илмий фаолиятини давом эттирган буюк алломаларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Синоларнинг хизматлари беҳисобдир. Шу даврдан бошлаб табиатнинг ажойиб мўъжизаси ҳисобланган тупроққа муносабат, уни ўрганиш, деҳқончилик усуллар, экинлар хосилдорлигини ошириш, уни ҳимоялаш каби масалалар барчани қизиқтирган. Қадимий деҳқончилик тарихини ўрганиш орқали тупроқнинг келиб чиқиши тўғрисида

буюк ғоялар бизнинг ватандошларимиз номи билан аталишини кўрсатиб бериш- бу мустақилликка эришган Ўзбекистон тупроқшуносларининг катта ютуғи бўлади десак ҳато бўлмайди.

Европа иттифоқида инвестицион оқимлар

А.Т. Жўраев

Бухоро давлат университети

Замонавий жаҳон иқтисодиётида Европа Иттифоқи асосий иқтисодий марказлардан бири сифатида қабул қилинади. Буни турли иқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан ЕИдаги инвестиция оқимларининг кўлами ҳам тасдиқлайди.

Хорижий тўғри инвестиция (ХТИ) бир иқтисодиётдаги инвесторнинг бошқа иқтисодиётда жойлашган корхона фаолиятига узоқ муддатли манфаат кўриш мақсадида инвестиция йўналтириши кўринишидаги халқаро инвестиция категориясига хосдир. Узоқ муддатли манфаат мақсади корхона ва инвестор ўртасида яқин алоқалар мавжудлигида ҳамда инвесторнинг корхонани бошқаришда сезиларли таъсири борлигида намоён бўлади. Инвестор корхона акцияларининг ва бунинг натижасида овоз бериш ҳуқуқининг ҳам 10 фоздан ортиқроғига эга бўлган ҳолларда юқоридаги ҳолат тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Қуйидаги жадвалда Европа Иттифоқида 2003 йилги ХТИ оқимлари кўрсаткичлари келтирилмоқда.

1 – жадвал. Европа Иттифоқида инвестиция оқимлари, млрд. евро, 2003

	ЕИдан инвестиция		ЕИга инвестиция	
	ЕИ – 25дан ташқарига	ЕИ – 25га	ЕИ – 25дан ташқаридан	ЕИ – 25дан
ЕИ – 25	118,1	185,2	77,2	198,2
ЕИ – 15	122,1	178,4	75,3	189,0

*Изоҳ: ЕИ – 25 ичидаги инвестиция кўрсаткичлари статистик фарқлар сабабли бир-бирига тенг эмас.

2003 йилда ЕИ жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун соф инвестор ҳолатида эди. Чунки, ушбу даврда ЕИ аъзолари томонидан қилинган ХТИ ҳажми, ЕИга киритилган ХТИ ҳажмидан 41 млрд. еврога кўпроқ бўлди (ЯИМнинг 0,4 %и). 2002 йилда эса, ЕИ соф ХТИ қабул қилувчи бўлиб, ўша йили ЕИга киритилган ХТИ ҳажми ЕИ томонидан қилинган ХТИ ҳажмидан 26 млрд. еврога ортиқ эди.

ХТИ ҳажмларини кўздан кечириш асносида, улар йўналтирилган соҳа ва тармоқларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда Европа Иттифоқида ҳам барча ривожланган иқтисодиётларда бўлгани каби илмталаб ишлаб чиқаришга кўчиш рўй бермоқда. Шу сабабли, меҳнатталаб ишлаб чиқариш асосан ривожланаётган мамлакатлар томонидан амалга оширилмоқда. ЕИнинг ривожланаётган мамлакатларга киритилаётган ташқи инвестициялари ҳам кўп ҳолларда меҳнатталаб ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Бундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонга ЕИ тўғри инвестицияларини жалб қилиш борасида кенг имкониятларга эга эканлиги шубҳасиз. Европалик инвесторлар

Ўзбекистон бозоридаги қулай имкониятлардан фойдаланиб келишмоқда. Ҳозирги кунга келиб, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга тегишли 150 дан ортиқ компания Ўзбекистонда ўз офисини очган. Жаҳондаги энг йирик трансмиллий корпорациялар қаторига кирувчи Нестле, Сименс АГ, Маннесманн АГ, Юнилевер, Филипс Электроникс, БАТ, Алкател, Эрикссон каби кўплаб корпорациялар мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. ЕИ давлатлари билан бирга ташкил қилинган 550 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг учдан бири 100 фоиз Европа капитали асосида қурилган. Европалик инвесторлар машинасозликка, озиқ-овқат, кимё ва нефт кимёси, ёрочсозлик ва целлюлоза – қоғоз саноатига айниқса кўп ҳисса қўшдилар. Ёқилғи, энергетика ва енгил саноат тармоқларини эса, улар томонидан кам ўзлаштирилган тармоқлар деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистонда енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришни Европа Иттифоқи билан бўладиган иқтисодий – инвестицион алоқаларда устивор йўналишлар сифатида қабул қилиш ҳамда тегишли ислохотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу тармоқларга киритилаётган инвестицияларнинг асосий қисми тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш лойиҳаларига йўналтирилиши зарур. Ҳозирда миллий даромаднинг 30 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида яратилаётганига қарамай, ушбу тармоққа жалб қилинаётган тўғри инвестициялар ҳиссаси жамига нисбатан атиги 7 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Европа Иттифоқига экспортини янада кенгайтириш, Европа инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилинишини рағбатлантириш мақсадида бир қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур. Улар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- эркин иқтисодий зоналар, хусусан, экспортга ишлаб чиқариш эркин зоналарини ташкил қилиш;
- товарларнинг сифатини талаб даражасига етказиш мақсадида стандартлаштириш ва сертификатлаш миллий тизимини ИСО 9000 каби халқаро сифат стандартлари тизимларига мослаштириш;
- миллий, Европа ва жаҳон бозорларида олиб бориладиган маркетинг тадқиқодлари самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи тегишли инфратузилмани шакллантириш;
- арзон ва малакали ишчи кучи мавжудлигидан фойдаланиб, хусусан енгил саноатда меҳнатталаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш.

Замонавий инфор­мацион технологияларни ўқув жараёнларида жадал қўллашнинг психологик педагогик шартлари

**Б. Т. Эргашев, З. Б. Муҳаммадиева
Бухоро ОО ва ЕСТИ**

Ҳозирги пайтда билимларни сингдириш усулларининг сифатини ошириш бўйича маълум тенденциялар пайдо бўлмоқда. Бунга микропроцессор технологияларининг кескин сакраш билан ривожланиши кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш андозаси ва усулларининг тубдан ўзгариши сабаб бўлмоқда. Агар яқин ўтмишда маълумотли кишига иш юритиш учун унинг фикрлаш доирасини тўлиқ ифодаловчи классик билимлар тўплами ва маълум бир тор йўналишдаги профессионал билим етарли бўлса, ҳозирги кунларга келиб буларнинг ҳаммаси ўз долзарблигини йўқотиб,

ўрнини бутунлай янги ва тез ўзгарувчи воқеликка бўлгани бериб берилади. Бунда ўқимишли киши учун фақатгина классик билимлар тўплами эмас, балки турли хил информациялар улкан оқимидан керакли билимларни топа билиш ва муваффақиятли иш юритиш учун қандай билимлар фойдали эканлигини аниқлай билиш муҳимдир.

Албатта, юкорида айтилганлар инсоният маданий-тарихий тажрибаси-нинг асосий базаси бўлган классик билимларни ва тор соҳа бўйича билимлар олишнинг заруригини инкор қилмайди. Муаммо шундаки, замонавий одам бу билимларни ўзлаштириш учун олдинги даврлардагига ўхшаб кўп вақт сарфлай олмайди. Афсуски, ўқув муасасалари қийинчилик билан бу ҳақиқатни англамоқда ва ўқитиш тизимини у ёки бу сабабларга кўра хоҳишсизлик билан қайта тузмокда.

Ўқув юртларида махсус билимларни ўзлаштириш эффективлигини ошириш усулларида бири ўқув жараёнларида информация технология-ларни қўллаш ҳисобланади. Уларнинг ёрдамида ўқитиш сифатини ошириш мумкин. Аммо, шароит шундайки, замонавий информация технологияларни ўқув жараёнларида қўллашда қийинчилик туғдирувчи бир қатор объектив сабаблар мавжуд. Шундай сабаблардан бири профессор ва ўқитувчилар то-монидан замонавий информация технологияларни амалиётда қўллашда бир қанча қийинчиликлар мавжудлигидир. Булардан асосийлари қуйидагилар:

-Янги информация технология асосида ўқув маҳсулотларини ўзлаштириш, тайёрлаш ва қўллаш учун кетадиган меҳнатга ҳақ тўлаш учун қўшимча маблағнинг йўқлиги;

-Ўқитувчига янги информация технологияни ўзлаштириш ва ўқув жараёнларида қўллаш ҳисобига унга кўйилган юкларнинг ортиб кетиши;

-Талабаларни ўқитиш усуллари ва шароитлари ўзгариши маъносида ўқитувчиларнинг мутаассиблиги.

Шундай бўлса-да, кўпчилик ўқитувчилар янги замонавий информация технологияларни ўқув жараёнларида қўллашга ижобий муносабат билдирадилар ҳамда, ўз малакаларини ошириш ва замонавий ўқитиш усуллари қўлашни ўрганиш тарафдоридирлар.

Замонавий информация технологияларни ўқув жараёнларида эффектив қўллашнинг асосий шартларидан бири ўқитувчининг бу воситаларга нисбатан тутган шахсий нуқтаи назаридир. Шундай қилиб, бу воситаларни эффектив ишлатиш учун ўқитувчида ижодий активлик, шижоат ва бу технологияларни ўрганишга бўлган қизиқиш керак бўлади.

Бу йўналишда тадқиқот олиб бориш учун анкета тузилди ва унга информация технологиялар билан боғлиқ бўлган саволлар киритилди.

Бухоро ОО ва ЕСТИ да ўтказилган анкета текшируви анализ қилинганда кўпчилик ўқитувчилар информация технологияларни ўқув жараёнларида қўллашга ижобий ёндошишларини билдиришди. Сўралганларнинг 85 фоизи информация технологиялар соҳасида ўз малакасини оширишга тайёр эканлигини билдиришди. Кўпчилик ўқитувчиларнинг ўз педагогик фаолиятида компьютер ва видеомагнитофонлардан актив фойдаланаётганлиги аниқланди.

Электрон қўлланмалар яратиш тажрибасидан

Ш.А. Норқулов , С.П. Аллаёров ,С.И. Қулмаматов , О.Б. Бурхиев
Гулистон давлат университети

Ҳозирда республикамизнинг барча таълим-тарбия муассасаларида, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, дарсликларнинг электрон вариантани тайёрлаш жадал суратлар билан амалга оширилмоқда.

Электрон дарсликлар талабаларнинг фанни мустақил ўзлаштиришларига яқиндан ёрдам берибгина қолмасдан, балки фанга оид мавзулардаги ҳаракатли жараёнларни талаба кўз ўнгида тасвирланиши натижасида, уларнинг шу жараён ҳақидаги тасавурларининг ошиши, мустақил фикрлаш қобилиятларининг ўсишига ҳам яқиндан ёрдам беради.

Бундан кўриниб турибдики, электрон дарслик маълум бир фан бўйича барча тегишли ўқув материалларини ўзида ифода этган бўлиши лозим. Унинг интеллектуал даражасида булиши эса, ўз навбатида оддий дарсликка нисбатан бир катор афзалликларни яратади: маълумотни тез излаб топиш; мавзуларни ўзлаштириш даражасини мультимедиали ва графика элементлари ёрдамида амалга ошириш ва ҳақозо.

Ҳозирда асосан ўқитувчи ва назорат қилувчи электрон дарсликлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Бу каби электрон дарсликлар яратишдан асосий мақсад талабалар яратилган электрон дарслик орқали мустақил билим олиши билан бирга ўз билим даражасини аниқлашга эришиш демакдир. Натижада талаба мустақил ишлаши давомида етарли даражадаги билим, малака ва кўникмага эга бўлади.

Фанлардан тайёрланган ўқув материаллари бўйича электрон дарсликлар ва қўлланмаларни яратишни тезкор усулда амалга ошириш мақсадида компьютер дастури яратилган бўлиб, бу дастур тайёрланган материалларнинг HTML тилига ўтказилган форматларини қўллаб-қуватлайди. Шу билан бирга ҳар бир мавзудан кейин шу мавзуга тегишли тест саволлари учун махсус жой ажратади ва тугмача билан боғлайди.

Ушбу дастурдан фойдаланиб ихтиёрий фанлардан тайёрланган электрон матнларни ва шу фан бўйича назарда тутилган назорат саволларини тезкорлик билан ўқитувчи ва назорат қилувчи электрон дарслик ва қўлланма кўринишига келтириш мумкин. Бу каби электрон дарслик ва қўлланманинг бошқа электрон дарслик ва ўқиланмалардан фарқи шундаки, талабаларга фан бўйича назорат саволлари орқали ҳар бир мавзудан сўнг ва барча мавзулар бўйича ўз билим даражасини аниқлашга имконият яратилади.

Талабанинг мустақил билимини аниқлашда фойдаланиладиган тест дастурида саволларни мураккаблик даражаси бўйича баллар билан белгилаш назарда тутилган бўлиб, амалдаги рейтинг тизими асосида талабанинг мустақил олган билим даражасини аниқлайди.

Маърузада электрон ўқув қўлланмалар учун оммабоп қобиқ дастур имкониятлари ва у билан ишлаш ҳақида батафсил тўхталиб ўтилади.

Бухоро вилояти шаҳарларининг функционал типлари ва ривожланиши

А.М. Мавлонов

Бухоро давлат университети

Шаҳарларнинг қайси соҳага ихтисослашуви уларнинг бажарадиган вазифасини аниқлаш функционал типология доирасида амалга оширилади. Бунда бош мезон қилиб шаҳар аҳолисининг бандлик таркиби олинади, яъни қайси соҳада меҳнат ресурслари кўпроқ бўлса, ўша йўналиш мазкур шаҳарнинг функционал типини ифодаб беради. Одатда шаҳарлар бажарадиган вазифасига кўра бир функцияли ва кўп функцияли бўлади. Шаҳар ҳосил қилувчи функциялар иккита асосий гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш соҳасидаги ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги. Биринчисига саноат ва транспорт марказлари киради. Масалан, Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ, Қўқон, Ховос, Қўнғирот ва бошқалар. Аҳолисининг асосий қисми фан ва илмий ишлаб чиқариш, маданият, рекреация ва туризм каби ноишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган шаҳарлар иккинчи гуруҳни ташкил этади. Ўзбекистонга бу гуруҳга тегишли шаҳарлар атиги иккита, унча ривожланмаган. Мисол, Улугбек – фан, Чортоқ – рекреация марказидир.

Тадқиқот объектимиз ҳисобланган Бухоро вилояти шаҳарларининг функционал таркиби ҳам ўзига хосдир. Вилоят маркази – Бухоро шаҳрини вилоятнинг энг йирик саноат маркази сифатида кўп тармоқли саноат марказлари қаторига ҳам киритиш мумкин. Чунки шаҳарда кўплаб саноат тармоқларига оид корхоналар мавжуд. Шунингдек, Бухоро шаҳрини бошқарув функциясини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Агар Ўзбекистон шаҳарлари бўйича бошқарувда 8 фоиз аҳоли банд бўлса, Бухоро шаҳрида ушбу кўрсаткич 10 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Вилоятнинг саноат марказларига (Бухоро шаҳридан ташқари) Қоровулбозор, Газли ва Зафаробод сингари «ресурс шаҳарлар» ҳам киради. Ушбу шаҳарларнинг барчасини бир хил саноат тармоқларига ихтисослашганлиги диққатга сазовордир. Масалан, Қоровулбозор - нефтни қайта ишлаш, Газли – газ саноатига, Зафаробод - рангдор металлургия саноатига ихтисослашган.

Транспорт марказлари қаторига Бухоронинг ягона вакили Когон шаҳри мансуб. Когон шаҳри вужудга келишига ҳам транспорт омили сабабчи бўлган. Когон 1888 йил темир йул станция сифатида ташкил топган эди. Айтиш керакки, у нафақат вилоятнинг, балки республиканинг асосий транспорт тугунларидан бири ҳисобланади. Шаҳар аҳолисининг 28 фоизи транспортда банд. Бу кўрсаткич республика шаҳарлари бўйича ўртача 3,5 фоизга тенг. Когон Бухоронинг асосий саноат марказларидан бири бўлганлиги боис, уни саноат маркази ҳам дейиш мумкин. Шаҳардаги ёр-мой, пахта тозалаш, оҳак заводлари ва вагон таъмирлаш корхонаси вилоят саноатининг энг муҳим корхоналаридан саналади. Когон Бухоро вилояти саноат маҳсулотининг 5,3 фоизини етказиб беради. Шаҳар аҳолисининг 25,7 фоизи саноат корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Юқоридаги рақамлар Когонни фақатгина транспорт маркази эмас, балки саноат – транспорт маркази дейиш учун асос бўлади.

Худди республикамизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам жуда кўп шаҳарлар агроиндустриал йўналишга эга, яъни уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари мавжуд. Бундай шаҳарлар гуруҳига биринчи галда Фиждувон, Қоракўл, Вобкент, Шофиркон, Олотта ўхшаш шаҳарлар мансуб. Умуман олганда, Бухоро вилояти шаҳарларини функционал типология доирасида кўрадиган бўлсак, энг кўп қаторни туман марказлари ташкил этади. Вилоятдаги 13 та шаҳар манзилгоҳининг 10 тасини, яъни 77 фоизи туман марказларидан иборат. Бундай

шаҳарлар, яъни “кичик пойтахтларнинг” барчасида (Қоровулбозордан ташқари) агроиндустриал йўналишни устун туришини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шунингдек бу гуруҳдаги шаҳарларнинг яна бир ўзига хос хусусияти, уларнинг қишлоқ жойларига яқинлиги ва, шу боис, аҳолисининг бир қисмини бевосита қишлоқ хўжалик тармоқлари билан бандлигидир.

Бухоро вилоятида иккинчи тоифа, яъни шаҳар ҳосил қилувчи функцияси ноишлаб чиқариш соҳасидан бўлган шаҳар манзилгоҳлари ҳанузгача вужудга келгани йўқ. Бироқ яқин келажакда бундай шаҳар манзилгоҳларининг шаклланиши шак –шубҳасиздир. Иккинчи тоифага кирувчи шаҳар манзилгоҳи Бухоро вилоятида дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи атрофида ташкил топиши мумкин. Чунки, Баҳоуддин Нақшбанд манзилгоҳи аҳолисининг $\frac{1}{3}$ қисми ноишлаб чиқариш соҳаларида банд. Манзилгоҳ аҳолиси асосан келиб –кетувчилар учун хизмат кўрсатади. Лекин Баҳоуддин Нақшбанд манзилгоҳининг келажакдаги ижтимоий – иқтисодий тараққиётини таъминлаш учун биринчи галда қулай инфраструктура тизимини яратиш ва хизмат кўрсатишни замонавий талаб даражасига кўтариш керак. Шу билан бирга дам олувчилар учун маълум бир мавсумда эмас, балки йил бўйи хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Бу эса, ўз навбатида ушбу манзилгоҳнинг ҳар томонлама ривожланишига тўртки бериш, унинг шаҳар манзилгоҳлари қаторидан жой олишига замин яратиш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларда «информатика» фанини ўқитиш бўйича бази мулоҳазалар

К.З. Абидов

Бухоро-озик-овқат ва енгил саноат технологияси институти

Кейинги йилларда Республикаимизнинг касб-ҳунар коллежларида «Информатика» фанини ўқишга эътибор ошди. Информатиканинг асосий хом-ашё ресурси ахборот бўлганлиги боис, уни ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш асосида мақсадли қарорлар қабул қилиш технологиялари ривожланди. Шунинг учун эндиликда касб-ҳунар коллежларини битириб, олий ўқув-юртларининг техник йўналишларига ўқишга кирган талабалар, уни «Информатика, информатсион технологиялар» фани сифатида ўзлаштирадиган бўлдилар.

Республикаимизнинг касб-ҳунар коллежларида «Информатика» фанини ўқитишда ягона ёндашишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада касб-ҳунар коллежларнинг моддий-техник базасини замонавий компютерлар билан жиҳозлаш тизимини сифат босқичида янада кенгайтириш, педагог кадрларнинг малакасини оширишга эътиборни қаратиш зарур.

Ҳозирги кунда «Информатика» фанини касб-ҳунар коллежларида ўқитишда бир қатор муҳим муаммоларни ҳал этишга тўғри келмоқда.

Бу муаммолар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги ташаббуси билан 2003 йил 16 сентябр куни “Математика ва информатика фанларининг Олий ва ўрта махсус, касб таълими муассасаларида ўқитиш ҳолати: муаммолар ва уларни ҳал этиш йуллари” мавзусидаги видеоконференцияда атрофлича муҳокама этилди. Видеоконференцияда Республикаимизнинг Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари “Информатика” фанини ўқитишнинг долзарб муаммоларини муҳокама этдилар.

Ҳозирги кунда «Информатика» фанини ўқитишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- «Информатика» фанини ўқитишнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш;
 - Касб-ҳунар коллежларида ва Олий ўқув юртларида «Информатика» фанини ўқитишда аниқ мақсад ва вазифаларни ҳамда чегараларни белгилаб олиш. Бунда «оддийдан-мураккабга, мисоллардан-умумлаштиришга» принципларига амал қилиш;
 - Фан буйича ишлаб чиқиладиган намунавий дастурлар ва улар асосида яратиладиган иш дастурларида бўлажак мутахассисларнинг касбий ориентациясини инобатга олиш ва албатта фаннинг калитли бўлимларини қолдириш;
 - Касб-ҳунар коллежларнинг моддий-техник базасини кенгайтириш ҳисобидан ҳар бир талабага мустақил равишда ҳафтасига камида 8-10 соат мустақил компьютерда ишлаш имкониятини яратиб бериш;
 - фанни ўқитишни педагогик технологияларини ва услубиётини тўла ўзлаштириш тамойилини, мустақил билим олиш, шахсга йўналтирилган ҳамкорлик ва ижодкорлик педагогикасини қайта кўриб чиқиш;
 - глобал тармоқ ресурсларидан самарали фойдаланиш, ахборот алмашув тезлигини ошириш учун оптик толали алоқа линиясига уланиш масаласини ҳал этиш;
 - талабаларни ахборотга бўлган ҳуқуқларини ҳамда эҳтиёжларини тўла қондириш;
 - Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллеж талабалари учун ўқув-услубий таъминот яратиш масалалари билан шуғулланувчи махсус илмий-текшириш институтини ташкил этиш;
 - Касб-ҳунар коллежларни лицензияли дастур маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш;
 - Информатиканинг долзарб йўналишларини ҳисобга олган ҳолда уларни алоҳида фан сифатида шакллантириш;
 - умумий ўрта таълимда ҳамкорлик педагогикаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва Олий таълимда ижодкорлик педагогикасини тадбиқ этиш;
 - Республикамиздаги «Информатика» фанлари буйича етакчи ўқув муассасаларини стандартлар ва дастурлар билан мувофиқлашувига эришиш;
 - тизимли ва тадбиқий дастур таъминоти бўйича мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш ва мутахассислар учун программалаш асосларини чуқурроқ ўргатишни таъминлаш;
 - талабаларда ижодий қобилиятни ривожлантиришни рағбатлантирувчи, таъминловчи таълим олишни интеллектуал тизимининг янги авлодини яратиш.
- Шунингдек, «Информатика» фанини ўқитишда талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, фаннинг алоҳида бўлимларини чуқурроқ эгаллаш мақсадида уларга махсус курсларни танлаш ҳуқуқини бериш керак. Бундай курсларга қуйидаги намунавий мавзуларни талабаларга бериш мумкин:
- Шахснинг информацион хавфсизлигини ҳимоялаш муаммолари;
 - Республикамизда информацион жамият қуриш асослари;
 - Сунъий интеллектнинг ривожланиш истиқболлари;
 - Вертуал реалликни акслантириш истиқболлари;
 - Мамлакат мудофаасида ахборот технологияларининг ўрни;
 - Шахснинг информацион маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий омиллари ва ҳ.к.
 - Юқорида таъкидлаб ўтилган масалалардан энг муҳими, талабаларнинг жаҳон ахборот инфраструктура бозоридан унумли фойдаланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, фанни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантиришдир.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари Ғ.Нормуродов

Навоий асарларида ёшларнинг билими, қобилияти, истеъдоди, руҳий кечинмалари яққол ифодаланган.

Шоир ижодида инсон қадри, унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида жуда керакли маълумотлар баён этилади. Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбубул -қулуб» ва бошқа асарларидаги етук, соғлом, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, билими, қобилияти ва истеъдоди ҳақида муҳим мулоҳазолар мавжуд. Шоир инсон фаолиятида билишнинг мазмуни, моҳияти, асосий босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва мураккаблик даражаларини асарлари мазмунига сингдирган. Алишер Навоий асарларида миллий қадриятларимизни ифода этувчи иймон ва эътиқод, меҳр ва оқибат, вафо ва муҳаббат, саҳийлик ва мурувват туйғулари у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Навоий маънавий меросида инсонпарварликнинг марказий қисмида нафақат одамларга нисбатан меҳр -оқибатли бўлиш, балки табиатдаги буюк неъматлардан фойдаланишда ҳам инсонийликни ифода этувчи воялар алоҳида ўрин тутди.

Шоир инсонга биологик ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудод сифатида қарайди ва баҳо беради. Ижтимоий мавжудот ҳисобланган инсоннинг онги, дунё қараш, маънавий қиёфаси ижтимоий муҳитга боғлиқдир.

Инсон ижтимоий муҳит ҳосили сифатида шаклланиб, камолотга эриша боради. Бошқача қилиб айтганда, инсонни ижтимоий мавжудодга айлантирадиган асосий омил жамият ва ижтимоий муҳитдир.

Алишер Навоий ижодини руҳшунослик фанлари нуқтаи назаридан ўрганиш инсон руҳиятининг кўпгина янги -янги қирраларини очишда ва уларга аниқлик киритишда кўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Шоир инсон руҳиятини олий неъмат деб билади, бунда ақл ва тафаккурнинг роли ва ўрнига алоҳида аҳамият беради.

Масалан:

Ҳар ишни қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод,
Усул ичра манга то бўлди матҳал,
Топилмас мушкул мен қилмаган ҳал!

Бобоколонимиз ижодида ақл ва тафаккурнинг қудратли кучи ва уларнинг маҳсули бўлган саҳийлик, ҳалоллик ва поклик, вафо,ишқ, меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, чин севги, нафс иймон ва эътиқод тушунчаларининг туб моҳиятини очиб беришда жамиятнинг тутган ўрнини алоҳида қайд этади ва руҳий жиҳатдан шеърини йўл билан изоҳлайди:

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ,
Ҳар кимда бу икки йўқ-иймон йўқ,
Ва ҳар кимда иймон йўқ -андин,
Одамийлик келмак имкони йўқ.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг руҳиятга оид қарашларини ҳозирги замон илмий фанлари нуқтаи - назардан ҳар томонлама ўрганиш даври етишди. Шоир ижодида кўплаб психологияга оид тушунчалар борки, уларни илмий нуқтаи - назардан таҳлил қилиш ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Алишер Навоийга ўхшаш аллома ва донишмандларнинг ижодини ўрганиш орқали биз ўзбек халқининг этник ва миллий халқ психологияси тарихини яратиш имконига эга бўламиз. Бу ҳозирги мустақиллик давридаги ўзлигимизни, ўз қадриятларимизни тиклаш ва англаш жараёнидаги энг муҳим янгилик ҳисобланади.

Минтақа ногирон болаларини масофавий таълим тизими орқали ўқитиш муаммолари

П. Р. Бозоров, Р.А. Жафаров, Х. Т. Юсупова

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти

Маълумки кейинги йилларда Республикамизнинг таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг турли табақа вакилларини билимга бўлган эҳтиёжини қондиришга эътибор ошди.

Бу борада жамиятимизда мавжуд яна бир муаммо хусусида фикр юритмоқчимиз, зеро ушбу масалани ижобий ҳал этиш, ахборот-коммуникация соҳасида фаолият олиб бораётган зиёлилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Албатта, масофали ўқитиш тизимида ногирон болаларни ўқитишни жорий этиш учун бир қатор ташкилий, ўқув-услубий, ҳамда иктисодий масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Республикамизда масофали ўқитиш моделини жорий этиш буйича ишлаб чиқилган концепцияга асосланиб, институтимизда ногирон болаларни ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича минтақавий модель яратилди. Унда, масофали ўқитиш курсларининг объектлари сифатида бир қатор вилоятлардаги ногирон болаларнинг шарт - шароитлари, уларнинг интеллектуал имкониятлари эътиборга олинган.

Масофали ўқитиш курсларини мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, муқобил модель ёки турлари танлаб олинади. Шунингдек, географик ҳудуднинг хусусиятлари, таълим муассасаларининг компьютерлашганлик ҳолати, замонавий информации ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳамда илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш ҳолатлари ҳам инобатга олинади.

Республикамизнинг ногирон болаларини ўқитиш борасида масофали ўқитиш курсларини лойиҳалашда, унинг консорциум моделини қўллаш яхши самара бериши мумкин. Ушбу модель асосида иккита Олий ўқув юрти масофали ўқитиш курсларини биргаликда ташкил этади. Ўқув ресурсининг электрон версияларини тайёрлаш, шунингдек виртуал гуруҳларни ташкил этиш ҳамда курсларнинг дастурларини аккредитация қилиш масалалари ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Масофали ўқитиш курсларининг модели танлангандан сўнг, ўқитишнинг муқобил тури белгиланиши керак. Ўқитишнинг муқобил турини белгилашда мавжуд алоқа каналларининг имкониятлари, ўқитиш воситалари, ўқувчилар орасидаги ўзаро ахборот алмашиш тизимининг такомиллашганлик даражаси инобатга олинади. Ҳозирги пайтда, масофали ўқитиш курсларининг бир нечта турлари мавжуд. Уларга комплекс «кейс-технологиялар», телевизион ва сунъий йўлдош каналлари, компьютерли тармоқ технологиялари мисол бўла олади.

Масофали ўқитиш курсларининг биз таъкидлаб ўтган ушбу турларининг ҳар бири ўзининг айрим ютуқ ва камчиликларига эга. Лекин улар ичида компьютерли тармоқ технологиялари асосида масофали ўқитиш тизимини ташкил этиш, ўзининг катта имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг негизи - Internet глобал тармоғи демакдир.

Бундай курсларнинг асосини турли интерактив электрон ресурслар, виртуал стендлар, ўргатувчи дастурлар, компьютерли тестлар, билимлар ва маълумотлар базаси ташкил этади.

Internet технологиялари асосида масофали ўқитиш курсларини ташкил этилиши ўқувчиларга комплекс ўқув-услубий маҳсулотларни етказиб бериш билан бирга, ўқув жараёнини бошқаришга, шунингдек тьюторлар ва ўқувчилар орасида семинарлар, консультацияларни ўтказиш, ҳамда ўқувчилар билимини назорат этишнинг мониторингини ташкил этиш имконини беради.

Масофали ўқитиш курсларини ташкил этишининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ушбу тизим ўқув маҳсулотларини ишлаб чиқишда комплекс ёндашувни талаб этади. Бу борада ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш, прогрессив технологиялар асосида машғулотларни ташкил этиш, фанлар мазмунини модуллар кўринишида ифодалаш, ўқув материалларининг ўзаро алоқадорлигини ўрнатиш, фанлар кетма - кетлигининг структурлаштириш, сифат ва самарадорлигини таъминлаш, шунингдек медиатека технологияларнинг ютуқларига таянган ҳолда интерактив мулоқотни такомиллаштириш талаб этилади.

Масофали ўқитиш курсларини ташкил этишда ўқув жараёнини режалаштирилишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Ўқув жараёнини режалаштиришда, белгиланган вазифаларни босқичларга бўлишни, ҳамда ўқув жараёнларининг қуйидаги ташкил этувчиларига эътибор беришни тавсия этамиз:

- ўқувчиларнинг ёшини инobatта олган ҳолда, ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- ўқитиш услубиётини танлаш;
- ўқув материалларга қўйиладиган услубий талабларни ишлаб чиқиш;
- дарс жадвалини ишлаб чиқиш;
- ўқув жараёнининг мониторингини ташкил этиш;
- назорат тадбирларини режалаштириш;
- ўқувчиларнинг мустақил ишларини режалаштириш;
- таълим жараёнига алоқадор шахсларнинг ўзаро мулоқот шакл ва турларини режалаштириш;
- ўқитиш натижаларини баҳолаш меъзонларини аниклаш;
- яқуний хулосалар чиқариш.

ХІХ асрнинг 80- 90 йилларида Бухоро амирлигида пахтачилик ва пиллачиликнинг аҳволи (Бухоро амирлигидаги Рус сиёсий агентлиги архив ҳужжатлари асосида)

**Б.Б.Болтаев
Бухоро давлат университети**

Бухоро амирлиги Чор Россияси томонидан ярим мустамлакага айлантирилганидан сўнг амирликнинг фаолияти 1885 йилнинг охирига қадар бевосита Туркистон генерал губернаторлиги томонидан назорат қилиб турилди. Амирлик билан 1868, 1873 йилларда тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент ва Самарқанддан туриб амалга оширилар эди.

1886 йил 1 январидан бошлаб амирлик фаолиятини назорат қилиб турувчи махсус идора Бухоро амирлигидаги Рус сиёсий агентлиги амалий иш бошлади. ЎзРМД архивининг ФИ-3(Бухоро амирлигидаги Рус сиёсий агентлиги) фондида тўпланган манбалар ва тарихий ҳужжатлар Бухоро амирлиги иқтисодиётини илмий жиҳатдан ўрганиш учун катта аҳамиятга эга.

Архив ҳужжатларининг гувоҳлигича 1880 йилларда бекликларда буюдой, арпа ва маккажўхори сингари донли экинлар экиш кескин камайиб пахта далалари ошиб борган.

“ Карки беклигида буюдой ва арпа ҳатто майда дехқон хўжаликлариди ҳам жуда оз миқдорда экилаяпти, ҳозирда фойдаланилмай қўйилган ерлар ўзлаштирилиб пахтачиликка ўтказилмоқда⁵⁶”, - деб маълумот берилади архив ҳужжатларида.

Пахта экиш ишларини русларнинг Миндер Москва савдо фирмаси Карки беклигида бутунлай ўз қўлига олиб, етиштирилган пахтани ўша жойда қайта ишлаб ярим фабрика ҳолатига келтириш чораларини кўрган.

Рус фуқароларидан ушбу бекликда америка нави пахтасини илк бор эккан саноатчи Давлигаров Каркида керосин двигателида ишлайдиган пахта тозалаш заводини 1887 йилдаёқ очган эди⁵⁷. Архив ҳужжатларининг маълумотига кўра пахта эккан майда дехқон хўжаликлари хонавайрон бўлиб, ер мулклари йирик рус фирмалари қўлига ўта бошлайди⁵⁸.

Пахта етиштириш ва қайта ишлаш заводларини барпо қилишда рус маъмурияти Россия савдо ва саноат фирмалари маблағи билан бирга обрў эътиборли маҳаллий бойларнинг имкониятларидан ҳам фойдаланди.

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган пиллачиликни амирлик ҳудудида кенг йўлга қўйишда “ Кавказ пиллачилик станцияси, меҳнат”, фирмасининг фаолияти муҳим роль ўйнаган. 1892 йилда Бухоро амирлигидан Россияга 3 хил навли ипак етиштириб берилган⁵⁹.

Биринчи навли ипак оддий ипак бўлиб 1000 минг пуд ёки 4000 минг ботмон миқдорида Россияга сотилган, бир ботмон оддий навли ипак 100-130 танга баҳоланиб жами 520000 минг танга миқдорида ипак сотилган⁶⁰.

Олий навли ипакнинг бир ботмони 300-330 танга баҳоланиб, жами 1600 ботмон ипак савдо шаҳобчаларидан 528000 минг тангага сотилган⁶¹.

Учинчи навли ипак тури калава деб аталиб 2000 минг пуд миқдорида сотилди. Бир пуд калаванинг нархи 80-90 Россия рублида баҳоланган⁶².

Ушбу рақамлар Бухоро амирлигидан Россияга катта миқдорда пахта ва ипак маҳсулотлари чиқарилганлигидан далолат бериб турибди. Россиянинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликдаги савдо саноат фирмалари Бухоро амирлигида пахтачилик ва пиллачиликни ривожлантириш масаласини кун тартибига муҳим вазифа қилиб қўйган.

Маълумотларда Бухорода ипакчиликнинг кенг миқёсда ривожланишига тўсқинлик қилган омиллар: тут дарахтларининг кесиб йўқотилаётганлиги, янги тутзорлар барпо қилинмаётганлиги, ипак қурти етиштириш станциясининг мавжуд эмаслиги қайд қилинади⁶³. Карки ва Чоржўй бекликлариди ушбу соҳаларни ривожлантириш масаласида Бухоро амирлигидаги Рус сиёсий агентлиги номига рус фуқаролари томонидан бир қатор аризалар тушганлиги юқоридаги фикримизни исботлайди.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Россия империяси ўлканинг энг муҳим табиий бойликларини имкон қадар кўпроқ ўзлаштириб, ўзининг

⁵⁶ ЎзРМДА. Ф-3 И 1- р 78 122в.

⁵⁷ Ўша жойда.

⁵⁸ ЎзРМДА. Ф-3 И 1- р 78 123в.

⁵⁹ Ўша жойда.

⁶⁰ ЎзРМДА. Ф-3 И 1- р 78 146в.

⁶¹ ЎзРМДА. Ф-3 И 1- р 78 147в.

⁶² Ўша жойда.

⁶³ Ўша жойда.

хом ашё базасини мустақкамлаб саноат маҳсулотлари сотадиган бозорига эга бўлиш мақсадини кўзлаган эди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий меросига доир

О.Г.Гаймназаров

Гулистон давлат университети

Ўрта асрнинг буюк ҳомусий олими Абу Жафар Муҳаммад бинни Муссо ал-Хоразмий (783-850) ўзининг табиий ва ижтимоий фанлардаги машҳур кашфиётлари билан инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. У математика, астрономия, география, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича муҳим ишлар олиб борди. Биз бу ерда унинг математика, астрономия ва география соҳасидаги илмий меросига доир баъзи маълумотларни келтирамиз.

«Алгебра» фани уни номи билан юритилиши ҳаммамизга маълум. Унинг математикага доир ишларидан иккитаси энг муҳим деб ҳисобланади:

- 1) «Ал-Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобала»
- 2) «Китоб ҳисоб ал-адад ал-Хинди» билан бирга «Китоб ал-жам ва-л-тафрик фи ҳисоб ал-Хинд»

Бу илмий ишлар XII асрдаёқ латин тилига таржима қилинди ва Фарбий

Европада арифметика ва алгебранинг ривожланишига асос бўлди. Унинг биринчи асарида биринчи ва иккинчи даражали алгебраик тенгламалар назарияси баён этилди ва у дунёга машҳур бўлди. Ҳозирги кунлардаги биз фойдаланаётган квадрат тенгламани ечиш усулини (формуласини) ал-Хоразмий ўша вақтда (825 йилларда) яратган эди.

Ал-Хоразмийнинг иккинчи математик асарида ҳисоблашларни ўнли системада нолни тадбиқлаб (биринчи марта) олиб борган ишлари жаҳон математиклари орасида тез ва кенг маънода тарқалди. Бунда у ўнли системанинг бошқа системаларга нисбатан афзалликларини кўрсатиб, бошқа системада ёзилган сонларни ўнли система орқали ифодалаш ва амалларни бажариш қоидаларини кўрсатиб берди, ҳамда бу билан Европада қўлланиб келинаётган Рим рақамидаги ва сонларни сўз орқали ёзиб бажаришдаги ноқулайликларни енгилаштирди.

Ал-Хоразмийнинг илмий меросининг яна бири унинг астраномик жадвали «Зиж ал-Синдхинд»дир. Бу асарнинг латин тилига таржима қилиниши Фарб мамлакатларида астрономия фанининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди. Бу асарда сонли жадваллар билан бирга астрономия бўйича бир қатор назарий муҳокама-мушоҳадалар берилган. Бундан кейинчалик Аҳмад ал-Фарғоний (862 йилда вафот этган) «Геометрия ёрдамида астралябиядан фойдаланиш» номли асарида фойдаланди. Беруний (973 йилда туғилган) ҳам ал-Хоразмийнинг «Ой назарияси» бўйича олиб борган ишларидан ҳабардор бўлиб Қуёш ва Ойнинг диаметрини ҳисоблашлари қанчалик аниқлаганига баҳо берди.

Агар И.Кеплер (1571-1630) нинг астраномик текширишларига аҳамият берилса, унда у ал-Хоразмийнинг астраномик методларидан фойдаланганлигини кўриш мумкин. Масалан: «Эксцентрик аномалия»ни аниқлашни келтириш мумкин. Умуман айтганда ал-Хоразмийнинг астраномик жадвалларидан унинг вафотидан кейин астраномлар 200 йил давомида фойдаландилар.

Ал-хоразмийнинг яна бир машҳур илмий мероси дунёнинг «Маъмун харитаси»ни (Маъмун 813-833 йиллар халифалик қилган) яратишдан иборатдир (улардан фақат 4 таси сақланган). Бу унинг «Китоб сурат ал-Арз» асарида баён этилган. Бунда у дунёни

шарқдан ғарбга ўтувчи 7 та кенгликка, поясга («хафт иқлим») бўлади. Бундай 7 иқлимлик бўлиш, кенгликни градус бўйича тақсимлаш, география фанига қўйилган дастлабки қадам бўлди. Ал-Хоразмий томонидан тузилган хариталар Ўрта Осиё картографиясида энг аввалгилари бўлиб ҳисобланади. Ал-Хоразмий ҳаритасида («Жазират ал-йакут») афсонавий Атлантиданинг тасвирланганини кўрамиз. Унинг ҳаритасида Атлантика океанининг тубидан ўтувчи «Ер камари» деб аталувчи ягона тоғ занжири тасвирланган. Ернинг шар шаклида эканлиги ва унинг айланасини меридиан бўйича ўлчаш ал-Хоразмий ҳамда унинг ҳамкасблари учун абстракт гипотеза бўлмай, амалий ечилган масаладан иборат эди.

Халифа Маъмун олимларининг ҳисоблашларича Ер шарининг айлана узунлиги 47325 км. Ҳисоблашларни «Байт ал-Ҳикмат» («Ҳикматлар уйи» ёки «Донишмандлар уйи») мутахассислари олиб борган эди. Халифа Маъмун даврида 2 марта эксперимент ҳисоблаш олиб борилди. Иккинчи марта ҳисоблашда ер шарининг айлана узунлиги 40252 км атрофида эканлигини аниқлади.

1967 йили Ҳиндистондаги Алигарх университетининг фалсафа доктори С.Разия Жафри хоним ал-Хоразмийнинг Ер сиртининг ҳаритасини реконструкцияси (тиклаш) бўйича кўп йиллик илмий тадқиқот ишини охирига етказди. Ал-Хоразмийнинг «Китоб сураат ал-Арз» асарининг тексти ва ундаги астрономик жадвалларнинг («Зиж») картографик интерперитация бўйича анализ қилиб С.Разия Жафри хоним тарихда биринчи марта дунёнинг «Маъмун ҳаритаси»ни тўла тиклашга муяссар бўлди.

«Маъмун ҳаритаси»нинг интерперитацияси замонавий картографиянинг принципларига ва терминалогияларига асосланади. С.Разия Жафрининг ишлари бундан 1170 йил олдин «Байт ал-Ҳикмат» жамоаси тузган дунёнинг «Маъмун ҳаритаси»нинг асл нусхаси (копияси) деб қаралмайди, албатта.

Жалолиддин Мангуберди жасорати тарихий манбаларда

С. Иноятов, О.Ҳайитова
Навоий давлат кенчилиги институти

Истиқлол туфайли Ватан қаҳрамонларининг, мустақиллигимиз учун курашганларнинг улуғ номлари қайта кашф этилди. Шулардан бири Жалолиддин Мангубердидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрда И.А.Каримов имзо чеккан “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида” ги қарори жасоратли қаҳрамоннинг дунё тарихида тутган ўрнини ҳолисона ўрганишда муҳим саҳифа бўлди. Юбилейга тайёргарлик авж олиб юзлаб мақолалар, ўнлаб китоблар нашр этилди.

1999 йилда миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз И.А.Каримов нутқ сўзлаб “Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз- авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради”⁶⁴, - деб ўқтирдилар.

Мангуберди сиймоси нафақат Хоразм диёрида, балки бутун Ўзбекистоннинг ҳам фахри, ҳам ғуруридир. Мангубердининг мўғулларга қарши курашдаги матонати, унинг мардлиги хусусида ўрта аср араб муаррихлари, Ўрта Осиёлик ва хориж

⁶⁴ Каримов И.А. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. 1999 йил 5 ноябр. 8Т, Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 75-б.

тарихчиларининг кўплаб асарлари мавжуд. Бу манбалар бизни Жалолоддин Мангубердининг мўғил босқинчиларига қарши қарийб 10 йил олиб борган матонатли курашидан воқиф этади.

Жалолоддин Мангуберди ҳақида қатор тарихий китобларда маълумотларни учратамиз. Айниқса, Муҳаммад ан-Насавийнинг “Сийрат ас- султон Жалол-ад -Дин Мангубурни”, Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо”, Абул Фидонинг “Ал мухтасар фи тарихи башар”, Ибн Асирнинг “Ал Комил фи тарих”, Ибн Бибининг “Ал авомирул алония” асарлари ва кейинги давр муаллифларидан Фуод Кўпрулунинг “Хоразмшоҳлар”, Иброҳим Қофасўғлининг “Хоразмшоҳлар давлати тарихи”, Г.Брокгелманнинг “Ислом миллатлари тарихи”, Зиё Буниёдовнинг “Хоразмшоҳлар-Ануштегинлар давлати”, Ҳабибулла Зайниддиннинг “Жалолоддин Мангуберди”, Исо Жабборовнинг “Буюк Хоразмшоҳлар давлати”, Шавкат Саидовнинг Жалолоддин Мангуберди “Давлати ва жанговар ҳаракатлар харитаси”, Ҳ.Нурмуҳамедов, Н.Ҳабибуллаев “Жалолоддин Мангуберди” каби асарлари қимматли маълумотларга бойдир.

Жалолоддин Мангубердининг шахсий котиби тарихчи Мунший Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий уни қуйидагича таърифлайди: “Тақдир Жалолоддиннинг бошига не ташвишларни гирифторм қилмади: у йиқилди ва яна турди, қалбидаги умид учқуни сўнди, аммо бу учқун яна пайдо бўлди... Унинг бошидан кечирган саргузаштлар ҳам адоқсиз, қўрқинчли, айни пайтда ғаройибдир. Бунинг учун унинг ўн бир йил давомида ўн тўрт марта офир ва даҳшатли, ҳал қилувчи жангларга бошчилик қилганлигини эслашнинг ўзи кифоя!”².

Ўрта аср тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ “Жоме ут-таворих” асарида Чингизхоннинг юришларини баён этиб, Султон Мангубердининг “ботирлигини таҳсинга сазовор” эканлигини алоҳида ўқтиради.³

Мустақиллик шарофати ила миллий қаҳрамонларимизнинг тапталган номлари тикланди, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида китоблар, қисса ва дostonлар ёзила бошланди. Улар фаолиятига холисона баҳо берилди.

Она юртига бўлган чексиз меҳр ҳисси, айниқса фарзандлик бурчи уни шу қадар машҳури жаҳон қилдики, ҳатто унинг номини эшитган Чингизхоннинг юзи тундлашган, қаттиқ безовта бўлган, уни қўлга тушириш чораларини излаган.

Жалолоддин Мангуберди жасорати ҳақида Чингизхон ўғилларига қарата шундай деган: “Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можорада тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазойи қадар қаршида қудрат қўлини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (казо) қутулиб бўлмайди. Нима қилсин – қилмасин бу улур худо ишидир”⁴. “Тўрт улус тарихи” китобидан жой олган бу таъриф Султон Жалолуддинга берилган юксак баҳодир.

Мангубердининг Темур Малик билан биргаликда 1221-1231 йиллар давомида Афғонистон, Синд, Эрон ва Ироқда мўғулларга қарши курашдаги бетакрор матонати хусусида Темуршунос олим Б. Аҳмедов “Тарихдан сабоқлар” китобида қизиқарли тарихий фактларни келтиради⁵.

Таниқли венгр олими Ҳ.Вамберининг маълумот беришича, бир сафар мўғуллар Ҳинд ерида Жалолоддинни таъқиб этиб, унга ғоятда яқинлашиб борадилар: “Мўғуллар сафларини тезлаштириб, ғалаба қилган шахзоданинг ортидан кетдилар. У

² Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Мангубурни. Т. “Ўзбекистон”, “Ёзувчи”. 19-20 б.

³ Қаранг: Е.Бертельс, Л.А. Хетагуров. Джаме ат-таворих. М.: “Наука”, 1968. стр 37.

⁴ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994, 183-84 б.

⁵ Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. Т. 1994, 426-28 б.

(Жалолиддин) ғазабланган арслон каби душманга гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотдан, баъзан марказдан ҳужум қилди”⁶.

Мангуберди таваллуди муносабати билан, унинг хотирасини ҳурматлаб, Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда унинг номига ёдгорлик мажмуи ўрнатилиши ва унинг номи билан аталган орден ташкил қилиниб, биринчисининг Хоразм вилоятига берилиши тарихий воқеадир⁷.

Бухоронинг қадимги қишлоқлари.

Г.Ҳалимова

Бухоро давлат университети

Жойнинг табиий-географик хусусиятига кўра қишлоқлар тарихан катта-кичик ва турли шаклда бўлган. Ер юзаси нисбатан текис, серсув ва тупроғи серунум бўлган жойларда аҳоли анча зич жойлашиб, йирик қишлоқлар вужудга келган. Бундай қишлоқлар аҳолиси асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Ер юзаси нисбатан текис аммо суви кам бўлган жойлар (чўл зонаси)да аҳоли сийрак бўлган қишлоқлар бир-биридан узоқда, одатда қудуқлар атрофида жойлашган ҳамда аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланган. Тоғли районларда эса сойлар бўйларида, булоқлар атрофида қишлоқлар зич ва аҳоли гавжум бўлган.

Қадимда қишлоқлар дастлаб кўчманчи аҳоли манзилгоҳлари асосида ташкил топган. Хусусан, Ўзбекистонда қишлоқлар одамларнинг қиш фаслида қишлаб кетадиган жойи (“қишлов”) сифатида вужудга келган. Кейинчалик одамлар деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқлик даврига ўтганда бир уруф ёки қабиланинг бир қишлоқда жойлашиши билан доимий истиқоматга эга бўлган қишлоқлар пайдо бўла бошлаган. Бундай қишлоқлар баъзан шу уруф номи билан юритилган. Бухоро вилояти ҳудудида ҳам уруф ва қабиланомлари билан боғлиқ бўлган қишлоқларни кўплаб учратиш мумкин. Арабхона, Боғитуркон, Минглар, Оғар, Сарой, Ўзбакон, Қорахони, Қиётон, Қирқлар қишлоқлари шулар жумласидандир.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида (943-944 йиллар) Бухорода вужудга келган қадимги қишлоқлар ҳақида маълумот берилган. Асарда ёзилишича қишлоқлар асосан дарё ва йирик анҳорлар бўйларида жойлашган ва ҳар бир қишлоқда масжид ҳамда бозор бўлган. Асарда 12 та анҳорнинг номи келтирилган:

1 Кармана;	7 Байконруд;
2 Шопурком;	8 Фаровизи Улё
3 Харконат ул-Улё;	9 Фаровиз ис-Суфло;
4 Харконруд;	10 Арвон;
5 Овхатфар;	11 Кайфур
6 Самжан;	12 Руди Зар

Наршахий ўз асарида Бухоронинг қадимги қишлоқларини таърифлайди. Жумладан, шундай қишлоқлардан бири Варахшадир. Бу аҳоли манзилгоҳи ҳатто Бухоро шаҳридан ҳам қадимийроқ бўлиб, йирик қишлоқлар жумласига киритилади.

⁶ Қаранг: А. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. 1991. 26-б.

⁷ Каримов И.А. Ватан мукофоти – Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи. Т. 12. Т.: “Ўзбекистон”, 2004, 51-б.

Бу қишлоқ ҳудудида 12 та ариқ бўлган. Қишлоқ атрофи баланд девор билан ўралган.

Қадимийлиги жиҳатидан Бухоро шаҳридан қолишмайдиган қишлоқлардан яна бири Вардона қишлоғи ҳисобланади. Бу қишлоқ ҳозирги Шофиркон тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг асоси бўлган дастлабки қўрғонни Шоҳпур Малик бунёд этган. Шоҳпур Малик бу ерда дастлаб катта бир анҳор қаздирган. Халқ уни “Шопурком”, яъни “Шоҳ ўғли қазиган ариқ” (пур-ўғил, ком-ариқ, канал) деб атади ва бу анҳор бўйлаб қўрғон ва қишлоқлар вужудга келади.

Ромтин (Ромитан) катта бир қалъага эга ва мустақкам бир қишлоқ бўлиб, бу қишлоқ ҳам Бухородан қадимийроқдир. Баъзи адабиётларда буни Бухоро деб ҳам атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган, кейинроқ эса, Бухоро шаҳри бунёд этилгандан сўнг, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгариши туфайли ушбу қишлоқлар ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Ўрта асрларда йирик савдо, ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган Варахша шаҳри ҳозирги кунда тарихий ёдгорлик-тепа сифатида сақланиб келмоқда холос.

Вардонзе тарихий ёдгорлиги эса ҳозирги даврда Шофиркон ўрмон хўжалигига қарашли “табiiй ёдгорлик” сифатида 300 гектар майдонни ташкил қилиб турибди.

Ромитан қишлоғи, яъни Ромитан қўрғон ҳам айна пайтда ёдгорлик сифатида сақланиб келмоқда.

Бухоронинг қадимги қишлоқлар тарихини комплекс ўрганиш, тарихий қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва уларни асраб-авайлаш ҳар бир Ўзбекистонлик, бухороликнинг муқаддас бурчидир.

Дунё халқлари анъаналари ва урф-одатларининг муштараклиги

С.Х. Хўжаёров О.Х. Тураева
Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти

